


Уз 2
М 37.

Гилаб МАХМУД

Омонат дунё



Kitob shu erda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart


Qo'ng'ir belgilangan muddat _____

--	--

Тилаб Маҳмуд

ОМОНАТ ДУНЁ

Қисса ва ҳикоялар



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШИ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2004

1999 йили «Шарқ» нашриётида «Оқар даре оқмасиди жинитина» номли ҳикоялар тўплами божмадан чиққан эди. Тез кунлар ичида бу китоб тилга тушиб, жамоатчилик орасида, матбуотимизда ўзининг илқ баҳосини олди. Ушбу китобнинг муаллифи — фалсафа фанлари доктори, профессор, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати Тилаб Маҳмудов эди. Маъкур муаллифнинг қўлнгидаги янги ҳикоялар мажмуасини биринчи китобнинг бадиий-маънвий давоми десак бўлади. Уларда утган аср ва шу бугунги кундаги турли тифа одамларнинг рухий кечималари ўз аксини топган. Одатда биз унчалик илғамайдиган ёки эътиборсиз қолдирадиган ҳолатларни муаллиф тақдир тақдоси билан ўзвий боғлаб, уларнинг счнмларида фалсафий бир маъно кўради.

Маҳмуд Тилаб

Омонат дунё: Қисса ва ҳикоялар. — Т.: «Шарқ»
2004. — 256 б.

ББК 84Ў37 4

ИСТИСНО АДИБ

*(Файласуф Тилаб Маҳмудовнинг бадиий ижоди
хақида уйлар)*

1

Тасаввур этингки, тоғлар бағридаги кичик бир кишлоқда таъсирчан ва кузатувчан бир бола яшайпти. Унинг боболари ўзига тук, маърифатли ва мурувватли одамлар утганки, жамоани факиру давлатмаңда ажратмаганлар. Айни чоғда улар ёнгда меҳнаткаш-меҳнатсевар бўлишган... Бу болакай уларни ғира-шира эслайди ва ўзи сезмагани ҳолда уларнинг кичик бир нусхаси каби ҳаёт кечиради. Ўттизинчи йиллардаги ялпи колхозлаштириш даврида бошқа бой оилалари каби ушбу Болабойинини ажодлари ҳам фақирликка юз тутиб, энди қатлама-патирлар урнига зогоранон ейинга, хитойи хушбуй чой урнига олмақоқи қайнатиб ичишга мажбур бўлиб қолишган. Болакай ҳаётнинг бу азобли-потанти эрилишини-да қандайдир даражада табиий ҳолдек қабул қилиб, ушбу ҳаёт тарзида яшай бошлайди. Унинг кейинги ҳаёт кечирини Ўзбекистоннинг ҳам Жаҳон урушига торчилини даврига тўғри келади ва «тыл» аталмиш «уруш ортидаги Ватан»нинг забун ҳаёт тарзида давом этади. Урушдан кейин «тетапоя» бўлиб унглапа бошлаган турмушининг ҳам барча аччиқ-чучукларини эл катори татиб куради...

Ва ҳоказо-ҳоказолар сунгида ушбу Болакай санъатшунюс-файласуф бўлиб етишади.

Бундай касб-ҳунарга беихтиёр ихтисосланишга унинг феъл-атворидаги ғайриоддий ҳаётсеварлигу пчки олами тақозосида камолотга етишишга интилгани, пироварди, кузатувчанлиги ҳам омил бўлгани шубҳасиз. Яъни, унинг табиий кузатувчанлиги ота-онасию қуни-қуниқларининг барча-барча ҳатти-ҳаракату узаро муомала тарзларини беихтиёр урганишигагина сабаб бўлиб қолмай, атрофини ўраган муҳитни, яъни, анави тоғу тоилару яйлову утлоқлару гуллар-чечакларинигина сезиш ва урганиш ила чекланмасдан, бўлутларнинг осмон бўйлаб сузилишарию ёмғи-

ру дўлларнинг тасир-тусир қилиб ёниб қолишлари, кишлок пойидан айқириб оқувчи дарёча тўлқинларини-да севиб-суюб кузатишларида ҳам беихтиёр намоён буларди. Тарин: бу кузатувчанлик замирида унда табиатан мавжуд бўлган ҳислар — масалан, андиша ва камсуқумлик, одамларни насту баландга ажратмасдан севиш ва ул одамларнинг аччиқ ёхуд тотли, мунгли ёки шодон, аламли ё бахтли қисматларига қалбдан шерикликни туйиш ҳислати ҳам ётар эдики, бу ҳолисона, айни чоғда дилкашона муносабат Қаҳрамонимиз онгида инсоннинг умумқисмати ҳақида терап фикрлар юритишга ундар эди: балки Инсон ҳақидаги «фавлар фани» бўлмиш — Фалсафага қизиқиниш ва файласуф бўлиб етишувига ани шу барча инсонсеварлиги ҳам сабаб бўлгандир.

Энди. Унинг Санъатсевар бўлиб-да етишувига келсак, айтмоқ лозимки, бу муҳаббат аввало Унинг Тасвирий санъатга беихтиёр ошуфта бўлиши — тасвирий санъат асарларидаги турфа-туман манзараларни ўзи болаликда кўриб ва севиб қолган манзараларининг анчайин кичик-миниаюра шаклида намоён бўлиб турганидек туюлишидан ва шу боис Санъатнинг бу турини онгли ҳамда илмий равишда ўрганишга бўлган эҳтиёждан пайдо бўлган, дейиш мумкин-ов...

Бас, ҳулоса шудки, биз бошда кўрганмиз ўша Болакай — ўша тоғ кишлоғидаги табиатини одамларни севиб ва кузатиб эгани таниган йигитча... оқибат, санъатшунос-файласуф бўлиб етишди.

Тўғри, албатта, бу узун йўлда бошқа кўп омиллар-да сабаб бўлган — ҳа, беихтиёр шу йўлни таппаб, шу йўлнинг йўлчиларидан бири бўлиб етишувига.

Аммо, бизни, яъни ушбу изохотни битаётган каминани кизиқтирган икки омилни бир қадар шарҳладик, ҳолос. Агар ўша икки омилни — Табиату Жамиятни кузатиш севишини қисқартириб айтадиган бўлсак, Қаҳрамонимиз, демак, Ҳаётни кузатган ва уни ички меҳр-ла севган бўлиб чиқади.

Маълумингиз, инсон табиаи шундоқки, у ўзи севган билган-кузатган ва меҳр қўйган «пямарсалари» ҳақида кимгадир бир кимсага юрак ёргиси қолади.

Модомики, ундай дилтортар киши топилавермаса, Ул инсон учун биргина йўл қолади: яъни, Ўзига ўзи айтиш — ҳикоя қилиш, анкрофи, ўзи билан хасратлашиш қолади, ҳолос.

Табиийки, узи билан узи хасратлашишининг маданий оламдаги усули — Ёзиш: ошпоқ қоғозга уша хасратини тукини ва табиийдирки, бундан завқлашни қолади.

Энди дег, бу тахлит кўнгил бўшатиш — Табнату Инсон ҳақида калбида жумбўш қилароқ ташқарига талпынаётган «бисот»ни Ёзиш орқали баён этишни...

нима деб атайдилар?

Ёзувчилик, ҳа.

2

У ёза бошлады.

Ҳурматли ўқувчи, У «ёза бошлаган»да — яъни бириччи бор ошпоқ қоғоз устига энгашган чоғида, — ундан «нима» чиқишини кўтири мумкин эди? Табиий ҳол: бу файласуф-санъатшунос олим қўрган-кечирганларини бир чехкадан ёки таппаб-таппаб, айни пайтда ёдига тушганларини «хотира» сифатида ёзиб кетишинини кутса бўлармиди?

«Ҳа-да», дейишиниғиз турган гап.

Аммо... бу одамда «Санъат»ни ҳис этиш ута кучли эди. Яъни, ўзиниғизга маълумки, «Санъат» мукаммаллик рамзидир бир ҳисобда. Шуниғиз учун бирон-бир машпоқ бирон-бир кўйни жудаям қотириб чала билса, у ҳақда: «О, санъат даражасига кўтарди-я!» деймиш. Ёки бирон улў меъмор ажойиб бир иморат тархини яратиб кўйганини кўрсак, яна бенхтиёр: «Бу иморат эмас, бу санъат-ку!» деб хитоб қилишимиз мумкин. Чўнки бу каби ижодкорларнинг бори-борлиғида наинки Мукаммалликка иштилош истағи-ҳисси мавжуд бўлади; балки Гузаллик туйғуси таколосида ҳам яратган бўладилар уш асарларини; демак, Мукаммалликнинг замирида Гузаллик ётар экан, тағин бир қизик ва табиий «ҳосил» этишдан бу ижод намуналаридан: яъни, улар ижодининг маҳсулини кўриб тан олиш ва уларнинг гузаллигини ҳис этиш билан қаноатланмай боз бир улў ҳисни туямиз: яъни, ўзимизни камида арна бўйи ўсгандек — қалбимизу онгимиз не бир ажиб маънавий озикалардан баҳра олгану хийла кешгайгани-ўсганини ҳис этароқ Инсоний камолот сари бир сантим эса-да олға босганимизни-да англаб-англамай қоламиз. Пироварди...

...бу сўнги «ҳол»ни — санъат асарининг тарбиявий аҳамияти самарасидир, деб айтамыз...

Эътибор бергансиз албатта: шундай одамлар бўладики, деярли ҳар бир ғанчию сўзни муомалада шундай қўллайдиларки, ёқа ушлаб қолишимиз мумкин, ҳатто айтган сўзларининг оҳангидан — айтилиш тарзидан ҳам завқланиб кетамиз.

Тағин шуниси ҳайратомузки, бу сузамол илсон уша гапу сўзларни жуда унчалик уйлаб-чуйлаб, масалан, эшитувчиларни қойил қолдириш учун айтмаган бўладилар: шунчаки, уларнинг сўзлаши ўзи — ушбудан иборат эканини кейинроқ англаб етамиз.

Хуш, бундай илсоннинг «сўзлаш тарзи» ҳақида гап кетганда, орқаворотдан нима деб айтишимиз мумкин?

«Сўзни ҳис этар экан-а...»

Бизнинг Қаҳрамонимиз пайёнки Сўзни ҳис этар эди ва ундан лаззатланар эди, балки шу Суздан қурилган Санъатни-да, яъни Адабиётни-да беихтиёр назик ҳис этар эдики, демак, бу кишининг ёзгани, дейлики. «хотираси»-да ҳам ўзига ҳос бир мукаммаллик ва гузатлик бўлишини кутиш мумкин эди.

Алқисса, Унинг — санъатшунос-файласуфнинг илк бор оқ қоғозни қоралашидан...

нимани чикди?

Ғалати бир ҳикоя чикди.

Ва У ушбу қораламани қайта уқиб қуриб, беҳад завқланди, қандайдир бўшанганини ҳис этди ва яна бир «нарсани» яратишни кўнглига туккани ҳолда, ҳалиги «нимарса»ни столи тўртмасига солиб қўйди. Уни бировга кўрсатишни, ҳатто энг яқин кишига ўз аёлига ҳам уқиб беришни уйламади: илло, ушбу «нимарса»ни ўзи учун ёзган эди!

О, «бировлар учун...» деб ёзганида борми... Шундай бир масъулият ҳисси бутун борлигини ўраб-чирмаб олардики, бу дахшатли туман ортидан кўзларини лўқ қилиб тикилиб турган китобхон ҳам кўринарди, албатта. Содда муаллиф эса яна-да довлдирай бошлаб, китобхонга: «Не гуноҳим борки, бундай украсиз?» дейиши ҳамон китобхон-соя: «Езувчилikka даъвойишгиз бор-ку?» деб жавоб берарди, албатта. Шу асно соддадил Қаҳрамонимиз ҳайрат ила: «Менда бундай даъво йўқ эди...» деб шивирлагани ҳолда, ич-ичидан чиққан бошиқа бир овозни-да эшитарди: «Даъвойинг бор. Йўғасам «китобхон учун...» деб ёзмас эдинг». Ха-ха, буни эшитиб қолган санъатшунос-

файласуф дарҳол ўйга толиб, дарвоқе!, «хикоя» жанрида яратилган санъат асари қандок бўлиши лозим экани — бу жанрнинг ўзига хос хусусиятлариди бу жанрда ижод этган улуг-улуг ёзувчилар асарлари ёдига тушиб кетар, улардан, айниқса, дунё адабиётшўнос-олимлари тан олишган хикоялар-да кўз олдига келиб, ўзининг «қораламаси»ни ўшалар ила қандайдир қиёсламоқчи бўлаётганини ҳам сезароқ бирдан қарах! тортиб қоларди: ҳа-йўк, улар — бошқача, улар баландда — осмонда... ўзининг «ёзгани» эса ўта заминда — заминий, яъники, ўзига таниш тоғлар қуришонида умргузаронлик ила машғул одамларнинг ҳаёт тарзида эканини қураб ва эҳтимолки бирдан қоғозни нарига суриб юборар, ёзишдан қули совуб қолар эди.

Йўқ: бундай ҳолу ҳоллар содир бўлмади. Чунки муаллиф Қаҳрамонимизнинг «хикоя» жанрига тушадими-йўқчилигини идрок этиб утирмасдан ёзган асари ўзи учун, ўзининг ич-ичидан қайнаб чиққан илҳом тақозосида ёзилган эди, ҳолос.

Бу Илсоннинг, аёндирки, бошқа касб-кори мутахассислиги бор, шу йўрувда турфа уқув масканларида юмушлари бор, қолаверга, рузгорни унинг эҳтиёжларини қондириши-да бор эдики, ўша «асар» ёзиб битилганидан сўнг қўнғлига туккани — яна бир «хасратнома» битиш истаги бир печа ойларга чўзилиб кетди. Ва ул истак яна қўққисдан келган ёзиш хоҳиши — илҳом самараси ўлароқ рўёбга чиққач, ушбу «қоралама»ни-да кўздан кечириб ва роҳатланиб бўлгач, яна ўша тортмага ташлаб қўйди. Ва, ниҳоят, бу антиқа ижод-машғулот санъатшўнос-файласуф олимнинг, айтиш мумкинки, ҳаёт йўлдошига айланиб қолди: агар шундай бўлмаганда, тахминан ўттиз-ўттиз беш йиллар давомида чўзилмас эди бу вадати машғулот-ижод жараёни.

Ўттиз беш-қирқ йиллар давомида «ёзиш — ўзи учун ижод қилиш» — батамом истисно бир ҳолдир...

Тўғри, чипакам ижод намунаси, яъни «Санъат» аталмиш муъжиза авваламбор — ижодхорнинг ўзи учун ўзлигида мавжуд маънавий бисотни юзага чиқариш эҳтиёжи-ла яратилади. Бироқ шуниси ҳам борки, бу ижод жараёнида Санъатнинг минг бир қонунилари, пинхона талаблари бевосита ҳисобга олинган бўлади. Ахир, «уста қўрмаган шогирд ҳар макомга йўрғалар» деган ҳикматдаги Устани Санъат қонуниларига менгасагу, шогирд ун-

дан бохабар бўлса, ундай шогирддан тула-тукис буюмларни куттич мумкин эмас, албатта.

Бизнинг «истисно» аталмиш Қаҳрамонимиз, умуман айтганда, Санъатнинг жами пчки ва сиртки қонуниятларидан бохабар эди. Аммо... айни Адабиётнинг, тўғрироғи, наср санъатининг да қандайдир умумий талабларидан ҳам хабардор эса-да, бу билим ҳали насрда баркамол асарлар яратилишига замин бўлолмас эди.

Шунга қарамай бизнинг «ужар» файласуф олимимиз «уэлари учун» «нималарнидир қоралаб» тортмага солиб қўяверарди, вассалом.

3

Энди бир савол туғилади: «Хуш, бу Ҳаётсевар инсон узи билган, ҳис этган ва курган Ҳасти ҳақида шунча... йиллар давомида ғалати-антиқа ҳикоялар, аниқроғи, воқеаларини ута тишиқ бир тилда ута сезгирлик ила ёзиб келибди экан, хуш, ушбу «ҳикоя жанри» ҳақида, яъни узининг ёзганларини ҳақида уйларга толганмикан? Уларни бировга қўрсатишни кузда тутаётганимиз йук. Йук: уларни қайта ўқиб қўрдимикан ёхуд биридан кейин иккинчисини, ундан кейин бешинчи-ўнинчисини ёзаётган маҳалида шахотки ўтириб-ўйланиб қолмаган бўлса? Масалан...

нималар ҳақида ўйланиб қолмаган бўлса? Айтайлик, биридан иккинчисини яхшироқ ва мукаммалроқ ёзиш ҳақида».

О, ўйлаган бўлиши — табиий, ҳа. Илло ўйламаган эса-да, ижод жараёнининг ижодкордан психон талаби шунда бўладики, яратилажак асарларининг биридан иккинчисининг нималари биландир устунроқ, қизиқарлироқ ва завқлироқ чиқишини тақозо этади ва ижодкор аксар ҳолларда буни сезмай туриб, унга амал қилади.

Бу даъвонинг исботи шунда қўриладики, ижодкор-файласуфнинг бу қўриғда қалами чарчлашиб, воқеалар баъни тиракчилашиб ва тобора камол топиб келаётгани унинг жами асарларини бир чеккадан мутолаа этишда маълум бўлади.

4

Ҳа, фалакнинг гардишини қарангки, ижодкор-олимнинг ўшанги — ўттиз-ўттиз беш йиллар мобайнида «қора-

лаб келган асарларни» бир мукамал жилда ҳолида нашр этилиб қолди... Қўлинигизда турган китоб эса — муаллифнинг кейинги уч-тўрт йилда битиб, энди столга қўйган асарларидир.

Ушбу китобларнинг қай тарзда ва қандай муҳоза-лар туфайли адибимизнинг кимларгадир маълум қилгани ва «Шарқ» матбаа концерни столга бориб тушуви ҳақида изоҳ беришга оқшаман: бунга имкониятим йўқ, бу тадрижийи жараёнини ўзи — бир тарих бўлса керак... Гапнинг қисқаси, муаллифнинг ilk китобини дафъатан куриб хайрон қолганимдек, кейинги мажмуасини ҳам куриб хайратда қолдим ва мухтарам Тилаб акани қўндан бўён танишланим оқибатида орамада утган сунгги гурунслар натижаси улароқ юкоридаги айрим тасаввурларимни бемалол баён қилдим...

Энди эса, ҳолис бир китобхон ва адиб сифатида «тайёр ошга баковул» бўлиб, муаллиф-ёзувчи Тилаб Махмуднинг ilk китобини кейинги туллами ҳақида бир неча оғиз мулоҳазаларимни айтмоқчиман. Дарвоқе, биринчи жилддаги асарларни ўқиганимдан кейин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (2002 йил, 5 июл) газетасига берган интервьюда айрим фикрларимни хайрат аралаш айтган эдим.

Чунончи... келинг, ҳурматли уқувчи, Тилаб аканин уша китоблари ҳақида ушанда айтган гапларимни «қучирма гап» қилиб утирмасдан тулалигича келтира қоламан: «Уялаб ётиб варақлаган иккинчи китобим файласуф Тилаб Махмудовнинг «Оқар дарё...» деган бир жилдлик... хикоялари бўлди. Бу жилмайган файласуф ҳам аслида ёзувчи бўлиши мумкин бўлган бир ижодкор экан. Унинг хикоялари тахминан ўттиз йиллар мобайнида ёзилган. Ҳажман кичик-кичик, уч-тўрт, 5—6 саҳифа келади. Мазмунни тизиз, бўлиқ... Тағин: Тилаб Махмудов хикоя жанрини писанд қилмайдиган бир улкан адибу, ушбуларни қўл учиди ёзиб ташлагандек таассурот қолдиради. Аммо аслида — хаваскор адиб, ҳолос. Шуниси борки, танти, қанган ва маданиятли, гап-гурунгни меъёрини билади. Билади! Назарий жиҳатдан хикоя нима эканини билишига ҳам шубҳам йўқ, албатта. Аммо қанча файласуфу адибнётшунослар жанр нималигини қўзларини юмиб айтиб беришади. Айтиб беришади, ҳолос...

... Гапимиз Тилаб аканинг хикоялари ҳақида. Қизиқ-да: айрим хикоялари, худо ҳақки, чеховона, қаххорона

усулда ёзилган. Ва ҳулоаси ҳам аниқ сюжетдан ситилиб чиқади. Баъзи ҳикоялари эса... анчайин мақоладан фарқсиз.

Ҳа-е, Эркинбой, нима десангиз ҳам, мен Тилаб аканинг асарларини ўқиб чиққач, «аттанг, Ойдинги ўхшаб вақтни ўтказиб юборибдилар-да бу кишим ҳам», деб ачиндим».

Тасаввур этингки, Тилаб Маҳмуднинг кейинги китоби ҳақида ҳам юқоридаги гапларни, яъни, таассуротларимни такрорлашим мумкин ва шу билан ушбу ҳузилибгина кетган мулоҳаза-мақолага нукта қўйсам ҳам буларди. Аммо...

мен муаллиф акамиз Тилаб Маҳмуд билан кейинги гурунглар оқибатида тепада ёзиб тушганларим айрим-тахминий тасаввурларимда талай бушлиқларни сездим... Охирги суҳбатимизда эса муаллифдан ута жиддий фикрларни ҳам эшитдим. Яъни, Тилаб ака Маҳмуд ўрли Адабиётнинг, хусусан Насрийнинг, жумладан, Ҳикоя жанрининг ҳам анча-мунча сир-синоларидан бохабар эканлар. Бохабар була туриб-а, бундан кейин ҳам ул жанрнинг ички қонуниятларигаю битилажак ҳикоялардан етилиб чиқадиган Маъно масаласига ҳам бир қадар «панжа орасидан» қараб келганлари маълум бўлди. Бир ҳисобда бу «қайсарлик»ни тушуниш мумкин эди. Биринчидан, энг кичик жанрнинг-да қонуни-қоидаларига тула риоя қилиш ижодкорни ҳийлагина сиқиб қўйиши маълум: хусусан, уз эркига ёзиб-чизиб юрган ижодкорни... Иккинчидан, маълумингиз, ўзимизнинг ўзбек ҳикоячилигида, масалан, ўтган даврдаги ҳоким сиёсат талаблари мумкин қадар (баъзан тўдалигича...) ҳисобга олинар эди шу боис асардаги ўлига ҳос феъл-атворли одамлар (персонажлар)нинг ҳатти-ҳаракатлари табиий ҳолича эмас, балки «белгили режа» асосида, аниқроғи, «совет кишинига ҳос ёки ноҳос (демак, у — ёт одам!)» тарзида тасвирланар эди. Учинчидан, анчайин Табиат тасвири ҳам Мақсадга бўйсинтирилар эди: масалан, охири мунг ила тугайдиган ҳар қандай асарда ҳам сўнгги тасвирда, дейлик, оппоқ тонг отаётгани ёхуд воқеа чиндан ҳам тунда тугар бўлса, демак, охирги жумлаларда ёрқин чироклар... тасвирланиши урфга кирган эди.

Тўртинчидан... Ҳе, талаблар қўп эди-да: таяба, анчайин беғубор диалоглардан ҳам айб топилиши мумкин эди: дейлик, «кизил» сўзини ҳар йуригда ишлатмаслик

керак... Қадимги урф-одатларимизни тасвирлаш эса деярли катагон этилган. адибдан «янгича урф-одатлар» тасвири талаб қилинар эди: шўрлик адиблар эса ундай одатларни тукиб чикаришга ям мажбур булишарди. Демак, ёлғонга йўл қуйилар, шу асно асарнинг ишончсиз чиқиши таъминланарди.

Уф, биродари азиз, бу файласуф-санъатшунос оғамиз Адабиётдаги бу ҳолларни ўзи туғилиб ўсган тоғлар орасидаги Табиатнию Одамларнинг ҳаётини билганичалик билар, бундан ич-ичидан изтироб чекар ва қайсарлиги тутиб кетиб, бор-бўлган воқеаларни ўз ҳолича Ўзи учун ёзишни ва ундан Бадий завқ олишни афзал билиб ва бунга бемалол эришиб юрар экан: ахир, «қўлга тушмаган ўғри — ўғри эмас», деган гаилар бор. Тилаб Маҳмуднинг Ўзи учун ёзиб (баъзан ўша ҳоким Адабий сиёсатга аччиқма-аччиқ ёзиб) тортмасига ташлаб қўйган асарларини ким ҳам ўқий олар ва улар ҳақида ҳукм юритиши мумкин эди? Улар — адиб-файласуфнинг ўзлиги, бисоти, завқ манбаи, колаверса, «суюқли жужужлари» эди.

5

Энди, сўнги гаиларимни айтаман, ҳурматли Тилаб ака Маҳмудов, Сиз ижодда ҳар қанча «қайсарлик» қилманг, яъни, «билганимдан қолмайман», деганг — биричидан, у замонлар ўтди-кетди ва Сизнинг Ўзингиз учунгина ёзиб келган асарларингиз, мана, Мустақиллик шарофати билан «очикка чиқди» — китобхоннинг ҳам мулкига айланди. Ва Сиз беихтиёр равиюда «ёзувчи» номини олдингиз.

Ҳа, бу номни бўйинигизга оласизми-йўқми — барибир — ёзувчи саналасиз энди.

Демак, энди — фақат Ўзингиз учунгина эмас, айни чоғда Ўқувчи учун ҳам ёзар экансиз, демак, унга-да бадий завқ бериш, унинг-да маънавий камолотига ҳисса қўшиш маъсулиятини бўйинга олишга мажбурсиз. Қолаверса, «хикоя» ёзасизми, ундай қатгароқ жанрда куч синайсизми, марҳамат қилиб, мазкур жанрларнинг қоида ва қонунларига, ички динамикасию маънавий асослаш қоида унсурларига-да риоя қилишга ҳам маъсулсиз. Ўзингизга маълумки, аслида бу қонун-қоидалар ижодкорни (шўро тузуми сиёсати қаби) бўғмайди, аксинча — уни

чалғиб-улоқиб кетишлардан асрайди, образлар мантикини юзак (гап билан) асослашларга йўл бермайди, «Мен ҳаётни ёзгман», дея натурал тасвирлашларга-да чек қўяди... Пироварди, ёзилажак асарларингизнинг Эзгуликка хизмат қилишини, яъни, жунггина қилиб айтсак, асарнинг тарбиявий аҳамиятини – китобхонни «бир ёкка торта олишдек» қудратини кучайтиради. Бунинг илк намунаси Ўзбек давлат Миллий театри сахнасида кўрсатилган «Умр шомидан бахт» асарингиз хақидаги узун-қулоқ шов-шувларда кўриниб қолди.

Узрлар этасиз, менинг Сиздек файласуф адибга ақл ўргатиш ниятим йўқ. Билъакс, мен шарҳлаган йуриқларга «панжа орасидан қараш»ни қўйинг демокриман, ҳолос.

Эслайсизми, Толстой ҳазратлари бадий ижод хусусида нималар деб кетган эдилар: «Асарни ёзаётганингда, унинг маълум ва ядирин қонуниятларини шунчалар яхши билишинг лозимки, улар хусусида сира-сира уйламаслик даражасида бўлгин... Шундай бўлсанг, уз тарафингдан янгича қонун-қоидаларни ҳам кашф этасан!»

Яхши гаплар-а?

И Л О В А:

Мен ушбу маҳола-мулоҳазаларда биронта конкрет асарингизни ҳам тилга олиб, уни ўз ақлим ва лидим даражасида таҳлил этганим йўқ. Умумий тарзда нималардир дедим.

Қолбуки, сир эмас: ҳар битта «хикоя» номли асарингизни дастурхонга қўйиб таҳлил этилса, ҳар биттасидан ҳам етарлича уянлар топса бўлади. Баъзисида эса улар «мана мен», деб туради...

Сизга куч-қувват ва илҳомлар тилаб –
Шукр ХОЛМИРЗАЕВ.

Тошкент, 2003 й.

*Севимли умр иулдошим на масла
хатигуи уқувчим Дилбар Пиришқул
қизига бағиштаймэн.*

Муаллиф

ГУЛБАҲОР

Шу йили каттик очарчилик бўлди. Суйганда қон чикадиган ҳамма жонивор еб тугатилди. Кучага ҳайдаб юборилган эшаклар ҳам сийраклашди. Йулларда одамларнинг оёқ излари камайди. Ҳамма ин-инига кириб, ахён-ахёнда дарёдан ярим челақ-ярим челақ сув олиб келаётган аёллар бўлмаса, эркакларнинг қўли ишга бормай қолди.

Очарчилик қишлоқли қишлоқ, шаҳарни шаҳар, кексани кекса, ёшш ёш демай барчага баробар ёширилган эди. Уйлардан қут-барақа кочиб, кузга нима илмиса ҳаммаси бир ҳовуч дон-дунга алмаштирилди. Сиқимлаб ишлатилган ун ҳам охири тугаб, гуруч кўрмаган хонадонларга туздони бўшаган қўшнилари қўшилиб борарди. Тобора хонадонларнинг ўчоғи, қарияларнинг кучоғи совий бошлади.

Очарчиликда одам ерга, ер одамга тобора қапишиб қолар экан. Ҳовлида бир туи бўлсаям олма ўссин экан, пустилдоғини ишлиб, қайлаган сувга солса кўк чойга ухшаш рағб беради. Икки-уч дон ёнрок мағзиан ҳовончада янчилиб, қозонда қовурилса, шилдир-шилдир шурва бўлади.

Қишлоқда анча одам кирилиб кетди-ю, қабристонда гур қазилмади. Гурков улгач, ўрнига одам топилмади. Тинка-мадори қурилган қўзи-қўшниларининг йиғи чиққан хонадонга киришга ҳоли йўқ эди. Ҳамма ўз бошига тушган қорини ўзи қураш билан овора. Бир чуқурга икки-уч улик эғинадаги кийими билан қўшиб юборилган қўнлар ҳам бўлди.

Суяр аканинг хонадонига барчага барҳар кириб келган очарчилик кун аро китқиб борарди. Биринчи бўлиб Суяр аканинг ўзини ютди.

Маржон эрининг ҳе йўқ, бе йўқ, илламай кўз юмиб кетишини кутмаган эди. Эл қатори ҳамма нима бўлса биз ҳам шу-да, деб ўйлаган Маржон эрининг дабдурустдан ётган жойида кимирламай қолганидан аввал ўтақаси ёрилгудай эсанжиради, кейин ўзини қўлга олди.

У ҳор эритиб, тоғора, челақларни илик сувга тулдирди. Ҳамма парса тайёр бўлди-ю, аммо эрини ечинтира

бошлаганда боши котиб қолди. Тяриклигида кетидан қўз-
чокдай эргашиб юрадиган эри зил-замбилдай оғирлашиб,
уни на у ёнига, на бу ёнига ағдариб бўларди. «Эй,
худойим-эй, не қуларга қолдим». — деди ўпкаси тўлиб.
Болаларини чақирай деса, қўнгли чопмади. «Йўқ, йўқ,
отасига сув қўйишадими, худо асрасин бунақа кўргулик-
дан», — пичирлади у.

Лекин эрини ювиш керак, уйда совун бўлмаса ҳам
ҳовуз лабида ёз бўйи ўсадиган, ғуж-ғуж очиладиган гул
бўларди. Шунн юлиб қўлга ишқаласа ҳар қанақа доғни
ювиб кетарди, бир кун керак бўлиб қолар деб ёзда уни
қуришиб халтага солиб қўйган. Бир сиқим совун-утни
челақдаги сувга ташлаб қўли билан аралаштирган эди,
сув қўпириб уй ичига янги ўрилган бедашоядан келадиган
хид сингари ёқимли ис таралди.

Хамма нарса ювишга тайёр бўлдию, эрини ечинти-
ришга келганда юраги дов бермади. Умр бўйи ўзи ечи-
ниб, ўзи кийинган Суяр ака қимирламай ётарди. У ток-
чадаги жинчирок шуъласида бирам куркам қўриндики,
соқоли ўсиб кетган, танглайига боғланган саллачадан си-
қилган лаблари чўччайиб турарди.

Маржон эрининг бошини аста тиззасига олди. Сочла-
рини силади, қўзларидан оккан шашқатор ёш эрининг
пешоналарини оша юзини ювди, худди эри ҳам йиғлаб,
қўзларидан ёш сизаётгандай туюлди. «Қўзингизни очинг,
болаларини, манн кимга ташлаб кетасиз, жоним тасад-
дук», деди ўкириб.

У қанча вақт шу ҳолда ўтирди, билмайдн. Ҳўшини
йиғиб, жасадни ювиш талвасасига тушди. Қани энди эрини
ағдариб-ўғтириб бўлса. Ўлиқни битта одам юва олмас экан,
деган ҳаёлга борар-бормас, бурчакдаги эру хотин ётади-
ган темир қаработга қўзи тушди. Ақил-тақил унинг ус-
тидаги қўрна-тушакни олиб ташлади. Қаработни суриб-
суриб эри ётган жойга яқинлаштирди. Қиш-яланғоч эри-
ни қандай қилиб қаработ сеткаси устига олиб қўйганини
билмайди. Қаработ тагидаги қиғизни йиғинштириб сетка
бўйи узун ариқча қилди. Сув шу ариқчага тушадиган
бўлди. У ёқимли бўй таратган ошпоқ қўшиқли сувда эри-
ни тозалаш ювинтирди. Эрини симтўр устида ағдариб
ётқизаётганда баданидаги тур изларини қўриб ҳурлиги
келди. Назарида эри узок ётса баданига темир симлар
ботиб, озор бераётгандай, ҳаракатини тезлаштирди.
Симтўр орасидан сув ерга шариллаб тушган сари эри-

нинг бадани ойдай оқариб кетди. Муздек бадани охириги бор иссиқ бағрига босди, артиб-артиб қурпа астарига уради. Ҳутириб, тиловат қилди.

У эрталаб болалари уйғонгунча боғнинг бир четидан чуқур қазиб шу ерга Суяр акани қуммокчи эди, улу-ролмади. Музлаган ерни қучиргунча ўзи ҳам тирик мурдага айланди.

Ярим метрча ерни пайраха қучиргандай кесиб-кесиб гушди. Кейин белкурак ботадиган бўлди. Қушлар уйғонадиган пайтда у нам тупроқ устида тўрт бурчак чуқурга тикилиб ўтирганда Гулбаҳор уйдан чиқиб онасининг ёнига келди. У кизини бағрига босиб, бу ҳовлида ҳам тирик жон борлигини билдирмокчи бўлди, ё шундай одам ўлиб кетсаю у йини-сигисиз қумиладими, деган ҳаёлга бордими, овозининг борича айтиб-айтиб йнги берди.

Гулбаҳор онасининг иккинчига кириб иккирлар, овоз чикаришга мадори йўқ эди...

Маржоннинг ўғли отасидан кейин ўрнидан турмади. Қув сайини шиша бошлади. Хатто кўзлари қимилиб қолди. Гулбаҳор бир қуш ўқловдай таёкни кириб-кириб, қириндини айвонга сенди-да, ёзда акаси қилган ишни қилди. Қир ювадиган тоғоранинг қулоғига арқон боғлаб тоғора оғзини қириндиларга қаратиб, арқоннинг учини эшик орқасида ушлаб турди. Бир тала чумчуқлар айвонга сепилган қириндиларни чуқиб-чуқиб ҳеч тоғорага яқинлашмас эди. Гулбаҳорнинг қуллари титради, нафас олиши тезлашди. Шу пайт икки-учта чумчуқ тоғорага яқин келиб қирқилдай бошлади. Энди қириндиларни чуқинишганда Гулбаҳор арқонни тортиб юборди. Тоғора ичи чумчуқларнинг пата-патларига тўлди. У бемажол ётган акасининг олдига кириб, чумчуқларни тоғора тагига қамаганини, у ердан қандай олишни билалмаётганини айтиб, акасини хурсанд қилмокчи бўлди. Акаси аранг кўзини очиб, хатто ўрнидан туришга уринди. Охири «Дераза пардани олиб, тоғора устига ёлғин-да, кейин тоғорани ағдариб чумчуқларни тутасан», деди эшитилар-эшитилмас.

– Чуқимасмикан?!

Акасининг бошини қимирлатиб «Қўрма», деган ишорасидан сўнг Гулбаҳор дераза парда топишга кетди...

Эри қўчадан бирор нима толиб келмаса ҳам тирик юргани далда экан. Суяр ака улимидан кейин Маржон бир бўшашиди, бир таранг тортилди. Болаларининг қун

сайин сулиб бориши уни тобора довлратиб куйди. Суяр акасинг этигини икки хафта кайнатиб болаларининг оезига тутди. Навбат камарга келди, уни ҳам нимталаб-нимталаб кунин узайтирди.

Эрининг улимини бир амаллаб кутариб юрган Маржон урдини ҳам эрининг ёнига кумгач, бутунлай эс-хушини йукотди. «Эй худо, нима гуноҳ килдим, буиначалар кахринг каттиқ булмаса, энди нима киламан», дея сочини юлиб зорланди...

Хали тоғ елкаларидаги қорлар эриб кетмаган, кунгай жойларда утлар аста-секин пиш ура бошлаган, эрта баҳор нафаси якинлашиб қолган кунлар келди.

Маржон Мингбулокнинг ёнбағридан «ожит», «олғу» деб аталадиган усимликларнинг илдизини қазиб олиб келган эди. Ожитнинг илдизи кавлаб кетила берилади-кетила берилади, бир суям, бир суям кесиб қопга солина берилади. Илдизининг йуғонлиги аввал билакдай, бора-бора бармоқдай-бармоқдай кичраяди. Шунақа илдизларнинг беш-унтаси қазилса бир қоп йиғилади. Бу илдизларни олиб келиб кечкурун қозонга саржини қилиб терилади-да, бир-икки қоса сув қуйилади ва учокка тунка ёкиб эрталабгача димлаб қуйилади.

Эрталаб қозоннинг қопқоғи очилганда димланган катта-кичик илдизлардан жуда хупбуй қил таралади. Маржон қозондан ожит илдизларини олиб лаганга теради, бироз совутиб, қизининг олдига қуяди.

Агар қозондаги сув камлик қилиб айрим йуғонрок илдизлар етилмай қолса, урта бармоқдай ё пичок сондайлари хил-хил булиб кетади. Туйимли илдизларни Гулбаҳор қаңчалик қимтиниб, қузеларини юмганча роҳатлагиб чайнаса, онасининг томони хилла буғилади. У қанча кам еса қизига шунча кўп қоллишини билади.

Ожит мазали булгани билан қонининг уринин босолмас эди. Маржон қиллоқ аёллари қаторида тоғ пиёзига ухшаш «олғу» деган утнинг пиёзига борадиган булди. Ожит нечоғлиқ ширин булса, олғу шунчалик тахир эди.

Олғунинг пиёзи ҳам қазиб олинади. Ярим қоп пиёз кечгача терилади. Уни тегирмон тошига ухшаш ғадир-будир япалоқ тош устида ишкалаб-ишкалаб унга айлан-тирилади. Олғунинг меҳнати жуда оғир. Ярим қоп олғу пиёзидан кичкина тоғорача тулар-тулмас суюқ уни оливади. Уни қайта-қайта ювиб, чайиб, тиңитилади. Тиңиган ошпоқ унсимои олғу қуритилиб, ундан атала, кумоч

пиширса булади. Учокка ёпиб булмайди, окиб тушади. Мис тоғорача ёки товага солиб курга кумилса, зоғорага ухшаш кумоч поқниинг урнини босади.

Илик узинди кунлари ҳумсонлик аёллар ана шунда оғилларни қазиб келиб, уйдаги тирик жонни омон сақлаб қолишган эди.

Эрта саҳарда Мингбулоққа оч-наҳор кетган Маржон кечга яқин бир аҳволда қайтиб келди. Силласи қуриганидаги қопидаги олғунинг чўғи ҳам камроқ эди. Ҳовли жим-жит. Гулбаҳор эрталаб қақдоқ ётган бўлса, шундоқ, жойидаш қўзғалмаган. Гулдай юзи сулиб, қўрғанининг устидаги қўллари суяк-суяқига ёпишиб кетган. Кечгача туз татимаган қиз онаси қайнатиб келган иссиқ чойдан бир-икки ҳўллаб, қўзини очди...

Маржон бирдан ғалати бўла бошлади. Қизининг қирқ қокил сочларини силаб-силаб «Бўйларингга онанг гир-гиттон, бироз сабр қил, болам, ҳозир олғуни янча-ман, дарёда чайиб чиқаман, кейин-чи, атала пишпириб бераман. хупми, Гулбаҳорим, баҳоринг буича аччиқ кел-маса, жоним», деди ўршидан зўрға туриб ташқарига чиқар экан.

Маржоннинг ўзи ҳам тамом бўлаёзган эди. Уни фақат ахлакандай қўч, ноаниқ бир қоронғулик қаъридаги милтираган умид етаклаб юрган эди.

У ялалок тош олдида чуққалаб олғу шиёзини жон-жаҳди билан тошга ишкалаб бошлади. Бир маромда тош устида бориб келаётган ун қўли толиқди, тухумдай шиё-зини икки қўллаб тошга ишкалади, гавдаси билан тош устида силқинган сари боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлди. Қўз олди қоронғулашиб, ёнига секин йиқилганда намозином бўлди, деб ҳаёл қилди. Бир маҳал қўзини очиб қараса, ҳали қўл ботмаган экан, олғунинг янчиб, юншига улгуради.

Силласи қуриган Маржон тоғорага янчилган олғунинг солиб секин-секин дарё бўйига тушиб кетди. Утам дарё-си уларнинг боғ этагидан оқиб утар, дарёнинг гўш пиш-қириб, гўш шовуллаб оқиб шундоқ эвиртилиб турарди. Дарёнинг қирғоғи ҳар йили ё кенгайиб, ё торайиб қолар, Маржон қир учокларини доимо янгилаб турарди. Боғ қиялигидан сизиб чиқадиган булоқ сувлари тил-тиник бўлсаям, Маржон дойқароқ дарё суви пирий деб ундан чой чайнатади, қирларини ҳам дарё сувида теги очилади, деб ўйларди.

Маржон дарё кирғонидаги япаски тошлардан бирига ўтириб тоғорадаги олғуни чая бошлади. Олғунинг ҳам бир-икки чайишда тахири кетмас, камиди бир-бир ярим соат сувини алмаштириб туриш керак эди. У муздек сувни янгилаб турганда кияликдан зурға-зурға кадам ташлаб, гоҳ орқаси билан ерга сирғалиб тушиб келаётган Гулбаҳорни кўриб қолди. «Хайрият» деди кунглида. Гулбаҳорнинг рангида ранг йук, худди арвоҳдай судралиб келарди. У онасидан настрокдаги тошга чуққалади.

«Қизишнинг ожит еб оёққа турганидан кунгли бироз жойига тушган Маржон тоғорадаги олғуни икки қўллари билан туруч ювгандай ишқалаб-ишқалаб, сувини тез-тез алмаштираётганда кўз ўнгиди дарё тескари оқаётгандай туюлди. Кўзини бир зум кириб, очганда оёқ остидаги тоғора ҳам дарё оқимиға тескари кетаётгандай бўлди. У тезлашиб бораётган тоғорани жон-жаҳди билан ушлаймай деб қимтилган эди, олғули тоғорани кучоклаганча икки харсанг тош бикинида кўнириб турган гирдоб ичига тушиб кетди...

Маржон кутуриб шовуллаган дарё тўлкинлари устида бир бошнинг чиқариб, бир сувга шўнғиб, олма гўлли қўйлагининг этакларини дарё бетига ёзиб, Гулбаҳорнинг ёнидан оқиб ўтиб кетди.

Гулбаҳор дарё томон қўлларини чузганча «Ая»лаб қолаверди...

1999 йил.

Қ А Р Ғ А

Зулхуморнинг эри «қулоқ» бўлиб камалиб кетган йилги қаттиқ очарчилик бўлди. Агар тўқчилик қўни-қўшни, қариндош-уруғ орасида борди-қелдини кучайтирса, очарчилик одамларнинг шийдасини музлатиб қўяр экан. Ҳамма иллик узилди палласидан бир амаллаб ўтиб олиш дардида яшар эди.

Очарчиликда инсон ҳаёти йил билан эмас, кун билан улчанади. Бир ой умр уттиз йилга тенг бўлиб қолар, барчаю баробар қўнни қандай утказаман, эрталаб ўрнимдан тирик тураманми, пўкми деган ҳаёлда яшар эди.

Зулхумор ҳаш-паш дегунча эридан қолган бор-будини бир бўрда мон, бир дўкма емишга алмаштириб бўлди.

Уйлагн гидамларни, қулоғи, бармоғидаги ордона қолгурларни оладиган одам топилмай қолди. У дулиларнинг кунига тушиб, ёшига етмаган чақалоғини бағрига босиб одам гавжум жойларда тез-тез пайдо бўлиб қоладиган, у ер-бу ерда ётган емиш қолдиқларини секин боласини авайлаётган одамдай териб-териб йуртақ ичига тикадиган, уйига олиб келиб «сут бўлар» деган ҳаёлда оғзига қоладиган одат чиқарди.

Ўзи тўймаган она оч болани тўйдиролмас экан. Зулхуморнинг кўкрак учлари безиллаб қолди. Қизи кўксига талпингани талпинган. Иккала қўлчалари бидан маммасини маҳкам ушлаб, қўзларини чирт юмиб, тинкаси қургани онанинг оқем бўлиб, шалвираб қолган кўкрагини сўргани-сўрган. Қани энди ундан бир қўл тум сут томоса!.. Бола она кўкрагини ютиб юборгудай қўшиллатади, оғзидаги судаклари қуриб кетса ҳам безиллаган кўкракларга қаттиқроқ ёпишади, она-бола изтироблари селдай қуюлиб, қўз ёшига айланади-да, қорни оч боланинг лабларига шўрсун бўлиб тукилади. Қизалоқ чинқириб йиғлайди. Зулхумор уни совуқ уйнинг ичида у ёқдан-бу ёққа юриб овутомқчи бўлади, бола эса тинимсиз йиғлайди, овозлари буғилгунча йиғлайди. Охири қолдан тоғиб жимиб қолади...

Зулхумор шунақа пайтларда кизини уйнинг ўртасидаги кўрпачага ташлайди-да, бошини олиб чиқиб кетади. Баъзан кечгача кўча-кўйда санкиб юрган пайтларида қўнғилининг бир четиди аллақандай ғира-шира қўрқинчли ҳаёллар ҳам пайдо бўлади. Уйга борганда қизи жонсиз ётган бўлса-я! У ҳам бу азоблардан қутулармиди, ўзи ҳам бир қўнғили қўрармиди? Аммо, ҳозир бутун дари ўзида эмас, кизиди бўлиб қолди. Нима қилса ҳам шу бечоранинг қоринини тўйдирса, ўзи ҳам бир қўнғил сут бўладиган нарсани оғзига солса...

Ахён-ахёнда қўшни хотинлардан ғалати гаплар эшитиб қолади. Фалончи боласини анҳор сувида ташлаб юборган эмиш-а... фалончи бозорда сомса олиб тиниласа, қаттиқ бир нима тилига илдинибди, қараса, ёш боланинг жимжитоғи эмиш... Э, худойим-эй...

Бир кун қўшнис Зулхуморга дабдурустан: «Адонга мом булибсан-ку, қоринингни тўйдирасанми, ё қизингни боқасанми, унинг баҳридан кеч, ичинг тўла бола, эринг келса ҳали ўнгасини туғиб оласан», — деса бўладими...

Зулхуморнинг эти жимирлаб кетди, хаёлида кизи аллақачон ўлиб қолган, у бўлса куча санғиб юрибди. Югурганича ҳовлига кирди. Ҳовли одамни ютиб юборгудай жимжит. Изғиринда дарахтлар ҳам титраб тургандай. У бориб ҳовли уртасидаги катта гилосни қучоқлаганча укириб-укириб йиғлади. Юзини муздек гилос танасига босиб-босиб йиғлади. Гилос учидаги қарғанинг қағиллаб осмонга кутариллиши хаёлини йиғди. Кўзини очиб ёзнинг иссиғида гилос танасидан сизиб чиққан ёнроқдай-ёнроқдай шираларни куриб қолди. Новавотдай йилтираган ширани қучириб оғзига солди. Сақичдай қотиб оғзида эримаяган шира ғалати таъм берди, сулаклари қуйилиб келди...

Зулхумор уйнинг ичида ётган қизини эслаб, йулакка кадам қуйиши билан кечгача йиғлаб-йиғлаб холдан тойган қизча онасининг шарпасини сезди, бир овозини чиқариб, бир пасайтириб, калта-калта, чуқур-чуқур, нимжон-нимжон, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлай бошлади. Кечгача бир нима кутиб, энди унга эришадигандай бошларини сарак-сарак қилиб, лабларини чўччайтириб онасига талпинди. Зулхумор бўлса қизининг тепчасида таёқдай қотиб гурди. Қанча турди — билмайди. Қизча онасининг энгашмаётганидан, маммасини бермаётганидан, бирор уни чимчилаб олгандай бор қучи билан чинқира бошлади.

Зулхумор чақалоқни қўлига олиб қўкрагини тутди. Бир зум утмай чақалоқ алданганини сездимин, ё қорни баттар таталаб кетдимин, жазаваси тутди.

Зулхумор уйнинг ичида чақалоқни ошутмоқчи бўлди — бўлмади, бирор сўз айтиб узининг ҳам, боланинг ҳам қўнглини қутармоқчи бўлди — бўлмади. Қизалоқнинг йиғиси хона ичиди тобора жаҳаннамга айлангириб юборди. Шунда Зулхумор яна хотинларнинг галини эслади. Бундай ҳаётдан қутулишнинг иложи борми, ўзи?

У қизалоқни нима учун айвонга олиб чиқди, нимага айвонга ташлаб яна уйга қайтиб кириб кетди — билмайди. Айвон ёнидаги ошхонага киргандагина жуда чап-каб, ичида олов ёнаётгандай томонни кakraб кетганини сезди.

Зулхумор бир қўл тум чой талвасасида айвондаги қизининг биғиллашини ҳам унутди. Бир-икки хўшлам иссиқ сув унинг ичига киргандан кейин ўзига келдимин, ё қизининг жимиб қолгани ғалати туюлдимин, ошхона деразаси-

дан айвонга караб титраб кетди. У кизини йургаги билан айвон четига куйган эди. Панжарага куниб, узун тумшукли буйинини чакалок томонга чузиб турган каргани куриб колди. Кизи йиридан тинган, карга булса килт этмай болага караб турарди. Зулхумор «Вой, улмасам, карга боланинг кизини чукиб олган булмасин» деди-да, дераза оркасида «Кишт!» деди. Карга унга бир каради-да, яна чакалок томонга тумшугини чузиб тураберди. Зулхумор югуриб айвонга чикди. Яна «Кишт» деди икки кулин кутариб. Карга бир Зулхуморга, бир кизчага караб, учиб кетмокчи булгандай канотларини ярим ёзиб, яна жойида тураберди.

Зулхумор якин келгандагина у «Каг-каг» деди-да, учиб бориб гилоснинг шохига кунди. Унинг иккала кузи чакалокда эди. Зулхумор кизининг ёнига келиб оғзи очилиб колди. Йургакланган кизининг элгачи остида битта ёнрок ётарди. У кизидан кўра аввал ёнрокка кул узатди. Ёнрок чаноғи илма-тешик, ичидаги мағиз шундок куришиб турарди. У ёнрок мағизини чайнаб кизининг оғзига тутмокчи булди. Йиридан тинган киз булса олазарак кузларин билан тамшаниб ётарди.

Зулхумор кизининг олдига чуқкалаб умрида биришчи марта мазали парсани оғзига солгандай мағизни аста-секин чайкай бошлади. У канча пайт чайнаб утирди — билмайдн. Бирдан кизига мағиз чайнаб бермокчи булгани эсига тушганда аллакачон мағизни ютиб юборганини, тил билан оғзининг у ер-бу ерига ёпишиб колган мағиз парракларини йиштириб тушуклари аралаш томоғидан утказаетганини сезиб колди...

Онасининг узок жиниб колишиданми, ё оғзидан аллакандай тотли ис таралиб димоғини янада китиклаб юборгани, кизча яна чириллаб йиғлай бошлади.

Худди шу пайт дарвоза томонда кимдир «Зулхумор, хой, Зулхумор» деб чакириб колди. Зулхумор дарвоза-хонада яримта ковок кутариб турган кушин буви билан енгил-елин гаплашиб тургандаям кизининг йиғиси эшитилиб турарди. Бирдан кизалоқининг оғзи тилди. «Ичаги узилиб кетди буюкишининг» хаёлидан утказди Зулхумор.

У кушин бувини «Мендан кайтмаса худодан кайтсин», деб ялаб-юлкаб кузатиб, айвонга якинлашганда яна кузига нишонмай колди. Халиги карга худди аввалгидай айвон панжарасига куниб чакалокка буйинини чузганча

термулиб турарди. Чакалок булса ҳадеб қарға томонга бошини сарак-сарак қилиб қимтинарди. Зулҳумор қадамини тезлатиб айвонга кўтарилганда қарға учиб кетди. У кизининг олдига келиб не куз билан кўрсинки, йўрғак четида... бир бурда нон ётарди.

1999 йил

БУЗОК

Хидир полвон шўролар мажлисидан шашти ласт қайтди. Сигир соғиб молхонадан чикиб келаётган хотинининг «тинчликми?» деган саволига қўлини силтаганча дахлизга кириб кетди. Кимёхон ярим челақ сутни қозонга қуйиб учокка ўт ёкишдан бурун эридан хабар олгани келди. Сигир соғайганда липласига қистириб олган қўйлаги этагини туширди, елкасида осилган румолини бошига тағиб, секин ичкарига мўралади. Хидир полвон чоригиниям ечмасдан танча ёнида узала тушиб ётарди.

Эрининг феълини яхши билган Кимёхон мушукдай ер бағирлаб бориб, танча четига чўкди, унга мултиллаб қараб ўтирди.

Хидир полвон индамай ётарди. У кўзини чирт юмиб олган, соқол-мўйлаби худди пиш урган барра пиездай қалин ўсган. У аввал кўзини хиёл очиб қаради. Кимёхон чўрқ этмай утирарди. Хидир полвон бундок ётишни ўзига эи кўрмай «Мен ухлаганим йўқ, ё ўлиб қолганим йўқ, нимага бунақа тикилиб қолдинг, бориб ўз юмушингни қилмайсанми» дегандай томоғини каттиқ қириб ўрнидан турди. Эски чакмонини ечиб бурчакдаги сандик устига отди, ёни чикиб кетган дўпписини чап қўлига қарсиллатиб уриб, бошига қайта кийди. Қандай кирган бўлса, шундай сирғалиб ташқарига чикиб кетаётган хотинига «Ўтир, гап бор» деди.

— Бу қанақаси, ахир, Кимё, гапирсангчи, — деди Хидир полвон «Сиз бир нима демасангиз мен нимани гапираман» дегандай ағрайиб турган хотинига қараб.

Шуям инсофдани? Қамбағалларга қун тўғди, ҳукумат ишчи-деҳқонлики, энди бойлар булмайди, ҳамма барабар яшайди деган гап қаёқда қолди-а, гапир! Қолхозга дон керак деди — бор-йўғимизни йиғиштириб бердик, қизил аскарға ёрдам деди — аямадик. Буниси нимаси энди, буниси?! Шу қолхоз деганига ҳеч тушунолмай

қолдим. Ҳамма наргани тортиб олаберадими? Айт, тортиб олаберадими? Бунақада битимизниям териб берамизми?

— Яна қанақа гап тошиб келдингиз, — деди Кимёхон эрини юмшатишниям, жаҳлидан туширишниям эндиладмаган бир ашпозда.

— Қанақа гап буларди, утир! — деди Хидир полвон танча четидаги хотинига дук уриб. — Эртадан боплаб кимнинг уйида қорамол бўлса қолхозга топширар экан, билдингми? Энди тамом, хонакайрон бўлганимиз шў. Бундан бешбаттари бўлмас.

— Вой, шүрим, — деди Кимёхон. — Биттаю битта сизгирданам айрилсак қандок тирикчилик ўтказамиз?

— Маи сани қулоғингга танбур чертаяниманми, шүни айтаяниман-да, тушунсангчи, ахир, — деди Хидир полвон сандик устидаги чопонини қайтиб елкасига ташлар экан...

Кимёхон намозгарда уйнаб юрган ўғлини чакиргани кучага чикканда булоқ бошида қўшни қамшир билан бир-икки оғиз гап улашиб, қозондаги сутни хаёлидан кутарилди. Арзандасини эргаштириб ҳовлига кирганда сут қозондан тошиб, қолгани қўйиб кетган эди. Она-бола қозон тепасида беихтиёр қўзига ёш олди. Кимёхон сутдан айрилганига қуйса, Турсунбой қозон тагини қошиқда сидириб-сидириб ялашдан жудо бўлганига йиғларди.

Хидир полвон тезда орқасига қайтди. Ўғлидан сут тошиб кетиб, қозон таги қўйиб кетганини эшитса ҳам ишдамади. Хотини олиб келган бир қоға қуртовига нон тўғраб еди, чой ичди, бир хотинига, бир ўғлига қараб ёрилди.

Нурали қассобга борган эдим, — деди секин лабини, соқолини қафти билан артиб. Агар сизгирингни сўйиб қўйсанг, сени «халқ душмани» деб қамаб қўоришади, деди. Аклингни йиғ, замон ёмон, деди.

Хидир полвон кечаси билан қурна ичида илондай тўлғониб чиқди. Бир хаёли кечаги сизгирни сўйиб нимталаб олгиси келди. Қўзи қиймади. Сут бериб турган сизгириниам бўғизлаб бўладими? Уволига қолади-ку. Кейин шунча гуштни нима қилади, қандок сақлайди. Искович итдай қамсамоллар гуштни тошиб олса — урди худо! Сизгирни бўзоғи билан Уғам бўйидаги қозоқларга тошириб келсамикан? Подачилар ҳали тоққа қўчиб келмаган бўлсачи? Унда нима қилади?..

Кимёхон ҳар кўни ҳаммадан эрта туриб сизгир соғарди. Бугун ҳам одатдагидай саҳарда челақ кутариб мол-

хонага кирса бузюк онасини чулпиллатиб эмиб ётарди. Кимёхоннинг аввалига юраги шувв этиб кетдию, кейин тилининг ёнидан ошюк сүт күйюкларини томизиб қулт-култ эмаётган бузюкка қараб түрдиди, нидамай орқасига қайтди. Самоварга утин ташлади. Бугун нон ёпмаса бўлмайди. Ўтган ҳафта кепакка жүхори уни аралаштириб ёлган нонидан бир дона қолибди. Молхонага қира-бернишда ер ўчоғи бор. Хумсонликлар шунақа ер ўчоқда нон ёпишади. Ун мўл-кўл бўлганда бунақа ўчоқларга барқашдай-барқашдай унта нон кетади. Ўчоққа утин қалаб, устига қаттақон қозон осилади, қозонда қайнаган сувда бир тоғора қир юяса бўлади. Кимёхон ўчоқ қулини олди, утин қалашдан аввал қанча ун борлигини чама-лаб қургани омборхонага борди. Қараса, ярим қоп кепак бору жүхори утининг баракаси ўчибди. Яхшиси бугун-эрта нон ёпмагани маъқул. Кепакни тежамаса илтиқ қуриши аниқ. У битта қотган нон ёнига түрпак, олма қоқи, бир сиким жийда қўшиб чой дамлади.

Қўзлари киртайиб, қовоғи салқиган Хидир полвон иссиқ чойдан оғзига бир хўп-лаб оламан деганда ташқаридан «Полвон, хой, Полвон» деган овоз эшитилди. Овоз жүхори маҳаллати, қолхоз қурилиши фаолларидан, қуқрагига қўнғидади қизил нишон тақиб юрадиган Матмўсаники эди. У бир хотинига, бир ўғлига, бир молхона томонга олаззрак қаради-да «Ана, келишди» деди пишган паҳса лойдай оғирлашиб.

Ўчаласи олдинма кейин ҳовли уртасига борганда Турсунбой бирдан молхонага жүгуриб кетди. Хидир полвон судралиб-судралиб эшикка яқинлашди, бироқ жим түриб, кейин эшик занжирини туширди. Ҳовлига биришчи бўлиб Холдор шам, изида Матмўса, кейин «Эшак ўғри» кирди. Кимёхон ҳовли уртасида хурпайган мушукдай түрар. Турсунбой бўлса ерўчоқ устига қозон ёпарди.

Холдор шам гулла-тўғри молхонага юрди. Кимёхон унинг йўлини түсиб, шанғилдай бошлади.

— Шу битта сиғирга қўз тикасанларми, нонсофлар. Қандоқ қун қўрамиз, Матмўса ака, раҳм қилишлар биз бечораларга, раҳм қилишлар, — деб ҳовлини бошига қўтарди.

Кишлоқда эшак ўғирлагани учун «Эшак ўғри» лақабини олган Окмасжидди Риским шўролар келгандан бўён ҳамқишлоқларидан тортиб олинган отлардан бириши

миниб юрарди. У киндиги устидаги қалин камарига бир қулини тикиб, иккинчи қулини Кимёхонга пахса қилди.

— Кимё, қўн шайиллама, сизирни ўзимизга олаётганимиз йўқ, колхозга топширамыз, ҳукуматни қарори бу, ё ҳукумат буйруғига қаршимисан-а, қаршимисан?

— Қаршиман, — деб юборди бирдан Кимёхон, — кейин оғзидан чиқиб кетган сўздан ўзи қўрқиб кетди шекилли, ялпизлашга тушди. Рискимбой ака, ахир ҳукумат одамларининг оғзидагини тортиб ол, демагандир, шуни демокчиман-да!..

Матмуса оғилхонадан сизирни зўра судраб чиқди. Сизир еручок ёнига келганда шохларини ерга омочдай тираб, тухирлик қила бошлади. Матмуса «Юр, юр, жонивор, юр» деб сизир бошини силагандай бўлди. Сизир бегона қўлдан ётснраб қўзларини ола-қўла қилиб ишқирди, бувиқ товуш чиқариб маъради. Унинг товуши ҳудди тунука қарнайдан чиққандай хирилдоқ бўлди. Турган жойидан жилғиси келмай оёқларини тираб олган сизир Матмусанинг рашига тегди. У ўчоқ олдида ётган ўтиндаёқ узунроғини олиб сизирни савалай кетди. Матмуса сизирни эшик томонга итаради, сизир орқага тисарилади, «Эшак ўғри» булса арқонни учидан тортади. Холдор шам «Баш, Баш» деб сизирга дўқ уради.

Сизирни ушлашиб зўра дарвозага олиб боришганда хайвон орқасига ўгирилиб жон-жаҳди билан маъради. Худди шу пайт ер тагидан келгандай «Мууу...» деган бузюқ товуш эшитилди. Ҳамма орқасига ўгирилди. Бузюқ кўринмас эди. Сизирни дарвозахона ёнидаги устунга боғлаб, Матмуса, Холдор шам, «Эшак ўғри» молхонага югуришди. Молхонанинг тит-питини чиқариб, ховлида кўринишганда ранги қув учган Турсунбой еручок олдида турарди. Учга кап-катта одам бирваракайига «Бузюқ қаерда?» деб ушқирганда еручок ичида бир нима патира-пўтур қилиб, қозон лапанглаб кетди. Матмуса қозонни кўтариб олган заҳоти бузюқ лии этиб ўчоқдан чиқди-да, онаси томон шаталюқ отди. Унинг кетидан «Бермайман бузюқимни, бермайман» деб югуриб бораётган Турсунбойни Холдор шам маҳкам ушлаб, тарсаки солди. «Хали сенмисан, давлат молини ўғирлайдинг, отанг ургатдим, шумтака, айт, отанг ургатдим?» деди боланинг қўлидан чузиб.

Кимёхон югуриб келиб «Урманг, ёш болани, урманг» деб Холдорга ёпишган эди, у она-болани итариб юборди.

Кимёхон ўғлини қучоқлаганча ўчоқ олдидаги ўтин устига аянаб тушди. Бўки қуриб турган Хидир полвон тишларини ёқчирлатиб энди Холдорга ташланаман, деб турганда «Эшак уғри» билан Матмуса маҳкам ушлаб иккала қулини орқасига қайирди.

— Бу муштумзурин милнсага тошшириш керак, — деди Холдор... Бузоқ эса устунга боғланган онасининг елишини гоҳ гумшуги билан никтаб-никтаб эмар, гоҳ калта оёқларини кўтариб-тушириб, у ёқдан бу ёқка шох ташлаб уйноқлар эди.

2003 йил.

ЧЎҚОЙ ПОЛВОН

Катта Фарғона канали қурилишининг Қуйганёр қишлоғида иш қизғин эди. Аввал канал казидди, кейин ҳамма Қуйганёр туғониغا қумолидай ёпирилди. Кечқурунлари Беркинбой Файзиев самоварига одам сизмас эди. Йўғон тавдали, тўнининг енгини шимариб, чаккон-чаккон харакат қиладиган Беркинбой аканинг «келгинди»лигини ҳеч ким билмас, таниганлар уни андижонлик деб уйлар эди. Ўзи ҳам бундан оғиз очмайди.

Аслида Хумсон қишлоғида турилиб ўсган Беркинбой ака «кулок» бўлиб қамалиб кетишидан қуркиб Андижонга қочиб келган. Андижонда уйланиб, баланд пардада ашула айтишда олдига ҳеч кимни туширмаган хофиз сифатида танилган. Беркинбой нягига лиқолчаки тираб авжга чиққанда унча-бунча хофизлар унга жуrowsоз бўлмас эди. Беркинбойнинг ўпкаси бақувват, у билан тортишаман деган хофизнинг ичаги узилади, деб андижонликлар аския қилишарди.

Канал казига Хумсондан ҳам бешта йигит — Ирисмат, Мадамин, Буварайим, Халил ва Муродлар келишган эди. Ҳамқишлоқлар бошқалар катори Беркинбой ака самоворида чой ичишарди.

Усмон Юсунов, Йўлдош Охунбобоевлар келган кунни Қуйганёрда катта йилгун бўлди. Кимларгадир патефонлар беришди, тун кийдиришди, от мипдиришди, қарсақ устига қарсақ, кийкирик устига кийкирик бўлди. Ярим кечагача моё қуниб турилган машъала атрофида ўйин-қўлгу, ашула, ракс бўлди. Раккосалар чарчаб, хофизлар дам олаётган пайтда аскиялар кизиди. Кимдир Ус-

мон Юсуповга ишлитган чоғи, у оксоқоллар орасидан чиқиб гулханга яқинлашди-да «Биззи Фарғонада қўлинг-ни чўзсанг фақат чўйнакка эмас, ҳофизга ҳам тегиб кетади, чўйхоначи Беркинбой аканинг каймоқдай қўк чўйини ичиб маза қилдиларинг, энди фамил чўйдай овозини ҳам эшитайлик» деб қолди.

Одамлар тўрр этиб тинмасдан чеккароқда омонатгина қўрилган ёғоч сўри четида ўтиргак баланд бўйли Норқул деган киши Усмон Юсупов сўзини аскияга буриб юборди.

— Усмон ака, тапчигиз тўрри, — деди у, — Беркинбой акани айтаяписизми, эшитишимизча охириги пайтларда чўйхурлар камайиб, ҳофизнинг дами пасайиб, алаmidан чўйнак қопқоғини шакиллатадиган одат чиқарган эмиш.

Ловуллаган даврада ярим соатча чўйнак пайрови бўлди. Бир чеккада павбат кутиб турган Беркинбой ака тапбуриш бир-икки чертиб ҳаммани ўзига қаратдию ашудла айтишдан аввал Норқулни бир «узиб» олгиси келди. — Усмон ака, — деди у, — чўйнак қопқоғини шакиллатадиган одатим ҳам бор. Яна ўйланиб қолдим. Канал қазувчилар кўп. Шовкин-сурон. Чўйга чақирсам, кетмон-белкурак шарақ-шуруғидан чўйнак қопқоғининг шакиллашсини ҳамма эшитмаслиги мумкин. Шу менга битта ёрдамчи Нор тўя керак бўлиб қолди. Бўйнига чўйнак қопқоғини осиб канал айлантирсамми дейман. Норқул шунга жуда мос келади-да!

Чапак устига чапак, кийкирик устига кийкирик, сўридан санчиб урнидан туриб яна бир нималар демокчи бўлган Норқул Усмон Юсуповнинг «Энди ҳофиздан эшитайлик» деган маънодаги қўл ишорасини қўриб қайта урнига ўтирди. Беркинбой Файзиевнинг ширали овози Қўйганёр узра селдай оқа бошлади.

Ўша қуви хумсонлик йигитлар ўз чайласига кетишмади. Беркинбой Файзиев деган ҳамқишлоғи борлигини эшитган бўлсалар ҳам ўзини қўришмаган эди. Мана, бугун ўз кўзлари билан қўришди, ўз қўлоқлари билан эшитишди. Қандай қилиб унинг олдига боришни, тапчи-иб «биз ҳам Хумсондан бўламиз, Беркинбой ака», деб қўлини олишни билшмас эди. Хумсондан кетиб қолганига анча йил бўлган Беркинбой ака ҳам бу йигитларни танимагани учун эътибор қилмас эди.

Охири, йигитларнинг довуракрови бориб Беркинбой акани чақириб келди. Беркинбой ака «Хумсон» сўзини

эшитиб, аввал кузларини катта очиб хайрон бўлди, кейин йигитларни битта-битта бағрига босиб куришди, оналарини суриштирди. Лекин ковоғи ёришмади. Бир уйғур йигитчани чакириб, тезда тушт ковуриб келишни буюрди. Ковурдоқ келгунча уч-гурт чойнак чой ичилиб, Хумсондаги барча таниш-билиш, кариндош-уруғларини сўраб-суриштиргач, охири битта гап килди:

— Сизлардан суровим, — деди Беркинбой ака, — мани бу ерда курмадингиз, ман хам сизларни курмадим. Кишлоқдаям гапни чувалатиб юрманглар, бу ергаям кидириб келадиганлар топилади...

Шу кунни хамкишлоқларда куш уйқуси бўлди. Хумсонликлар машхур хофиз билан танишганларига хурсанд бўлсалар-да, унинг охириг гапидан юраклари зил-замбидади оғирлашди. Улар эл назари тушган машхур хофиз — хамкишлоғи шу ерда булганидан, Усмон Юсупов, Йулдош Охунбобоев, Халима Носирова, Тамарахонимларни шундоқ яқиндан курганларидан, кечкурунги уйни-кулгу, аския, базм таассуротларидан миужжа кокишмади.

...Бешта хумсонликлар бир жойда ишлашарди. Ирлемат билан Мадамни ер ковлар, туинок юмшатар. Буварайим бўлса Халил билан Муроднинг конларига туинок тулдирарди. Халил биринчи кундаинок каттарок конда туинок ташимокчи булар, иложи борица Муроддан илдамрок харакат килишга, узини курсатишга уринарди.

Иш бошланишида Халил Муроддан кура баракалирок ишлаётгандай туюлди. Бир-икки кун утгач, Мурод таниб чиқаётган туинок уюми тобора баландга кутарилиб, Халилнинг қадами секинлаша бошлади. Халил теппага чикиб тушгунча, Мурод икки марта бориб келарди. Ишин булмасдан Халил уктиш-уктин кон устида утириб дам оладиган, Муроднинг таёкдай букилмас буйи-бастига караб ктинарди.

Аслида Халил кишлоқда «Халил полвон» номини олган йигит. У курашларда кураги ер искамаган, туй-томошаларда жанжални сотиб оладиганлар хилидан эди.

Кишлоқда Мирзаахмадбойлар аялуздан ака-ука Мурод билан Знед йигитлик бедбоғини боғлагач ака-ука Халил билан Хачиннинг обрўсидан пугур кетди. Мурод бир узин икки гектар бедани бир кунда уриб ташлармаш, бедоюка ботган эвакани ок-чүкк билан кутариб олган эвакни дотам ташлар Халилнинг жанига теге бошлади.

Аркитсойнинг тепласидаги катта яланглик Мирзаах-мадбойларга қарарди. Улардан настрокда «Жалилнинг толи» деган жойлар Халилнинг отасига тегишли. Аркитсойдан келадиган бир тегирмон сув оқадиган ариқнинг уст томонига Халиллар буёдой экиларди. Халил айни кучга тулиб, босар-тусарини билмай, оркаворотдан Мурод ҳақида ғалати гаплар эшитиб юрган кезларда буёдойзорда Мирзаахмадбойнинг ола сигирини кўриб қолади. «Ана энди Мурод билан чуқишадиган пайт келди» дейди-да, сигирининг думини таг-тутидан теша билан шартта чопиб ташлайди. Сигир гандираклаб-гандираклаб, бели қийшайиб-қийшайиб, чуқкалаб қолади. Мол боқиб юрган Зиёднинг ўтакаси ёрилиб, Тулқайранчга акасининг олдига чопади. Унинг оркасида Халил «Бор, полвон акангни чакириб ке» деб ўдағайлайди.

Шунда Мурод билан Халил биринчи марта юзма-кз келиб, Халил зўрға улимдан кутулиб қолган. Қирга до-чиндай учиб чиққан Мурод Халил билан Ҳамидни икки қули билан ушлаб бир-биринга урганда ака-ука чалнак бўлиб қанишган, Халил амаллаб Мурод чанғалидан чи-киб жон саклаган.

Халил билан Мурод урталарида бўлиб ўтган борди-келлидан кейин бирон марта иккаласи кураш тушмаган, Мурод кирган даврадан Халил сирғалиб чиқиб кетарди.

Иккаласи Фарғона канал қурилишига бирга келиш-ган, эски гина-қудуратлар унутилган, мусофирлик удар-ни бироз яқинлаштириб қуйган бўлса ҳам Халил Мурод-ни ич-ичидан ёқтирмас эди. Муроднинг оркасига Бува-райим қанор орқалатаётганда хўмрайиб қараб турар, ка-нал зиналаридан пастта тушиб келаётганда Муродга йул бериш ўрнига унинг няғи тагида қопини силжитиб чанг тузитиб ўтар, унга Мурод кун сайин чарчаш ўрнига куч-га тулиб бораётгандай туюларди.

Мурод зуваласи шишк, ўрта буй, қорачадан келган, елкаси кенг, кишда аёдарма маҳси, ёзда чуқой қийиб қўрадиган йиғит. Унинг ғавдаси баланддан паст, пастдан юқори, елкаси билан бўйни тутаниб кетган, қалласи кат-та, донмо бўйинини эгиб юришидан биров уни буқир деб унлаши ҳам мўмкин эди. Кўкрак қафаси тасмадай торти-либ тургандай, керишса елкаси кенгайиб, яктаги сити-либ кетаётгандай туюларди. Ғавдаси ерга ўтирса ер ба-ғирлаб ёйилганиб, буй чўзса шинга етгудек чўзиллиб кетарди.

Гавдасидан катта келадиган канорга елкасини тутиб, туякопини орқалаган Муроднинг сомон кутаргандай енгил юришини кўрган Халил титраб кетарди. Тая берай деса «Халил полвон» деган номин бор, тан бермай деса ўзига ўзи кучи етмай қолади...

Бир куш аявал Беркинбой ака чойхонасининг ёнидаги майдонда кураш булармиш, Андижон, Наманган, Фарғона, Исфара полвонлари куч синашар экан, деган гап тарқалди.

Беркинбой ака самовари олдига тумонот одам тупланди. Давра атрофига синамаган ёшлар пасткам томларнинг устида, дарахтларнинг шохига миниб томоша қиларди. Қўр четига тизилганлар чордона куриб утиришди, кейингилар тизза чукишди, орқадагилар бўй-бастига қараб тик туришарди.

Хумсонлик йигитлар ҳам иккинчи қаторда тик туришарди. Даврага биринчи бўлиб андижонлик новча уйғур йигит билан урта ёшлардаги мўйловли киши чиқди. Беш-ўн дақиқа ўтмай мўйловли киши нонча уйғурки чархпалак қилиб ташлади.

Наманганлик полвонга «мўйлов» бас келолмади. Давра қизигандан қизиб борарди. Фарғоналик полвонлар қатор бўлиб навбат кутиб қолди. Қизил белбоғли исфаралик тожик йигит кўч полвонларни ер тишлатди. Охири Эш полвондан йиқилиб, оёри осмондан қолди.

Икки соатдан ортиқ давом этаётган кураш пайтида қанча-қанча полвонларнинг дами ичига тушиб, қанчалари соврин олиб, қанчалари тишларини ёғирлатиб турарди. Охири учқўрғонлик йигит билан беллашнинг ҳеч қим дов бермай қолди. Навбат кутиб турганлар аста чуққалади, чорси айлантириб юрганлар учқўрғонлик полвон оёқ остига қизил гулларни сочди. Даъвошни овозини баланд қилиб «Қани ичларингда кўкрагида ёли бор йигит борми?» деб бақириб чақирди.

Учқўрғонлик полвон давра уртасида гердайиб турарди. Бир йигит, ўзи учқўрғонлик бўлса керак, даъвошига қараб: «Тоға, кураш тушини қолдаги тупроқни кутариш эмас, полвонларнинг бели синади шекилли, бизни азамат билан беллашса онасини учқўрғондан кўришини билдиб, юрак ютиб ўртага тушолмаяпти», — деди.

Кураш бошлангандан бери хали у полвонга, хали бу полвонга ён босиб, «их», «ох», «ууу» деб безовта турган Халил даврага чиқиб ёнидаги Муродга кураш тушини

капака булишини курсатиб қўйгиси келдию учқурғонлик девқомат полвоннинг важоҳатида юраги дов бермади. Ўзи курашда ютиб чиқишга кузи етмагач, Хумсонда охирги пайтларда Мурод полвон номини олган ҳамқишлоғининг бир ўсал булишни хоҳлаб қолди. У «Мана биз талабгор» деди-да, Муродни қур ичига итариб юборди. Бадани дир-дир титраб, уқтин-уқтин қукрагини кериб, чуқур-чуқур нафас олиб кузатиб турган Мурод Халилнинг бу қилиғини кутмаган эди.

Муроднинг даврага қандай чиқиб қолганини пайқамай қолган даъвоши аввал унинг бўй-бастига разм солди. Кейин «майли, бу йигитнинг ҳам сазаси улмасин» деган маънода унинг бошидан оғитгача қараб қўйди.

Даврада аввал хайрон бўлиб, кейин «Нима қилардинг, бечора, ўзингни хароб қилиб» дегандай ишқирлаб қўйганлар ҳам бўлди. Ҳамманинг кўзи Муроднинг оёғидаги чуқойда эди.

Даъвоши келиб Муроднинг белига атрофларига ишак билан тир айлана тул тикилган белбоғ боғлади. Учқурғонлик полвон секин-секин кадам тапплаб яқинлашди. Таомилга биноан қолиб полвон рақибига белни тутиб беради. Мурод учқурғонлик полвоннинг икки биқинида белбоғни қўлларига ўраб олди. Учқурғонлик полвон рақибини бир силкашда оёғини осмонда қиламан, деган ниятда бўлса керак, «Ўпиладингми, чуқой полвон?» деди одамларга эшиттириб.

Муроднинг вужуди бир лаҳза титраб, бутун аъзою бадани тарихдай тукилиб кетаётгандай туюлдию, учқурғонлик полвоннинг қўллари белига тегиб, йўғон бармоқларини биқинига пайзадек санчмоқчи бўлганини сезиб бошидан оғитгача ёғочдек қота бошлади.

Полвонларнинг бўйи тенг бўлса ҳам учқурғонлик Азимбой оёғидаги керзи этигининг пошниси барҳоринда балад-роқ, Муроднинг чуқойи уни пакана қилиб қўрсатарди.

Азимбой бармоқларини рақибининг биқинига қаттиқ санчиб унинг нафас олишини қийинлатиб, сунгра қукрак уриштирмоқчи эди. Полвонлар давра айланиб бир-бировларини синаб қўришарди. Иккаласи тирсакларини букмасдан, белларини эгмасдан аста-секин давра айлана бошлади. Азимбой қанчалик бармоқларини санчишга уринмасин, бундай пайтларда одатда бармоқ нишидан салқийдиган биқин, аксинча, темирдек қотиб борарди. Азимбой бир-икки силтаб Муродни ўзига яқинроқ олишни,

кейин пайт пойлаб ёнбош уришни мўлжаллаб кўрди. Аммо Муроднинг ўзи қадам ташламаса, унинг оёғини ердан узини, ё белини букиб бўлмаслигини сезган сари Азимбойнинг китик пати ёмирлай бошлади. Мурод тобора зилзамбилдай оғирлашиб борарди, Азимбой уни зарб билан ўзига тортган эди. Муроднинг ёнбоқ гўласидай оғир гандасини бир қарич ҳам силжита олмади. Мурод тобора тошдай оғирлашиб, билаклари котиб қолган ёнбоқдай туюлди. Давраши иккинчи бор айланишида Азимбой жунбушга келиб олқинди. Мурод бамайлихотир уни ўзига торта бошлади. Бир-икки силтаб апил-тапил ҳаракат қилаётган Азимбойни ёнбошга олмоқчи бўлганда рақибни чакқонлик қилиб қолди. Худди шу пайтда бирдан Муроднинг белида бунашиб қолган белбоғни маҳкам чапгаллаган Азимбой уни даст кўтариб, оёғини ердан узди. Хамма икки оёғини Азимбойнинг қорлига ниқтаб олган Мурод энди ўчқурғонини курса керак деб турганда Азимбой уни эллай олмади. Азимбойнинг кўкрагидан ерга отилган Муроднинг оёғи ерга тегар-тегмас, у шундай эпчиллик билан ўнг оёғини Азимбойнинг чоти орасидан ерга тиради-да, бошидан ошириб ерга урди. Бунақа тезликни кутмаган Азимбойнинг кўзидан олов чиқиб кетди. У чуқой полвоннинг тағида ётганидан эмас, ичиди бир нима узилиб кетгандай ҳушини йукотиб қўйишига сал қолди.

Ҳеч ким ўйламаган иш бўлди. Мурод рақибини ердан даст кўтариб оёққа турғазди, гуноҳ иш қилиб қўйгандай хижолатомуз даъвошига термулиб қолди. Азимбой даврадан этак қоқиб чиқиб кетди. Даврадаги одамлар тушуна олмай қолди. Қўринишдан полвонкелбат бўлмаган, чуқой кийган йиғитнинг не-не полвонларини ер тини-латган Азимбойни йиқитиш қизиқ бўлди. Бирдан чуқой полвонга талабгорлар кўпайиб кетди.

Даъвоши келиб Муроднинг елкасига тун ташлади. Мурод тунни Халиллар турган томонга узатиб юборди, белбоғини тўғрилаб уртада жим тураберди.

Афтидан анчагини майдон кўрган бўлса керак, бир новча полвон даъвошининг олдига кгуриб борди. Даъвоши бекорга «Мана, энди қураш қизиқди» демаган экан. Полвонлар бир-бирита қўл узатмасдан туриб, новча полвон типирчэлаганча Муроднинг белига ёлқинди, харифини қучоқлаганча ерга улоқтириб ташлайман, деган шекилли, шунча иктир-питир қилмасини, бироқ оёғини ер-

дан узолмади. Новчанинг болаларча юлқиниши Муроднинг ёшига тегди ва у бир-икки силкилаб рақибини оркага итариб, суриб кетди, филдай бостириб бориб. «Ё, пирим» деди-да, елкасидаи олириб отди. Новча полвон кўғирчоқдай ерга учиб тушди.

Мурод билан олишувга навбат кутиб турганлар сафи тобора сиёраклашиб борарди. У ундан ортик полвонларнинг яғринини эзиб қўйган. одамлар орасида «Йигит қаерлик, қасрдан келган экан?» деган саволлар боладай бошлаганда хур атрофдаги одамларнинг «Э, баччавар, фирром, фирром бўлди» деган қийқириқлари оламни бузди. Мурод билан олишаётган полвон уни чалиб юборган, бунақа номардликни кутмаган Мурод бироз мувозанатини йўқотиб, тезда ўзини ўнглаб, рақибини шундай зарб билан силкиладикки, оқибатда иккаласи бирваракайига ёнбоши билан ерга гурсиллаб тушди. Ит йиқилиш бўлган эди.

Даъвоши полвонларнинг белбоғини яна бир бор кўздан кечириб:

— Сен фирромлик қилма, бола, — деди исфаралик полвонга қараб, — майдон мардники.

Муроднинг ер тагидан рақибига хўмрайиб қараб туришидан унинг жажди чиққанини ҳам, аламини олмоқчи бўлиб турганини ҳам билиб бўлмас эди. Иккала полвон бир-бирининг белини ушлар-ушламас, «Чукой полвон»нинг жазаваси тутгани дастлабки ҳаракатиданок сезилиб қолди. У аввал рақибининг елкасини бир-икки силтаб-силкилаб ташлади, сулгра билакларига куч йиғиб, рақибининг обкаш белини узига торта бошлади. Исфаралик полвон иложи борича оёқларини кериб туриб мувозанат сақлашга ҳаракат қилса-да, икки биқинини қопқондай эзиб ташлаган Муроднинг чапгалидан қутула олмади. Мурод уни чўнкайиб отдики ёки ёнбошлаб ерга урдими, билломай қолди. Ерга қапишиб қолган полвон уридан туролмади. Оғзи-бурнидан варақ-варақ қон оқаётган полвонни журалари кўтариб кетинди...

Кураш гамом бўлди. «Чўкой полвон» билан олишувга татабгор чиқмади. Қуйганёр тўғони битиб, хангарчилар уй-уйига жунаб кетгандан кейин ҳам анча вақт андижонликлар хумсонлик «Чукой полвон»ни эслаб юришди.

2001 йил.

Боғистон кишлоғида бир кунда армияга чақирилган Ҳасан-Ҳусан ва кишлок келгашин котиби Охунжон Чим кентга етиб борганларида уруш туғаб, уйга қайтишга рухсат тегди. Кишлоқдан чикиб кетганларига ҳам бир ойдан ошди. Яна бир ой орқага қайтишадди. Агар Сайрам орқали тоғ ораланса икки-уч кунда Боғистонда бўлишарди. Ҳасаннинг бу маслаҳати Ҳусан билан Охунжонга маъқул тушди. Охунжон урта буйли, оқсуяк келбати, мудойим табиатли, уқиган йигит. У Охматовийнинг елени угли, ёшлигидан очлик, почорликни курмаган, илиги тук эди. Уст-боши ҳам кишлок йигитлариникидан ажралиб турар, кишда кундуз ёқали пальто, сувсар телпак, хром этик киярди. Ўзи ёш бўлса-да, котиб бўлгандан кейин кишлокнинг барча икир-чикири, баланд-пасти унинг елкасида эди. Ҳасан-Ҳусан ҳам оддий кишлокни йигитлар, Ҳусан баланд буйли, камган, нимжон бўлса, Ҳасан етилган букадай тикмачок, бақувват гавдали.

Йигитлар йўлда бир-бирига бўлаб қўйилгандай тизилиб борарди. Қув қораймасдан Бахмал кул ёнидан ўтиб кетишди, ёйра-ширада қоялар орасидаги илонизи сўкмоқдан пастга туша бошладилар. Жар пешонасидан ўтадиган сўкмоқ жуда тор, ниҳоятда хавфли эди. Баҳор, кишда бу ердан юриб бўлмайди. Сирпанган одам икки-уч терак бўйи келадиган жарга учиб кетиши ҳеч гап эмас. Одамлар кўнинча бу ердан ўтмасдан узоқроқ бўлса-да жарни ёқалаб, тоғ оша текисликка гушарди. Худди шу жойга келганда Ҳасан четан дарахтидан дудама ханжарида қиркиб олган таёғини ерга тираб-тираб пўл бошлади. Ахён-ахёнда орқасига ўгирилиб изини босиб келаётган укасига таёқнинг учини узатар, хавфсизроқ жойга ўтиб олгач, ер остидан Охунжонга қараб қўярди.

Охунжон йўлнинг энг тор жойида харсанг тошлар орасидан осилиб тушган дулана, камхастак шохларини ушлаб-ушлаб ўтаётганда олдинда кетаётган ака-укаларнинг нималаринидир гаплашаётгани қўлоғига чалинди. Одам қуласа тилка-пора бўлиб кетадиган жардан эмас, ака-уканинг унга қараб хўмрайиб туришидан юраги «шувв» этди. У дулана шохини аввал секин тортиб қўрди, бақувватлигига қўнгли тўлгач, уни ушлаганча этнишини рахили ерга қийшайтириб, боғиниб олдга талпинди. Ўе

шонасидан совук тер чикиб кетди. Охунжоннинг хавфли жойдан ўтиб олганини кўрган ака-ука олдинга қараб кета бошлади.

Улар пешинга яқин Угам дарёси бошидаги яйловда Жапак деган бир козоқ ўтовига етиб келишди. Энгагида яккам-дуккам соқолли Жапак Охунжоннинг отаси билан бурундан борди-келди қилганидан «Вой, бовурим-эй, вой, бовурим-эй, отанг тирикма, Аҳматбий дурустма» деб қучқор сўйиб меҳмон қилди. Тоғма-тоғ, дарама-дара йўл юриб чарчаган йнгитларнинг қорни тўйиб бироз бўшаниса ҳам куз олдиға қишлоқ, қариндон-уруғ, бола-чақалар келдими, Жапак оға шунча қистамасин, «кетамиз»га тушиб қолишди. Охири меҳмонларнинг қунглиға қараган Жапак оға йўлга атаб илтиришган гушт, ичакка тикилган сарёғ, курт, ион берди. Кенг яйловда сийнаси йилтиратган оқ отининг жоловини Охунжонга тутқазиб «навбазма-навбат миниб кетасизлар» деди.

Ҳамқишлоқлар йўлга тушишди. Охунжон отда, ака-укалар пиёда кетишаётганиданми, ўзини ноқудай ҳис этиб «Қим чарчаган бўлса минсин» деди. Ака-ука гадо беришмади. Бироздан кейин Охунжон отни тўхтатиб «Хой, Ҳасан, Ҳусан, энди сизлар мининглар, мен бироз оёғим чигилиши ёзай» деди. Ака-ука яна миқ этишмади. У тоғдан бу тоққа ўтиб олгуиларича қоронғу тушди. Угам яйлови этагида ағрофи кўра, олди айвон, ичи қон-қоронғу, узун бостирмага дуч келишди.

Мана шу ерда тунаймиз, — деди Ҳасан, — отгайм, билигайм жой бор экан, эрталаб барвақт йўлга чиқсак, кечгача ёғичалшакка етиб оламиз, у ёғи бир қадам.

Бостирманинг қоқ ўртасига олов ёқилди. Ҳасан боғлиб ҳўранинг бир жойини буғиб, қуриган шох олиб келди. Чарч-чурж ёнаётган олов уртадаги билинар-билинимас изиришсини илтимас, йнгитлар ўз хаёли билан ўзи бўлиб қўлларини оловга чўзганча жимжит утиришарди. Ёурчақдаги бир-икки боғдам пичан олдиға отни қўйиб қўришди. От пичандан қўра қўнроқ ловуллаган гулханга қўлоқларини диққайтириб қараб гурарди. Орадаги сукунатни шунча йўлдан бўён оғзига талқон солиб келган Ҳасан бузди.

Охунжон ака, — деди у ярмидан кўни ёғиб кетган таёқни оёғи билан гулхан ичига тешиб қўйар экан, — сиз билан ҳисоб-китоб қиладиган бўлдиқ-да!

— Нимани ҳисоб-китоб қиласан? — таажжубланди у.

— Ие, эсингиздан чиқдимми? Сизни одамлар анча эсли дейишадди, эсингизни еб қўйганга ўхшайсиз-оя...

Кутилмаган бу гандан Охунжон аввал хайрон бўлди, ҳали кишлоқда бирон одам унга бунақа муомала қилмаган, узича буни Ҳасаннинг қўполлиги деб билди. Парво қилмади. Мийғида қулиб Ҳасаннинг гапини ҳазилга йўймоқчи бўлди.

— Энди ука, эсимиз бўлса сан билан йўлдош булармидик? Эси настинг йўлдоши бўлмас, йўлдоши бўлсада, қўлда оши бўлмас.

Ҳали шунақа дегин, — деди чакчайган Ҳасан сансиранга утиб. У уришдан туриб Охунжон ечиб қўйган этининг бир пойини олиб улоқтирган эди, этик бориб отга тегди. От тилирчилаб пишқирди.

— Сен юмшоқ сунпургисан, билдингми, — ушқирди Ҳасан жазаваси тутиб, — у ахлатни сунпуради, шунинг учун узи исқирт бўлади. Сан исқирт бўлмасанг, нега мени оиламга аралашдинг, хотинимни йўлдан урмоқчи бўлдинг. «Сани қаматаман» деганинг эсингдами, ё эсингни жойига тушириб қўяйми?

Охунжон Ҳасаннинг вазоҳатидан хайрон бўлиб, Ҳасанга қараган эди, у кузини олиб кочди.

— Ўзингни бос, ука, — секин гап бошлади Охунжон, қўқшқондан чиқма!

Йўқ, деди Ҳасан палахмондай муштини йиғиб Охунжон устига бостириб келар экан, — қўқшқондан сан чиқкансан, сан бировнинг оиласига тумшугингни суққансан, оилада бўладиган майда-чуйда ишларни рўқач қилиб хотинимни йўлдан урмоқчи бўлгансан.

Э, тавбагандан кетай, деди Охунжон ажабланиб, — куздай қуни-қушни була туриб нималарни уйлаб, нималарни алжираяпсан узи?!

Охунжон бамайитхотир қўлларини ишқалаб оловга тоблар чоғи лон этиб хаёлига буттурғи воқеа келди. Охунжон эрталаб ишга кетаётганда Ҳасаннинг хотини уни йўлда тўхтатиб эрининг дастидан ишқоят қилган, кечқурун ҳамма ёғи моматалок ҳолда идорага келиб, охириги пайтларда томорқаларига экилган сабзи, пийёз ариқларини пичдаги қўқшқорини эзиб ичинг одатини чиқарган Ҳасандан солиган эди. Шунда Охунжон Ҳасаннинг олдига келиб у билан бироз ади-бадига борган, «шундоқ чиройли хотининггни ургани уял» деган эди. Ҳовлининг уртасидаги сурқда яланғоч оёқларини осилтириб утирган

Ҳасан Охунжоннинг оркасида «Чиройли бўлса никохлаб олақол» деб сўқиниб қолганини эслади...

Охунжон бир пой этисини олиб келни ичтида ўрнидан қўзғалаётганда Ҳасан укасига бошини қимирлатиб бадати ишора қилган заҳоти Ҳусан Охунжоннинг устига қўққисдан ташланиб қолди. Нима бўлаётганига тушунолмай эсанкираган Охунжон ҳушини йиғиб олгунча ака-ука уни бўлғалаб ташлашди.

Бостирманинг ичи тус-туполонга айланди. Одамларнинг ур-йиқити, хириллаган товушлардан чўчиб кетган от шундай қаттиқ кишнаб юбордики, бирдан бостирма ичи сув қуйгандай жимиб қолди. От бостирмадан отилиб чиқдию қоронғу эминстон ичида ғойиб бўлди.

Ака-ука ҳансираб ўрншларидан турганда ошшоқ оёқларини, ўзуни-ўзуни чиройли бармоқлари ёзилган қолдаги Охунжон ичига қараб қотиб қолган эди.

Чаток бўлди, деди Ҳусан эсанкираб.

— Ўчир овозингни, — дук урди Ҳасан, — булар ичи бўлди, шимини ечиб ол, чилвирминан оёқ-қўлини боғла.

Ҳасан қоронғу бостирманинг ичига раэм солди. Орқа деворда тахмон, тоқчалар ўртасидаги хандакка кўзи тушди. Ёзу кишда дон-дун сакланадиган, одам бўйи келадиган хандак-чўқурчанинг ичига таёқ тикниб кўрди. Бўйи чўзиллиб, эл-замбилдай булиб кетган Охунжонни ака-ука судраб келиб шу хандак ичига боғини пастга қаратиб ташлашди. Охунжоннинг боғланган икки оёғи хандакдан бир қаричча чиқиб қолди. Ҳасан бостирма бурчагидан толган эски бўйра билан оёқларини ёйди, устига хашақ ташлаб, биров сезмайдиган қилиб қўйди...

...Жапақ оға ёнбошлаб энди кўзи илинган экан, бирдан ташқарида ит юйиллаб, отнинг дупур-дупури эшитилди. У аниқ-тавниқ ўрнидан тураётганда от кетма-кет кишнади. Жапақ оға ўтов эшигин олдида кўзлари кишидан чиқиб кетгудай шиқириб турган оқ отининг юганига қўл узатиб ҳайрон бўлди. От буридан хўркигандай чопган, терлаб кетган эди.

Жапақ оға отнинг ахволидан биров қор-қол бўлган шекилли, деган ҳаёлда ўтов ичига югуриб кириб милтиқини қўлига олди. У узанинга оёқ қўйиши билан оқ отда қанот пайдо бўлгандай учиб кетди. Қоп-қоронғу гунда Жапақ оға қаёққа кетаётганини ҳам билмас, йиғирма-ўттиз чақирим тинимсиз югуриб келаётган от эски бостирмани айланиб, қўрадан сакраб ўтди-да.

бостирма айвонида таққа тўхтади. Зулматни ёриб кўбор-
гудай бор кучи билан кишнади. Жапақ оға бостирма
ичидаги хира ёнаётган тулханга кўзи тушиб, отдан ўзини
қандай ерга отганини ҳам билмайдн. У югуриб ичкари-
га кирганда олов атрофида бири Охунжонкинг сувсар
телпагини, бири қундуз ёқали пальтосини кийиб, қок-
кан қозикдай қаккайиб турган икки шарпага кўзи
тушди...

...Шундан буён бовистонликлар камалиб чиққан ака-
укаларни олдида ҳам, орқасидан ҳам «Одамхўр» деб
атайдиган бўдилар.

1999 йил.

ДОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Қисса

I

Тўққиз-ун ёшларга етган Ҳикматни кўчада қайси жу-
вон рўбару келса маҳкам қучоқлаб олар, ик-қулаларидан
чўлчиллатиб ўнар, айниқса, ҳимматдор аёллар уни баг-
рига босиб, узок қўйиб юбормас эди. Баъзан қорни қап-
пайиб қолган жувонлар селкилланган кўкраклари орасига
боланиш бошини босиб «Худойим, сенга ўхшасин, худой
сенга ўхшаш ўғил берсин» деб пичирлашар, орқасидан
хавас билан кулатиб қолишарди.

Ҳикматнинг бунақа ширинлиги, ёқимтойлиги унинг
булбулдай ширали овида ашула айтишидан. У ёшлиги-
дан дутор чертиб, ашула айтар. уйдами, кўчадами, чой-
хона ё тўйхонадами, доимо катта-кичик одамлар қурпо-
вида бўларди.

Ҳикмат туфайли мактаб бадний хаваскорлиги район-
да биринчи ўринни элди. Кишлўкда ҳар ойда мактаб
хаваскорлари концерт кўйиб берадиган. одамлар киш-
локнинг тукилиб ётган клуб биносини тўлдириб, ярим
кечагача ўқувчиларнинг чиқибшини томоша қиларди. Ҳик-
мат камда икки соат ашула айтар, чарчап шималигини
билмас эди. Айниқса, у ашула айтиб, Оқмасжид маҳал-
лалик Баҳор деган қиз ўйига тушганда зил қалқиб ке-
тарди. Атлас қўйлак, атлас лозим кийган. саҳнада худди
долақизғалдоқдай майин тебраниб Ҳикмат овозининг
тўлқинларига шўнғиб-шўнғиб раҳса тушаётган қизнинг

ҳаракатлари залдаги ота-оналарнинг ҳавасини қўзарар, аҳён-аҳёнда «Баракалла!», «Барака топ, кизим» деган хитоблар янғиради.

Бугун ўнинчи синфни битирувчиларга атаб катта концерт берилаётган эди. Терлаб-пишиб кетган Ҳикмат сахна орқасида ҳали нафасини ростлаб улгурмаган чоғи унинг ёнида Баҳор пайдо бўлди. Ҳикмат ниҳол вужудида пайдо бўлган аллақандай бир титроқ аралаш Баҳорга тикилди. Саҳнани ҳам, зал ичидаги одамларни ҳам унутиб қўйди. Баҳорнинг қўлини маҳкам ушлаганча сахна орқасидаги зинадан уни тортқилаб ташқарига отилди. Иккаласи худди уларни биров қуваётгандай чопқиллашиб, қоронғу кишлоқ кучаларида ғойиб бўлишди.

Концерт ҳамон давом этиб, мусиқа раҳбари наъбатни бошқаларга бермоқчи бўлганда залнинг ичи гуриллаб Ҳикматни яна сахнага таклиф қилишарди. Сахнада, залда, ташқарида «Ҳикмат! Ҳикмат!» деган чакириклар бир-бирига уланиб турганида Ҳикмат билан Баҳор аллақачон қолхознинг Аркитсойдаги молхонаси ёнидаги пичан ғарамининг бурчагида бир-бирининг пинжига тикилиб ўтиришарди.

Баҳор билан Ҳикматнинг ёши ҳам, буй-басти ҳам тенг. Улар ун йилдан буён бир синфда ўқиб келишарди. Қўпинча ўқитувчи дарс бераётиб «Ҳикмат, мен кимга таъриятман» деб уни тартибга чакирса, бошқа ўқитувчи «Баҳор! Ҳаёлинг қаёқда? Қани, мен нима ҳақда гапирдим, айтиб берчи?» деб қоларди. Шунда Баҳор додираб, шартта ўриндан туриб синфдан чиқиб кетар, ўқитувчининг «хай, хай»ига қарамай кетидан Ҳикмат ҳам югуриб қоларди.

Улар дарё бўйида учрашишар, дарс ҳам, ўқитувчиларнинг таъбеҳи ҳам, болаларнинг кикир-кикири ҳам унутиларди. Бир-бирига сув селишар, қирғоқдаги ҳар хил рангдаги тошларни теришар, қумдан кслажакда яшайдиган ўйларини ясашар, мактаб ҳовлисининг чеккасига илиб қўйилган темир жаранглаб дарста кириш ё чиқиш ҳақида бонг урилгандагина уриларидан истар-истамас туришар, қўлларини ушлаганча мактаб томон келишарди. Мактабга яқинлашгандагина аллақандай бир ички хис уларнинг қўлларини ажратиб юборар, Баҳор мактабнинг катта эшигидан кирса, Ҳикмат мактаб ҳовлисидан ўтиб, синфга деразадан сакраб түшарди.

Дарс тугаб, оч-яланғоч болалар ўйларига шошиб-пишиб югуришса, Ҳикмат Баҳорни Оқмасжидгача куза-

тиб борар, кучадан утиб кетаётган айрим йигитлар, шўх жувонларнинг орқаларидан «ха, Тоҳир-Зухралар» деб хазиллашишларига ҳам карамай, гўё кишлоқ кучасида иккаласидан булак ҳеч ким йўқдай парво қилишмас эди. Баъзан Ҳикмат Баҳорнинг ҳам дафтархалтасини кутариб олар, Баҳор булса унга нималарнидир маъқуллаб кикир-кикир кулиб борарди.

Кишлоқнинг шўх йигитлари мабодо Баҳорга ган отиб қолса, Ҳикматнинг эти жимирлашиб кетар, қовоғини уқиб олар, узидан катта йигитларга кучи етмаслигидан эзилиб-эзилиб кетар, бунақа пайтларда Баҳорнинг йигитларга карата «Йўқол, туркинг курсин» қабилидаги сузларидан кейин бегона кўзлардан беҳавотир йулини давом эттирарди.

Баҳор яшайдиган куча, ундаги насту баланд дарахтлар, тошу аряклар Ҳикматга ёд бўлиб кетган. У Баҳорнинг уйига кириб кетгунча рўпарадаги мажнунтол панасида караб турарди. Дарвозагача кузатгиси, ҳар кун Баҳор очиб-ёпадиган эшикни у ҳам ушлагиси келарди-ю, Баҳорнинг онасидан кура акасида кўркарди. Баҳорнинг онаси уни қаерда учратиб қолса, «Вой, бўйларингга қоқиндик, яхши юрибсанми, Ҳикматжон, Баҳор уйда йўқ» деб қўярди.

Бир куни Баҳорни кузатиб келиб, мажнунтол тагида узок қолиб кетди. Ҳеч орқага қайтгиси келмас, мажнунтол соясида «Ўткан кунлар»ни уқиб ўтирарди. Ердан чўқдимин, осмондан тушдимин, Баҳорнинг акаси Ҳикматнинг тепасида пайдо бўлди.

— Хей, менга кара, уйинг қаерда сани, агар иккинчи шу ерда курсам, биласанми нима қиламан?— удағайлади у.

Ҳикмат нидамай уридан туриб кетмоқчи эди, Баҳорнинг акаси унинг қулидан «Ўткан кунлар»ни тортиб олдида. «Жўна тезрок, бошқа кузимга кўринма!» деди.

Эртаси кун Баҳор уйда бўлган галини айтиб берди. Акаси онасига нималарнидир каттиқ-қаттиқ гапирган эмди. «Буни тийиб қўйинг, бизни шарманда қилмасин» деб ховлини гир айлантириб Баҳорни қувиди. «Агар Ҳикмат билан яна гаплашиб турганингни курсам - ўлдираман», деб бақирди.

Мактабда ҳам аҳвол узғариб қолди. Ким билади, ким нима деган; синф раҳбари Ҳикмат билан Баҳорни бошқа-бошқа партага ўтказиб юборди. Фақат қўнғирок чалин-

гач, бир-бировининг ёнида пайдо бўлиб қолар, ҳамма болалар мактаб ҳовлисида елиб-югуришса, булар нималариндир гаплашиб ҳеч гапи адо бўлмасди. Уларнинг гапи тугаш урнига қун сайин қулайиб, қунглини тукишга вақт ҳам, имкон ҳам етишмай борарди. Ҳикмат қачон дарс тайёрлаш учун китоб-дафтарларини қулига олса, варақлар қатида худди Баҳор қулиб тургандай, унга бир нималар деяётгандай буларди. У аввал дафтарларининг муқовасига, кейин ичига Баҳорнинг ҳаёлий расмларини ишлай бошлади. Бора-бора дафтарлар дарс вази-фалари билан эмас, Баҳорнинг турли суратлари билан тўлди. Биттасида Баҳор унга эркаланиб тургандай, иккинчисида унинг гапларидан қикирлаб қулаётгандай, яна бошқасида ушқаланиб қовғонини уюб олгандай. Ҳикматнинг ҳамма дафтарлари қатига катта-катта ҳарфлар билан «Баҳор» деб ёзиб қўйилган эди.

Ҳикмат расмлардаги Баҳорга қанчалик қунглини тукмасин, барибир ичига чирок ёкса ҳам ёришмай, тобора маҳзун кайфиятга бурқаниб борарди. У тезроқ тонг отишини кутар, ҳаммадан бурун мактабга бургиси келарди.

Бир қунли ҳаёлини бир фикр эгаллади. Катак дафтарининг ўртасидан икки варақини чиқариб, бир бетига Баҳорнинг расмини ишлади, иккинчи бетидан «Баҳор-жон!» деб хат бошлади. У қўқрагини қўрначага бериб хатни узок ёди. Қайта-қайта ўқиди. Қунгли жойига тушди. Дафтардан яна икки варақ чиқариб ичига хатни жойлади-да, ён қўшини уртоғи Холматдан уни Баҳорга олиб бориб беришни илтимос қилди. Эртаси қунли Ҳикмат хатни мактаб директори қулида қўриб эсанкираб қолди. Мактаб директори Ҳикмат билан Баҳорни хонасига чакириб роса тузлади.

— Бу қанака одобсизлик, муштдай бола нималар деб алжирагансан, — деди директор ва хатга қўз қирини ташлаб ўқий бошлади: «Сендан булакни десам уртага қилич қўйиб ётаман...», уялмайсанми шу гапларни ёзгани, буни қаердан олдинг?

«Тоҳир ва Зухра» достонидан. — Ҳикматнинг урнига жавоб берди Баҳор.

Сендан сураётганим йўқ. — ўшқирди директор Баҳорга утирилиб. — сен билан алоҳида гаплашаман, уятсиз, намунача жидпанглаб қолдинг! Бу қўлоқларинг билан ҳам, у қўлоқларинг билан ҳам яхшилаб эшитиб олинглар, эртадан бошлаб Ҳикмат «А» синфига, сен

«Б» синфида ўқийсанлар. Агар яна бир марта шунақа беодоблик қилсаларинг, мактабдан ҳайдаб юбораман. Кўрмайин сенларни бирга юрганларингни. Тушундиларингни? Э, Тохир-Зухра булган сенлардан ургилдим.

Ҳамма бало Ҳолматдан чиққан эди. У хатни ўқигач, ўзи ҳам Баҳорга сўйқалашиб юргани учун бир сенларни шарманда қилай деб, туппа-тўғри директорга олиб бориб берган эди. «Тохир-Зухра» деган гапни ҳам мактабда шу таркатган.

Энди Ҳикмат билан Баҳор ҳамманинг олдидан бир-бирига яқинлаша олмас, фақат узоқдан туриб муңгли қараб қўйишарди. Тасодифан дуч келиб қолишса, Ҳикмат нима қиларини билмай ўзини йўқотиб қўядиган, Баҳор эса долақизғалдоқдай кизариб кетадиган бўлди.

Шундай кунлардан бирида Баҳор «эртага Пўстинли бува бовига ўтинга чиқмайми?» деб қолди. Ҳикматнинг юраги ёрилиб кетгудай энтикди. Баҳор билан учрашганинг бунақа осон йўли борлигидан қувониб кетди. «Пўстинли бувадаги жийда олдидан учрашамиз» деди атрофига алаңглаб.

Ҳикмат Пўстинли бувага етиб чиққанда қўёш кўтарилмаган эди. Роса кутди. Баҳордан дарак йўқ. Аллақачон икки китил кўтариб кетадиган ўтин тайёрлаб бўлди. Икки кўзи йўлда, қияликда ҳеч ким кўринмайди.

Ҳикмат бир қўйин ёнроқ чинак қилиб келди-да, чака бошлади. Бўлик-бўлик ёнроқ мағзини дўпписига йиғди. Қорни таталай бошласа-да, мағзини Баҳорга нинди. Шунда пайт қияликда атлас кўйлагини хилпираб, кўм-кўк майсалар ичида очилган долақизғалдоқдай Баҳор кўринди. Баҳор Ҳикматга, Ҳикмат Баҳорга қараб қолди. Ўртадаги сойга қай бири биринчи тушди, хансираган икки вужуд яқинлашганда қай бири анқат кўзини чуқди — худди билди.

Кечгача Пўстинли бувада қолиб кетишди. Баҳор эрталабдан иш бўқоқвериш уни қўздан қочирмаган онасини қандай қилиб аздаб чиққани, кечиккан сари онаси айтган ишларни қада-партиш бажариб, онаси аччасининг олдига кетгандан кейингига учиб йўлга чиққанини таъбирди. Ҳикматнинг кўзлари чакнаб кетар, Баҳорнинг бидир-бидир гапирishiдан, йилтираган лабларидан кўзини ўзмас, ёни ҳам нималариндир гапиртиси. Баҳорга ёқатган гап айттиси келардики, тили ҳеч айтганимиз эди. Кўзча-

ри қанчалик уйнаса, тили шунчалик қотиб борарди, худди ичида ёнаётган оташ унинг томоғини, лабларини қуритиб кўбораётгандай бўларди.

Қун ботгунча иккаласининг роса биғи тукилди, улар гаплашмаган гап, уйламаган уйини, уйламаган уй қолмади. Ҳикмат мактабни тамомлаб, Тошкентга ўқинишга кетадиган, Баҳор бўлса уни кутадиган бўлди...

Мактабдаги аҳвол ўзгармади. Уларни бошқа-бошқа синфга ўтказиб қўйишди. Унингчи синфни тамомлаш вақти-соати яқинлашган, учрашиб, гаплашадиган гаплар тўлиб-тошиб кетган эди.

Ҳикматларнинг уйи шундоқ кичкина жар ёқасида. Жар бўйидаги қамишзор ичидан булоқ чиққан. Булоқда доимо битта челақ туради. Сув керак бўлса Ҳикмат ё онаси челақни алмаштириб кетади. Ҳикмат сувга тўлиб турган челаққа эиди қўл узатганда кимдир «Ҳикмат», «Ҳикмат» деб қурқа-писа чақирди. У қамишни қўли билан суриб куча томонга бўйин чўзган эди, ёра-ширада доладай очилган қизил рўмолга кузи тушди. Қамиш орқасидаги қўра четида Баҳор уни қўли билан чақириб турарди. Ҳикмат челақни учоқбошидаги онасининг олди-га қўйди-да, югурганча кучага чиқиб кетди.

Улар овлоқ жой кидириб тукайдаги Полвонтошга боришди. Қун бўйи илган каттақон тош панасида ўтириб, шовуллаб оқаётган дарё шабадаси этин жунжитадиган паллагача ой ёрувида роса бир-бирига тўйишди.

— Сани роса кўргин келди-да, гап бошлади Баҳор бармоғига ўралган дастрўмолнинг ечар экан, — онамлар сабзи тўғра, деб қолдилар. Хеч тўғрагим келмади, баҳона изладим, пичоқни сабзи тахтага так-так ўриб турдим-да, «вой, вой, қўлимни кесиб олдим, дўхтирга кўрсатиб келай» деб дастрўмолим билан бош бармоғимни ўраб сизлар томонга югурдим.

Шу алоҳи Ҳикмат билан Баҳор ярим кечагача сутдек ойдинда Полжиктош бичинида ўтиришди...

...Бугун ҳам концерт тўғамасдан клубдан кочиб кетми. Арқитсойдаги гарам ичида бир-бирига лой-сомондек ёнишиб ўтириши болалиқдан кўра баалоғат нишонаси эканини иккаласи ҳам тушунишмас эди.

Бу ойдин кеча уларнинг сўнгги ёруғ қўнлари эканини, кўп вақт ўтмай ораларини қоронғу тун пардалари ўраб, бир-бирларини чирок ёкса ҳам қўра олмасликларини Баҳор хис қилганини ўткази тўлиб гап бошлади

Хикмат, шаҳарга уқишга кетсанг, мани ҳам олиб кет, — деди у эркаланиб.

— Жиннимисан, каерга олиб кетаман, ўзимми турадиган жойим йўқ-ку.

— Қўнглинг кент бўлса битта одам сиғадиган жойга иккинчиси ҳам сиғиб кетади, — упкаланди Баҳор.

Мани каерда яшашим ҳали маълум эмас, амакиларимникига сиғаманми, йўюми, Тошкент сента қишлоқ эмас, — жавоб қилди Хикмат.

— Мени ҳам ўқитим келади, — деди Баҳор кузларида ёш йилтираб, бирга ўқиймиз, бирга турамиз... Агар олиб кетмасанг, хафа буламан.

Хикмат ростакам иккиллай бошлаган Баҳорни юнотмоқчи бўлганди, қалати бир нарсани хис қилди. Баҳорнинг яқиндагина суяклари қўлга ётадиган елкаси, қўкракларига эт битгандай қатталаниб, тулишиб қолган эди. Баҳорнинг хансираниш, дўркун баданининг гоҳ тараңлашиб, гоҳ қўнқиган хамирдай бушашиб қолиши Хикматни ҳатто қўрқитиб юборди.

— Тур, энди кетамиз, — деди у Баҳорни қўлидан тортиб. Баҳор худди ўйинкароқ боласига илжайиб қараган оналардай Хикматга қалати бир назар ташлади-да:

— Ха, мап-ти, кетамиз, яна бизни жипи чалиб кетасин, лекин эсингдан чиқмасин, энди қўришга олмасанг, хайр, лекин сени кутаман, жуда кутаман, — деди хўрсиниб.

...Концертдан кейин Хикмат бир ҳафта утар-ўтмас шаҳарга жунаб кетди. Ёз буйи у қишлоққа келолмади. Университетга имтиҳон топширди. Талаба бўлди. Қузда бирровгина қишлоққа пахталик кийим-бошини олиб кетишга келди. Баҳорни қўришнинг иложи бўлмади. Окмасжидга бориб бирон ёш бола орқали Баҳорни чақиртиришдан нийманди. Шаҳарга қайтиб, пахтага кетди. Пахтадан кеч қузда қайтишди. Орадан ярим йил ўтди. Хикмат пахтадан қайтган кунгек қишлоққа жунади. У қишлоққа қош қорайган паллада етиб келди. Тор қучадан бурилаётганда тухумдай тош учиб келиб белига қаттиқ тегди. Орқасига ўгирилган эди. Тошболта сартарошнинг эшиги олдида бир аёл унга қараб муштини ўқталдию ичкарига кириб кетди. У ҳеч нарсасига тўшунолмай беднининг жиғиллаб оғришига қарамай уйга шашилди. Онаси билан қўришар-қўришмай «Баҳор қўришми?» деб юборганини билмай қолди. Онаси ҳам бир

нимадан ижиргангандай «Юрмай, турга борармиди, шарманда», деди. Кечкурун овқат еб утиришганда секин Баҳордан гал очган эди, онаси ҳаммасини оқизмай-тоғизмай гапириб берди. Баҳор сартарош билан уйнашиб қўйиб, бўйида бўлиб қолибди. Сартарош судланиб кетишдан кўркиб, хотинининг устига никоҳлаб олибди.

Ҳикмат кечаси билан ухламай дарё бўйларини, Уч тови тукайни айланиб юрди. Баҳор билан учрашиб қолишга юраги бетламадим, ё қишлоқ унга хувиллаб қолгандай туюлдими, тоғ саҳарлаб шаҳарга отланди. У сартарошнинг эшиги олдида кадамини секинлатди, кучага сув сеппилган дарвоза кия очик. Ҳикматнинг аъзойи-бадани бушашиб ғалати бир аҳволда орқасига қарай-қарай узоклашиб кетди.

2

...Қузда Хумсон қишлоғининг катта-кичик аҳолиси чумолидай тоққа ўрмалаб қолади. Ким Боймишдат бува томондан дўлана ташиёа, кимдир Мускарамдан ўтин олиб келади, биров Қўрғонтошда олча қоқи терса, яна ким Думбала ёнғок қоқади. Шу йилди Баҳор ҳам Пўстинили бува бориға ёнғок чинакка чиқди. У бир пайтлар Пўстинили бува бориға лолақизғалдоқдай яшаб, очилиб-сочилиб Ҳикмат билан шириш-ширини ораудар қанотида қапалакдай енгил учган бўлса, бу гал илон чаккан одамдай тўлғаниб-тўлғаниб уйига қайтди...

Баҳор терган ёнғокларини жийда тағига тўқди. Жийда соясида Ҳикмат билан ўтказган пайтларини эслади. Нечундир жийда тағидан тезда туриб кетгиси келмади. Ёнғокларни саралаб-саралаб ажратди. Бир томонга йилтираган дуччакларини йиғиб «Булар сен учун» деди қуз унгиға Ҳикматни келтириб, бошқа томонга қуя тушган ёнғокларни тўплаб: «Булар мен учун, юрак-бағри қуйган мен учун» деди плчирлаб.

Қуя тушган ёнғокларни уйда чакса ҳам бўларди. Одатда онаси қуя ёнғокдан чиққан мағизни ховончада туюб ион юзига сенарди. Ёнғок мағизли ионни Ҳикмат ҳам яхши кўрар, Баҳор дафтархалтаси ичйда қўйинча Ҳикматга атаб ўзи ясаган пунака қулчалардан олиб келарди. Баҳор қуя ёнғокларни тош устида чакиб анчагица мағиз йиғди. Ғуридан ажратган ёнғокларни қонга солар экан, қафтларининг ичи қорайиб кетганини қуриб «Сен

га атаб қўлларимга хино қўйдим, кузларимга суртма суртдим, Ҳикматжон!» деди овозини чўзиб, ашулага ўхшатиб.

У чалқанча ётиб жийда шохларининг уч-учида йилтираган яккам-дуккам жийдаларга суки тушгандай термулиб қолди. Ёнғок билан жийдани қўшиб еса шунақа мазали буладики... Баҳор қузини юмиб лаззатли бир тамшанаётган пайтда бир нима бургутдай учиб келиб уни маҳкам қучоқлаганча босиб олди. У қанчалик қаршилик кўрсатмасин кишлоқдаги энг келиштади, доим цурим кийиниб, юзидан тиржайиш аримайдингиз сартарош Тошболта қучоғида турга илтинган беданадай тиширчилай-типиричилай жимиб қолди.

Тошболта улоқтирган шимини жийда шохидан апилтапил олиб кияётганда боши эгик Баҳор этагидаги қуриган алаф патлари, чангин қоқиб, ҳўйраб йиғлади.

— Сизни ёмон кўраман, энди нима қиламан? — деди Баҳор тузғизган сочлари аралаш икки қули билан бошини чангаллар экан. Воқеани биринчи бўлиб Баҳорнинг онаси билди. У кизини уйнинг ичкарасига олиб кириб улғудай дўппослади. «Яшшамагур, нима қилардинг! Цустинли бувага чиқиб, уртокларнинг билан бирга юрсанг улармидинг» деб зор-зор йиғлади.

— Акаларинг эшитмасин, нақ сўяди, — деди бир қўни ранги-руйи кўмирдай қорайиб, униқиб кетган онаси.

У кизининг буйида бўлиб қолганини билгандан кейин Тошболтага қўз очирмади. Аввал ялиниб қурди, кейин милигага бораман деб жанжал кутарди. Тошболта охири Баҳорни иккинчи хотин қилиб никоҳдаб олгандан кейингина тишчиди.

Орадан бир йил ўтиб, Баҳор уни қурди.

Куча-қуйда ҳазилқаш, чилвир мўйлабди, ўйноқи қузли сартарош унга келганда бошқача одам бўлиб қоларди. У сут қозондан тошиб кетгани учун катта хотинини тенгилаб, бошини учокқа тикмоқчи бўлганда Баҳорнинг ўтаҳаси ёрилгудай қўрқиб кетган эди. Ёш болалик Баҳор ўзалини эмизиб ётиб, қузи кетиб қолган экан, сахар туриб мол-жонларга қарайдиган Тошболта Баҳорнинг у юзига, бу қозига тарсаки солиб «Қовтини кун чакмай сушурини керак, қанжик», деб бақирди.

Тошболтанинг қўллари қанчалик енгил бўлса, оёқлари ҳам шундай учарди. Катта хотини тез-тез арабдаб кетганда, уйдаги ҳамма юмуш Баҳорнинг елкасига ту-

шар, у канчаллик елиб-югурмасин, кун иши чала қоларди. Шунда Тошболтанинг оёқ-қуллари ҳаракатга тушиб, Баҳорнинг қовоқлари, бўлди, биқинлари моматадок бўлиб қетарди.

Баҳор кир ювганда Тошболтанинг яхши кўрган оқ кўйлагининг битта тугмаси узилиб кетиб, кўйлакни даш-моллаганда кўрмаган экан, тугма устида катта жанжал чикди. Тошболта Баҳорни уйдан судраб чиқиб кир ювган, мағзава туккан жойларни роса қидиртирди. Ут-хазонлар, кесак-тупроқларга кўз ёши дув туқилган Баҳорнинг тешиасида қакдайиб турган Тошболта «Топасан, канжик, топасан!» деб тихирлик қилар, охири тугма тошилмагач, Баҳорни қора қонига белаб калтаклади.

Эртаси кунги ситирин бузук эмиб қўйган экан, яна тунолон бўлди. Шу кунгача дарди ичида юрган Баҳор эрига тик қараб:

— Қанақа одамсиз узи, худое пешонам курсин, ер кўсин мени сизга йўлиқтиргандан кура, — деб юборди.

Тошболта хотинидан бунақа гап кутмаган эди. У мол-хонаданми, ўтинхонаданми, қаёқдандир икки қулоч келадиган занжир олиб чиқди. Баҳорни сочларидан судраб ҳовлидаги гилосга аввал узун қора сочлари билан танғиди, кейин занжирни Баҳорнинг белидан ўтқазиб дарахтга боғлади. Шимидан камарни ечиб, Баҳор ҳушидан кетгунча савалади. Сочларига, занжирга осилиб қолган Баҳорни гилос танасидан бушатаётганда айвондаги бола эмаклаб келиб пастга ағанаб, жон-жаҳди билан чинқира бошлади.

Тошболта ўғлини кучук болани кутаргандай тиңирчилаган оёқларини осилтириб Баҳорнинг олдига олиб келиб ташлади. Баҳор бола йиғисиданми, ё қизига қўлини қўйган ўғлининг иссинк тафтиданми ҳушига келиб, кўзини очди. Кўз олди бироз ёришиб, ўғлини бағрига тортганда, дарвоза тарақ-туруқ очилиб ёшилди...

...Ҳикмат шанба куни университетдан ётоқхонага бормай туғри қишлоққа жунади. У пайтларда Тошкент-Чорвоқ автобуслари йўқ, дуч келган юк машиналарида қишлоққа етиб бориладди.

Ҳикмат энди кун ботиб, Думба, Юқори Қўрғон қир-ларига оқшом пардалари аста ёпилаётган, аёллар ситир, эчкиларнинг соғиб, овқатга ушнайдиган паллада Полвонгошга яқинлашиб қолди. Полвонтошдан пастроқда Угам

дарёси анча саёзланиб оқар, езда қишлоқ болалари даладан ташийдиган мева-чеватарни дарё кечиб бемалол олиб ўтишарди.

Ҳикматнинг қулоғига нариги қирғоқдан болаларнинг чувиллаган товуши эшитилди. У Полвонтош ёнига утиб қараса дарё четида уч-тўртта катта-кичик болалар қиқ-қирганича у ёқдан-бу ёққа чопишарди. Дарёда нимадир оқиб келарди. Ҳикмат аввал қўйми, эчкими деган ҳаёлга борди. Ёш болалар дарёда оқаётган нарсага сув кечиб тушишга ботина олмай, тошдан-тошга сакраб бараварига бакришарди. Ҳикмат дарёда мол эмас, одам оқиб келаётганини куриб ўзини кийим-боши билан сувга ташлади. У бел баравар камайиб қолган дарё остидаги тошларга сирғаниб-сирғаниб оқиб келаётган атлас қўйлакли аёлни сочларидаш ушлаб четга тортди. Ҳикмат сув ичидан қирғоққа судраб чиқарган аёлни майда тошлар устига ётқизди. Қон-қора сочлари ўраб олган юзини очиб қаради-ю, мурдани таниб, эси тесқари бўлиб кетди. У Гулбахор эди.

1999 йил.

ХАЗИН НАВО

Қулахмад ота умр бўйи бирон марта дўхтирга борманган. «Их» деб ётиб қолганини камшири ҳам эслай олмайди. Болта билан оёғини чошиб олган ҳам, ёнғоқ қоқаман деб дарахтдан учиб кетган ҳам, калтак еб боши ёрилган ҳам. Қулахмад отага тушунарли. Лекин кўриниши тулпа-тузук одамлар бошим ё тишим оғрийди деса, эҳсан қотади. «Суяк ҳам оғрийдими, э, товбангдан кетай» деб қўяди. Ўттиз йилда тишидан биттагина жағ тиши йук. Унинг ҳам қачон тушиб кетганини билмайди. Бирон устихонини тозалаётганда ютворган бўлса ажаб эмас. Чойхонада қарн-картанглар гурунглашиб утирганда баъзи ютмир ёшлар «Қулахмад ота, юрагингиз қайси томонда?» деб сўраб қолишса. «Чароғим, билмадим-а, юрагим қаердалигини момонгдан сўрайқол» деб жавоб беради.

Қишлоқда «Мархабо, талантлар» кўрик-танлови ўтказилди-ю. Қулахмад отанинг тинчи бузилди. Ҳафта бўйи қишлоқ кўчасиго хонадонлар тўйхонага айланиб кетди. Ҳаммаёқда доира, рубоб, най садолари, ашула, рақс авжида бўлди.

Кулахмад отанинг чорбоғи этагидаги колхоз «Маданият саройи»да ўтказиладиган якуловчи концертдан олдин «Нима дейсан, Кулахмад отанинг кенжа кизи Тошкентдан келган комиссияга жуда маъқул тушган эмиш, уни Тошкентга олиб кетипармиш, радио, телевизордан чиқаришар эмиш», деган гап тарқалди.

Кулахмад ота чойхонадан уйга кайтганда муарави настрок эди. У кампирининг олдида илдаммай ўтиб кетди. Ариқда шилдираб оқаётган сувда юз-қўлларини чайди, тахорат олиб, намоз уқигани айвонга кутарилди. Бугун хар кунгидан узунроқ намоз уқигандай туюлди кампирга. Чолининг ковоғидан гумонсираган кампир «Ассалому алайкум» деди овозини бироз чузиб. Кулахмад ота кампирга утирилди-ю, илдамди. Бориб хар кунни утирадиган курпачага узини оғирроқ ташлади-да, «Бу ёкка ке, утир» деди кампирга ёнидан жой курсатиб.

Чолининг феълини яхши билган кампир худди гуноҳни қилиб қўйган боладай қимтишиб унинг ёнига чўккалади.

— Тузукрок утир, — деди Кулахмад ота хотинига, гап бор. Санлар оёғинг билан эмас, қулоғинг билан юрасанлар-ку, эшитдингми, кизинг ашулачи булармиш?!

— Вой улмасам, — деди кампир таажужбини ҳам, хурсандчилигини ҳам тушуниб бўлмайдиган бир оҳангда.

— Нимага тиржаясан? — қулини паҳса қилди Кулахмад ота.

— Нимага тиржаяман, — коворини уюб олди кампир.

— Бу қулоғинг билан ҳам, том битгани билан ҳам эшитиб ол, — тутоқиб гапирди Кулахмад ота, мен тиррик эканман, кизингича имон қочган давраларда ашула айтишига йул қўймайман, уқдингми?

— Каердаги гапларини толасиз, — ункаланди кампир, — Ҳадича ҳали ёш бола-ку, уқидини энди битирди, ким ашула айтганини эшитибди?

— Ҳа, узим эшитмаган бўлсам ҳам эшитганлардан эшитдим! Жуда зўр, жуда зўр эмиш! Бунақа овоз ҳеч каерда йўқ эмиш!.. Энди қариганимда бир куним «Яллаганининг отаси» деган ном олиш қолувди.

Кулахмад ота ёнбошидаги ёстиқни кучоклаб ёнжимлади, харорати бор одамдай бесарапжом кўзларини кампирга тикиб:

Бугун Маданият саройида кизинг ашула айтар экан, секин билмаган киши бўлиб борасан, шу ростми-

ёлвонми, агар рост бўлса Тошкентдан келган ашулафурунларнинг каттасига ётиги билан гушунтир, шунақа, болам, бизга туғри келмайди, отаси норизо дегин, ота рози — худо рози, дегин, уқдингми?

...Қулахмад ота она-болани кутабериб-кутабериб тоқати тоқ бўлди. Вақт алламаҳал бўлди, улардан дарак йук. У учоқбошидаги кусовни ҳасса қилиб кучага чиқди. Боя этагидаги Маданият саройининг ичи-ташқарисидан мусика, ашула товушлари, ёш-яланг қийкириклари эшитилиб турарди. Эти жимирлаб кетди. У олдинга юришни-да, уйга қайтиб киришни-да билмай, косовни ерга каттиқ тираб турди, жунжиккандай калтиради.

Қулахмад ота Маданият саройига яқинлашганда ичкаридан қиз боланинг бирам ёқимли овози келардики, у ёнидаги одамларнинг «Келинг, келинг, отахон, ичкарига киринг, Ҳадичани эшитинг, Ҳадичани» деган сўзлари ҳам қулоғига кирмади, назарида Маданият саройининг ичи-ташқариси шу овоздан ёришгандай туюлди. У аввал «Ҳадичани эшитинг, Ҳадичани» деган сўзларга эътибор ҳам қилмади, одамлар орасидан ўтиб бино ичига бир қадам қўйишини билади — кўзларига ишонмай қолди. Сахнада атлас қўйлак кийган Ҳадича доладай гул-гул очилиб, булбулдай сайраб турарди. Хамма бирдан Қулахмад отага ўтирилди. Ҳадича ашуласини тамомладими, е отасини кўриб тўхтаб қолдими, бирдан залда гулдурок қарсак қутарилди.

Қулахмад ота одамларни қандай ёриб чиқиб кетгани-ю, қандай уйга етиб борганини билмайди. Қулоғи гулдурок қарсаклар, қарсаклар, худди уни мазах қилиб чалинаётган қарсакларга тўлиб, шаңқиллар эди.

Шу кеча Қулахмад ота уйида қиёмат қойим бўлди. У қизини тийиб қўймаган кампирига умрида биринчи марта қўл қутарди, Ҳадичани қўниб солди.

Ҳадича опасиникига қочиб қутулди. Икки кун уйга келмай юрди. Қулахмад отанинг хотинига санчадиган ниши гўмтоклашиб борди. Охири қиз опасига эргашиб уйга қайтди ва отасининг кўзига кам-кам қўриниб юрди.

Қулахмад отанинг қўнгли юмшади. Хар қалай қизи Тошкентга кетмади. Айтганини қилди.

Орадан бир ой утар ўтмас Тошкентдан хат келди. Ҳадича филармонияга ишга таклиф қилинган эди.

Она-бола кечаси билан мижжа қокмай чиқишди. Онасининг олдига боришди. Онаси юм-юм йиғлар эди. Бир ҳафта йиғи-сиғи, авраш-эркалаш, дўк-пўнниса Ҳадичага қор қилмади.

— Онажон, — деди вихоят у, — мен ашуласиз яшай олмайман. Ашула айтмасам, қорагим «пак» этиб ёрилади.

— Менам ашулани яхши қураман, жон болам, — деди онаси, — нима қилай, отанг унамаса...

— Сиз дуо қилинг. Илойим, қизимни йулиш бер, деб ният қилинг. Ахир сиз менга ёмонлик тиламайсиз-ку. Радио, телевизорларда яхши-яхши ашула айтиб берсам, отам ҳам қуниқиб кетадилар, мана қурасиз, кейин хурсанд бўладилар...

Ҳадича отасидан ўғринча Тошкентга жўнаб кетди. Бунн эшитган Қулахмад ота терақдай еру қуқни зириллатиб йиқилди-ю, ўзини унглай олмади. Туядай гердайиб юрган чол бирдан чуқиб қолди.

Орадан бир-икки ой ўтиб, радио, телевизор орқали ашулалар айтиб анча оғизга тушиб кетган Ҳадича «отам кечирган булсалар керак» деган ниятда кишлоққа келганда Қулахмад ота қизига қарамади ҳам. Бир оғиз «Қизим, яхши қурибсанми?» ҳам демади.

Ҳадича барибир йиғлаб Тошкентга қайтиб кетди.

Кампир бир қуни Қулахмад отага «Намунча ўзингизни қийнамасангиз, телевизорда ашула айтаётган қиз-жувонларнинг отаси сиздақадир, улар ҳам сизга ўхшаб қурпа-тушак қилиб олганимики?» дейишники билати — баалога қолди. Қулахмад ота аввал қизига тарбия беролмаган хотинини, кейин одобсиз қизини буралаб сўқди. Бир қуни қизини қўрсатгани учун ишлатилмай, чанг босиб ётган телевизорга қулини ниқтаб-ниқтаб бақирди. Овози ҳам бурунгидай гўлдураш урнига аламазада қийиллади.

— Мани уруғ-аймоғимдан яллаган чикмаган, тушундингми, эси паст! — деди хотинига қараб.

Кампир бориб телевизор устига гиламча-жойнамозни ташлаган эди, Қулахмад ота «Жойнамозни ол, ҳаром қиласан» деди зарда билан.

Қулахмад ота эртасига ётиб қолди. Қуни утган сайин қоврайдай қовжираб, охири қўзларини юмганча қайта очмади. Пешонасининг ярмига қутарилган бароқ қошлари эгилиб кириқларига қушилди, қўқрагини қонлаган узун соқоли бир-икки силқиндию, номозишомда жони узилди.

Кариндош-уруғ маслаҳатлашиб уликни эртаси куни пешинда чиқармоқчи бўлишди. Ҳадича етиб келар, деб уйлашди. Тошкентга сим қоқибди.

Эртаси куни пешингача ҳамманинг кўзи йўлда бўлди. Ҳадича етиб келолмади, отасининг совуқ дийдорини кўролмади...

Колхоз раиси уч-тўрт йил илгарии кишлоқ кучаларидаги ёғоч ҳодаларга радиокарнай ўрнатган эди. Колхоз радио тармоғи орқали шу карнайдан турли хабарлар, концертлар бериб туриларди.

Кишлоқ йигитлари тизилтишиб Қулаҳмад отани елкадан елкага узатиб катта кўчага чиқишганда радиокарнайдан «Кишлоқ меҳнаткашларига атаб концерт эшиттирамиз» деган овоз эшитилди-да, бутув еру кукни ҳазини навога тўлдирган ашула қуйилди. Ҳассакашлар беихтиёр бир сесканиб тушди, елкадан елкага утаётган тобут ҳам таниш овознинг мунгли нолалари остида тебраниб-тебраниб борарди. Радиодан Ҳадичанинг марсияси бутун кишлоқ бўйлаб таралиб турарди. У одамнинг юрак-бағрини эзиб юборадиган мунгли фитоки билан худди тобутга эргашиб келаётгандай эди.

Могамасро ашула Қулаҳмад отани ерга қўйгунча давом этди.

Ҳамкишлоқлар ота қабри атрофига чуқкалаб, қорилар тиловат бўшлаганда радиокарнай ҳам жимиб қолди...

2000 йил

ТУТ

Хумсондаги ҳовлимизнинг сатҳи пасту баланд эди. Дарвозахонадан унг томонда мол кириб чиқадиган пастаккина эшик буларди. Ундан ўтишнингиз билан гир айлана ўтихона, пичанхона, моллар кишлайдиган оғилхоналар бўлиб, ўртада гўнгтепа, икки томонда иккита бахайбат балх тути ушиб ётарди. Сигир-бўзоғимиз, ашак сўғорилар экан-у, тутта сув бериш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас эди. Гўнгтепанинг наmidанми, ё тарновдан тушадиган оқава тутнинг илдизлари ёнидан ўтгани учунми, ҳар қалай, тутлар яхши ўсган эди.

Тутларнинг ерга санчилган ядир-булир илдизлари устида биз ўтин ёрардик. Одам қўлочи етмайдиган тут-

лар молхона томондан баладга уснб кетган, ховли сат-хи билан молхона томи туташ эди. Ховлидан юриб бориб молхона томига утиларди. Тутларнинг тарвақайлаган шохлари бостирманинг ярмини эгаллаган, катталар бемадол қўлнинг чузиб тут шохини эгиб олса, биз оёғимиз тагига бирон парса қўйиб бўйинимизни чузардик.

Онам тутнинг қачон экилганини билмас, «Келин бўлиб тушганимда ҳам шу тут булган, ўшандаям катта эди», деб қўярдилар.

Ёш бола эдик. Онам баҳор келиши билан хадеб «Иш-килиб, тут пиниёғига етиб олсак, у ёғига худо иошиш», дер эди.

Тут пиншгандан бошлаб эски чойшабми, кўрпалардан чиққан астар-аврами, уйда қанақа мато бўлса ҳаммаси молхона устига ёйиб қўйиларди. Кечгача бир-икки тоғора тут йиғилиб қолади. Баъзан оналарим чойшаб ушлаб турса мен тут шохларини силкитардим. Чойшабга дув-дув тут тукиларди.

Хар кунни камиди уч маҳал тут ердик. Ерга тукилганларини, кокиб йиғилганларини онам томдаги бўйра устига ёйиб, қўриқиб оларди. Йилига икки-уч марта пинини қайнатиб олардик. Қиш бўйи дастурхонимизда олма коки, бодом, туршак, ёнғоқ қаторида, албатта, тут майини буларди. Тут майини ховучлаб-ховучлаб оғзимга тагшлардим. Ширинлигидан томоғим қирилиб кетарди.

Қаллаи сахардан қушлар билан баробар уйғониб тут шохига ўйнардим. Кечаси билан бўлиқ-бўлиқ тут тўкилган бўлса-да, йилтираб турганларини териб оғзимга солиш жуда мазза. Шохдан-шохга ўтаётганда секин қўзқолиш керак, бўлмаса тут дув этиб тўкилиб кетади. Тут устида ховучлаб ошалаш қийин. Йирик тутларин битта-битталаб оғзимга соламак. Ҳамма мева-чева тез қўнғилга тегади, аммо тутни қанча есанг — шунча егинг келади, ичингни ҳам оёритмайди. Қўлларинг шира бўлиб кетади. Лабларингни шира босади. Кийим-бошингни шира қоплайди. Тут устидан тушгинг келмайди.

Мактабга боришдан аввал тут ейман, мактабдан келиб ўзимни тут устида қўраман, кечаси ҳам «ёстиқ оши» қиламан. Чумчуқлардан қизғанаман. Қушлар ичида энг хира нафаси — шу чумчуқлар. Одам тўяди, қорамол тўяди, бу қурғурлар ҳеч тўймайди. Тумиқунини икки елкасига ишқалаб-ишқалаб дик этиб у шохдан-бу шохга ўтгани-ўтган. Ўзи еса ҳам майли-я, энг пиншган битта

тутни чукийман, деб унтасини ер билан яксон қилади. Ерда шунча тут туриб, шохдагисига тикилади, яна энг йиригини таълаб чуқилайди. Тумшугига яримга тут снғмайдию, энг каттасига ёпишади. Ўзи еб тинч кетса — гурга эди, бир-бирини қувгани-чи? Бир-бирини чириллатиб қувади, худди атайин қилгандай, гуж пишиб ётган шохларга урилиб, тутни ер билан битта қилади...

Байрам кунн эди. Ўқиш йук. Кечгача роса тутга туяман, деб утирган эдим.

— Рихситилла! — деб қолди онам, — бугун опаларингга карашиб юборгин, тут қоқиб берасан, улар чойшаб ушлаб туришади. Шинни қиламиз.

Шу пайт дарвоза томондан кимдир чакириб қолди. Онам ялт этиб опаларимга қаради. Опаларим айвон устунн ёнида чуғурчуқдай тизилишиб, дарвозахонадан кириб келаётган одамларнинг гангур-гунгурига қулоқ тутиб қолишди. Мен ялангоёқ дарвозахона томонга чошиб бораётганимда олдинда қолхозимиз раиси, унга эргашиб қишлоқда ҳамма «зақунчи» деб атайдиган, барқ қолли, битқуз ҳосилот, яна қишлоғимиздан иккита йигит кириб келишди. Менга яқинлашган раис «(О)нанг борми?» деб суради. Менинг «ха», ё «йўқ» сузимни қутмасданоқ ховли уртасига етиб қолди.

Онам раис билан «зақунчи»ни кўрган захоти айвон четига чуқди.

— Пилла — бу снёсий масала, — деди раис, — ҳаммамиз бир жон-бир тан бўлиб уни давлатга топширишимиз керак. Қурт кутиб туролмайди, ҳозир айни даҳага кирган палла, уни тўйдирсак — ўзимиз туямиз, тўйдирмасак уйимиз қуяди! Худди шундай.

Онам раисга ялина бошлади:

— Биладан, биладан, раис, биладан. Биринчи йил қурт боқаетганимиз йук. Ҳаммасидан хабарим бор. Ўзимиз ҳам, мана, бир кути қурт боқаяпмиз. Баргин Қизилсувдан ташиймиз, даладан олиб келамиз. Ахир, бодаларнинг оғзидан емишини тортиб олиб бўлмайди-ку. Қурт азизми, бола азизми?

— Қўн маҳмадона бўлма, — деди ҳосилот онамга қараб, — ҳозир ҳукуматга пилла азиз! Бодаларнинг даладашдан насибасини териб ейди. Қурт қўлимизга қарам, тушундингми? У арра, болта, ток қайчи ушлаган йигитларга «Қани, бошла» детаңдай ишора қилди. Чуққалаб ердаги тутни битта-битталаб оғзига солаётган йигит

уриндан апил-танил туриб, бир онамга, бир рансга караб жоядиради. Тутнинг баргидан меваги кўн эди.

— Раис, раҳм қилинг, болаларнинг ризкинн қийманг, — деди онам, — қурт бўлса боқамиз, шунча йилдан буен бокиб келамиз. Колхоз пилони бизни тутга караб қолмагандир.

— Караб қолган, — деди раис, — хей, нега анграйиб турибсанлар, биринг биттасига, сен анависига чик, бит-таям баргини қолдирмай қаллайла.

Онамнинг кўзлари шотут мисоли қизариб, кўз ёшлари тутдай тўкилди. Том устига ёзилган чойшаб усти олпоқ кордай тутга тўлди. Ҳар болта урилганда дув тўкилаётган тут устидан раис хром этигини билчиллатиб утаётганда чидаб туролмадим. Югуриб кириб тоқчадан рогаткамни олиб, уқдонига дум-думалок, ёнғок довчасидай сизляк тошни солиб раиснинг башарасини пойладим. Ҳосилот хай-хайлағунча қолаберди, рогаткадан отилган тош раиснинг қок пешонасига тегди. Мўштдай боланинг қутилмаган қилиғиданми, ё пешонасини ғурра қилиб қукартирган тош зарбиданми, аввал биров эсанкираган раиснинг кейин жазаваси тутиб кетди. У худди қўзичоққа отилган оч буридай кўзлари ола-кула менга ташланди. Ўзимни онамнинг орқасига олганимни эслайман. Қолқондай қўллар менш онам бағридан юлқиб олди, кейин оғиз-бурним арадаш босқондай бир нарса тарсиллаб тегди. Кўзларимдан олов чиқиб кетди. Раис тепкисидан чойшаб тула тут устига учиб тушдим. Бурнимдан отилиб чиқаётган қон чойшаб устидаги олпоқ тутни қиз-қизил рангга бўяб юборди. Онам додлаб ўзини устимга ташлаганда йўлакдан раиснинг дарвоза томонга сўқиниб бораётиб, «Сенларни ардўмда чиритаман, шўшмай турларинг» деган хириллок товуқни эшитилди.

Шу-шу тут арраланмай қолиб кетди...

2001 йил.

П И Л Л А

Қишлокка деярли ҳамма уйда ипак қурти бокиларди. Ҳовлисида, томоркасида тути борми-йўқ, ҳеч қимнинг иши йўқ, баҳор келиб, тут барглари сичқон қўлоғидай бўлдим, хонадонларга беш, ўн қўти ипак қурти тарқатиларди.

Ипак қурти кирган хонадоннинг ҳаловати йуқолади. Бир ой тиним йўқ. Келин тушган уй ҳам бўшатилди, молхона, олди ёшиқ айвонларга сўрилар тортилди, темир печка ўрнатилди. Сўриларнинг таги намланиб, ҳарорат бир хилда сақланади.

Ипак қурти уч кун ухлаб, уч кун барг ейди. Орқа-олдига қарамай очопатдай узини баргга уради. Уйқудан ҳарир йилтироқ лўст ташлаб уйқонади. Ухлаганда сарғимтир рангга киради, уйқониб, барг ея бошлагач, қорамтир тус олади. Кейин ипак қуртининг олди-орқаси ўқовдай барабарлашиб қолади. Баргни кемириб-емириб бораётган қуртнинг бош томонидан нингичка қора нлдай бўйинбоғ пайдо бўлади.

Қурт бокилаётган хона одам нафасини қайтариб юборадиган даражада оғир. Баҳор салқин келганда эшик, деразалар очилмайди, ҳар кун икки маҳал печкага ўтин, кўмир ташлаб турилади. Босилиб, чириган барг, қуртларнинг тезагидан димиккан хоналар ҳавоси одамга қанчалик ёқимсиз туюлса, ипак қуртларига иссиқ қурна мисоли. Одамлар барг ташиб чарчарди-ю, қуртлар еб чарчамас эди.

Дала-даштда, ҳовли-чорбоғда ўсадиган балх тутми, хўроз тутми, эркак тутми, шотутми, чағир тутми, қора тутми, ёввойи тутми, ҳаммаси барабарига кесилиб кетар, амалдорнинг кузи қайси тутта тушса, қаллақлаб ташланади.

Ипак қурти, айниқса, туртинчи даҳадан кейин икки кун тинимсиз барг ейди. Қуртларнинг туйғалинин ипак сулақларини осилтириб, бошини кўтариб қолганидан, шохлар орасида, ё барг тагида пилла нишонлари кўрилиб, хона ичи сув қуйгандай жимжит булғанидан билиш мумкин.

Ипак қуртининг иштаҳаси айни қарнай булган, охириги даҳага киришга бир кун қолган эди. Фазилат хола-нинг тонг ёришмасдан эшак миниб кетган ўғлидан ҳамон дарак йўқ. Қуртлар жуда жонсарак бўлиб қолди. Ўрмалаб сўридан ерга йиқилган қуртлар кўнаяётганда Мухиддин эшакда тут шохни олиб келди.

Одатда баргни сулдирмасдан қуртга бериш керак. Майда шохлар солинабериб қанчалар кетган сўриларга қушинча барг шилиб берилади. Қизлар барг шилинади. Фазилат хола кўпроқ гимирлаб қолган қуртларга баргни

қалдишроқ ташлайди. Қолган шохлар барги билан салқин жойда сақланиб, устига сув сеппиб турилади.

Фазилат хола қанчалик баргини тежаб-тергаб бермасин, бир айланиб келгунча суриларнинг усти ерга тўкилган тутдай оқариб қоларди. Ўпшиқдан кейин Мухиддин олиб келган барг тамом бўлди.

— Жон болам, — деди Фазилат хола, — бир иложини қилсан, қаердан бўлсаям барг топ.

— Э, бормаган жойим қолмади, ойн, — деди Мухиддин, — шу қуртингиз жуда жонга теги-да. Ана, қизларингиз кидирсин.

— Сен, йиғитча турганда оналаринг қаерга боради? Пусалада барг қолмадими?

— Пусала, Боймишат бува, Қизилсув, Пустинили бува боғиям қаллайлаб бўлиди. Ўзингиз кўрдиргиз-ку, қўшинининг тутини кесаман, деб Олақўзининг угли қўлоғидан айрилишига сал қолди.

Фазилат хола айвонга мажолсизгина утириб, хонадонни идик узилди палласидан ариқ яшиғига олиб чиқадиган каттақон балх тутига тикилиб қолди. Қариган тутнинг тарвақайлаган йуғон-йуғон шохларида маржондай меваси қўл эди. Фазилат хола йиғирма йилдан ортиқ инак қурти бокса ҳам бирон марта шу тутни қаллақламай, авайлаб келган. Наҳотки уям кесилади? Болаларининг оғзидан насибасини юлиб-а? Тут барги қуртларни бир марта тўйдиришга ҳам етмайди. Қандай кўзи қияди? Увод бўлмайдими? Тўғри, қаллақласа янаги йил яна ўсиб чиқади. Янги новдалар бериб, гуркираб ўсади. Бу тут дегани қизик бир дарахт. Оллоҳнинг назари тушган. Жаҳнатдан чиққан, дейишадди. Меваси ширин — одамга овқат, барги мазали — қуртга қувват. Ипак қурти ҳам ашойи эмас. Бошиқа дарахт баргларини емаслигига улайми? Олма баргини емайди, ёнғоқ баргини қунтиллари хушламайди. Келиб-келиб тутни танлаганини қара! Тут жонивор ҳам қалати. Одамга яқин. «Мани тут, ёнида тут» деб ялинадими-ей. Одамдан паноҳ топаман деса-ю, биз уни қаллақлаб ташласак. Яхшиликка ёмонликми бу? Жонивор сиргаям ўхшаб кетади. Бугун уни соғасан, соғасан, елигини бужмайтириб, эртага яна сут беради. Тутни ҳам ейсан, ейсан, баргини шилиб олсан, яна сенга эгилиб оппоқ-оппоқ қўз ёши туқади... Э, тавбангдан кетай... Яна соясида утирасан, шилигини ялайсан, майзини ейсан, мевасига туясан, бузга жавобан қарсилла-

тиб қирқиб ташлайсан, баргини қуртга бериб, шохида
ион ёпасан... Э, тавбангдан кетай... Бунчалик бу тут
қурғур янашга илҳақ бўлмаса!.. Ё, тавбангдан кетай!!

Фазилат холанинг хаёллари илақдай ёйилиб турганда
ичкаридан чиккан кизлари уни даҳадан турган қуртдай
ураб, жаврай бошлашди:

Ойи, кун ботиб қолди, нима қиламиз?

Фазилат хола қайнатилган пилладай шалвираб уриш-
дан турди. Ўзига қаради. Муҳиддин кўзини олиб қочди.

— Майли, бир йўлини топармиз, ноумид шайтон,
болаларим, — деди у, — шу кунга етказган эгам, бу
ёнигаям йўл топиб берар.

— Қирқа қолайлик, — деди Муҳиддин ховлидаги
тутни кўрсатиб.

— Жипини-чинини булдингми, — шартта ўғлининг га-
пини кесди Фазилат хола, — қуртнинг-ку бир иложи
топилар; жипла қуриса бир қулик барги кам бўлса
пилласининг тоши босмас, аммо одам қорнини элаб
бўлмайди. Шундок ҳам кўз тикиб ўтирган насибамиз шу
бир туп тут.

Муҳиддин онасини, опаларини бир қулдириб бидир-
лаганича «Бир туп тут, тутги тағида труп, труп тутги
турғиб туради, тут трупни туртиб туради» деб кетма-кет
такрорлай берди.

— Одам улай деб турганда қизикчиликка бало бор-
ми, — жерқиб берди онаси.

Ховлида Фазилат хола тутга термулган, қизлар бир-
бирига ёпишиб олган, Муҳиддин мулзам турган эди, бир-
дан онасига «Биламан, биламан, ойи, битта жойда роса
барги қул тут бор» деб қолди. Хамманинг кузи ёришиб
кетгандай бўлди.

Муҳиддиннинг катта онаси қирқинчи чирок пилигини
қайчилаб айвонга олиб чиқди. Чирок агрофига туплан-
нини.

— Уч-тўртта роса шохлаган чағир тут бор, — деди
Муҳиддин, — ойи-жон, факат у ерга бормайман, қурқа-
ман.

— Қерда? — сўради Фазилат хола.

— Мозорбувада, хов лагерь бориға утадиган қўра
бор-ху, шунинг ёқасида, қатор туришти. Хеч ким тег-
маган.

Фазилат холани ер тортди. Кечгача ичига иссиқ қир-
маган қизлар ҳам чирок агрофини ураб утиришарди.

Бирпасда одам одамни танитайдиган қоронғулик чўқди. Чирок шуъласида қизларнинг хавотирли кузлари жовдларди.

Эшагингни олиб чиқ, — деди Фазилат хола углига қараб, — бошқа чораси йўқ, ўзи кечирсин.

... Фазилат хола учта қизи, углини эргаштириб қабристонга яқинлашган сари тинмай тиловат қиларди, айниқса, қабристонни ураган қўра ёнидан утаётганда нарр этиб аллақандай қўшларнинг учиб қолиши утақасини ёрай деди. Қабристон ичидаги одам бўйидан баланд ўсиб ётган ўтлар орасидан кетаётганда оёқларга жавдарлар уралашиб, юришга халал берганда қизлар онасига ёпишиб олар, Муҳиддин чўққ этмай эшагининг белига оёқларини пиқтаб борарди. Баланд-баланд тераклар шамолдан шушллаб, йўгон ёнбоқлар шохи қисирлар, қаердандир боёй-ўғлиннинг ваҳимали товуши келиб, гўё қабристон уларни ютиб кўбораётгандай тўюларди.

Охири тут тағида тўхташди. Фазилат хола қўр ойдинда ерга ёзилган шохларни ушлаб турди, қизлар аввал ювдаларни шиллиб бзрг йўнишди. Фазилат хола углининг қалт-қалт титраб турган елкасидан ушлаб секин тут устига чиқарди.

Муҳиддин аввал настрокдаги, кейин юқоридаги шохларни секин-секин болтада кеса бошлади. Шохлар тоҳ унг томонга, тоҳ чан томонга, тоҳ қизлардан бироз нарироққа тушар, она-болалар уларни бир жойга тўплашар эди.

Худди шу пайтда турков кечкурун қишлоқдаги уйга овқатланишга бориб, бола-чақаси орасида уралашиб, қайтиб келаётган эди. У лагерь томонидаги йўл бошига келганда «так», «так» деган товуқ эшитилди. Қўрадан ичкарига кирди-да ўсиб кетган ўтлар орасидан товуш келаётган томонга бўйинини қўзиб қаради. Бирдан дарахтлар орасида бири у ёққа, бишқаси бу ёққа юриб, худди раксга тушаётгандай қўлларини кўтариб, бошидан бир нималарни айлантириб эгилиб-тураётган, узун-узон қўйлақли қизларга қўзи тушди. У бенхтиёр «Жинлар, жинлар уйнашди», деди ўзига ўзи.

Қўраги қилидан чиқиб кетган турков шошилиб орқасига ўгириламан, деганда ут-уланга ўралашиб қолган оёқларини бирков қўшовлаб қўйгандай, қаловланиб, ерга кўзтубан йиқилди...

Эргалаб баривикт уйқонган Фазилат хола қўртлардан хабар олгани айволга қўтарилаётганда улардан нарироқ-

да турадиган турков ховлисида йиғи овози эшитилди. У айвонда такка тўхтади. Икки қатор сурин устида те-рилган тутдай ипак қуртлар шилга бошини кўтариб, йил-тироқ сўлакларини худди қўз ёшидай оқизиб, узокдан эшитиладётган йиғига қулоқ остандай қилт этмай тури-шарди...

2001 йил.

ОЛМА

Баҳор ёмғирлари тиниб, куз хавоси узгармагунча Тур-сунбой оёғига ҳеч нима киймайди. Оқинги, киядиган пар-саси ҳам йўқ. Мабодо кўчалар лой бўлса онасининг ка-лишини оёғига илади, мактабга борса ҳам, опаларининг-га утса ҳам, дала-дашдан ўтин ё мева-чева ташиса ҳам оёқяланг юраберади. Бир кун эрталаб ўриндан турдию оёғини ерга босолмай қолди. Қараса, товоилари ултон-дай қотиб, қатирмачокдай қорайиб, тарх-тарс ёрилиб кет-ган. Секин-секин товоиларини силади, силаган сари то-воилари аввал эирқиради, кейин кичишгандай хуш ёқаёшлади.

Онаси чойга чақирганда иккилаб-синқиллаб келди. Бевалик таъвишлари билан қўрган она қўшдай қўним билмас ўғлининг оёғига қарамаган экан. Ёнига чўққала-ган Турсунбойнинг товоиларига кузи тушган захоти «Вой, жон болам-ей, оёғингни нима қилиб қўйдинг, товоиларинг ёрялиб кетибди-ку», деди ачиниб.

— Совук сувга тикма, газак олиб кетади. Кечкурун челақка иссиқ сув қилиб бераман, солиб утирасан, ёр суриб қўяман, — хомуш сўзини давом этгирди она. — Бу йил қизил олмамиз яхши, пишсин, худо хоҳласа, сотиб, оёғингга бир нима олиб бераман.

Ховлидаги икки тун қизил олма бир йил ҳосил бе-риб, иккинчи йил дам оларди. Бу қизил олмаларни она-си «халқ душмани» бўлиб қамалиб кетган отасининг дала боғидан келтириб ўстирган. Жазирама иссиқ кунларда она-бола олмалар тағида жон сақлашар, ҳосил берган йилги шу икки тун олма рузғорини анча қутарарди.

Олмалар довучча булганда аксига олиб шўңақа дўл ёдигки, қишлоқ ичида биронта менали дарахт соғ қолма-ди. Мева-чева ер билан яқсон бўлди.

Турсунбой ховлидан челақ-челақ довуччаларин териб жарга ташлаган гари кўз олдиндан ип боғичли ботинка кетмас, энди ботинка кия олмаслигидан уксиб, икиллаб кўярди.

Ез келди. Турсунбой барча кишлоқ болалари катори даладан кўлига нима илинса, уйига ташиб юрди. Иш аввал урик-туршакдан бошланади, кейин олма, тоғолча, ёнғокка утилади.

У онасига билдирмай ошхонадаги таги кўриниб қолган қондаги уйни тоғорага ағдарди-да, қопни қўлигига тикиб, якшиланба қуни қаллаю сахарда далага жунади. Шу даланинг қаттакон қисми, Қатор ёнғокдан Аркитсойгача аллик-юз гектар боғ бир пайтлар Турсунбойнинг ота-буваларига тегишли бўлган. Далада ишқом-ишқом узумзорлар, таңгадек офтоб тушмайдиган ёнғоклар, олмазор боғлар, салқин қайрағочлар усарди.

Турсунбой анча вақт далада айланиб юрди. Қоровуллар куриб қолмасин, деб йулдан юрмай, боғ оралади. Шурулар дастидан эгалари тумгарақай булиб кетган бўлса ҳам ҳамон даладаги боғлар асл эгаларининг номи билан аталарди. Турусмат бува боғи, Жалилнинг ери, Умрзоқнинг қатор ёнғоғи, қал Манношнинг бедапояси...

Турсунбой қишлоққа туташган Турусмат бува боғига кириб қаттакон олма тагида тўхтади. Олма боғининг еб ҳосил қилган. Шундоқ тагида туриб узиб олса бўлади. Лекин бу ердан Хужакентдаги бозоргача анча узоқ, Бутун даладан қоп орқалаб утиш қийин. Ўзимизнинг боққа борганим яхши, деб уйлади. У ердан Хужакент анча яқинлашиб қолади. Аркитсойга тушиб олса, у ёнига амалласа буларди, одам бўйи келадиган бедазор орасидан «ўзимиз»ники деган ота-буваларининг боғига борди. «Худо хоҳласа, ота-буваларимнинг арвоғи қўллаб-қувватласа» деди унга ўзи дала бергандай. Турсунбой Қаторёнғокдан энди бурилганда рупарасидан отлик келадиганини куриб қолди. Лип этиб узини қаттакон ёнғок панасига олди. Худо сақлаган экан, қолхоз раиси уни кўрмай утиб кетди. Юраги дук-дук урган Турсунбой ўқарик ичидан энгашиб-энгашиб борди-да «коракон»лар оралаб узларининг боғига кирди.

У отасидан қолган, қиш-қизил олма тагида нима қиларини билмай узоқ ўтирди. Олмадар ер билан битта бўлиб тўкилган. Қанча териб олсанг ҳам қамайиб қолмайди. Бугун бўлмаса эртага яриб-чириб кетади.

Турсунбой куюк ажириклар устида осмонга чалқанча узок тикилиб ётди. Олмалар роса пишган, бир нималар деб шивирлаётгандай: «Олабер, олабер, нега қўркасан, нега нйманасан, отангдан бизларни тортиб олишган, бир пайтлар фирка укитувчига беришган эди. Биз гувоҳмиа, худди шу йилгидай меваларимиз гарк пишганда отангнинг қўлига кишан солиб олиб кетишган. Эшитилаётган овоз булбулники эмас, ўшанда сен отангни қўлдан ерга тушиб кетганингда чинкирган эдинг, бу чинкирик боғда кезиб отасини ҳамон излаб юрган бола иоласи. Отангдан — бон, фирка укитувчидан доғ қолди. Бизни тортиб олишгаётганда йманинмаган эди-ку, нега тортинасан, ол, ол, биз отангники, ҳозир сеники...»

Турсунбой қачон, қандай қилиб отаси эккан олма устига чиқиб олганини билмай қолди. Қўйнига йирик-йирик олмаларни авайлаб солар, қўйлаги тирсиллаб тулгандан кейин аста-секин шохлар орасидан олмаларга заха теккизмай пастга тушар, қўйини бўшатиб яна юқорига кўтариларди.

Хаш-паш дегунча қол тулди. У қол оғзини «сачратқол» ут билан боғлади. Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм, дедида, қолга елкасини тутиб орқаламоқчи эди, бир қол олма уни босиб қолди. У қол тагидан чиққандан кейин олмани қол териб қўйганига. Хужакентгача бу қолни олиб боролмаслигига ақли етди. Йўғламсирагандай қолдан олмаларни авайлаб ерга тўкди. Қол ярим булди. Икки қоллаб қол оғзидан ушлаб кўтарди. Бироз енгилроқ туюлди. Яна беш-ўнта олма солди. Кейин қол оғзини қайта боғлади.

Боғда ҳеч қим кўринмайди. Фақат турли-туман қўшларнинг чуғур-чуғури, булбулларнинг сайраши, қаналаклар оламни тутган. Бир чиройли қаналакни қувиб ушлагиси келдию, узини тийди. Унинг гуддан-гулга қўниб енгил учиши бирам ҳавасини уйғотдики...

Турсунбой отаси бондан бодомзор оралаб Арқитсойга тушди. Аҳён-аҳёнда оёқ остидан «парр» этиб учиб қоладиган беданалар юрагини ёргудай чўчигиб юборарди, Арқитсойдан сув кечиб нариги кирёққка ўтди. Қирёққнинг бети яланг, тошлок эди. Турсунбой устини тақир тиламдай кўкитир ўт қонлаган тош устига орқасидаги қолни аста қўйиб, бироз дам олди. Нам қўйлаги сой памолидан селгиб баданидан қўча бошлаганда қолни яна орқалаб, харсанг тошлар орасидаги илон нэн сўқмоқдан юқорига кўтарила бошлади. Сойдан тепаликка чиққунча

уч-турт марта нафас ростлади. Оркасидаги юк тобора оғирлашиб борар, уни олдинга жиддирмай орқага торгар, уттиз-эллик кадам босмасдан харсиллаб қоларди. Йрим соатлар чамаси у инкиллаб-синкиллаб сойдан ялангликка чиқиб олди.

Текис йўлда қоп орқалашининг ўзи бўлмади. Сойнинг ичи яхши экан. Қопни бирор тошнинг устига қўйиб туриб орқалаш анча қулай эди. Текисликда қопни икки қўллаб кутариб орқасига силкитгиси келдию, қоп қимирласа ҳам ердан узилмади.

У чўккалаб қопни орқасига аста йиқитар, бор кучини белига йиғиб ўрнидан туришга нитиларди. Катта йўлга етгач, анча утириб қолди. Хумсондан бирорта эшак минган, ё арава хайдаган одам келиб қолармикин, деб умид қилди. Қуёш тиккага келган, ҳамма йўлга чиқадиغانлар утиб кетишган, чор-атрофни фақат чигирткаларнинг тинимсиз чириллаши қўлаб олган эди.

Ҳозир «Чинор» деб аталадиган қишлоқ бурун қий дала бўлиб, йўлнинг пастига буғдой, арпа, маккажўхори экилар, юқори томони эса боз эди. Йўлнинг икки четида чилонжийдалар шовуддай бошини эгиб турарди. Жийдалар оркасидаги сўкмоқдан иложи борица тез-тез одимлаб боришга ҳаракат қилаётган Турсунбой қора терга ботиб кетди. Нафас олиши оғирлашиб, кўз олди жимирланди, чап елкаси ачина бошлади. У тоҳо мулқайган ҳолда қопни оркасида тутиб туриб бироз дам олар, сўнгра қоп оғзини бошқа елкасига утказар, иложи борица тезроқ кадам ташлаб йўлни қисқартиришга ҳаракат қиларди.

Яккатутга етганда йўл яримлаб қолди. Яккатутдан Хўжакент қишлоғи, Чимён тоғлари худди қўл узатса етгудай туюлса-да, орада анча масофа ётарди. У жавдарлар орасидан Хўжакентга узок қараб турди. Қишлоқ ёнидаги туя ўрқачидай баланд-паст тоғ кўтарилиб Чимён ёнбағирларига туташиб кетар, мовий хавога бурканган манзара тўғ унинг чарчоғини шимиб олаётгандай туюларди.

Турсунбой қопга қараб уни яна оғичлаб кутаришдан юраги бир безилласа, вақт утиб боришидан, бозор алламахал кизиб кетганидан хавотирланар, тезроқ Хўжакентга етиб бориш дардида ёнарди.

Ҳозирги Чорвоқ қишлоғи ўрнидан пастга қараб кетган йўл буларди. Турсунбой шу йўлдан хўжакентликлар ботиға тушиб олгунча анча қийналди. Юки оғир одам

урлаганда белнга, пастлаганда оёкларига кийин булар экан. Турсунбойнинг тинкаси куриб, тиззалари қалтирай бошлади. Коп уни тобора ерга михлаб юборгудай эса бошлади. У елкасидан бу елкасига силкитиб-силкитиб олай деса, олмалар эзилади, силкитмай деса олмалар тобора тошдай оғирлашиб борарди.

Елкангдаги юкни пала-партниш кутариш билан уни болани опичлагандай эхтиётлаб олиб боришда фарк катта экан. Агар копдаги олма бўлмай, ёнғок, турнак бўлганда, у дам олар чоғи шартта оркасидан ташлаб юборармиди, ҳозир бўлса авайлаб юриш, жон ҳовучлаб чўккалаш, эхтиётлаб оркалаш керак...

Хўжакентликлар даласида Турсунбой адо-ю тамом бўлди. У дам олишни уйлаганда босилажак қадамнинг олдидадан белгилаб, ўзоқдаги урик ёки ёнғок дарахтларини чамалаб кўядиган бўлди. «Уч юз қадамдан сўнг дам оламам ёки ҳув аяови теракка етиб олгач, копни ерга қўяман» дер эди-да, зўр-базўр ўрнидан қўзғаларди. «Бир, икки, уч, тўрт... бир юз саксон... бир юз саксон саккиз... икки юз... уфф» деб ерга аввал иккала тиззаси билан чўккалаб, кейин оркасидаги копни туширарди. Кўйлаги жикка ҳул. Турсунбой терлаб кўйлагини намладими ёки олмалар эзилиб баланини ҳулладими, билолмас эди. У пешинга яқин Хўжакентга ўтадиган Чирчик дарёси устига қурилган куприкка етиб олди. Турсунбойнинг эсида йук, онаси айтиб берган пайғамбарлардан бирининг оти туёғи урни тушган тош ёнидан ўгиб борар экан, беихтиёр шу от туёғи ўрнига кузининг қириши ташламоқчи бўлиб бошини кўтараман, деганда копнинг оғзи терлаган панжалари орасидан сирғалиб чиқиб кетдими, ё оғир юк билан мувозанатини йўқотиб қўйдими, коп-попи билан оркасига ағанади. Йиғлай деса уни билмайди, йиғламай деса — буни билмайди. Ағдарилган кол кузига кичрайиб, олмалар батамом эзилиб бўлди, деган ҳаёлда бирдан ҳушини йиғиб жон-жаҳди билан копни қоринининг усти аралаш кўкрагига олди. Копни маҳкам қучоклаганча тупроғи бир қарич келадиган кўчадап бозорча томонга апи-л-тапи-л одимлади...

Турсунбойнинг омади келди. Бозорчадаги олмалар ёзги, ширин бўлса-да, майда-майда эди. Апорт олма ўзи кузгюю жуда бозорбоп бўлади. Уч-тўрт донаси бир кило тош босади. Турсунбой қурт сотиб утирган хумсонлик кампир ёнига бориб копнинг оғзини очган захоти Чим-

ёнданми, Бурчмулла томонданми келишадиган беш-унта ўрис хотинлар ураб олишди.

— Кизимка, егин, — деди қурт сотадиган кампир қондаги олмага ҳавас билан тикилиб турган ўрис хотинга қараб.

Ўрис хотинлардан кейин қоп анча шалвираб қолди. Турсунбой хурсанд бўлиб қўлидаги уч-тўрт сўм ва тангаларни болалиги тутиб энди санаётганда Хумсондаги «Интернат» колхозининг раиси қашқа отда унинг теппасида қаккашиб турарди... Турсунбой унга қараб бақрайганча дағ-дағ титрай бошлади.

— Қаердан олдинг бу олмани? — хириллади раис болага қамчин уқатиб. — Бу ёкка бер пулни...

Раис от устидан этилиб Турсунбойнинг қўлидаги қороз пулларни юлиб олиб кителанинг кўкрак чўнтагига солди.

Апамга айтиб бераман, — деб йиғлаб юборди Турсунбой тўкилган тангаларни ердан териб олар экан.

— Бор, айтақол, апанг билан кечкурун илорада гап-лашамиз, — деди-да, раис Ғазалкент томонга отини чоптириб кетди.

— Ётимчани қақшатиб райондаги дукайлармиёнан пиво ичади бу гурсухта, — деди нарипроқда олча сотадиган жувои.

— Худоё пиво ичмай, захарни ичсин, — қушиб қўйди қурт сотадиган кампир ва қиблага қараб уни қарғадн.

1999 йил.

И Л О Н

Нажимларнинг уйи қишлоқ чеккасидаги Пусала қирларига туташиб кетган қияликнинг қунтай тарафида. Ота-сидан қолган боғ этаги Угам дарёсига чузиллиб тушган.

Нажимнинг онаси эридан кейин ихкита уғли билан шу боғ ҳовлида яшайди. Боғнинг текисроқ ерларига сабзи-пиёз, картошка, жўхори, қунгабоқар экади. Колхоз ҳисоб-китобида қараганда боғни ихки-уч хўжаликка ажратиш берса буларди-ки, лекин ўнқир-чўнқир қиялик, чакалақзорларга ҳеч ким рози бўлмади, бора-бора йилига бир қоп, ярим қоп олча, ёнғоқ тоширадиган аёлга ҳеч ким бир нима демай қўйди. Йиллар ўтиб, боғнинг катта-кичиклиги ҳам, бор-йўқлиги ҳам унутилиб, ёнғоқ, олча, пок, олма, узум, маймунжон билан қопланиб кетган қиялик кампирга қолиб кетган эди.

Кишлок билан Пусала кнрларини ажратадиган жардан ўтгандан кейин колхоз борлари ўртасидан ёз кунлари оёк босса куйдирадиган билк-билк тупрокли сукмок бошланади.

Нажим эрталаб мактабга кетаётганда ё пешинда уйга қайтаётганда момик тупрокли йулда худди биров тухум юмалатгандай бурама изларни куриб қоларди. Иаларга қараб туриб йулдан илон ўтганини, унинг катта-кичиклигини тасаввур қилади. Илонлар хақида кўп эшитганиданми, харқалай, илон деса қулоғи кизигандай, диккати таранг тортиларди. Йулда илон изини куриб қадамини тезлатар, чигиртка қуяиб юрган ё буталар орасидан, дарахт шохларидан «пирр» этиб қушлар қутарилса, Нажим ён-берига алаңлаб қуярди. Баъзи болалардан эшитган «Илон одамни қувар эмиш» деган гаплар ёдига тушарди.

Нажимнинг онаси кечки овқатга уннаётганда ўғлига молларнинг тагини тозалаб қуйишни буюрди. У аввал қорамолларнинг тагини, кейин қўй-эчкиларнинг нишхўртларини бир жойга туплади, куракда оладиганларини белкуракда, қолганларини чултоқ супургида супуриб ияеди.

Молхона пастқамгина, якка харили бостирма. Тўрт томони гувалада қутарилган, уртадаги узун хари устига шох-шаббалар ташланиб, лойсувоқ қилинган. Нажим ишни битириб молхонадан чикиб кетаётганда бостирма харисда бир нима осилиб тургандай қуринди. Тухтаб, тикилиб қолди. Думи харининг орқа томонида қолган билакдай олачипор илон боши билан қилт этмай осилиб турарди. Нажимнинг назарида илон унга қараб тилини чиқаргандай бўлди. Молхона эшиги Нажимнинг рупарасида, агар чўпиб утмоқчи бўлса арқондай осилган илон тагидан ўтиши керак, буйинга чирмашиб олса-я, унг томондан айланиб ўтай, деса сигир билан бузоқ халақит беради, чап томонда қўй-эчкилар йўлни тусиб қўйган. Жим турган илон кимирагандай, буйни чўзилгандай туюлди. Нажимни қора тер босди. Онасини чақирай деса вақт зик, ҳозир, ҳозир бир нима буладигандай. У деворга тираб қўйган паншахани эслади. Орқасига ўгирилиб, паншахани олишга юраги дов бермади, илонга тикилиб турганича тисарилиб, паншахани пайпаслаб ўшлади.

Нажим паншахани ўшлаб секин-секин юрди ва илоннинг хари орқасига қайтиб кираётганини кўриб аял-

тапил паишаха сикларини илон аралаш хариға санчди. Паишаханини иккита тини илоннинг буйнидан утиб хариға салчилиб қолди. Илон орқа тешикка кириб кетмоқчи бўлди-ю, Нажимнинг бор кучи билан уни босиб, эзиб туришидан қочиб қутулолмади. Илоннинг хари устидан айланиб ўтган думи хариға шалоплаб урилар, жон талвасасида ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаётган илоннинг очилиб, қимилмаган оғзидан қонни, захарни, тук сарғиш рангли суюқлик сачрар эди.

Кетмон солидай келадиган, буютларга ин қуйган чумчуқларнинг полаюнларини ютиб йилтираб кетган, биров мабодо дала-даштда учратиб қолса аждахога менгзайдиган захарли илонни онаси уни чакириб келмаса қанча вақт хариға қанишгариб турарди — ҳудо билади.

Онасига кузи тушган Нажим юрак ютиб паишахани шастга тортиши билан аллақачон жони чиққан илон сонга ўралганча ерга шалоп этиб тушди.

Онасининг ялаб-қалқаб юлатишини кутган Нажим билинар-билинимас титраб-қалтираётган илоннинг буйнидан ҳамон паишахани бўшатмаган эди.

— Бекор озор берибсан, болам, — деди норози оҳангда онаси, — безарар, ўзимизнинг илон эди. Хар уйнинг уз илони бўлади. Бирор одам иморат бошлаб, битта тош ётқизган кун шў тош тагига илон келиб «Мана шў бутундан бошлаб менинг ҳам уйим бўлади» деб ин қуяр экан. Ховлида юрадиган, томда учрайдиган илонлар одамга зарар етказмайди. Даланг раҳматли айтардилар, ҳеч қачон илон биринчи бўлиб одамга ташланмас экан. одам уни ё босиб олса, ё безовта қилса яимирлаб қоларкан.

Кечкурун она-болалар фақат илон ҳақида гаплашиб ўтиришди.

— Турки курсин илонни, — гап бошлади онаси, — узин жуда совуқ нарсасу, аммо одамга фойдаси куп, дейишади. Илон ҳақида эшиттакларим бор. Тилла бор жойда илон юради, дейишади. Бизда тилла нима қилади, хар қалай, бор ичида тез-тез учратиб қоламан шў совуқ башарани. Ёшлигимда қирда ўроқ ўрардик. Билмадим, бизларни кечаси ухлаганда илон, қора қуртлардан эҳтиёт бўлсин, деб айтишганим, бир воқеани эшитганиман.

Сиғжак қирларидами, ё ўзимизнинг қишлоқда бўлганми, ёзда аёллар ўроқ уриб чарчаб қолишадими, битта аёл дулана соясида қувдузи ухлаб қолади. У шўрлик ухлаганда оғзини очиб, хуррак отиб ётаркан. Шунда ин-

гичка арқондай илон унинг оёзига кириб кетибди. Дугонаси кўриб қолипти. У нима қилишқини билмас эмиш. Айтай деса жувоннинг юраги ёрилиб кетгения мўмкин, айтмай деса, ахир дугонасининг ичига илон кириб кетганини ўз кузи билан курган.

Бундан хабардор тошан бригадир қишлоққа чопади. У воқеани жувоннинг эрига, ота-онасига етказгунча кун кеч булади. Қишлоқда дўхтир йўқ. Район узоқ. Нима қилишқини билолмай довлдираб қолишади. Жувонни минг баҳона билан уйга олиб келишади. Унга билдиришмайди. Йўлда келатуриб, жувон эрига эрқаланганда эрининг капалаги учиб, худди хотинининг совуқ қўллари унинг бўйинига ёنياшётган илондай тўқилиб, данг қотиб, қалтираб қолган экан.

Кечаси билан навбатма-навбат пойлаб чиқишади. Эри бир ҳафтадан буён буюдой уроғидаги хотинини кўрмаган бўлса ҳам, унинг ёнига кириши урнига кўзига кўринмасдан қочиб юрган экан.

Эрталабгача тишчилик бўлади. Хомилангни кўрсатамиз, деган баҳона билан жувонни район кағалхонасига олиб боришади. У ердаги дўхтирларнинг ҳам ўтақаси ёрилади. Охири уйлаб-уйлаб аёлга уйқу дориси ичириб, қаработда оёзини очиб, бошини дастга осилтириб, полга бир тонора сут қўйиб ўзоқ кўтишади. Бир маҳал жувоннинг оёзидан ярми чиққан илон осилиб сутга яқинлашади. Қўзатиб утирган хамшира қиз қўрққанидан ҳовлиқиб дўхтирга югуради. Унинг оёқ шарпасини эшитган илон қайтиб жувоннинг оёзига кириб кетади.

Ухлаб ётган жувонга оёқати ичиришибди, сув беришибди, яна ҳалиги аҳволда ётқизиб дўхтирнинг ўзи пойлабди. Орадан тўрт-беш соат ўтгани, жувоннинг оёзидан илоннинг боши кўришиб, секин-секин сутга қараб сирқалиб тушаётганда дўхтир ён томонда туриб, илонни маҳкам ушлаб, жувоннинг оёзидан суғуриб олган экан...

— Ана, кўрдингми, қаллаварам, деди Нажимнинг акаси унга, — илон билан уचाқишма, ухлаганингда ичингга кириб кетади, қайтиб чиқмаса нима қиласан?

Қўй, ушқа ваҳимали гапларни, — деди онаси, — худонинг ўзи асрасин. Дунёда ниманки жонивор бор, худонинг яратгани. Фақат озор бериш керак эмас.

— Менга қара, — деди акаси Нажимнинг елкасига тўртиб, — ҳазил қилаётганини ҳам, чинини ҳам билди

булмас киёфада, — биласанми, эркак илонни улдирсанг хотини, хотинни улдирсанг эри уч олар эмиш. Ўлдирган одамни қидириб, пойлаб юрармиш, энди эҳтиёт бул!

Одамнинг юрагини ёрадиган гапларни гапирма, — деди онаси катта уёлига хумрайиб, кузлари кинидан чиқиб кетгудай жовдирлаган Нажимга далда бермоқчи булиб. — Аканг гапираверади. Олдин ўзини билсин. Ўзиям ёшлигида битта илонни чалажон қилган. Эсингдами, шу эсингдами? Эсламасанг керак, жуда ёш эдинг...

... Ичкари хонада тахмон буларди. Тахмондаги хумда қатик иытардим. Хум устига курнача ташлаб қуярдим. Энди атак-чечак юрадиган пайтнинг, хали тилниг чиқмаган. Тахмонга буйинг етарди. Хумдан қатик қуйиб берган булсам керак-да, курганиниг учун тахмон олдига келибсан-да, унга қўлинигни тикиб қатик яламоқчи булгансан. Қўлиниги хумга тикқанингда бир нима илингаи чоғи, уни махкам ушлаб олибсан. Болалар бир нимани ушласа жуда сиқиб уйлайди. Хумга икки қарич келадиган илон тушиб қолган экан. Хайрият, қўлиниг илонини буйнига туғри келибди, уни махкам сиқиб олибсан. Уй ичида узок жим қолганингдан хавотирланиб югуриб кирсам арқонга ухшаган нарсани хумга тикасан-ялайсан, тикасан-ялайсан. Қарасам, илонни буйинидан ушлаб олиб, бошини қатикқа ботириб ялаб турибсан. Шунда қўлинигдан илонни зўрға чиқариб олганман. У бечора хумдаги қатикқа тушиб ўлиб қолганми, ё сен уни буйиндан сиққанингдан ўлиб қолганми — билолмадим. ҳар қалай илонини бошидан қатик ялаб турганиниги куриб эсим чиқиб кетган...

Нажим анча нақт хавотирланиб юрди. Акасиниги гапи қўлоғидан ҳеч кетмас эди. Булмаган гап, деди ўзига ўзи. Эри, ё хотини ўч олиш учун улдирган одамни қидириб юрармиш... булмаган гап, деб ўзини ўзи қинатарди-ку, барибир аъзою бадани жимирлаб кетарди.

Нажим ҳовликиниг этагидаги кафтдек ерга экилган картошкани чоғик қилиб, кетмонни елкалаб қайтаётганда ариқдан икки-уч қадам наридаги барглари йилтираб турган эрмал унга кузи тушди-да, буидаи уч йил бурун қилган шўхлиғини, онасини қандай қилиб Қўймас деган итнинг улмдан қутқариб қолганини эслади. Шунда Нажим Қўймас билан боеда уйнашиб, унинг оёқлари пойида ясланиб ётган итнинг қўлоғига жавдар бошоғини

секин тикиб қўйган эди. Агар жавдар бошоғини икки кафт орасига олиб қўлларини секин ишқаласа, жавдар аста-секин ҳаракатга келади. Ит қуловига кирган чивинини ҳайдагандай бошини у ёқ бу ёққа ликиллатган сари жавдар ичкарига кириб кетган, бунинг оқибатида Нажим бирор ҳафтадан кейин итининг мукка тушиб инграб ётганидан билган эди. Ит қуловининг ташидан бошини ликиллатган сари жавдар ичкари кириб қулокни яра қилган, ярага чивин утириб, итининг қулоғи қуртлаб кетган эди. Агар бир иложи қилинмаса яна бирор ҳафтада қуртлар итининг миясини илма-тешик қилиб, улдирини аник эди.

Нажим итининг аҳволини онасига кўрсатганда калтак ёйишига сал қолган.

— Сан яншамагур, итининг қуловига бир нима тикиб, яра қилган булсанг керак, қуртлаб кетибди-ку, — деб уни роса уришган эди.

Ушанда онаси боғнинг ичидаги эрман ўтидан юлиб, уни янчиб итининг қуловига тикиб қўйган. Бироздан кейин ўрик тагида ётган итининг қулоғидан минглаб қуртлар йўрғалаб чикиб, тум-тарақай қочиб кетаётганини Нажим кўрган. Икки марта қулоғига янчилган эрман тикилган Қўймас тезда соғайиб кетган эди.

Нажим шуларни эслаб эрман томонга бир кадам ташлади. Анвал қўлларига ишонмади. Бундоқ энгашиб қараса тарам-тарам чипор илон эрманининг ёйик баргларини тасма билан боғлаб қўйгандай ўраб ётарди. Кетмон билан илонининг бошига туширмоқчи бўлиб турганда узокдан онасининг ҳой-ҳўйлаган овози эшитилди.

— Нажим, ҳой. Нажим дейман, тегма, илонга тегма, — бакирди онаси.

Нажим онасига угирилди. Онаси шоша-пиша югуриб келди.

Юр болам, илонни безовта қилма, — деди у Нажимнинг қўлидан кетмонни олар экан, — кеча қўрганман, илон жуда ақлли бўлади, у бечора бирор жойда яраланган. Шу ярасини эрманга босиб ётибди. Агар шундоқ қилмаса, ярага пашша утириб, қуртлаб кетади. Эрманга пашша қунмайди, илон уч-тўрт кун яраси битгунча шундоқ ётиб, кейин юриб кетади...

Нажимнинг илонга адовати йўқ эди. Уни илон чакмаган, қувмаган, қўрқитмаган. Фақат одамларнинг гапидан қўн таъсирланган, захарли илон чакса одам улишидан

қўрқарди. Яқинда бир воқеа юз берди-ю, Нажим миясида илонга қарши аниқ бир тугун пайдо бўлди.

Онаси ака-укага доимо уйнинг ичида ерга жой солиб берарди. Одатга қура ҳар ким эрталаб уридан турган заҳоти кўрпа-тушагини йиғиштириб, сандиқ устига тахлаб ташқарига чиқарди. Нажим кўзини очиб шипга қараб ётди. Керинди. Ёстикдан бошини кўтариб, ётган жойинга ўтирди-да, иккала оёғи билан кўрпани акасининг устига ҳазиллашиб итқиғиб юборди. Кўрпа акасининг устига ўтиши билан оёқлари пастротида камарга ухшаш бир нима йилтираб ётарди. Энгашиб қараса, кўрпача четига илон пуст ташлаб кетган эди. Пиёз пустидай йилтироқ олачинор нарсани қурган Нажимнинг акаси укасида баттар қўриқиб кетди.

Шундан буён Нажим молхонада ўлдирган илоннинг шериги уч олмоқчи, деган фикрга келди. Уни топиб ўлдирмаса кўнгли жойинга тушмаслигига катъий ишонди. Қаерда, қачон, қанақа илон кўрса ўлдирмасдан қўймайдиган бўлди...

Нажим улғая борди. Акаси колхоз даласидан, онаси қозон-товокдан, кеннойиси болаларидан бўшамас эди. У боғ ичидаги, қияликлардаги пичанни уриб юрар эди. Тошлоқ жойлардаги ут аллақачон қуриб-қакшаб кетганидан атиги икки-уч боғ пичан йиғилди. У қияликларга пичанни тунлаб-тунлаб қўйди, кейин уларни сим билан боғлаб томининг устига олиб чиқиб босди.

Ёз ўрталари эди. Қун иссиқ, ҳамма ёққа олов пурқандай. Қилт этган шамол йўқ. Фақат чигирткалар тишимсиз чириллайди, қушлар ҳам соя-салқин жойларга кириб кетган.

Нажим аввал бел ўроқда урилган пичанни қул ўроқ билан йиғиб олаётганда узун қорамтир-кизғиш илон олдида вишиллаб ўтиб кетди. Нажим жон-жаҳди билан илон орқасидан ўроқ отди. Илон қуриган утлар орасидан буралиб-буралиб Нажим йиғиб қўйган ғарам ичига кирди. Нажим ғарамнинг у четини белўроқ соли билан титқилади, бу ёнини титқилади — илон чиқмади. Кейин ғарамнинг бир четини ёкиб юборди. Ғарам гува этиб ёнди. Қуруқ хашак мой қўйгандай ёнарди. Узоқдан тутун арадан олов тилга кўзи тушган онаси нима бўлди экан, деб Нажим томонга кела бошлади. Бирмаҳал ловуллаб турган ғарам ичидан пақиллаган овоз эшитилиб, найзадай тутунли олов осмонга отилгандай бўлди-ю, кўз

юмиб очгунча Нажимнинг бўйига қайноқ бир нарса шалон этиб тепадан тушди. Эс-хушини йиғиб улгурмаган Нажим бўйида ҳасиндай шалвираган, куйган илонни кўриб ўзини икки кадам пардаги сойга отди...

Югуриб келган онаси уелининг бошини кутарар экан:

— Сенга нима деган эдим-а, жон болам-а, илонлар билан ўчакишма, олишма деб шунча айтмондимми, деб додлаб хушидан кетди.

2001 йил

ҚАРКУНОК

Миржафар ёшлигидан беданага қизикмади, савва бокмади, каклик овламади, уйида кучук асрамади. Қаркунок деса узини томдан ташларди. Мактабда лақаби ҳам «Қаркунок» бўлди.

Қаркунок сарғимтир патли, тилларанг тушли, тўх жигарранг қанотли, қон-қора муйловли, оч жигарранг бошидаги тил қора кузини тикиб караса одамни сескантирадиган. думи узунгина қушча. Икки-учта болалайди, насткам буталар орасига, айниқса, дарахтларнинг пукак жойларига, тункаларга ин қуяди.

Миржафар қачон, қаердан қаркунок тутшини биларди. У қаркунок боласини жиш пайтида ин-цини билан олиб келади-да, поллопон бўлгунча айвон тоқчасида боқиб юради.

Қаркунок чумчук ё бошқа қушларнинг болаларига ухшаб ҳадеб оғзини очиб, шундай ингичка тилни ликиллатиб овқат сўрай бермайди. Уч маҳал безовта булиб, қорини туйғач, худди қарахт қолгандай қора қушларини қора қошлари остига олганча жимиб қолади.

Қаркунок дарахт шохларига абжир панжаларни билан маҳкам ёпишиб турса-да, учиб кетолмайдиган пайтида Миржафар унинг тилини аста кутариб настки тумшугини кесиб қуярди. Қаркунок энди ўзи мустақил овқатлани олмас, қўлдан овқатланишга мажбур эди. Бир йилга етар-етмас қаркуноkning настки тумшуги ўсиб юқорисига тенглашиб қолса ҳам қўлдан овқатланишга урганиб қолгани учун эгасининг атрофида гирдиқаналак бўлиб қоларди.

Қаркунок қанот ёзиб дарахтдан дарахтга учиб утадиган бўлиб, қайларгадир кетиб, яна ховлига қайтиб кел-

ганда Миржафар «ких» деса борин, у «визз» этиб учиб келар, аввал Миржафарнинг елкасига, кейин кафтига қунарни.

Қарқунок тузланган гушт емайди. Унга доимо янги гушт бериш керак. Уйда гушт бўлмаса Миржафар чумчук оилайди. Чумчук гуштини қарқунок жуда иштаха билан ейди. Уйдаям гушт йук эди, чумчук топишнинг ҳам иложи бўлмади. Пешин бўлиб қолган, Миржафар қарқунок ховлининг бирор чеккасида унга қараб турганини сезгандай бўлди-да, «ких» деди овозини баландроқ чиқариб. Бир зумда қарқунок келиб елкасига қўнди. Кейин буйни оша Миржафарнинг лабларига тумшугини суйкай бошлади. Миржафар қўлида гушт йуклигидан, қўлча овқат сураётганидан нима қиларини билмай тусатдан ховли уртасидаги номозиомгул атрофидаги чумчуқларни кўрсатиб «Ана, овқатларнинг, тут биттасини» деб қарқунокни чумчуқлар томонга учуриб юборди. Қарқунок худди Миржафар гапни тушунгандай ўқдай учиб бориб битта чумчук билан патира-путур бўлиб қолди. Миржафар бундай қараса, қарқунок битта чумчукни маҳкам босиб олганича унга қоп-қора қўзини тикиб турарди. Миржафар қарқунокнинг абжир тирноқлари орасидан чумчукни зурға бўшатиб олди, қарқунок аввал олмага қўшиб, кейин номозиомгул ёнида чўккалаб чумчук патини юлаётган Миржафарнинг елкасига келиб қўнди. У елкада турганича узиб-узиб берилаётган чумчукнинг ярмини еб бўлгач, ўқдай осмонга қўтарилиб Миржафар бошида бир-икки айланиб, ғойиб бўлди.

Қарқунок Миржафарга шундай ургандики, у қаерга борса шў ерда пайдо бўлиб қолади. Агар кечаси дарахт устида тунаб қолишнинг айтмаса, деярли кун бўйи Миржафарнинг атрофидан узокка кетмайди. Миржафар «ких» деса қарқунок қаерда бўлмасин этиб келади, қўнган жойида «кийқ» деган садо беради-да, думини битта айлангириб қўяди, қўлинча Миржафарнинг орқасидан эргашиб юради.

Қарқунок ҳамма қушлар сингарли одамлардан олдин уйғониб, эрталабдан қорини вамида булади. Миржафар шўшиб-пишиб мактабга отланса-да, уни олма шохидан азондан буён кутиб турган, ховлида пайдо бўлишни билан «кийқ» этиб кутиб оладиган қарқунокни тинчитади. Кейин узи нопушта қиладди. Мабодо мактабда бўлса ҳам узидан кура қўйроқ қарқунокни уйлайди. У мактабдан

чикиб уйга яқинлашиб қолганда қудояи остида «ини» этган товуш эшитилиб, қудояини енгил патля шамол силаб ўтади. Миржафар қарқунокнинг бирор марта рўнарасидан учиб келганини кўрмаган. Фақат орқадан учиб келиб қудояларига қанотларини тегизиб кетади.

Миржафар баҳордан кеч кузгача қарқунок билан овора. Фақат кишида қарқуноқлар кўринмай қоларди. Совуқ туша бошлаган эди. Қарқунок қалати қилиқ чиқарди. У қийкиллаб Миржафарнинг атрофини айлангани айланган. «Визз» этиб учади-кетади, яна қайтиб келади. Уйга кирса кетидан эргашади, унга ёнишади, ховлига чикса ўқдай учиб кетади-да, яна пайдо бўлади, уясида илон кўрган қушдай безовта. «Бу кетмоқчи шекилли» деб ўйлади Миржафар юраги шувиллаб.

— Уйга кир, — деди у деразани очиб олма шохида унга тикилиб турган қарқуноққа, — кир дедим сенга, кир!

Қарқунок «кийқ» этиб тикка кўтарилди-да, қайтиб дераза олтидан узоқлашаётган Миржафарнинг елкасига қўнди.

Уйга кир, — деди яна Миржафар қўли билан уй ичига ишора қилиб. Унинг қарқуноққа гапираётганини кўрган акаси энгаси қотгандай: «Қачон сенга эс қиради, қушгаям гапирадимиз?» — деди.

Миржафар уйга кириши билан қарқунок ҳам деразадан кириб уй ичини бир айланиб яна ташқарига учиб кетди. Миржафар уй уртасида туриб «қих» дейиши билан қарқунок дераза қолиб, йўлак оша ичкарига кирди-да, девордаги қозикқа қўнди. Қозик қалтакли экан, айланиб кетди, қарқунок пирпирак бўлиб полга тушди-да, бурчакка бориб Миржафарга мўлтиради. Миржафар қалтакли қозикни маҳкамлаб «Ана, сенга жой тайёр, бусундан шу қозикда яшайсан» деб ошхонадан гушт олиб келгани ташқарига чиқибки билан қарқунок учиб бориб қозикка маҳкам ўрнашиб олди. Шу йили у қозикда қишлади. Қаттиқ совуқ кунлари ҳам деразадан ташқарига чикиб яна қайтиб келарди. Уй ичига битта ҳам тезак түширмади...

... Миржафар институтга ўқишга кириб пахтага кетадиган бўлди. Аввал қарқунокни ҳам ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. «Қих» деб қўлига қўндирди, қўйинига солди, олди, солди, олди, охири уйда қолдириб, кенноийисдан овқат бериб туришни илтимос қиладиган бўлди.

— Кеннойи, — деди у ялинган овозда, — пахтадан кайтгунимча қарқуноғимга қараб турсангиз. «Қиҳ» десагиз етиб келади, эрталаблари ўзи чивиллайди, уч маҳал бир чимдим, бир чимдим тузланмаган гўшт бериб туринг, жон кеннойижон, ўгиниб сўрайман.

— Қуш улгургаям уч маҳал гўштни? — деди Санобар кеннойиси.

Миржафарнинг пахта кийимларини орқалаб уйдан чиқиб кетишни ҳам, кетмаслигини ҳам билолмай серрайиб турганини кўрган Санобар кеннойиси: «Ха, бир гап бўлар, хавотир олмай қуяқолинг», — деди эшитилар-эшитилмас. Миржафар олма шохида турган қарқуноққа қараб: «Хов, тирравча, мана, энди сенга овқатни кеннойим берадилар, кеннойим яхшилар, билдингми», — дедида ташқарияга чиқиб кетди.

Миржафар пахтага кетган куни қарқуноқдан дарақ бўлмади. Эртаси куни ҳам қораси кўринмади. Учинчи куни Санобар ховли супираётганда бирдан чивиллаган говуш эшитилиб, «ғизз» этиб қулоғи олдида қарқуноқ учиб утди. Санобар олма шохидаги қушга қараб «Худос талба, муштдай нарғанинг гўшт ейишга улайми?» деди.

Қарқуноқ келиб Санобарнинг елкасига қўнган эди, у сесканиб «Бор-е, чирилламай ўл» деди кифтини учириб. Қушча «кийқ» деди-да баландга кўтарилиб кайтди, Санобарнинг бошига ёнишди. У панжаларини қўярда-қўймай турганда Санобар жон ҳолатда «Вой, ялланмагурсей», деди қарқуноқ панжаларига илашган румол остидаги тузланган сочларини тўғрилар экан.

Санобар яна суңураётганда қарқуноқ келиб суңургига қўнди. Санобар зарб билан суңургини силтаб қўрган эди, қушча бориб нарироқда турган хокандозга урилди. У хокандознинг қайрилган четига каттик урилди шеклилли, хокандоз устида тилинчйлаб қолди. Санобар қараса қарқуноқ хокандознинг қайрилган четига кириб қолган панжаларини чиқара олмай талвасада эди. Санобар қарқуноқнинг сикилиб қолган панжасини бушатаман, деб қўлини чўзганда қушча шундай каттик қўкиб олдики, Санобарнинг қўзидан олов, қўлидан қон чиқиб кетди. Жон ачиган Санобар қарқуноқни шартга хокандоздан тортиб олаётганда қушчанинг қисилиб қолган панжалари узилиб кетди. Қарқуноқ «кийқ» дедю Санобарнинг қўлидан чиқиб, учди-кетди...

...Миржафар пахтадан қайтиб уйда ҳеч қимли учратмади. Ховли ўртасида қакқайиб туриб роса «қих-қих» лади. Қарқуноқдан дарак бўлмади. Наввой қушии холадан билса, акаси шу бугун эрталаб ой-қуни яқинлашган хотинини машинага солиб туғруқхонага кетган экан, ҳали келмапти.

Миржафар туғруқхона ховлисига кириб борганда каттакон бака терак соясида у ёқдан бу ёққа безовта юрган акасини учратди. У акасидан «Тинчликми?» деб сурашга ҳам улгурмади.

— Қургулик, — деди акаси, — худонинг ишига бир нима деб бўлмайди, бола ногирон туғилипти, бир қули қалта эмиш. Бунн билиб қолиб, кешнўйингнн маласи қочипти...

Миржафар акасининг ахволига аччиқиб юпатувчи бирор гап тополмай турганда теракнинг уч томонидан ғалати бир қуш сайрашига ўхшаш овоз эшитилди. Миржафарнинг эти жимирлаб, терак учига қаради. Ўилтираган барғлар орасидан қушча кузга чалинмас, унинг сайраши тобора тезлашиб, ўткирлашиб борарди. Миржафар бенихтиёр «Қих-қих» деб юборганини ўзи билмай қолди. Қуш овози тинди. Бир зум ўтмай Миржафарнинг қулогига «қийқ» деган овоз эшитилиб, елкасига қарқуноқ амаллаб қўнди. Миржафар қарқуноқни таниди. Унинг битта оёғида лапжалари йўқ эди.

2001 йил.

АМАКИМ

Қисса

1

Қишлоғимизнинг тулиқсиз урта мактабинн битирган болалар Соёлиқда бориб ўқишини давом эттирарди. Соёлиқдаги мактабининг ётоқхонаси бўлиб, овқат ҳам берарди.

Соёлиқда ўқитим келмади. Оқамнинг «Тошкентда қандок ўқийсан, амакиларингизнингга сиғасанми-йўқми, билмасам, Соёлиқ шундоқ биқинимда, ҳар якшанба келиб кетасан, уртоқларнинг ҳаммаси шу ерга боришмоқчи, дейишига қарамай Тошкентга жунаб кетдим.

Мени кунриккача кузатиб келиб, кулларини кутариб бир ахволда қолган онамнинг туриши куз олдимдан ҳеч кетмайди. Шаҳарда ўқиб юрганларимда ҳам доимо куз ўштимдан кунрик олдида мунгайиб қолган онам кетмас эди.

1937 йили «халқ душмани» бўлиб камалиб кетган дадамнинг укаси қишлоқдан Тошкентга қочиб келиб Эшонгузар маҳалласида яшарди. Тўлиа-тўғри унинг уйига келдим.

Амаким маҳалла қойиҳонасида самоварчи. Биринчи хотинидан Равшан деган ўғли институтда ўқир, кейинги хотинидан туғилган иккита боласи мактабга борарди.

Мен изғиринли кузгача ҳовлидаги ток тагида ётиб юрдим. Онам қишлоқдан катта курпа бериб юборган, шунга бошим билан бурканиб оламан.

Амакимнинг катта ҳовлисидаш ташкари яна йигирма сотиҳча ери булиб, қулупнай, саримсоқпиёз, жүхори экиларди. Мактабга боргунча амакиваччаларим билан саримсоқпиёз йиғамиз, думини қирқамиз, кожда ҳовлининг қунгайроқ жойига ташиймиз. Амакимнинг катта ўғли укалари билан мени ёнига чақириб, жүхориюя ичидаги чуқурни курсатди, каттароқ-каттароқ саримсоқпиёзларни дадамга билдирмай мана шу жойга тақиланглар, хўмин, эртага сенларга кишлога пул бераман, деди. Айтганини қилиб юрдик. Ҳар кун чукучра бўшаб қоларди. Сабабини кейин билдим.

Чой ичиб утирган эдик, амаким ўғлига «Стипендиянинг олдингми?» деди. Равшан акам ёнидан истаристамас бир сиким пул чиқариб, отасига узатди. Амаким битталаб санади-да, киёсасига тикди.

— Йўлимга бермайсизми? — сўради Равшан акам бошини кутармай.

Йўлкира нимаси, кизингми... — деди амаким, — трамвайга осилиб бориб, осилиб келавер. Кейин трамвайдан одамлар тушишини пойлаб тур, қўлидаги билатини ташласа дарров олиб шу билан трамвайга чик. Шуням эндоқмайсанми, хўмлар!..

Орадан бир ойча ўтмасдан Политехника институтида яхши ўқиб юрган Равшан акам дарсга бормаи қўйди, кейин уйдан кетиб қолди. Амаким уни қилдирмади ҳам. Кейинчалик, ўқишларимни тамомлаб ишлаб юрганымда Равшан акамни кутубхонада учратиб қолдим. У ун йилдан ортиқ геологлар билан тоёма-тоғ юриб, яқинда шаҳарга қайтган экан. Сиртдан ўқишнинг тамомлабди. Дис-

сертация ёзаяпман, деди. Амакимни сурамади. Мен ҳам индамадим. Амакимни кўрмаганимга анча йил булган эди. Шу-шу Равшан акамни ҳеч қаерда учратмадим...

...Шу йили куз эрта келди. Ҳаво салқин. Ўқтин-ўқтин ёмғир шивалар, мен ҳовлида кўрпамни кучоклаб югуриб қолардим. Амакимнинг хотини менга қариндош, катта холамнинг тунғачи. Уни Тошгул янга деб атардим. Равшан акам кетиб қолгандан кейин угай ўғлининг урига менга жой солиб берса керак деган ҳаёлда эдим. Кўрпамни кутариб ичкари хонага кираётганимда кузлари кинидан чиқиб кетгудай бўлиб, «Шошма, шошма, олдин амакингдан сўрайлик» деди. Хайрон бўлдим. Тошгул янгамнинг амакимдан кўрқинишига ишонамадим. Ўзи мени ёқтирмай, ичкарига киритгиси йўқ, деб ўйладим. Эртаси куни бир воқеа бўлиб амакимни яқиндан танигандай бўлдим.

Ҳовлидаги дарахтларга амаким тўрт-бешта турқовок осиб қўйган. Беданалар тинимсиз итшилдик-итшилдик деб, ҳовлини бошига кутаради. Дарс тайёрлаётганда беданалар овози қанчалик яшнимга тегса, амаким сурида оёқларини осилтириб, ундан шунчалик роҳат оларди. Биронта-си сайрамай қолса, амакимнинг қовоғи осилиб кетарди.

Икки кун олдин маҳалламиздаги бошқа бир беданаяз келиб амакимнинг сайроқисига ишқибоз бўлиб, қўчқорга айирбошлагани таклиф қилган эди. Амаким розилик билдиргандай бўлдию, кейин тўрқовокқа қараб гуриб айниди. «Йўқ, буни отга ҳам алишмайман» деди елкасига белбоғини ташлаб, гап тамом дегандай...

Кечқурув ғира-ширада мактабдан қайтиб дарвоза зулфига қўлим тегар-тегмас ичкаридаги тўс-тўполонни эшитиб қолдим. Амаким ҳовлини гир айланиб иккита ўғли билан хотинини қувиб юарди. Катта ўғлини шунақа уриб душросладикки, ариқ ичига йиқилган бола бурнидан оқаётган қондан ариқ пушгидаги кўм-кўк қулуннай барглариининг ўсти дона-дона лидган қулуннайдай кизариб қолди.

Эшик тирқишидан мўралаб секин девор орқасига ўтдим. Билсам, амакимнинг қўчқорга алмашмаган беданасини ўғли сув бераман деб ерга олиб, эсидан чиқиб кетган экан, мушук чайнаб ташлабди.

Амаким мушуқни тоқ сўрисига бўйиндан осиб қўйиб, чайналган беданани ҳовлининг бир четига личир-личир қилиб кўмаётганда секин кўмирхонага кириб кетдим. Шу-

шу кумирхона менинг ётоғимга айланди. Овқатга чикмадим. Ўалари ҳам чакиришмади. Амакимнинг катта ўғли шу кундан бошлаб умрининг охиригача овзидан тупук сачратиб ганирадиган бўлиб қолди.

Кўмирхона уйнинг бикинида, йўлакка туташган. Кичика хонанинг бир томонида кумир, эшикка яқинроқ тиралган қопларда чойхонадан олиб келинган, амакимнинг кўйларига берадиган, қотган бурда нон турарди. Кўмирнинг каттарок-каттарокларини устига ташлаб, кукунларини секин-секин бир чеккага тулладим. Қотган нон солинган қоплар тагидаги эски кигизни ёйиб, устимга кўрнамни қайириб ётишга жой қилдим. Бурчакдаги яшкни олиб, устига газета ёзиб, хонтахта қилдим-да китоб-дафтарларимни кўйдим. Кумирхона бинойидай ётоқхона бўлди. Чирок хира ёнса ҳам бемалол дарс тайёрласа буларди. Аммо миямга ҳеч дарс кирмас эди. Қориним таталаса ҳам Тошгул янгам олдига чиқишга қирагим чолимайди. Овқатга чакирадиган амакимнинг ўғилларидан дарак йўқ. Ҳаммаёқ жимжит. Амаким сўкина-сўкина овози ўчди. Секин ошхонага чикиб қозоннинг қопқоғини кўтардим. Қозон ялаб кўйгандай. Товорачада сув олиб кўмирхонага қайтдим. Қопдаги қотган бурда нонлардан олиб қурсиллата бошладим. Йўлакда амакимнинг йуталиб, фуддираган товуни эшитилди. Амаким қусур-қусур қилиб нон чайнаётганимни эшитиб қолмагин, деб товорачанинг четидан сув хўплладим. Секин хурпа ичига кирдим. Амаким ховлида сўкиниб, йўталди. Билолмай қолдим, ўғиллариними, мушукними, хотининими, бўралаб-бўралаб сўқди, мингиллаб уйга кириб кетди.

Амакимнинг қаерда ётиб тураётганим билан иши йўқ. Хотинидан эшитгандир-у, кидамас эди. Қишда эрта қоронғи тушади. Мактабдан қайтиб келганимда овқат еб бўлишган, палов дамланганда менга Тошгул янгам уйнинг ичидаги танча четига бир қоса ошни ураб кўярди. Мен келгунча қосадаги илик-милиқ ошнинг суви қочган гурунчлари дона-дона ажралиб турарди. Кўпинча пиёзи яхшилаб кўйдирилган қизғиш палов буларди. Амаким чойхонадан қайтмаганда Тошгул янгам олдида бемалол овқатланардим. Мабодо амаким уйда бўлиб танча четида ёйбошлаб ётса, томоғимдан овқат ўтиши жуда қийин. Қосага қулимни ҳар гал ургангимда амаким хўмрайиб қараб тургандай, намунча очопатсан, деб қоладигандай

чўчирдим. Мабодо эрталаб бирга чой ичадиган бўлсак, ликолчадаги қандга қарамасликка ҳаракат қилардим, ё янгам, ё амаким «ол. қанд билан ич» деб қолармикан, деб ичим шувиллаб турарди. Хеч бўлмагандан кейин юрак ютиб битта қандни қўлимга олсам, амаким қараб турмаганимкан, деб бошимни ичкеладан кўтармай қандни таггайимга босиб секин-секин илмардим.

Қишлоқда аълочи ўқиган бўлсам ҳам шаҳар мактаби бошқача экан. Жуда кўп дарс тайёрлаш керак. Мактабга амаким тайинлаган ишчи қиламан, тун ярим бўлгунча, яна эрта сахар туриб дарс тайёрлайман.

Кечқурун соат ун бирларда амаким чойхонадан қайтиб келди. Тўғри кумирхонага кириб бир халта бурдаланган ишчи қолга солаётганда кузига қол яримлаб қолгандай сезилдим, бир қолга, бир менга олайиб, қолнинг оғзини маҳкамлаб бўлади.

— Ўчир чироқни, электр пулга ёнади, — деди амаким эшикни ланг очиб чиқиб кетар экан.

Ичкаридан унинг хотинига бақириб-чақириб гапирётган товуши эшитилиб турарди. Кеча Тошгул янгам шимини юваётганда эсимдан чиқиб қолган, онам қишлоқдан келганда у-бу олиб ерсан, деб ташлаб кетган 10 сўм пулни тониб олган экан. Шунинг машмашаси эди.

— 10 сўм пули бўлса овқат берма бу текинхурга, — деди амаким, қани, печа қунга етаркин? Қириниям ювма, ўзи совуни сотиб олсин...

Совуқ қиш бўлди. Кумирхона зах, кечаси қурлага ечишмай кириб оламан, бурқаниб нафасимда қурпа ичми плитаман. Эрталаб урнимдан турганимда ердан на-матга ўтган захга баданним иссиқлиги қушилиб, қурпа ичидан худди пар кўтарилгандай бўлади. Ҳовли, кўчаларни қўраётганда баданним кизиб, ҳатто терлаб кетаман. Кейин ўзимга келаман.

Чироқни амаким чойхонадан келмасдан бурун учир-шим чаток бўлди. Дарсларимни улгуролмай қолдим. Ўйлаб-ўйлаб бир қарорга келдим. Кечқурун мактабда қолиб, ёруғ сўнфда истаганча дарс тайёрлаш мумкин. Доскага ёзаман, ўзимга ўзим дарс бераман, савол-жавоб қиламан. Фақат қорним очикиб қолади. Чидайман, иложим қанча?

Авваллари шундай қилдим. Қоровул ҳам кўнди. «Етимча экансан, бировникида туриб ўқишни ўзи бу-

ладими, кейин ақлли болага ухшайсан, ўқинишга ҳавасинг баланд кўринади, мана, бизни болалар иссиқ уйдаям дарс қилмайди» деб мактабда қолишимга руҳсат берди.

Болалар билан баравар дарсдан чиқиб, улар сезиб қолмасин дейман-да, Кукчадаги трамвай қайтадиган майдонни бир кезиб, чойхонага кираман. иложи бўлса битта пош олиб, бир чойпак чой ичаман, секин мактабга қайтаман. Мактабда учта қоровул буларди. Тез кунда учаласи бир-биридан менни билиб олишди. Мактабга қайтсам индашмас эди. Айниқса, донмо соқол-мўйлонни ўсиб юрадиган, кўринишдан баджаҳл туюлса ҳам кўнгли бўш, кўли очик Шокарим ота менга бошқача муомала қиларди. Дарс тайёрлаб ўтирганимда синф эшигини секин очиб:

— Бироз тўхтат ишингни, болам, қани юр, овқат олиб келишди, бир ўзимни ҳеч иштаҳам йўқ, корнингини тўйдириб ол, кейин менга деса эрталабгача дарс қилмайсанми, — дер эди.

Совук киш кунларидан бирида Шокарим ота тайинлаган акан, фаррош аёл синф печкасига бир челак ортинкча кумир солиб кетди. Синф ичи иссиқ. Ҳатто деразани очиб қўйдим. Кун алламаҳал бўлди. Қачонки, Шокарим отани уйғотиб юбормай деган андишада секин-секин қадам ташлаб кетаётганимда, ота ҳар гал бошини кутариб «Яхши бор» дегандай қўлни узатиб қўярди. Бугун анча кеч қолиб кетганим учун мактабдан уйга боришда қабристон ёнидан утаётганимда қўрқинимни уйладим. Синфда ухлаб қўяколай, делим-да, партани печкага яқин сурдим. Голланд печкасидаги кумир аллақачон ёниб бўлган, иссиқ ҳам анча пасайган эди. Туфлимни ечдим, печка оёғини очиб, чалканча ётдим. Бошимни панжамга қўйишимни биламан, донг қотиб қолибман. Бир пайт бақиримдан ўзим уйғолиб кетдим. Уйқумда оёғимни чўзиб печка ичига тикиб кўрган эканман. Оёқ панжаларим печкага киришга киргану қўл тагидаги қўнға ботирилгач, чинкиримдан қоровулнинг капалаги учиб кетган. Жон талвасасида оёғимни печкадан суғуриб ололмадим. Панжаларим қотиб қолгандай печка оёғига тикилиб қолган эди. Югуриб келган Шокарим ота шилишиб, кизариб, кўкариб кетган панжаларим, болдиримга қараб ағрайиб қолди...

Шу воқеадан кейин Шокарим ота менга ўқитувчилар хонасини очиб берадиган, мабодо ёниб қоладиган бўлсам

диванда ёнбошлаб, эрталаб мактабга ҳеч ким келмасдан бурун уйғотадиган бўлди.

Бир амаллаб қишдан чиқдим. Баҳор утди. Ёз келди. Саккизинчи синфни тамомлаб кишлоққа жунадим. Онамни, опаларимни соғинган эдим...

2

У пайтларда кишлоққа етиб бориш жуда қийин эди. Тошкентдаги «Солор» станциясида поездга утириб, «Барраж», ҳозирги Искандарга бориларди. Кейин дуч келган машинада Хужакентгача, у ёнига — етти километр пиёда юриб Хумсонга чикиларди.

Барражда кун бўйи қолиб кетдим. Бурчимулла ёки Обирахматга борадиган биронта машина йўқ. Хужакентликлар, хумсонликлар икки кундан буён машина пойлаб утиришган экан. Бир кўнглим пиёда сўриб қолсаммикан, дейман. Кейин чамамда машина бўлиб қоладигандай туюлади. Иккилана-иккилана чойхонада кузим кучага тўрт бўлиб утирдим. Қўв ора болалаганда одамлар гурр этиб тўхтаган прицепли машинага югуриб қолишди. Мен ҳам чопдим. Катталардан утиб машина устига чиқа олмадим. Йиғирмага яқин одам юк ортилган машина устига лик тўлди. Машинага тирмашганимни кўрган хайдовчи келиб кулимдан ўшлади-да, «Нарн тур, сенга жой қолмади» деди. Унга жовдираб қараб турган бўлсам керак, сўраб қолди:

— Пулинг хайми? Бошимни сарақ-сарақ қилдим. — Пулинг йўқ бўлса, бу энангни аравасими, осиласан, — деди мени туртиб юбориб.

Одамга одам қарамайди. Хамма машинага қўл чўзади. Хайдовчи яна уч-тўртта болаларни итариб-итариб машинадан туширди. «Бўлди, бўлди, энди жой йўқ, бир-бирингни устингда кетасан-му» деди бакириб.

Хайдовчи ўз ўрнига утириб, мотор гувиллаганда юрагим кинидан чиқаёзди. Нахотки қолиб кетсам? Қачон яна машина бўлади? Кун ботай деяпти. Пиёда жунашга қўрқаман. Хужакентга етиб борсам, қоронғида бўлсам Хумсонга чиқиб кетаман.

Машина жойида силтаниб-силтаниб қўйди. Секин қўзғалди. Қолган одамлар чойхонага кириб кетишди. Қарасам, машина прицепига узун-узун гробалар ортилган экан. Прицепининг орқа икки ёлдираси бақувват те-

мир билан туташган. Ёнимдан секин силжиётган прицепнинг орқа филдираклари орасидаги темирчи ушлаганча беш-ун кадам қўшилиб чоғиб бордим. Шу темир устига чикиб, прицеп айвонининг тағидаги тахтани ушласа бўлар экан. Лип этиб темирга миндим.

Бироздан кейин машинанинг ўнқир-чўнқир йўлда лопиллашидан бутун ачишди, темирга икки оёғимни осилтириб утирдим. Юки оғир машина секин юрса ҳам бир ҳолатда узоқ утира олмадим. Қўлларим толиб кетди. Темир тағимга ботиб, муюлишларда машина бурилганда темирдан сирғалиб кетай дейман. Яна тахтага ёпишаман. Минг азобда бўлса ҳам Хўжакентга етиб олсам бўлди, дейман ичимда. Ноқулай ўтириш ҳам майли, бир-икки оёғимни темир устига олиб чўккалайман, бир оёқларимни осилтириб ўтираман, бир темирга миниб оламан, буларнинг ҳаммасини кетма-кет такрорлаб йўлни кесиб келардимۇ чанг ёмон бўлди. У пайтларда йўл асфальт қилинмаган, тўнроқ чангигандан биз Пусаланинг қирйдан туриб Сарик далада машина кетаётганини томоша қилардик. Худди шу болалигимда узокдан қўрган осмонга ўрлаган чанг ичида энди ўзим борардим. Қўзларимни очолмай қолдим. Тушиб кетмай, деб тахтани қанчалик тирмашиб ушлаганимдан терга ботиб кетдим. Филдираклар тағидан кутарилаётган чанг бош-қошимга қўниб, терга қўшилиб оққанидан қўзларим юмилиб қолди. Битта қўлим билан тахтани ушлаб, иккинчисида қўзимдаги чанг-дойини сиңдириб ташлайман...

Шу алпозда кетаётиб ўйлаб қолдим. Юз-қўзимдаги чангни ювса кетади. Кийимларимни қоксам тоза бўлади. Лекин ичимга кирган чанг қайққа кетади? Лабимни қаттиқ сиқиб бурнимдан нафас ола бошладим. Хаёлимда бурним катаклари оғзимдан кичик бўлгани учун ичимга қамроқ чанг қирадигандай. Шуям кирмаса, дейман. Бунинг битта йўли нафас олмаслик. Нафас олмай бўладими? Қани бир синаб қўрайчи, қанча вақт нафас ютиб туриш мумкин экан. Нафас олмаган пайтимда юрагим дуқулламай туради, деб ўйлаган бўлсам керак, оғзим ёппик, лабимни чўчқайтириб бурун катакларини ёпгандай бўлиб жим борардим. Бир маҳал худди қорним ичига тортиб, бошим айланиб, қўнғим озиб бораётгандай бўлди. Қўзимни очаман десам килрикларим ёпишиб қолди. Оғзимни ланг очиб юбордим. Ўпкамга ҳаво етишмаяпти десам, ичим тула ҳаво экан, худди папирос тутунидай

ичимдан бир талай хаво чикиб кетиб, кукрагим ҳам жойига тушиди, кунгил айниши ҳам кетди. Обиз-бурнимни енгим билан ёпиб, ичимни яна хавога тулдириб олдим...

Хужажентга келганимизда намозном эди. Машина чинор тагидан чикадиган булок олдида тўхтади. Одамлар машина устидан тап-тап ерга сакраб тушаётганда хайдовчи куриб қолмасин, деб булок томонга ўтдим. Булоқда ювинаятганимда машинадан тушдим, ё шу ерда туришган эканми, тепамда иккита одам пайдо бўлди. Бирини менга сумкасидан совун олиб берди, иккинчиси сочиқ ушлаб турарди. Умримда биринчи марта атир хиди келган сочиқда артиниб, одам башара бўлдим шекилли, уларга қараб «Спасибо» дедим.

— Как тебя зовут? — сўради каттароқ ёшдагиси. Исимини айтдим.

— Красивое имя, — деди ёшроғи.

Бахтимга бу одамлар — Николай Николаевич амакиси Адриан Веденский билан Хумсонга бир ҳафтага дам олгани келишаётган экан. Хумсонгача бирга бордик. Хумсондан осма кўприкдан ўтгандан кейин бизникига боришларини илтимос қилдим. Она-бола туришимиз, онам, улар агар хоҳлашса, дам олишларига ҳамма нарсани тайёрлаб беришларини айтдим. Улар тортинмасдан, йўқ дейишмасдан «Очень хорошо», «Очень хорошо» дейишди.

Коля амакиси Адриан билан бизникида ун кун туришди. Улар сахарлаб тоққа кетишадди. Кечкурун, баъзан ярим кечада кайтишадди. Хориб-чарчаб келишадди. Онам улардан арта туриб катлама пишириб, пон ёпади, сут қайнатиб ширчой қилиб беради. Кечкурун она-бола улар келишини кутиб ўтирамыз.

Эрталаб Адриан мени бир чеккага чақириб қўлимга пул тутказди. «Куш курицу, мясо, еще что-нибудь» деб кистади. Онам бўлса «Нега мехмоллардан пул олдинг» деб мени койинди.

Кетишларида онамининг қўлига бир даста пул, менга адресларини ёзиб беришди. Келишимни қайта-қайта таъинлашди.

Улар Хумсондан кетинаятганларида она-бола осма кўприккача кузатиб қўйдик. Онам сутда пиширилган кулчалар ёпиб берди. Адриан мени бағрига босиб, юзларимдан ўпиб хайрлашди. Отасиз ўсганимданми, акаларим

булмаганиданми, ҳатто қаридош булмаса ҳам кучоклашиб кўрншиб, хайрлашаётганда одам кўнгли тоғдай кутарилишини биринчи марта ҳис қилиб, энтиқдим...

3

Мақтаб бошланиб кетди. Ҳарна булса ҳам амакимнинг қош-қовоғини икки кун камроқ кўраман, деб ўқишга кечикиб келдим. Ўқишларим яхши бўлиб қолди. Ёз бўйи тайёрландим. Хўмсонда электр булмаса ҳам кечаси билан қора чироқда бемалол дарс қилардим.

Биринчи чорак якунларига қараб мени силфбош қилиб сайлашди. Дарс тайёрлашдан, ҳаваскорларнинг раёни, шаҳар танловларида катнашишдан қўлим бушамас эди. Қишлоқдан онам бериб кўрган ярим қоп ун тамом бўлди шекилли, бунинг устига кун бўйи мактабда қолиб кетаман, амакимнинг қовоғидан қор ёғила бошлади. Бедачаларга қараш ҳам, қўйларнинг тагини тозалаш, нон олиб келиш, ҳовли сунирниш, эрталаб самовар қўйиш меннинг зиммамда. Самоварга қўмир солиб сувига қарамаган экалман, эриб кетди. Ана жанжал, мана жанжал. Қўрққанимдан Ёски Жувага бориб, онам берган пулдан самоварни қалайлатиб келдим. Шундан кейин амаким индамади.

Дам олиш кунини тиним йўқ. Қачон қўлимга китоб олсам, теламда амаким пайдо бўлиб қолади.

— Хой, менга қара, — дейди у, — ҳар ким отаси қилган ишни қилиши керак. Отанинг бир умр қўлига китоб ўқламаган, кетмон минан кун кўрган. Бўйи ўқиганининг минан ёғи чиқади-ми? Бор, ариқ бўйидан ут ўриб кел!..

Ўша кунини Тошгул янгамнинг ҳам қайфияти йўқроқ эди. Эрталабдан ҳаво булут, ёмғир нимжон савалаб қуярди. «Бир жойга бориб келай» деган эдим, янгам парво ҳам қилмади. Амаким чойхонада эди.

Уйдан чиқишга чиқдим, бу ёғини ўйламаган экалман. Қоля билан Адрианлар ўйинга иккита трамвайга тушиб бориларди. Тошгул янгамдан чақа сураш ҳаёлимга келмапти. Кўкчага чиқиб трамвай айланадиган бекагда ўйлашиб қолдим. Амакимнинг ўзига айтган гапларини эсладим. Одамлар бирин-кетин тушиб билетларини ташлаб кетишарди. Битта билетга тикилиб қолдим. Олай десам одамлардан уяламан, олай десам трамвай кетиб қолади. Ишлатилган билет билан кондуктор тутиб олса-

чи? Уялтирса-чи? Трамвайга осилиб кетай десам, вақт пешин булганиданми, вагонларнинг ичида одам сийрак.

Уйга ҳеч қайтгим келмай, қандай қилиб юриб кетаётган трамвайга чиқиб олганимни билмайман. Ўрдагача бориб, Коля билан Адрианларнинг уйигача янада юрдим. Дархон маҳалласида қидириб-қидириб, уст-бошим ёмғирда шалоббо бўлиб, зарур уй эшиги олдидаги тугмачага бармоғимни босдим.

Эшикни онам тенги аёл очиб, мени қуриш билан худди таниш одамни учратиб қолгандай қўлимдан тортиб ичкарига олиб кирди. У Колянинг онаси экан. Кейин билсам, шу битта катта хонада уч киши — Николай, унинг онаси ва амакиси Адриан туришар экан. Адриан консерваторияда профессор, Коля композиторлик бўлимида аспирант. Тошкентга сургун булган Колянинг отаси улиб кетган экан.

Колянинг онаси мени дарҳол ечинтириб устимни янгиллади. Колянинг кийим-бошларини менга кийинтирди, сандиқни очиб ичидан бир қанча туқиб-ямалган пайпоқлар олди. Бирини кийдириб, қолганларини олиб кетсам, дегандай ажратиб қўйди. «Оёқ яланг юрма, шамоллаб қоласан» деб оёғимга шиппак тутқазди. Умримда биринчи марта кучадан уйга кирганда шиппак кийишим эди. Ичимда «Бутун баданимга кечаси билан қумирхонадан зах ўтадию, оёқдан ўтадиган нам вима бўпти» деб қуяман.

Коля билан Адриан келгунча Надежда Николаевна билан гаплашиб ўтирдик. У менга катта тарелкани тўлдириб қарам шурва берди. Тарелкадаги гуштни қўриб галати бўлиб кетдим. Атайин мени оч-ночор юринги, деб шунча гушт солган бўлса керак, деб уйлаган эдим, Коля билан Адриан келгач, уларнинг тарелкаларида ҳам шунча катта-катта бўлак гушт қўриб бироз тинчидим. Ичимда «Зур-ку, булар роса гушт ейишар экан» деб ҳавасим келди. Биз кишлоқда онам билан ҳам, шаҳарда амакиларим уйда ҳам қозонга бирваракай шунча гушт солмаганмиз. Надежда Николаевнанинг тарелкамга солган гушти билан бизда бир қозон овқат пиширилар эди. Кейин билсам, улар фақат бозордан жуда сифатли, қўлда сўйилган гушт олишар экан.

Ҳар ҳафта Надежда Николаевна олдига келиб кетадиган бўлдим. Келишим билан Надежда Николаевна қоринимни тўйдириб қуяди. Коля билан Адриан ҳам қачон

уйда булишларини айтиб кетишар экан. Катта хонадаги парда оркасида Надежда Николаевнанинг каровоти. Дераза тагидаги диванда Адриан ётади, роялга яқин темир каровот Коляюлки. Чап бурчақда каттакон сандик. Корним тўйиб, Надежда Николаевна кийимларимни ювиб, куришиб, дазмол ургунча шу сандик устида ётиб китоб ўқийман, ё тўйимли овқатдан кейин бунаганиб ухлаб қоламан.

Авваллари мени синамокчи булишдим, ҳар қалай, менга шундай туюлди, рояль устида ё полнинг у ер-бу ерида 10 ёки 25 сўмлик пуллар кўриниб қоларди. Мен дарров олиб ё стол устига қуярдим, ё Надежда Николаевна кулига тутқазардим. Баъзан дўконга чиқиб келардим. Шунда Надежда Николаевна қўлимга ёзиб берган рўйхат бўйича нарсаларни олиб келиб, қолган пулни чақаларигача унга қайтарардим. Ёнимда ўзимнинг пулим йўқлигини билсам ҳам чўнтақларимни қайта-қайта титкилаб қўрардим, мабодо бирон чақа қолиб кетмадимкан, деб хавотирланардим.

Устимда Колянинг ёшлигида кийган майка, кўйлак, костюмидан тортиб, оёғимда яматиб қўйган ботинкаларигача. Сандик бўшаб қолгандай бўлди.

Кетишимдан олдин ҳаммамиз яна овқатланамиз. Кетаятганимда ё Адриан, ё Коля, кўпинча Надежда Николаевна ичимда жон деб, оғизда йўқ, йўқ, керак эмас, деб муғомбирлик қилишимга қарамай чўнтагимга бир ҳафтага етадиган пул солиб қўйишади. «Аълочи ўқийман десанг, яхшилаб овқатланиб юргин» дейди Надежда Николаевна қўйлак ёқаларимни тўғрилаб, юзимдан улиб хайрлашар экан.

Киш чиқиб, қўнлар исий бошлагач, Надежда Николаевна ҳар ҳафта бериб турадиган пул ёнига яна бир халта егулик тутқазадиган бўлди.

Қўмирхонага бориб нарсаларни халтадан олиб хонтахта ичига тикиб қўяман. Устида китобларим турарди. Ейдиган нарсаларни кечаси бир кўздан кечириб чиқаман. «Душанба», деб ёзилган ўрам ичида пишган гушт бўлса, «Сешанба»да тухум ё пишлок, «Чоршанба» билан «Пайшанба» ўрамларида дудланган қолбаса ва хоказо. Товуқ гушти билан қовурилган балиқни албатта душанба хуни ейишим керак.

Тинчгина дўрган эдим. Худойим қўп кўрди шекилли, амакимнинг қаҳр ўқига йулиқдим. Амаким қўйларига ем

олиб келган экан. Катта кучқорини алоҳида боқарди. Унинг олдида ем солиш учун мен хонтахта қилиб қўйган яшикни оламан, деб тағидаги нарсаларни қуриб қолибди. Урамларни очиб-очиб қараса қолбаса, тухум, пишлокдан тортиб, юмшоқ-юмшоқ булочкалар...

Мақтабдан келсам у нарсаларимни яшик ичига солиб энди ховлига чиққан экан. Яшикдаги қолбаса, тухумларга Тошгул янгам ағрайиб қараб турарди. Амаким ари чакқандай тўлғонган, кўзлари қинидан чиқиб кетгудай қизариб, туңуқларини сачратиб дарвоза томонга қўлини ниқтаб бақирарди. Мен ховлига кириб «Асса... лом» дейишга ҳам улгуролмадим. У яшиқдан аввал дудланган қолбасани олиб улоқтирди, кейин тухумларни бирин-кетин менга қараб ота бошлади. Тошдай-тошдай тухумлар гоҳ қўлоним остидан, гоҳ бошим устидан учиб утарди. Яшик ичидаги нарсаларни тукиб, оёқлари билан эзғилай бошлади.

— Мана, мана сенга, текинхўр, ўғри томоқ, бугундан жуна уйимдан, қўзимга қуришма!

Ўша кун китобларимни қўлтиклаб, қўриамни орқалаб амакимнинг уйидан чиқиб кетдим. Борадиган жойим йўқ эди. Ўйлаб-ўйлаб, Хумсонга кетишдан олдин Коляларникига боришга жазм қилдим.

Наҳақда Николаевна, Коля, Адриан уйда экан. Дахлизга кирдим, йиғлаб юбордим...

Сандик устида бир кеча ётиб, кейин қишлоққа кетаман, деб уйлагандим, мактабни битириб, ўқишга китўнча шу азиз инсонлар бағрида қолиб кетдим.

2001 йил.

«ТЕХНИК ХАТО»

Дорилфунуннинг иккинчи курсида ўқирдим. Тарихдан янги ёш домла дарс бера бошлади. Эшитишимизча у яқинда Москвада илмий ишнинг химоя қилиб келган, шундан булса керак, ўзбекча маъруза ўқиб туриб, бирдан русчалаб кетар. «так сказать» иборасини жуда қўп ишлатарди. «Так сказать» билан лекция бошлаб, қўнғирок чалиниши билан «Так сказать» дарсини тамомлар эди.

Домлани чурқ этмай тинглардик. У ҳар доим қора санжасини минбарга қўйса-да, бирон марта ичин очиб

қарамас, маърузани миясидан чиқариб ўқирди. Ўзини талабаларга яқин олиши ҳам бизга ёқарди. Айрим дом-
лаларга ухшаб маъруза пайтида кимирлаган ёки ёнидаги
талабага бирор нима деганини турғизиб қўйиб, дуқ ура-
диган ё шарманда қилиб хонадан чиқариб юборадиган
одати йўқ, ўзи ҳам мулойим табиатли эди.

Мен курсимиз сардори эдим. Имтиҳон пайтида дом-
лаларга ёрдам берардим. Домла утирадиган стол устига
гул қўйиш, чой дамлаб келиш, талабаларни бирин-кетин
имтиҳонга чақиртиш ҳам менинг элиммамда.

Эртадан кечгача китобдан бошимни кутармай ўқи-
гим оқибатида ҳар имтиҳон олдида курсдошларимга
уч-тўрт соат консультация берардим. Имтиҳон саволла-
рига бирма-бир жаноб тайёрлаб, ўзим ҳам миямни ши-
шитиб олардим. Ўқишга бунчалик муккамдан кетмиш, пах-
та пайтлари 200—250 кило пахта теришимнинг сабаби
бор эди. Қишлоқда менга ёрдам берадиган кекса онам-
дан бўлак ҳеч ким бўлмагани учун ўз қўнимни ўзим
қуришим, яхши ўқиб имтиёзли стипендия олишим керак
эди. Ҳамма талабалар пахта териши деса саксон саккиз
томири тиришиб, бири «касал» бўлиб, бири бошқа баҳо-
на наласа, мен қўшни орзиқиб кутар, пахта териши пай-
тида бир йиллик қийин-кечакка етарли пул йиғиб олар-
дим. Имтиёзли стипендия эса озиқ-овқатимга бемалол
етарди.

Аъло ўқиш учун тиришардим. Охири имтиҳонимиз
тарихдан эди. Ҳар имтиҳонга тайёрланиш учун уч кун
бериларди. Орада шанба, якшанба бўлгани учун тарихга
тўрт кун қолди. Душанба имтиҳон. Якшанба кунни бутун
курсимиз аудиторияга тўнлашиб, кечгача дарс тайёрла-
дик, ўқиганлар ўқимаганларга ўргатди.

Кечаси билан яна дарсликлардан бошимни қутарма-
дим. Тонига яқин ухлаб қолибман. Ётоқхона ғала-ғову-
ридан қўзимни очсам соат саккиз. Асил-тапил қийинлиб
ўқишга чоңдим. Университет ёнидаги кафедра иккита сом-
са еб, бир стакан қаҳва ичиб олдим... Домла бироз ке-
чикиб келди. Ҳеч ким биринчи бўлиб билет олгиси йўқ.
Эшик олдида ҳамма бир-бирини ичкарига итаради. Дом-
ла рўйхат бўйича талабалардан ўчтасини чақириб билет
берди. Кейин талабалар кетма-кет кириб чиқаверишди.

Баҳолар ҳар хил — бири «Уч», бири «Беш», бири
«Тўрт» бўлди. Охири мен кирдим. Унчалик қийин са-
воллар эмас. Кам ухлаганим учунми, ё йўлакда тик оёқда

туриб чарчадимми, билетни олиб бушашиб кетдим. Саволларга жавоб ёзишга ҳам эриндим. Энг кейин билет олган булсам ҳам, утирганлардан олдин жавобга турдим. Гапирдим, гапирдим. Домла тинглаб утирди. Зачеткамни ҳатто варақлаб ҳам кўрмади. Ниҳоят, «яхши» деди менга қараб. Ичимда демак баҳойим «Аъло» экан, деб хурсанд бўлдим. Ташқарига чиққанимда курсдошларим «Канака баҳо олдинг, қани курсат» деб зачеткамни қўлимдан олишди. «Ие, сеникням турт-ку» деди биттаси. Бошим айланиб кетди. Нима қилишимни билмай қолдим. Бир дўстим, домла нонисоф экан, сенгаки «Аъло» қўймаган бўлса, деди. Бошқаси «Кириб норозиман де, кўшимча савол сўра» деди.

Мен ҳар доим имтиҳон тутагандан кейин домла столи устидаги чойзак-пиёлани декашатга олиб борардим. Бу гал домла олдига кириб, стол устини йиғиштиргим келмади. Ташқарига чиқиб кетдим. Хиёбонни айлашдим. Ўриндикка ўтириб зачеткамни очиб варақладим. Катор «Аъло»лардан кейин катта қилиб ёзилган «Яхши» турарди. Қўлоғим шанғиллаб, худди биров «Мана, шунча тайёрланиб хор бўлганинг шу, деяётгандай туюларди. Қанча ўтирганимни билмайман.

Бир замон мендан кейин қолган иккита курсдошим келиб қолишди. Уларнинг оғзи қўлоғида. Кинога таклиф қилишган эди, кўнглим чопмади. Ётоқхонага кетгим келди. Катта магазин олдидаги ўтиб трамвай бекатига бордим. Анча пайт трамвай кутдим. Домла келиб қолди. Мени кўрди. Қўлиб каради. Бир кўнглим олдига бор дейди, бир кўнглим борма, дейди. Ҳарқалай, ёнига бормаслик ододдан эмас. дедим-да домлага яқинлашдим.

— Қалай, Жабборов, имтиҳонлар яхши ўтдимми? сўради домла. Ичимда «Имтиҳонлар ёмон ўтди, мен норозиман» дегим келдию, тилимни тийдим. Индамадим. Домланинг менга тикилишидан бирор гап кутаётгани сезилиб тургани учун кўзимни олиб қочолмадим.

— Яхши ўтди, деса ҳам бўлади. — дедим секин.

— Нега энди «бўлди» эмас, «деса ҳам бўлади»? Нима демоқчисиз. Жабборов?»

Домла, имтиҳон объектив бўлмади, шекилли?

Қўтилмаган жавобдан домланинг кўзлари ўйнаб кетди. У бир нима демасдан трамвай келиб қолди. Иккала-миз трамвайга чиқдик. Мен дарров иккита билет олдим.

Иккаламиз трамвайнинг орқа бурчагига сиқилиб қолдик. Одам кўп эди.

Жабборов, қани эштайлик, нима учун имтихон объектив бўлмади? — сўради домла норозилик оҳангида.

— Шунинг учун объектив эмаски, — дедим домлага карамасдан, — курсимизда йигирмата талаба бор. Шулардан олтитаси кизлар, қолганлари ўғил болалар. Шу кизларнинг ҳаммаси аъло баҳо олишадими-ю, ўғил болалардан биронтаси «Беш»га жавоб бермайдими? Мен қимнинг қанақа уқишини яхши биламан.

— Унақа бўлиши мумкин эмас, — деди домла бирдан талвасали оҳангда. У қора чарм папкасини очиб ичидан имтихон варақасини олмоқчи эди, қоғозлари сочилиб кетди. Одамлар оёғи остида уларни зурға териб олдим. У шоша-пиша варақага кўз югуртирди. Киприклари пир-пир учди. Имтихон варақасини қайта-қайта куздан кечирди.

— Бу «Техник хато», — деди лошлалаб кетаётган трамвай ичида худди кайфи бор одамдай чайқалиб, — зачетканг қани?

Мен ён чўнтагимдан зачеткамни чикаришим билан қўлимдан юлқиб олди-да «Яхши» устидан чизик тортди, трамвай чайқалишидан қўлидаги ручка уйнаб-уйнаб кетишига карамасдан «Аъло», деб узгартирди. Яна тагига «Тузатилаганига ишонинг» деб ёзиб, имзо чекди. Кейинги бекатгача домла ҳам индамади, мен ҳам мик эгмадим.

— Эртага бошқа имтихон варақасини тулдириб, деканатга топшираман, шу гап трамвайда қолсин, — деди домла мек билан хайрлашаркан.

2003 йил.

15 ЁНА

Комилжон дорилфунуннинг охирги курсида уқиб юрганида уйланишга тўғри келди. Беш йилдан буён аудиторияларда ёнма-ён ўтирадиган, донмо бирга дарс тайёрлайдиган, алдақачон аҳду паймон қилиб қўйган киз у билан бир ёстикқа бош қўйгиси келибми, ё Комилжоннинг атрофида бетона кизлар қалалакдай пириллаб қолганидан чўчидими, ё бир мактаниб қўйгиси келдими, дабдурустдан уйларига совчилар қатнаб қолганини, яқин

орада ота-онаси бирортасига «Хул» деб қўйишини айтганда унинг ичи узилиб кетай деди.

Комилжон анвал нима киларини билолмай ҳаётини қулаб юрди, уртоқларига гап очса калака қилиштарини истамди, онасига қайси юз билан «Ойи, менни уйлаштириб қўйинг» дейди. На пули, на турарга бошпанаси булмаса, лоақал ўқинини битириб ишга жойлашса ҳам майли эди.

Себзордаги бир бойдан қолган каттақон боғ ичидаги икки қаватли ётоқхонада фақат ўғил болалар турарди. Боғ орқасидаги ҳовлида яшайдиган Дўстмурод ота исмли мўйсафидини ҳамма «Ота» деб атагарди. Отанинг бир ўзи ётоқхонага ҳам қоровул, ҳам боғбон. У баҳордан кеч кузгача шу боғ ичидан чиқмас, дарахтларни суярган, гулларнинг тагини чонган, узумларни хомтоқ қилган, мева терган, ҳар куни боғ ичидан қўйларига бир-икки қучоқ ут юлиб кетарди. Камга, қоғоғи содиқ отанинг жини Комилжонни суярди. Комилжон ҳам ёшлигида етим ушиб, ота меҳрига тўймай қолганиданми. Дўстмурод отани учратиб қолганда яйраб кетарди. Улар дарвозахонадами, боғ ичидаги бирор дарахт соясидами, ишқон тағидами, суна устидами узок гаплашиб утиришарди. Ота тез-тез Комилжонни уйига чақириб турар, талаба йиғитининг қоринини тўйдириб, қўшнича «Ётиб қола-қол, уйлар қул болам, холаиғ хурсанд бўлади» дер эди.

Комилжон Отага қирагини ёрди. Ҳамма гаини айтиб берди. Ота мудраган кишидай бошини эгиб Комилжоннинг дардини узок эшитиб ўтирди. Комилжон жим бўлди. Ота бошини кўтариб, аллақачон унутиб қўрилган ёшлигидаги шўхлигини эслаган одамдай кўзлари ёришиб, соқолини бармоқлари билан тарай бошлади. Чоғининг кўзлари бир юмилди, бир очилганидан, Комилжонга бошдан оёқ разм солиб, ўсиб кетган соқол-мўйлови орасидан ёш боладай тилни тез-тез чиқариб, лабини ялашидан безовта бўлгани сезилиб турарди.

— Энди гап бундок бўпти, — деди ота, — уйланиш яхши нарса, — кўзларида меҳр қосади тўлиб-тошган чолда кексаларда бўладиган мувоабирликка ўхшаш қайфият пайдо бўлди. — Кейин хурсанд бўласан. Иморат қурганда, уйланганда йиғит киши қарз олади. Худо хоҳласа қарздан қутулиб кетасан, хотин ёнга қолади. Энди, гапини эшит. Шу «камсомол туй»ларнинг менга ёқмайди. Ҳовлида ўтган туйга не етсин! Агар онаиғ хул деса туйни биззи ховлида қиламиз. Холаиғ, биласан, сени ўғлидай

куради. Кампир армон билан утмаси. Қариб қолди. Ёлғиз ўғли армияда ҳалок бўлувди, бели бүкилди-қолди. Ўғлининг туйиға аталган иккита куй қузилади, қунайди, аммо кампир бўзлаб қолди. Орзусига етолмади. Уйимдан чилдирма онози чиқмади, дарвозамиз олдидан қарнай-сурнай чалинмади, деб йиғлагани йиғлаган. Менинг ҳам юрагимни эзиб юради. Агар айтсам, шу кампирнинг дуосига қолган буларнинг. Бизни уйга келин туширайлик, йўқ дема, болам.

Комилжоннинг боши қотди. Отаға «ҳа» ҳам демади, «йўқ» ҳам демади. Фақат «Раҳмат, раҳмат» деди, ҳолос. Онасининг олдига жунади. Қишлоққа етиб боргунча уйланишдан гап очишнинг минг хил йўлларига кириб чиқди. Онасига айтишдан ийманади, оналарига билдиришга тили бормайди, поччаларига гап очса, гўё улардан «мени уйлантириб қўйишлар» деб ялинаётгандай, бўйин ёр бермайди.

Она-бола узок гаплашиб утиришди. Онаси ўғлим келса қулчатои пишириб бераман, деб қуёвлар қуёи сўйганда қизлари берадиган бир парча гушт ё думбани тузлаб ҳоқлар, селгигандан кейин қазноқдаги туңука «дўм-дўм»лардаги уннинг ичига тикиб қўярди. Уннинг ичида сарғайиб кетган гушт-ёғ қанча қўп турса шунча маза тортди, қулчатоини еган одамнинг оғзидан таъми кетмас эди.

Ўғлининг соч-соқоли услиб кетганиданми, ё қузларининг ичига аллақандай дард ёпишиб қолгандай туюлди-ми, оналарнинг доимо бола туккандаги қувонч бўғчасини очгиси келдими, «Болам, отанинг тирик бўлганда, сени аллақачон уйлантирган буларди» деди ўғлининг олдига яримдан қўпи бўшаб қолган қулчатоили лаганини сўриб. «Ол, ол, сан олабер, мен самоварга қарай, чой дамлаб келаман» деди.

Комилжон онасига дард халтасини очишга уялди-да, бошини дастурхонга эгиб пштаҳа билан қулчатоини шилжиллатиб еябошлади. Уннинг хомуш утириши, рангрўйидаги сишиқиш она юрагидаги шубҳа баргларини силқитди.

Ярим соат утар-ўтмас Комилжон қизик бир туйғу туйди. Дунёда онадан сир тутадиган ҳеч нарса бўлмас экан. Она аралашмаса дунёда ҳеч қандай жумбоқ ечилмас, иссонга дунёда ҳеч ким оначалик меҳрибон бўлмас экан. Етти қават осмондан ташлаб қоборилган одам фа-

хат она қучоғига тулсагина омон қоларкан. Хар қандай гурбат қурбонининг нажот қалити фақат оналар қўлида бўлар экан.

Комилжон онаси «Болам, ташвиниш тортма, туй қиламиз, туй бўлади, етса молим, етмаса жоним» деганда унинг кўнгли эриб узқини ёш боладай онасининг бағрига отди. У охириги марта онасининг шалвираган кукракларига бошини қўйишини, таниш, майин, лаззатли исдимоғига урилганини, тутун, пош, ўт-ўланлар хиди анкиган кийим-бошга сўягги марта куз ёшларини артаётганини, бу куз ёшлар унинг она қучоғидан абадий айрилаётганидан дарак беришини гўё сезаётгандай, онасининг бағрига ёш боладай янада қаттиқроқ ёпишди...

Комилжоннинг онаси қарши қудаларнинг келиши бўлган. Икки хонадон бир-бирига қиз бериб қуда бўлишган. Шунинг учун бир томон унисига тоға, амма бўлса, иккинчи томон ҳам худди шундай эди.

Туй бемаслаҳат бўлмайди, болам, — гап бошлади она, — аммантин, оналарингки чакирамиз. Бир гап чиқиб қолар. Худога шукр, унча-мунча йиғиб юрган нарсаларим бор. Эчкинг учта туккан. Кейин юртчилик, қариндош-уруққа ўтказиб қўйган жойларим бор. Қуруқ келишмайди. Поччаларинг қараб турмас. Тоғанг раҳматли бўлганда тортилиб утирмасдик. Унилларини ишга соларди. Битта уелк. Шотурсун аканг Бўқада катта бўёлтир бўлиб ишлайди. Амманг билан бир бориб келганимиз. Узига тўк. Мол-жони бисер. Туйга айтиб борсанг, қуруқ қайтармайди. Кейин дадангга Шотурсуннинг бердиси бор. Сан туғилмаган эдинг унда. Тоғанг ўғилларини кестирди. Катта туй қилди. Шунда даданг икки яшар новвосни тўёна қилган. Қассоблар новвосни сўйиб ошга босамиз деганда, Шотурсун «Сўйманглар, сўйманглар, узим боқаман», деб роса хархаша қилган экан. Шу эсида бордир. Сан қуруқ қайтармас...

Дўстмурод отанинг уйида ўтадиган туй куз бошига белгиланди. Бир ҳафта бурун кишлоқдан Комилжоннинг онаси, оналари, аммаси келишди. Ҳамма борди-келдиларга отанинг хотини бош-қош бўлди. Туй тизгинини шу хотиннинг қўлига тутказишди. «Нима булгандаям биз шаҳар таомилини билмаймиз, ўзингиз бир ёқли қилинг» деб Комилжон томон Дўстмурод ота хотинининг этағидан ушлашди.

Қариндош-уруғ, поччалар кишлоқдаги сурнайчи, чилдирмачи билан туй берадиган қуни келишадиган бўлди.

Комилжон елиб-югурарди. Тўйга у керак, бу керак, одам айтиш, ашулачиларни гаплашиш...

Тўйга уч кун қолганда Комилжонни онаси билан аммаси чакириб қолишди.

Бўёқдаги ишлар энди бўлди, сен Букага жуна, — деди онаси. — Шотурсун аканини тўйга айтмасанг бўлмайди, арвохлар ҳурмати...

— Аммам тайинлаб юборди, келиб кетар экансиз, дегин, — деди аммаси. — Мол-жон тўёна қилса ўзи қолхоздан мошина олиб берсин, аммам тайинлади, дегин...

Комилжон пешинга яқин Букага, у ердан дуч келган усти очик машинага ўтириб, қолхозга етиб борди. Қолхоз идорасига кириб бош ҳисобчи Шотурсун акани сўради. Тоға-жиян қучоқлашиб қуришди. Шотурсун ака бир фарам қовозларга қумилиб утирган экан. жиянини қуриб яйраб кетди ва иккаласи қучанинг нариги бетигаги чойхонага кириб овқатланишди.

Шотурсун ака илдამаса ҳам буфетчи аёл бир шиша ароқ, иккита стакан, тузланган шур бодринг, лағмон олиб келди. Шотурсун ака стаканларга тулдириб ароқ қўйди. Комилжоннинг «ичмайман, ичолмайман», дейишига қарамай уни зўрлади.

— Мана, тўйга айтиб келибсан, йнгитлигинг шу, йнгит одам ароқ ичади-да, — деди тоғаси.

Комилжон тоғасининг қўнгли учун ароқдан бир-икки хўплагандай бўлди. У стаканни ярим-латмасдан иккинчи шиша ҳам тамом бўлди. Шотурсун ака урушдан хассага таяниб юрадиган бўлиб қайтган. Ичи қизигач, мункайиб йпқилишига сал қолди. Қўлидаги қовозга ўралган нарсасоллинган турхалтасини Комилжонга узатиб, «Маҳкам ушла» деб қўйди.

Шотурсун ака яшайдиган жой қолхоз идорасидан уч чакирим нарида экан. Идора ёнида тоға-жиян турли хаёлларга фарқ бўлиб турганда усти тула юки билан трактор келиб тўхтади-да, ҳайдовчи Шотурсун акага «Чикиб олинг» деган маънода бошини ликиллатди. Тоға-жиян тракторга зўр-базўр тирмашиб чиқишди. Комилжоннинг ароқдан қўнгли айний бошлади. Трактор ҳам худди атайин қилгандай имиллаб тарилларди. Шотурсун ака қолларнинг устига алдақачон етиб олди. Комилжон қўлидаги турхалтани маҳкам ушлаб унқир-чуңқирлардан силкиниб-силкиниб ўтаётган трактор устида қийналиб борарди. Қўлидаги халта у ёқдан бу ёққа силкинганда газета

йиртилиб кетди. Турхалтадаги газетага урволик — бор-дам-боёлам пул эди. Умрида шунча пулни ушламаган Комилжоннинг кўзи мошдай очилиб, хайрон бўлди.

Удар Шотурсун ака дарвозаси олдида трактордан тушиб ҳовлига кираётганда янгаси югуриб келиб Комилжонни кучоклаб кўришди. Хол-аҳвол сўради. Ичкарига таклиф қилди. Шунда Комилжон кешинингига турхалтани узатди.

Шотурсун ака кечқурун яна ичди. «Қани, куёв бола, бир йигитлигини курсатчи, пиллапи оқ қил» деб қис-таланг қилди. Хотинининг «Қўйинг, шима қиласиз зурлаб ёш болаани, ҳамма сизга ўхшаганми» деса ҳам тижирлик қилди. Тоғанинг кайфи таранг бўлди. Тоға-жианга ҳовли ўртасидаги каравотга жой солинди. Ёғоч каравотнинг устига докадан тикилган пашшахона ёпылган эди. Комилжон эрталабгача ухлай олмади. Бир томондан, тоғаси қарнай булиб хуррак отса, бир томондан, «ғишт» этиб аллакаердан кирган чивин чакади... У бошини қурча ичига буркаб энди кузи ичинган экан, тоғаси туртиб қолди.

Турхалтада пул бор эди, деди Шотурсун ака, — каерга қўйганим эсимда йўқ. Янганга оғиз очма.

— Кеча ялгамшини қулига топширдим-ку, — деди Комилжон.

Шунаками, сенга берувдимми, — қувониб кетди тоға, — ундок булса, тур, юваниз уни. Хой, каердасан, чакирди хотинини, — бош оғриғидан қолганми? Ошкел!

— Аччиқ мастава тайёр, — деди янга.

— Маставанинги узинг ичавер, пунғиллади Шотурсун ака.

Комилжон нонунтадан кейин тоғаси билан бирга жўнамокчи булиб ўридан қузғалди, аммасининг гапларини айтди. Эрталабдан туриб бош оғрикка ичган Шотурсун ака Комилжонни йўлдан қайтарди. Сен бугун ҳам қоласан, — деди катъий, — кечқурун барвақт келамади. Янганга озгина карашиб кетасан. Памилдорилар чириб кетаяпти. Терадиган одам йўқ. Сен териб берсанг, янганг ёриб туради, кишига кок булади. Бир қун минг қун бўлмайди.

— Шотурсун ака, кетмасам бўлмайди, мени кутини-япти, ахир нидинга туй, мингта иш бор...

— Кечқурун бамайлихотир маслаҳат қиламиз. Парво қилма, туйини биргалашиб утказамиз. Бир қулик туй ўтади-кетади.

Комилжон бушашиб қолди. Шартта кетворай деса тоғасини хафа қилиб қўядими, жаҳл қилиб берадиган туянастини бермаса-я, кетмай деса онасининг икки қўзи унинг йулида бўлса...

Комилжон кечгача елиб-югуриб памилдори терди. Янгасига ёрдам берди. Иккаласи дунёсини памилдорисини ёриб ташлашди. Пешиндан кейин ховли чеккасидаги бедани ҳам ўриб жойлади. Шотурсун акадан дарак йўқ. Янга кечкурун ош дамлади. Ошга кеч унпади. Уйда гушт йўқ экан, ошнинг устига тухум босди. Шотурсун ака хуфтондан кейин кечаги аҳволда келди. Келди-ю пашшахона ичига кириб ечинди-да, боши ёстиқка тегар-тегмас хуррак ота бошлади.

Комилжон ҳаммадан олдин турди. Янгасининг «Шошманг, ахир, самовар қўйдим, чойи қайнасин, эрталабки насибани ташлаб кетманг» дейишига қарамай тоғасининг бошига бориб, пашшахона орқасидан «Шотурсун ака, хун, хайр, эртага базмга етиб борарсизлар, мен кетдим» деди. Тоға майкачан пашшахонадан чиққанда Комилжон дарвозага етиб қолган эди.

— Хон, Комилжон, шошма, — деди у жинишга, — ҳаммаларига салом айт, бирор челақ памилдори олиб кетсанг бўлармиди. Тўйда асқотарди...

Комилжон шаҳарга қалтак еган одамдай шалвираб кириб келди. Уни ураб, кузлари жовдираб гурган оналари, онаси, аммасига караб «Шотурсун тоғам эртага базмга янгамин олиб келади, ҳаммангизга салом айтдилар» деди.

Кетма-кет иккита қўй етаклаб иоччалар ҳам келишди. Биттаси базмга, биттаси келинникига кўборишга мўлжалланган, иккала қўйнинг қай бири семизлигини ажратиб бўлмайди. Бири дурқунроқ, жуни ушиб кетган, иккинчиси ер бағирлаган, иккаласи тоғдан тоққа сакраб юрадиган кийиклардай хурқовач эди.

Тўйли келинникига Дўстмурод ота бошлик иоччалар олиб борадиган бўлди. Гурунч, ун, сабан-пиёз, ёғ-тузалар тахт бўлиб, навбат қўйлардан бирини машинага чиқаришга келганда Дўстмурод ота иккала қўйни бонинг четидаги қўра томон етаклаб қолди. Хамма хайрон. Отанинг овози эшитилди:

— Комилжон уелим, бўёққа қарашвор.

Ота қўйхонадан думбаси ергача осилиб тушган, туртта йиғит зўрға кўтариб машинага ортадиган иккита қўчқорин судраб чиқди.

— Хой, каминр, қайдасан, — деди қарияни судраб кетаёзган қора қучқорнинг бўйига чилвир боғлар экан, — мана, бизнинг туёнаниям олиб чиқдим, уз қўлинг билан топишир. Ховлимизда тўй бўлсин деб эдинг — тўй бўлаяпти, келин қўрай деб эдинг — келин келаяпти, қучқоримнинг тўйига атаб қўчқор боқай деддинг — мана қучқоринг. Қани, бир дуо қилгин, худо Қомилжонни қўшгани билан қўша қаритсин, ували-жували бўлсин, қўчқордай-қучқордай уғил кўрсин. Йлойим, унинг болалариниям туйини қўрайлик, омин, Оллоҳи Акбар!

— Оллоҳи Акбар, — деди Дўстмурод отанинг хотини.

— Оллоҳи Акбар, — тақрорлади Қомилжоннинг онаси билан аммаси.

2001 йил.

ПАПАША ҚАЕРДА ИШЛАЙДИЛАР?

Аспирантурага киришдан аввал бир йил Москвада стажировка ўташимга тўғри келган. Биринчи марта Москвада бўлишим Москвага боришим қишлоғимиздан Тошкентга келишдай бир нарса деб ўйлабман. Қозон вокзалида поезддан тушиб бирмунча довдираб турдим. Буначалик қўп одамнинг у ёқдан-бу ёққа елиб югуришини, қўча тўла ҳар хил машиналарни умримда биринчи кўришим.

Тошкентда қўлоғимга қўйишган. Метронинг «Добры-незская» бекатидан чиқиб, «Большая ордынка» кўчасидаги Ўзбекистон ваколатхонасига қарашли меҳмонхонага боришим керак. Тайинлашларича, у ерда бир-икки кун туриб, кейин ётоқхонага жойлашиб оламан.

Бир қўлимда кийим-бошларим солинган, эскириб қолган картон чемодан, иккинчи қўлимда қўладай-қўладай йккита қовун солинган тўрхалта, керакли қўчани суриштириб-суриштириб топиб келдим.

Ўзбекистон ваколатхонасига тегишли меҳмонхонада бир неча аспирантлар билан танишдим. Тошкентда университетни кетма-кет тамомлаган эканмиз. Биз поездга осилиб келган қишлоқилар бир-биримизни яхши танир эдик. Ҳаммамиз университет ётоқхонасида яшаганмиз. Буларнинг деярлик ҳаммаси шаҳарлик эди. Бирининг отаси Марказий Комитетда, бириники Вазирлар Маҳкамасида, бошқасиники Олий Кенгашда ишлар экан, депу-

татининг уғли ҳам бор, бирининг отаси вазир, бошқасиники қуш орденли Қахрамон, унисиники донгдор колхоз раиси, райком, обком секретарларининг уғил-қизлари, куёвлари бор эди.

Эртаси куни йулланма бўйича илмий-тадқиқот институтига бордим. Кадрлар бўлимига учрашдим. Бажонидил қабул қилажақларининг, факат ётоқ билан таъминлай олмаслигини айтишди. Ўзбекистон ваколатхонаси Фанлар Академиясидан илтимос қилса, ё ўзлари бирор нарса уйлаб топишса, яхши буларди, дейишди. Академияга бориб учрашдим. Агар йулланманг бизга булганда ётоқхонадан жой берардик, ҳозир ҳеч иложи йук, деб қайтаришди.

Ваколатхона меҳмонхонасига қайтдим. Ҳамюртларим ош дамлаётган экан. Кунглимини кутаришди, «Парво қилма, осон йули бор, сенга ўргатамиз», дейишди. Ошдан кейин Мирзачўл қовунининг биттасини нимталаб ўтирганимизда маслаҳат беришди. Битта қовуни кўтариб Ваколатхонада студент ёшлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғига кирасан, у ерда Қудратов деган оқохон бор, қовунини секин столи ёнига думалатиб, яхшилаб илтимос қиласан, тамом-вассалом, қулингга бир нарча қороз ёзиб беради, комендант ораминга қушиб қуяди, дейишди.

Хурсанд бўлиб кетдим. Москвада ўқиш менга насиб қилганидан, шу келишган, кийимлари топ-тоза, сочлари чиройли таралган, буйинларига кизил, сарик, қора рангларда товланиб турган галстуклар таккан, қуринишдан нам-ғуссаси йук бахтиёр йигит-қизлар каторида юришимни уйлаб юрагим хаприкчиб кетди.

Қани энди тезроқ тонг отса-ю, Ваколатхонага чопсам. Кечаси уйқум қочди. Москвада тун жуда эрта ёришар экан. Сапчиб ўрнимдан турдим-да, ювиндим, шериқимни уйғотиб қўймайин деб, йўлакда соқолимни олдим. Машинкам эскироқ бўлганидан трактордай тариллар эди. Соатга қарасам — тўрт. Ўрнимга қайта ётиб қузимни юмамал, қани энди уйқу келса. У ёнимга, бу ёнимга аянаб тонг оттирдим. Тонг билан ярим кечанинг фарқи йук эди. Кечаси дераза ташқарисидаги дарахтлар худди ойдин ёруғида қандай қуришган бўлса, ҳозир ҳам шундай қора булутлар бағрида мудраб ётарди.

Москвада тез-тез ёмғир ёғади. Ҳамма соябон кутариб юради, бир шариллатиб ёмғир қуйса, бир пасдан кейин қуёш чиқади. Менинг соябоним ҳам йук, одамларга қуши-

либ гоҳ у бино йулагига, гоҳ бу дуконга кириб туриб, метрогача етиб олдим.

Ваколатхонага келиб, иккинчи каватга кутарилдим. Эшигига «Қудратов» деб ёзиб қўйилган хона олдида муздек сувга шўнғимокчи бўлгандай нафас ютиб эшикни очдим. Ичкарида чиройли киз ўтирарди. У қўзларини ширширатиб подиаси ейилиб кетган туфлигимга, шалаббо душимга караб қўйди. Тўрхалтадаги қовунни қўриб мийиғида кулди. Шу пайт зарб билан эшик очилиб, шаҳдам кадам ташлаган, узун бўйли, эғида қадди-қоматига ярашиб тушган қўлранг костюм-шўм кийган, қўлида қора чарм напка ушлаган киши кирди. Юрасим ўйнаб кетди. «Ассалому алайкум» деб юбордим. У мен билан сўрашмай ёнимдан ўтиб кетаётган эди, «Ассалому алайкум» дейганим билан орқасига ўгирилиб, қўл бериб қўришди-да, «Менгами?» деди менинг қабулимга келингизми, деган маънода. Мен бу саволни қўлимдаги қовунга ишора, деб тушуниб, «Ха, ха, албатта сизга», деб тўрхалтани узатдим. У хижолатомуз илжайиб, секретарь кизга «Возьми» деди. Мен қовунни кизга бериб, тўрхалтани чўнтагимга тикиб, кетидан эргашдим.

Қудратов жойига ўтирди, мен узун столнинг энг чеккасидаги стулни мўлжаллаб турган эдим, ёнига яқинроқ келишимни истади.

— Тошкентлар жойидаман, ота-она, қариндош-уруғлар тиичми, хизмат? — сўради у мулозим, пириш оҳанг-да. Унинг худди мени олдиндан билган одамдай илиқ муомаласидан ишим тезда битар экан-да, деган ҳаёлда ич-ичимдан қувониб кетдим. Дардимни тўкиб сочдим. Ўзбекистонда эстетика бўйича биронга фан қомзоди йўқлигини, изланишга келганимни, бир йилдан кейин аспирантурага кириб уқиш ниятимни айтдим. Ҳозирча ётоқхона масаласи ҳал бўлмагани, мен келган илмий-тадқиқот институтида ётоқхона йўқ эканини билдирдим. Фақат нажот сиздан, ёрдам беринг, дедим.

— Албатта, албатта, — деди Қудратов. — республикамизга кадрлар керак. Биз бу ерда сизларга ухшаган талантили ёшларнинг мушкултини осон қилиш учун ўтирибмиз-да!

Ўнҳам тўлиб, қўзимдан ёш чиққинига сал қолди. Ўзимни босдим.

— Раҳмат, раҳмат ака, — дедим столдан бошимни кутармай.

Энди кетсам майлими, дегандай унга миннатдор жов-
дираб ўрнидан қўзғалганимда Қудратов эшнтилар-эши-
тилмас «Папаша, қаерда ишлайдилар?» деб сўраб қолди.

Мен қайта жойимга миҳланиб, бошимни эгдим.

— Отам йуқлар, — дедим.

— А? — деди Қудратов таажжубланиб.

— Отам 1937 йилда ўлганлар, — дедим.

— Шунаками?.. Мамаша... қаерда ишлайдилар?
кузиши тикиб сўради Қудратов. Унинг овозида саволдан
қўра тергов оҳанги бор эди. Мен онам қолхозда ишла-
шини, пилда етиштиришда илғор эканлигини мақтаниб
қўйдим.

Қудратов ўрнидан турди. Мен ҳам турдим. У қўл
соатига қаради, хозиргина мулойим қулиб турган кўзла-
ри шиншайдай совуқ йилтиради. Тик турганча бармоқлари
билан стол устини чертиб-чертиб: «Яхши, ётоқхона маса-
ласида эртага келасиз, мен бошлиқлар билан гаплашиб
қўрай, кейин ҳал қиламиз», деди.

Эртаси куни Қудратов қабулхонасида икки соатдан
узок кутиб ўтирдим. Охири котиба қиз ташқарига чиқиб
кейтиши билан шартта эшикни очиб ичкарига кирдим.
Қудратов ҳатто менга «Келинг» ҳам демади. Кечаги са-
мимий учрашув таъсири бўлса керак, унга бора қола қўл
узатдим, ҳатто қулиб, бир нималар демоқчи эдим, Қуд-
ратовнинг осилган қовоғини кўриб узимни тийддим.

— Ука, ётоқхонани суриштирдим, — деди у, — биз-
га тегишли жой меҳмонхона, унда бир йил туриш
мумкин эмас. Командировкага келган ўртоқларни жой-
лаштирамыз. Сен бориб институтингга учраш. Ётоқхона
беришса — қоласан, йўқса Тошкентга қайтиб кетабер.
Илмни қаерда эмас, қандай эгаллаш асосий масала. Тош-
кент — Шарқ машъали. У ерда ҳам илм чўққисига қута-
рилса бўлади. Тошкентдаги баъзи одамларнинг қалласи
йўқ. Олдиндан суриштирмайдими, сен келадиган инсти-
тутда ётоқхона борми-йўқми, дабдурустдан жўнатиб юбо-
раберади? Москва кўз ёшларига ишонмайди. Бу ернинг
бошқача тартиб, қонуи-қондалари бор. Яхинси, ука, уйга
қайтиб, иссиқ қурпангни совутма.

Қудратовнинг олдида хафсадам пир бўлиб чиқдим.
«Кропоткинская» метроси бекати ёнида, икки йўл орали-
гида узун хибби бор. Шу ерга бориб скамейкага утир-
дим. Ёмғир тинган, аравачаларда болаларини ухлатиб,
ўзлари китоб ўқиб ўтирган аёллар, бир-бирини ялаб-

юлқайтган қиз-йигитлар, майда-чуїдаларини галтакли ара-
вачаларга солиб секин-секин утиб бораётган кексалар,
ахлат ташлайдиган кути ёнида сигаретасини охиригача
тортиб-тортиб адо қилаётган киши, газета қўлтиклаб, йўл-
йўдакай нималариндир уқиб, бирор буш жой бормикан
дегандай ёп-берига разм солиб утаётганлар... Ҳамма у
ёқдан бу ёққа ўтади, кетади, елади, югуради...

Мен утирган скамейканинг четида ёш етмишлардан
ошган, тўладан келган, ёнидаги халтасига қараганда
дўкондан бир нима харид қилиб, очик ҳавода дам олиб
утирган кампир бошимдаги дўшимга қараб-қараб қўяди.
Бир нималар деб пўжаяди. Ёнига сурилдим. Анча гап-
лашиб утирдик. Уйига таклиф этди. Ҳалтадаги картон-
кани кутариб олдим. Бир хонали квартирада турар, урупи-
да учта ўлидан жудо бўлиб ёлғиз қолган экан. Агар
истасанг мана мен билан шу жойда яша, фақат вақтинча
руйхатга ўтиб олсанг бас, деди.

Бир ҳафта руйхат кетидан югурдик. Кампир Алек-
сандра Дмитриевна билан бормаган жойимиз қолмади.
Ҳамма ҳужжат тайёр бўлганда милиция бошлиғи рухсат
беролмайман, «Петровка, 38» га бориш керак, рози-
лик билдиришса, кейин вақтинчалик руйхатга қўямиз,
деди.

«Петровка, 38»ни эшитган одамнинг қалалаги учиб
кетар, кимки у ерга уз оёғи билан кириб борса, омонлик-
ча чиқиб кетмайди, деган тушунча юрар экан.

Менинг бошқа иложим қолмади, ҳатто ўзимни қай-
тиб кетишга руҳан тайёрлаб ҳам қўйган эдим. Охириги
илинжим «Петровка, 38». Кимга учрашаман, «Петровка,
38» қаердалигини билмасам. Манеж майдонида одамлар-
дан суриштириб троллейбусга чиқдим. Троллейбус ичida
йўловчи сийрак. Одатда эрталаб транспорт лиқ тўла булар
экан. Кейинроқ троллейбус, автобуслар унчалик тики-
линч эмас. Троллейбусга чиқиб қарасам буш жойлар
қўп, уриндикларда битта-биттадан утирган одамлар ҳам
бор. Тўғри ногона ва шимилнинг ёнидаги қизил хошонаси-
дан генерал эканлиғи биллиниб турган киши олдига
бориб утирдим. «Петровка, 38»га борадими, деб сураган
эдим, боши билан тасдиқлади-да, менга угирилиб,
«У ерда нима қиласан?» деди. Унга дастурхонимни оч-
дим. Ҳагто Қудратовни ҳам айтиб бердим, бир кампир
розию, аммо милиция менни роса сарсон қилаётгани, Ўзбе-
кистонда меннинг мутахассислигимдан биронта олим йўқли-

гини, кишлоқдан ўқиш учун келсаму менга ёрдам қўлини чўзадиган одам йўқлиги ҳақида қўқониб бидирладим. Генерал жим эшитиб борарди. Бироздан кейин у ўрнидан турмокчи бўлиб, «Кейинги бекат «Петровка, 38» деди. Мен ҳам турдим. Генерал олдинги эшик томон юрди. Унинг кетидан мен ҳам олдинга шигалдим. Троллейбусдан кетма-кет тушиб у ёқ-бу ёққа алаңлаётган эдим, генерал атрофи қора панжаралар билан уралган жойни курсатиб, «Мана бу ёққа кйрасан, дарвозадан утиб, чап қўлдаги зинадан кутариласан, айтишади» деди-да, ўзи гўғрига кетди.

Ховлига кириб генерал айтган томонга бурилдим, зинадан кутарилмокчи эдим, бир милиционер қаёққа бораётганимни сўради. «Рўйхат мағаласида деганимдан кейин «Иккинчи кават, 10-хонага мурожаат этаган», деди.

Узун йўлакнинг туридаги хона олди тўла одам. Навбатга турдим. Бу ерда ҳеч нарса навбатсиз битмайди. Навбатим кечгача ҳам келмаса керак, деб уйладим. Одамлар тез-тез кириб чиқишса ҳам пешингача навбатим келмади. Тушлиқдан кейин биринчи булдим. Ичкарига кадам босиб ағрайиб қолдим. Рўпарамда эрталаб троллейбусда галлашиб келган генерал утирарди. Бошқа жойга кириб қолдимми, деб алаңладим. У қўлиб ўрнидан турди-да, қўлини чўзиб қуришди. Хужжатларимни узатиб, дардимни яна ёрмокчи бўлиб турган эдим. «Биламан, биламан, троллейбусда ҳаммасини гапириб бердинг-ку», деди. Қўюларим устига «Рўхсат берилсин» деб ёзди. Имзо чекди. «Ўқиб, катта одам бўлганингда бизни унутма» деб қўйди. Хонадан қандай чиқиб кетганимни билмайман. Кейин қувончимни ичимга сиғдира олмай, қора босиб генерални ўзбекчасига қучоқлаб олганимга хурсанд булдим...

Москвада турт йил қолиб кетдим. Александра Дмитриевнанинг уйида туриб стажировка ўтадим, аспирантурага киргач ётоқхонадан жой беришди.

Орадан йигирма йиллар чамаси вақт ўтди. Ўқиб, ишлаб, жамиятда маълум бир мавқега эришдим. Иккинчи йилда бир марта стационарда дам оламан. У ерда таниш-билишларни учратиб, узаро «таъмирлашга келдингизми?» деб ҳазиллашардик. Навбатдаги «таъмирлаш»га борганимда қизиқ бир учрашув булди.

Қон толширишга лаборатория йўлагига донио одам қўи бўлади. Барвактрок бораёй деб келсам, беш-олти бе-

мор ўтиришган экан. Кузойнак таққан, узи оқ-сарик рангли бўлганидан афт-ангори худди жигари касал одамдай сап-сарик бужмайиб ўтирган одамдан кейин навбат олдим. У мен билан эски кадрдонидай кулиб сўрашаётганда оғзи тула тилла тишлари яркираб кетди. Сазом-алиқдан кейин бир-биримизга караб қасрдадир, қачондир учрашганимизни эслай олмай утирдик.

— Жуда таниш туюласиз, ҳеч эслай олмаяшман, — деди у. Кейин дазмоллаб қўйгандай сип-сидлик, йилтираган қал бошига қўшилиб кетган пешонасини силаб қўйди. Ўзини эсламагам ҳам овози таниш туюлди. Бу ёғли хамирдай мулойим, энёли овозини қаердадир эшитганман. Бу мудойимлик кексайган одамларга хос босиқлик белгиси эмас, ўзлигини йўқотиб, ичи қалтираган кишилардан зурма-зўраки чиқадиган ишғрашга ўхшаб кетарди.

Ёдимга тушди. Ёнимда ўтирган одам кексайиб, шарти кетиб парти қолган ўша... Қудратов эди. Уни Москвадан кейин Тошкентда Марказий Комитетда, Царк мамлакатларидан бирида элчихонада ишлаб юрганини эшитган эдим. Аммо ўшандан буён ҳеч учрашмаган эдик.

— Панаша қаерда ишлайдилар? — дедим секин. У ялт этиб менга қарадию, ғалати бўлиб кетди. Ўзимни таништирмоқчи бўлиб эслатган саволимни тушундим, ё ўзини тушунмасликка солдим, «Пафакадампиз, пафакада» деди-да, шартта ўрнидан туриб, ҳали ичкаридаги бемор чикмасдан лаборатория эшигига бориб орқасини ўгириб олди. У бошини эшикка теккудай ҳам қилиб турар, умида ҳадеб катталарга эгилганидан кураклари туртиб чиққан эди. Стационардан кетгунча уни ошхонада ҳам, муолажа хоналарида ҳам, қовлида ҳам бошқа учратмадим.

2001 йил.

АСПИРАНТ

Ғаллаороллик Зокир аканинг отаси тегирмончи бўлган, отасининг отаси ҳам тегирмончи ўтган. Улардан олдинги аجدодларини билмайдн. Балки улар ҳам тегирмончи бўлгандир. Ишқилиб, тегирмон Зокир акага ота-мерос.

Ўғли Абдуназар ота касбини танламади. У болалари ичида бошқачарок. Сийёндан кишлок болаларига ўхшамайди. Онда-сонда сукишидан қурқиб тегирмонга онаси бериб юборган ош-овкат, пон, қанд-қурсларни олиб келмаса, ҳамма ўғил болаларга ўхшаб отасининг ёнига кирмади, овирини енгил қилмади, оқбилак бўлиб ўсди.

У ёшлигида қайсар, урушқок, тажанг эди. Урушмаган ўртоғи, емаган тўқмоғи қолмаган. Юзидаги унқир-чўқир доғу чандиклар чечак ўрнидан қўра мушт зарбидан кўпайган. Ўзинчи синфларга бориб сумалакдай қўюлди. Мактабни амал-тақал битириб, Самарқандга кетди, университетда ўқиди. Кейин аспирантурага кириб, ўқиниб Москвада уташга тўғрилади.

Ўғли Самарқандда ўқиб юрган кезлари Зокир аканинг тоғдаги қўй, эчкиларидан барака қочди. Сигирининг қорнидаги боласи устидан қарз олиб ўғлига жўнатган пайтлар ҳам эсида.

Худоба шукр, Абдуназар отаси кутгандан минг қарра аёло йигит бўлди. Энди ҳеч ким Зокир акани тегирмончи, деб камситмайди, кишиқларигача гадга ботиб ётмайди, ўпкасига тоза хаво киради, ўғли шу кетишда кетса, Москвани битириб келса, кўкрагини кериб юради. Қарқуноқдан булбул чиққани шу-да!

Ҳали кишлоқда бирон одамнинг боласи бунақа обрўга эга бўлмаган. Эҳ, ҳа, колхоз раисини ҳисобга олмаганда райком, обком котиблари неча марта уйида меҳмон бўлишмади. Зокир аканинг уйида қанча-қанча кўчқор қаллалари қайнаган бўлса, ҳаммаси колхоз ҳисобидан. Ўғлининг келишидан дарак топган колхоз раиси эрта-лабдан ҳамма нарсани тахт қилади, икки-уч кун Зокир ака уйида меҳмондорчиликнинг кети узилмайди. Бу нозу неъматлар, бу ичкилик қурғурлар шунақаям кўпайиб кетадики, меҳмонлардан қолгани Зокир акани бир ой боқади.

Ўғли ҳар гал Москвадан келганда нари борса уч кун туради. Кейин қайтиб кетади. Ўғли баҳона Зокир аканинг уйига ёғлар, халтада гурунч, қопда қанд келади, ун-қу узидан чиқади, янги дастурхон, сочиқлар, пахта гулли чойнак-пиёлалар дейсими...

Ранс эрта-мертаи келиб, «Зокир ака, бугун жойини қаттароқ солинг, меҳмонлар қўп» деди. Колхоз бош ҳисобчиси бир трактор ғўзапоя жўнатди. Партком уйдан қатта самоварни узи орқалаб келди. Хотинлар сомса

туғиш, ичига гушт солинган патир ёпиш, хасил тайёрлаш билан овора. Йигирмата товук суйилди. Ўтган сафар унта товук димлама меҳмонларга газак булмаган эди.

Раис «Газиг»идан учта гилам туширилди. У гиламларни эшик олдидаги успириларга кутартириб ичкари кирар экан, Зокир акага:

— Хадсб олиб келиб, олиб кетиш ноқулай булаяпти, магазинчи, гилам устига ёғ тукилса қайтариб олмайман, деди. Шунинг учун булар энди қайтариб берилмайди. Уйингизда қолади. Яхшиликка ишлатиб юрасиз, — деди.

Зокир ака ўтган сафар ҳамманинг олдида увли биллагидан ечиб отасининг қўлига тақиб кетган соатли атрофида турган одамларга куз-куз қилгандай енгини бироз қайириб, ёнидаги йигитга «Қароним, кузим ўтмаяпти, соатга бир караб қўй, кечикиб қолмайлик яна, Абдуназар аканг доим бир-иккиларга етиб келади» деб куйди...

...Бу йил кузда Абдуназарнинг аспирантурага кирганига икки йил тулади. Фалсафа институтидан Суслов деган профессор унинг илмий раҳбари эди.

Абдуназар биринчи марта Галлаоролга келиб кетмокчи бўлганда домласи билан ресторанда ўтириб, ундан хизмат сафари гувоҳномаси ёзиб беришни, иложи бўлса Самарканд обкомига телефон қилиб, илмий иши бўйича материал туплашга ёрдам беришларини айтишни илтимос қилганда, домласи «Гап йўқ, азизим» деган эди. Эртаси кун Суслов Самарканд обкомига телефон қилиб, Абдуназар Зокирийни кутиб олишларини, ёрдам беришларини тайинлади. Буёғи Абдуназар уйлагандан зиёд бўлиб кетди. Уни самолёт трапида кутиб олиб, обкомга олиб келишади. Саркотиб Тошкентга мажлисга боришни керак экан, умрида кўрмаган, танимаган Абдуназар билан худди кадрдонидай кучок очиб куришади, суз орасида Сусловнинг хол-аҳволини сураб, ташвиқот булимининг мудирига Абдуназарга барча имкониятлар яратиб, кузатиб қўйишни тайинлайди. Абдуназар ҳам атрофдаги одамлар эшитсин, деган маънода овозини балаandroк чиқариб «домла Сусловга саломингизни албатта етказаман» дейди. Уларни ўраб турган обком ходимлари Суслов номини эшитиб қотиб қолишади. Ҳақиқат йиллари КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов каттиққул назарбасчи сифатида машхур эди.

Обком ходимларининг гирди-капалак булиши, ҳамма жойда йўл бериб олдинга ўтказиши, қора «Волга»ларнинг қатор туриши Абдуназарнинг қушсини йиқеди. Яхшиям обком секретари шошиб турган экан, мабодо кабинетда қабул қилганда палакат босиб командировка варақасини курсатиб қўйиши ҳам мумкин эди. Унда «фалсафа» институти директор ўринбосари К.Л. Суслов» деган ёзув бор эди. У домласини КПСС Марказий комитетидаги Суслов билан янглиштириб қўйишганидан ичида қувониб кетди. Сир бой бермади. Аксинча, юқори лавонада юрадиган рахбарларга хос юз юриш қилди, бефарқ одамдай «Ғаллаорол райкомга айтилдимиз?» деб сўради.

Пакана бўйли, оёқлари калта, қорни декчадек осилиб тушган, калтаен билан елкаси йўғон буйнига туташиб кетганидан одам кўзига дум-думалок қуринадиган обком ходими «Хозир, кўнғирок қиламиз, хозир, биз етиб боргунча кипилоқда бўлишди» деди.

Удугбек расадхонаси ёнидаги чойхонада понушта қилишди. Абдуназар эрталабданок коньяк билан Самарқанд кабобларини мазза қилиб туширди.

Кейин соат ун иккиларда қора «Волга»да иккита обком ходими билан Ғаллаоролга келишди. Уларни район четарасида райком секретари кутиб олди. Тушлик пайти. Абдуназар таңдиркабобга роса тўйди. Анча ичиб қўйди. Қайф қилди. Гап орасида ҳамюртларининг бунчалик унга кўрсатган мурувватларини домласи Сусловга айтажагини, мабодо Москва билан липадиган ишлари чиқиб қолса, унга шилшитиб қўйишларини, уёғини ўзи ҳал қилиб беришини айтганда ўзларини яқин орада бирон каттарок лавозимга кўтарилишига ишонч ҳосил қилгандай обком ходимлари терисига сичмай яйраб кетишди. «Ака, омон бўлинг, бизниям кўкракка офтоб тегадиган кунлар келар экан-ку» деди обком ходими узидан ун ёш кичик Абдуназарга ялғокланиб.

Меҳмонлар қош қорайганда Зокир тегирмончиникига етиб келишди. Кишлоқ болалари машиналар орқадидан «Келишди, келишди» деб бақириб-чақириб кутиб олишди.

Абдуназар отаси билан дарвоза олдида қуришди. У ҳўлини чузиб сўрашмоқчи эди, ота келиб ўғлини маҳкам қучоқлаб юзларидан ўлиб-ўлиб қўйди. Зокир ака бир соатча бурун раис олиб келган, эғида осилиброк турган, шимининг узунлигидан почаси қайғириб қўйилган

янгн костюм-шимда булса ҳам Абдуназар худди эгнига тегирмон гарди юкиб қоладигандай тисарилиб турди. Тезда отасининг бағридан чикиб, костюмга бирон нарса ёнишмадими, дегандай секин-секин кукракларини қули билан сидириб қўйди.

Оёнида катиш, гулдор қўйлагининг устидан яғри чикиб кетган духоба нимча кийган, жияги титилиб кетган лозимда, бошига эски гулдор рўмол танғиган онасига кўзи тушиб, орияти келдию сир бой бермади. Онасидан саримсөк илғиз газак килиб арок ичган одамлардан келадиган хид димонига гул этиб урилганда кўнгли айнишига сал қолди. Абдуназар онасининг ёнида бундай айланиб-ўргиллишини ёктирмай тезда орқасига утирилиб, тизилиб турган меҳмонларни ичкарига таклиф қилди.

Зокир аканинг уйидаги нозу неъматлар райком секретари уюштирган майшатдан кам эмас эди. «Арабат», «Белый анет», «Наполеон»лардан тортиб, «Золотое кольцо» ароқларигача тўлиб кетган.

Абдуназар турда, унинг икки ёнига обком ходими, райком саркотиби утиришди. Абдуназар ўзини мезбон эмас, меҳмондай гутарди. Олдидаги ликончани бир обком ходими, бир райком секретари тулдириб қуяр, дастурхонга қул қўзиб у-бу нарсани олишдан узини тийиб утирарди. Хамма «Олинг, олинг, ахир Москвада узимизнинг таомларни соғиниб қолгандирсиз» деб кисташарди.

Уйнинг ичи одам кўплигидан исиб кетди. Абдуназар галстугини бушатиб, костюмни ечмокчи эди, обком ходими уни этиб ўрнидан турди-да лойиб нарсани ушлагандай костюмни авайлаб дераза олдидаги қозикка илди.

— Зокир акани чақиринг, — деди у коньяк қуйилган пахта гулли шибдани қўлига олиб.

Зокир ака келиб пойгакка чуккалади, унга арок узатишган эди, обком ходими соқийга қараб: «Отахонга «Белый анет»дан қуйинг, отахон бундан кейин ерда юрмайдилар, ок лайлакдай учиб юрадилар, шундок фарзанд тарбиялаган ота учун ичамиз» деди. Бироз жим туриб сўзини давом эттирди.

— Азизлар, — деди у минбарда тургандай жиддий, босик киёфада, — бутун биз учун энг қувончли кун. Қишлоқингиздан, районингиздан, областимиздан чиққан буюк инсон шарафига тўнландик. Абдуназар акампизи пурли чўкчилар кутмоқда, ҳаммамиз фахрлансак арзийди. Абдуназар акадан умидимиз катта. Келажак ёшлар-

ники. Энди биринчи навбатда Зокир акани табрикламоқ-
чиман, шундай фарзанд тарбиялаб, вояга етказганингиз-
га минг раҳмат сизга, сиззи соғинганингиз учун ичамиз.
Абдуназар акани тезда диссертация химоя қилиб, облас-
тингизга қайтиб келиши учун, ёна-ён, ака-ука бўлиб бирга
хизмат қилишимиз учун ичайлик. Қани, охиригача, охи-
ригача, ишёлада томчи қолмасин...

Абдуназар ака, қайси фандан диссертация ёклай-
сиз? — сураб қолди ўтирганлардан бири.

— Сийёсий иқтисоддан, — жавоб берди Абдуназар.

— Маана бу улуг фан. — деди обком ходими, —
ҳамма парса бориб иқтисодга такалади. Фан номзодли-
гини ёклаб келинг, тезда академик қилиб кутарамиз. Рес-
публикамиз иқтисоди қўлингизда бўлади.

— Ишқодлох, — деди Абдуназар.

Зийфат ярим кечагача давом этди. Фотиҳадан олдин
сўзани Абдуназардан илтимос қилишди. Абдуназар бир
ишёладаги қоньякка, бир-бир одамларга, бир дастурхон-
га тикилди.

Ҳаммагизга соғлиқ тилайман, кимни қўнғида
қандай нияти бўлса шунга эришсин, — деди.

Абдуназар ишёлани лабига олиб бормай икки қоши-
нинг ўртаси тугулиб бирнималар уйлаётганини кўрган
меҳмонлар уриштираётган қадахларини тўхтатиб, унинг
оғзига тикилиб қолишди. Абдуназар ўзи ёзган шеърни
ўқиб беражагини айтди:

Осмон йироқ, ер қаттиқ.

Томизгисиз сути бўлмас қаттиқ.

Дустлар билан дунё фаровон.

Дусти йўқнинг бўлмас йўли равон...

— Шундай сизларга ухшаш ҳақиқий дустлар учун
ичайлик! Раҳмат сизларга! Яна шуни айтмоқчиманки,
қўй кетидан қўй келади, дейди халқимиз. Бир-биримиз-
ни қўллаб-қувватласак, қаерда, қачон юрмайлик, ўзи-
мизникини тортсак, кам бўлмаймиз. Оз вақт қолди. Ўқиш
битсин. Мабодо қўнғилдагидай мансаб эгалласам, ҳамма
ёғли жойга ўзимизникиларни тикиб ташлайман. Битта
команда бўламиз. Команда зўр бўлса ҳар қандай ўйин-
дан ғолиб чиқамиз. Бундай қараганда ҳаётнинг ўзи катта
ўйин. Ҳаёт ўйинида яқкаҳон ўйинчиининг доми юрса ҳам
ови юришмайди. Унинг ўзига ухшаш командаси бўлиши
керак, ҳамқишлоқларидан, ҳамюртларидан...

— Рекет тузиш керак, демокчисиз-да, Абдуназар ака, — деди кўзи сузилиб, деворга ёнбошлаб қолган бир йигит.

— Э, каллаварам, рекет бошқа, команда — бошқа нарса, — деди унинг ёнидаги киши шеригини туртиб.

— Гапининг белига тенма, жим утир, — деди турдаги партком. — Қойилман, Абдуназар ака, сизни олим буласиз десак, шоир экансиз-ку, шу шеърингиз учун бир уриштириб ичайлик, келинг ака, келинг.

Обком котиби шеърни ёзиб олишга қўғоз суради. «Шунақа шеърларни тўплаб, ўзимиз китоб қилиб нашр этамиз, бизнинг кишлоқдан ҳам шоир чиқсин» деди хаяжонини яшира олмай. Яна «Хамма буюк шоирлар кинжолдан чиқади» деб қўшиб қўйди.

— Азизлар, — гап бошлади мактовлардан эриб кетган Абдуназар, — мен бир жойда ўқиганим бор, кимдир «Улу» одамлар кишлоқда туғилиб, шаҳарда ўлади» деган экан. Хамма «йўр-э» деб юборди...

Шу кун Зокир аканикида маст бўлмаган одам қолмади. Тегирмончи ҳам чулдираб қолди. Абдуназар ҳовлида гандирақлаб меҳмонлар билан хайрлашаётганда обком ходими райком котибига, райком котиби колхоз раисига биринмалар дегандай бўлди.

Эртаси кун «бош оғриғи»ни тарқатишга келган раис Абдуназарни Зомин қирларига олиб кетди. Йўлда Абдуназар гап орасида «Мен икки-уч кундан кейин кетаман, райком, обкомдагилар сизга ҳеч нарса дейишмадимки?» деб суради.

Кечкурунги арокхўрликдан боши гингиб турган раис аввал индамай турди. Абдуназарнинг «Москвадан келиб-кетишининг ўзи бўлмайди, ҳаражат катта, кейин у ердаги домлалар... биласиз-а, менинг домлам ким?» деган гапидан кейин ҳушига келиб, «Шарво қилманг, айтишди, тайинлашди, буёғидан ташвиш тортманг» деди раис.

Абдуназар Москвага қайтадиган кун эртаб колхоз раиси дипломат ташлаб кетди. У дипломатни очиб кўрди. Юраги дук-дук, дук-дук урди. Дипломат ичи тўла пул эди...

Шундан буён Абдуназар Зокирий Самарқандга уч-турт ойда бир келиб кетадиган одат чикарди. Ўзидан кура қўринишни узгарди. Чиройли костюм-шим, ошпоқ қўйлаг истида галстук ёниб туради, самолётдан чиқаётганда янги плащчинини ечиб биласига ташлайди, қўлида

ичи бўш дипломатдан булак ҳеч нарса йўқ. Ёмғир ёниб турган бўлса ҳам ялдирак айвонли шляпасини бошидан олиб трап тагидаги одамларга разм солади. Қора «Волга» олдидаги танишларга трапдан туриб шляпа ушлаган ҳулини кўтариб қўяди. Москвага кетаётганда ҳам трапнинг охиригизинасида оркасига угирилиб худди шундай хайрлашади.

Бу гал Абдуназар Зокирийни кутиб олиш аввалгилардан кўра баланд бўлди. Машиналар ҳам кўп. Иккита қора «Волга» олдида милиция машинаси тегирмончининг уйигача бошлаб борди. Йўлда уларга райком секретари қўшилди. Зокир тегирмончи уйда қолхоз раиси қўл қовуштириб турарди.

Тегирмончининг боши осмонга етди. Хали кишлоқда ҳеч кимнинг уйда обком одамлари милиция ҳамроҳлигида меҳмон бўлмаган.

Абдуназар Зокирийни кузатиб келганлар дастурхонга қўлишмади.

— Ишимиз жуда зик, — деди обком ходими, — бу ёғига узр, чой ичмаган уйимизми, яна келамиз. Отаҳон сиз меҳмонларни бемалол кутиб олаберинг. Айтмоқчи, Абдуназар ака, қачон кайтасиз, телеграммангизни олгандан бери сизни кутиб олишга тайёргарлик кўрамиз. Ҳаммаси кўнглидагидай бўлади. Уч кундан кейин? Ундай бўлса ўзимиз кузатиб қўямиз. Тапвиш тортманг, сиздан ранс хабар олиб туради. Камчиликлар бўлса айтасиз. Ҳозир бизда айни кш кўзиган пайт, узр, ака!

Уч кундан кейин райком секретари беш-олтита одам билан келиб, Абдуназарга янги дипломат ташлаб кетди. Абдуназар Зокирий миёнида қўлди. Кейин сарқотиб Абдуназарни аэропортгача ўзи кузатиб қўйди.

Авваллари Абдуназар ноиблар хонаси орқали самолётга чиқарди. Бу гал ҳамма катори рўйхатдан ўтди. Қўл юки текшириляётганда дипломат ичидан боғлам-боғлам пул чиқди. У «ўзимники пул, отам молларини сотиб берган, Москвада ўқийман» деб чийиллади, аммо уч кун бурун Москвадан келганда уни кутиб олган иккита милиция ходими энди қулини оркасига қайиришди, судрагандай хонага олиб киришди. У ерда сарқотиб, раис, яна бир неча одам ўтирарди. Гувоҳлар олдида боғлам-боғлам пул очиб саналаётганда сарқотиб Абдуназар олдида газета ташлади. Бу ҳафта олдинги «Правда» газетаси эди. Абдуназар газетанинг биринчи бетида КПСС

Марказий Комитетининг секретари Сусловнинг вафоти муносабати билан берилган таъзияга кўзи тушди. Шунда ўз вақтида газета-журнал уқимай юришдан афсусланди. Гаагага ўқиганда Сусловнинг улимдан хабардор булармиди...

Борлам пуллар очилди. Ҳар бондамнинг охириги катидаги юз сўмлик устига «пора» деб ёзилган эди. Абдуназар мик этмай қолди. Бу хонада қанча ўтирганини билмади. Бир маҳал халиги милиция ходимлари икки қўлтиғидан ушлаб аэропорт ташқаридаги майдонга олиб чиқишди, кичкина тўйнуқли усти ёнги машинанинг орқа эшигини очиб, Абдуназарни коптокдек ичкарига тешиб юборишди...

... Обком ходимлари билан райком секретари йўлда маслаҳатлашиб, мабодо бу ган катталар қулоғига етиб қолса аввало ўзлари шарманда бўлишидан қўриқиб, ярим йўлдан аэропортга қайтишди ва Абдуназарни Москвага бум-буш дипломат билан учуриб юборишди...

... Анча йиллар Абдуназар Зокирий бедарак юрди. Бу орада мустақиллик бўлди. Абдуназар Зокирийнинг бирдан ови юрди. Энди у ўзини коммунистик мафкура таълиқига учраб, хўш азият чеккан шахс сифатида кўрсатувчи мақолаларни билан матбуотда кўзга ташлана бошлади. Шундан кейин катта лавозимга муносиб топилди. Хамқишлоқлари унинг номлодини пошликка кўрсатишга тайёргарлик кўришаётган эмиш. Шамол бўлмаса теракнинг шохин кимирламайди...

2003 йил.

Г У Л

Дилдора эрини соғинган эди. Онаси «эринг Москвада ўқиши шартмиди, нидамай рози бўлдинг-қуйдинг. Бир йилдан кейин қайтиб, диссертацияни Тошкентда давом эттираман, деган эди. Лаққа ишондинг, алдади. Мана, иккинчи йил утаяпти, келишидан дарак йўқ. Ёш йигитни узок шаҳарга ишониб буладими» деб юрагидаги утга ёс сепгандай бўлди.

— Аяжон, — деди Дилдора, — эримни ўзим яхши биламан. Беш йил бирга ўқидик. Севишиб турмуш қурдик. Мени қанчалик яхши қўришларини била туриб, шунақа гаплар қиласиз-а. Қўнғимни кўтариб, юнагиш

уринга. Кани энди иложи булса, эртагаёк учиб кетардим. Нодир акамларини, Москвани куриб келардим...

Дилдоранинг «учиб кетардим» деган сузлари оғиздан чикиб ёкасига ёпишди. Шулчакки айтган гапи милтиқлаган чуғ шамолда алапга олгандай бутун вужудига чирмашди.

Нодир Москвага кетиш арафасида хотини билан углини кайнотасининг уйига кучириб олиб келган. Квартирага беш йилдан буён навбат кутишади. Эру хотин диссертация химоясидан кейин тезда уйли-жойли бўлиб кетишларига қаттиқ ишонар эди.

Дилдора кечкурун углини ювинтириб жойига ёткизар экан, «Сенгачи, даданглар апельсин, шоколад олиб қўйган эмишлар, мен бориб олиб келаман, хушми?» деб қўйди. У худди эртага ростданам Москвага учиб кетадигандай уз гапидан узни қувониб эгтикди, юраги гундуллаб кетди.

Дилдора анча вақт тулғониб ётди. Уйқуси қочди. Талабалык йиллари аудиториядан аудиторияга кучиб юришганда доимо Нодирнинг ёнида битта буш жой булар, талабалар бу жой Дилдорага тегишли эканини билганидан унга ҳеч ким утирмас, мабодо бири кечикиб қолиб, бошқа жойга қўнса дарс тугагунча икковининг бўйин оғриб коларди...

Дилдора ўрнидан гурди. Елкасига халатини ташлади. Китоб жавони четига тахлаб қўйилган хатларни олди. Улар Нодирнинг Москвадан жунатган хатларини эди. Дилдора уларни бир неча бор ўқиган бўлса ҳам яна ўқий бошлади. Узун-узун хатлар, ичи соғинч тўла хатлар...

Дилдора хатларини секин-секин ўқиди, тамом бўлиб қолмасин, деб чузиб-чузиб ўқиди, баъзи жойларида овозини чиқариб ўқиди, харфлар, сузлар орасидан Нодир акасининг товуши эшитилаётгандай ўқиди...

У хатларни жойига қўйиб, отасига ўхшаб оёқларини кўрнадан чиқариб ётадиган ўғлининг устини тўғрилаб қўяр экан, «Бораман, бир иложини қилиб бораман, 9 Май байрамини Москвада ўтказиб келаман» деди ичида...

Эрталаб нонушта пайтида кечаси ўйдаган уйини онасига айтди.

Бугун Нодир акамларга қувнроқ қиламан. — деди у, — маслаҳатлашиб қўрай-чи, бир нарсани ўйлаб қўйдим, Москвага бориб келаман.

— Нимани уйлаб куйдинг? — сўради онаси, — Москвага боришнинг ўзи бўладими? Отангни кўли калта. Эринг стипендияга яшаса.

Агар Нодир акамлар рози бўлсалар, гул олиб бораман, сотамиз, 9 Майда гул чаккон кетади, деди Дилдора.

— Эсингни едингми? — эътироз билдирди онаси, — кўлингдан келган ишни қилсангчи, умрингда савдогарчилик қилмаган бўлсанг, кейин гул сотиб олишгаям пул керакми, ё текинга беришадими?

— Уёғи бир гап булар, қарз оламан, фойдасидан чикиб кетади, — деди Дилдора.

Дилдора телеграфдан Москвага кўнғирок килди. Нодир хали ўрнидан турмаган эди, уйқусираб гаплашди Дилдоранинг «Эртага яна кўнғирок киламан, сиз бозорларга, метро бекатлари олдида гул сотувчилардан сураб-суриштиринг, атиргулнинг донаси неча сўмдан экан, самолётда гул олиб бораман, 9 Май кунлари гул роса пул бўлади» деганини чала-чулпа эшитди.

Нодир аввалига Дилдоранинг гапидан хайрон бўлди, кейин Тошкентда гул арзон, Москвада қиммат бўлишини, яна хотини билан қуришишнинг бундай оддий ҳамда фойдали йўли борлигини уйлаб хурсанд бўлди.

Нодир бозор айланди. Гул бозоридида ҳам, метро ёнида ҳам бир донга атир гул бир сўм эди. Тошкентда хўйна-хўй арзон бўлса керак. Эртаси куни Дилдорадан Тошкентда атиргул 10—15 тийинлигини билиб, хали йўқ пулга чунтаги тўлиб кетди. Дилдора бўлса «Бир сўм»ни эшитиб, ўзини қуярга жой тополмай қолди.

Дилдора кечкурун ишдан қайтса, бахтига қишлоқдан қайнонаси шевараси билан келинидан хабар олгани келган экан. Маслаҳат, талашув-тортишув узоқ давом этди. Охири қайнонаси билан отаси Москвага бориш йўлини кутарадиган бўлишди.

Дилдора эри юборган кийимини бир-икки кийиб ишхонасига борганда бир кизга ёкиб қолиб, унгаям топиб беришни илтимос қилиб юрарди. У костюмни шу кизга сотди. Яна қарз сўради. Москвага билет олди. Нодирга кўнғирок қилиб эртага гулчилардан гул йўғиб, кечки рейсда уचाганини айтди.

Дилдора отасидан бирер магазиндан қоғоз кути топишларини илтимос қилганда, умрида савдо-сотик

билан шуғулланмаган, ҳатто ҳовлисидаги гиёҳини ҳам бозорга олиб чиқишга уяладиган ўқитувчининг қовоғи осилди.

— Шу ишининг туғри деб биласанми, қизим. — деди отаси. — биров эшитса нима дейди? Ўқитувчининг қизи савдогарчилик қилиб юрган эмиш деса, уят-ку!

— Дадажон, нимаси уят, Нодир акамларини куриб ксламан.

— Эру хотин метро оғзида ўтган-кетганнинг бурчига гул тикиб турасизларми? Хеч ақлим бовар қилмайди!

— Қўтарасига сотамиз, битталаб эмас. Арзонроқ берсак ҳам фойдаси бор.

Дилдора Олой бозорида гулчилар билан гаплашаётганда отаси таниш-билиш куриб қолмасин, деб худди бегона одамдай нарироқ турди. Ёшгина йигит уларни Ҳасанбойдаги ҳовлисига олиб борди. Соат иккигача уч минг дона атиргулни тайёрлаб қўяжагини айтди. Дилдора чамандек очилган гулзорини куриб хурсанд бўлганидан «Соат иккидан кечиктирмай қутиларга тайёрлаб қўйинг, беш тийиндан эмас, ўн тийиндан бераман» деб юборди. Йигитча «Ғал йўк, опа» деди ичида Дилдорани қатта савдогар бўлса керак деб ўйлаб.

Кейин Тоштурма олдида беш минг атиргул гаплашди. Дилдоранинг отаси қизи олиб кетадиган атиргуллар сови саккиз мингга етганда ваҳимага тушди.

— Энди етар, — деди у. — шунча нарсани олиб бериш, сотишнинг ўзи бўладими?

Дилдора отасига билдирмай Ишчилар шаҳарчасидаги бир гулчининг уйидан яна икки минг гладиолус, оқ, қизил гвоздика гаплашди. Шунда кекса гулчи пулига галашиб-тортишмаган Дилдорага «Қизим, гулни ўтказишаётган эканми, ҳар хил гаплар эшитдим» деди.

Дилдора аллақачон ўзини Москвада Нодир акаси билан шаҳар айланиб, театр, музейларни томошо қилиб, гул фойдасидан ўғлига, эрига, ота-оналарига чиройли нарсалар танилаб юргандай ҳис қила бошлаганиданми, кекса гулчи гапига эътибор қилмади.

Кечқурун уч жойдан келтирилган қовоз қутилар ҳовлига тулланди. Чақирилган такси хайдовчиси аввалига шунча юк машинага сиймайди, деб тўхирлик қилди. Дилдора «Икка барабар тулайман» дегандан кейингина бир иложини топди. Ота-бола таксига зўрға ўтириб, биттадан қутини тиззага олишди.

Аэропортга келиб Дилдоранинг оёзи очилиб қолди. Рўйхатдан ўтадиган залга оёқ босиб бўлмайдди. Хаммаёқ юкка тулиб кетган. Одамлар безовта. Дилдора денорга осиб қўйилган эълонни ўқиди-ю, «Энди нима қилсаман» дегандай бир отасига, бир юкларига қараб жовдираб қолди. Эълонда кечадан буён Москвага учувчиларнинг гул олиб ўтиши таққиланган эди.

Дилдора анча пайт ҳушини йиға олмади. Новча бир йиғит Дилдоранинг ёнида турган урта ёшлардаги аёлга «Ая, иложи йўқ, ҳеч қанақасига ҳам қўйишмаяпти. Яхши-си. Чимкент орқали учганимиз маъқул, билетларни топширинг, мен машина олиб келаман» деди. Бошқа гулчилар «Поезд-поезд» деб гаплаша бошлади.

Дилдора қовоғини уюб олган отасига қаради. Шундоқ ҳам бу иш кўнглига ботмаган отаси «Энди поезд ташвини ҳам борми?» дегандай энсаси қотди. Қизининг бутунилай руҳи чуқиб мўлтираб қолганидан кўнгли ачишдими, юкларни битта-битта ташқарига олиб чиқа бошлади. Ун иккита катта-кичик коробка уйга ҳайтиб келди...

Эртаси, 8 май куни кечкурун Дилдора Тошкент-Москва тезюрар поездига ўтиргандан кейингига чехраси очилди. Гулларни Москвага олиб бориш йўли топилганидан, икки ярим кундан кейин Нодир акаси ёнида бўлишидан унда йўқ хурсанд эди...

Ўша йили май ойи совуқ келди. Қозоғистон даштлари, Оренбург, Куйбисhev атрофларида совуқ 30 даражадан ошиб кетган эди.

Дилдора Москвага етгулча иссиқроқ кийиммаганидан афсусланиб борса, Қозон вокзалида эрининг церронда енгил турганини куриб ҳайрон бўлди. Бир сутка бурунги совуқ, қаёқда-ю, битта қуйлакда юрса буладиган Москва ҳавоси қаёқда?!

Дилдора 11 май куни Москвага етиб келганида ўзига-ям, қўзига-ям ишонмай эрининг елкасида осилиб қолди. Бир зумда Нодирнинг қуйлак ёқалари Дилдора кўз ёшларидан намланди. Дилдора тўрт кундан буён шу дақиқалар ташвинида йиғиб келган ёшларини тукиб ташлади...

Юкларни вокзал ичидаги юкхонага топшириб кетишди. Эрталаб тўғри Марказий бозорга бориб озорбайжон йиғит билан гаплашди. У гулларининг ҳаммасини 30 ти-йиндан олажагини айтди. Эру хотин бир соат ўтмай қовоз қутиларини олиб келишди. Озорбайжон йиғит шериқлари ёрдамида гулларни саваш учун уларни оча бошлади. Қо-

робка очилиши билан гул этган атир хиди таралди). озарбойжон йигитнинг кузи ола-кула бўлиб кетди. «Кардаш, бу надур?» деди елкасини кийиб.

Гуллар йулдаги қахратон совуқда музлаб, кечаси билан эриб, бўймайиб, сулиб ётарди. Озарбайжон йигит юзта-юзта қилиб боғланган урамлардан бирини олиб бошини сарак-сарак қилганча оҳ-воҳлаб қолди. Бошқа қоробкалар ҳам худди шундай чикди. Фақат қунёда келган иккита қоғоз кутидаги гвоздикалар тирик эди.

Дилдора тескари ўгирилиб илқирлай бошлади. Нодир гуллар атрофида уймалашаётган озарбайжон йигитларини ҳам унутди-да, хотинини юпатишга туялди.

— Йўнаманг, жоним, йўнаманг, шунча гулнинг бахоси бир томчи куз ёшилгизга арзимайди. Ахир, гулни баҳона қилиб ёр қургани келгансиз! — деди.

Дилдорани кулидан маҳкам ушлаб гул бозоридан узоклашиб кетаётганда орқасидан югуриб келган озарбайжон йигит «Хафа улма, буни-да ол, гвоздик учун» деб бир сиким пул узатди.

2003 йил.

АВТОРЕФЕРАТ

Кумушхон тил-адабиёт факультетини тамомлаб, мактабда ишлаб юрарди. Битта ўғли бор. Эри — Баҳром илмий-текшириш институтида кичик илмий ходим. Квартира олинга 5—6 йилдан буён павбатда туришарди.

У пайтларда маданиятшунослар кам, тарих, археология, фалсафа, тил ва адабиёт бўйича мутахассислар ҳам институтга жалб этилар, личокка илладиганлар аспирантурага ўқишга юборилар эди. Мусиқа бўйича фан номзодлари, фан докторлари кўп эди-ю, тасвирий санъат, кино бўйича олимлар бармоқ билан санарли.

Домлалар такчиллигидан институтда аспирантура ҳам очилмаган, кимни ишга қабул қилинса тез орада уни ё малака оширишга, ё аспирантурага Москвага юборишар эди.

Кумушхон эри билан бир курсда ўқиб, бир йилда университетни тамомлаган. Баҳром илм йўлини танлаб маданиятшунослик институтига борди. Кумушхон ўз касбида қолди. У ёзишдан кўра томоша қилишни яхши кўрарди. Агар иложи бўлса 4—5 соат кино қуришга

тайёр. Хотинидаги кинога булган бунчалик кизикнишни сезган Баҳром уни ҳам маданиятшунослик институтида ишлашга ундай бошлади. Ичида жон деб турган Кумушхон эрига эрташиб институт директорига учрашган эди, у бирор соат суҳбатлашгандан сўнг «Санъатдан хабарингиз ёмон эмас, сиздан яхши киношунос чиқади, истасангиз эртадан бошлаб кичик лаборант бўлиб ишлашингиз мумкин» деди.

Шу тариқа Кумушхон маданиятшунослик институтига келиб қолди-ю, кичик лаборант сифатида факат булим ишларини бажариб юрмади, илмий ходимлар сингари эртадан кечгача кутубхонада китоб титқилади, ёзди, чизди, муталаа қилди, катта лаборантликка ўтish учун тайёргарлик қурди. Газеталарга мақолалар ёзди, радиода суҳбатлар уюштирди, булимда кино санъатининг замонавий муаммолари мавзусида бийойндай маъруза қилди. «Институт бизни» деб кўкрагини кериб юрадиганлар ҳам Кумушхоннинг тиришқоклигига, тиник мулоҳазаларига тан беришди, унга мустақил мавзу танлаб, раҳбар тайинлашни лозим топилди.

Номзодлик диссертацияси охиридаб қолганди, маданиятшунос сифатида жамоат орасида анча обрў-этибор қозонган институтнинг илмий котиби Темур Турғунович Кумушхонга раҳбар этиб тайинланди. Кумушхон хурсанд бўлди.

Дирекция Баҳромнинг маданиятшунослик буйича билимини чуқурлаштириш учун Москвага бир йилга малака ошириш учун жўнатишни лозим топди. Эру хотин маслаҳатлашди. Кумушхонни ёш боласи билан ижарада турадиган уйда ёлғиз қолдириб бўлмас эди. Унинг отаси энёли кишилар. Онаси бу гапини эшитиб, аввалига бироз қовоғини уйди, отаси, аксинча, куёвнинг ёнини олиб Баҳромга оқ фотиҳа бергач, кизини кўчириб келиш тараддудига тушди.

— Бир йил хаш-паш дегунча ўтиб кетади. — деди Баҳромнинг кайинотаси, — мана биз бор, Кумушхон билан ўзингиздан хавотир олмасдан ўқиб келаберинг. Сизлардан бошқа бизнинг кимимиз бор, Зан чиройли иш бўлти-да!

Кумушхон бутунлай ишга шўғинди. Уй юмушлари онасидан қолмайди, бунча таъиниши отасининг елкасида. Институтга ҳафтада уч кун қуришни беради. Қолган

кунлари кутубхонада ўтади. Кечқурунлари Киночилар уйида янги фильмларни кўриб, муҳокамада қатнашади.

Бўлим мажлисидан сўнг Темур Турғунович Кумушхонни олиб қолди. Бирга узок гаплашиб ўтирди. Кумушхондан ҳол-аҳвол сўрагандай бўлди, қийналмаяпсизми деди, эрингизни соғинмаяпсизми деди, зерикмаяпсизми деди, бирор ёрдам керак бўлса тортинманг, деди.

Буришган юзида йилтираб турадиган кузларикни одамга тикиб қарайдиган, нақаналигини баланд овози билан тулдиришга ҳаракат қилиб, гаширганда жумла орағида айрим сўзларни чузиб, шу сўзларнинг оҳанги ё мазмунини кучайтириш мақсадида лабларини буриб, кулларини кутариб-гуширадиган, бўйига яраша костюм тополмай, шимини калта қилса ҳам костюмни эгилда осилиб турадиган, ўзи ҳақида қадди-қоматига қараганда чуқурроқ фикрда юрадиган Темур Турғунович Кумушхонга студияни яқинроқ суриб ўтирди.

Домла билан шогирд данак билан мағиздай гап, — деди у, — мағизнинг ушиб-униши данак бағрида қанақа туришга боғлиқ. Данак қанчалик бақувват бўлса, мағиз ҳам шунчалик ширин бўлади.

Аччиқ мағизлар ҳам бор-ку, — деб жоборди Кумушхон.

Темур Турғунович ёш шогирдиниң бунчалик гапга чечаклигидан мамнув бўлгандай Кумушхоннинг қўлига секин шапатилаб қўйди.

— Йўқ, мен зўр данак кучоғидаги сиздаки ширин мағизларни кўзда тутаяпман, — деди Темур Турғунович муздек совуқ кўзларини қисиб. — Энди жиддий масалага кўчсак. Мен шогирдларни чертиб-чертиб оламан...

— Кечирасиз, домла, гапингизни бўлдим, унақада пешонамиз гурра бўлиб кетар экан-да, — деди Кумушхон.

Темур Турғуновичнинг митти елкалари баланд-паст бўлди. Юпка лаблари ачиган хамирдай қўпирди. Ёйроқ сукутдан сўнг жиддий кнёфага кирди.

— Сизга мавзу ўйлаб қўйдим, — деди у, — «Ўзбек киносига социалистик реализм услубининг шаклланиши ва ривожланиши». Қалай? Зурми? Бу мавзуга қўқ чироқ, мен илмий раҳбар бўлганимдан кейин ҳимоя ҳам хамирдан қил суғургандай ўтади.

— Раҳмат, домла, — деди мулоҳиям Кумушхон, — мени ўйлаганингиз учун миннатдорман...

— Ахир сизни ўйламай бўладими, кечаси ҳам, кундузи ҳам ўйлайман, — деди Темур Турғунович.

— Лекин. — деди Қумушхон ердан кўзини узмай, — бу мавзу унчалик кўнгилмга ботмаяпти. Мен «Ўзбек киносида хотин-қизлар образи» мавзусини ишласам, деган ниятим бор эди. Аёллар муаммоси донм аёлларга яқин...

Темур Турғунович гўё гапи ўтмаган домладай порозинамо ўридан туриб дераза олдида борди, бир ташкарига, бир Қумушхонга разм солиб турди-да, қутилмаганда пилдираб келиб Қумушхоннинг қулини совуқ тер босган кафтига олиб, силтаб-силтаб «Майли, майли, сиз айтгандай бўлсин» деди.

Илмий кенгашда Қумушхоннинг мавзуси тасдиқлангач, у домласи билан тез-тез учрашадиган бўлди. Бўлим мажлислари пайтида ё илмий кенгаш ўтаётганда Қумушхон кимдир унга тикилиб турганини ҳис қилар, бу қадалган кузлар, албатта, домланинг муздек йилтираган кўзлари бўлар, институтдаки, ё кино муҳокамаларигаки борганда лоп этиб ёнида Темур Турғунович пайдо бўлиб қоларди.

Темур Турғунович фотого ишқибоз эди. У кўпинча бўлим ходимлари расмини олар, кўпроқ Қумушхон рўпарасида аппаратини чиқиллатгани чиқиллатган эди. Бир кун у жуда кўп фото суратлар олиб келди. Уларнинг барчасида Қумушхон эди. Қумушхоннинг ишлаб ўтирган пайти, Қумушхон ойнага қараган, Қумушхон кулиб турган, Қумушхон чой ичаётган, Қумушхон нимадир демокчи бўлиб турган, Қумушхон қолларини чимирган, Қумушхон гапириб турган, Қумушхон... Қумушхон... Қумушхон...

— Вой, мунча кўп, — хурсанд бўлди у домласига миннатдор қараб, — ўзим ҳам ўғлим билан расмга тушиб адаларига юбориш ниятим бор эди. Олсам майлими, менга берасизми?

— Албатта, бемалол, ҳаммаси сизга, — деди Темур Турғунович, — аммо Москвага юбориш шарт эмас. Эрингиз бунга муҳтож эмас. Москва қизлари ёмон, аллақачон бошини айлантириб қўйган бўлса ажаб эмас.

Упақа деманг, домла, — деди Қумушхон, — биз бир-биримизни севамиз, бир-биримизга ишонамиз...

— Ишонинг керак, албатта, ишонинг керак, — деди Темур Турғунович, худди бирор сирли гапини билгандай ғалати ишшайиб, — аммо инсон — тирик одам-да, кейин муҳаббат кузда бўлади, дейдилар. Куздан йироқ — қўнгилдан йироқ, деган мақолни билмайсизми?

— Қандай қилиб кўздан йироқ — қўнғилдан йироқ бўлади. — жавоб қилди Қумушхон, — ҳар куни Баҳром акамларни кўриб турсам, ўғлимиз отасининг узгинаси. — Кейин севган қўнғиллар учун масофа йўқ. Ҳар дақиқа биргамиз.

Қумушхон Темур Турғуновичнинг муомаласида аллақандай ўзгариш сеза бошлади. Айниқса, булим мажлислари чоғи шундай тикиладикки, шундай тикиладикки, ҳатто Қумушхон домланинг кўзи тушмайдиган жойда ўтиришга, иложи бўлса унга камроқ йўлиқсам, деб қоларди.

Институтда янги йил кечасини ишонлашди. Шунда ичиб олган Темур Турғунович Қумушхонни кетма-кет раксга таклиф этабериб бироз уялтирди ҳам. Аввалига бир қадах шампан ичасиз, деб қўстади, кейин вино ичасиз деб қўймади. қадеб раксга тортиб Қумушхоннинг ганига тегди. Ҳатто домла Қумушхоннинг «Шилқимлик қилмаиқ» деб юборганини эшитиб ўзини эшитмаганга солди. Темур Турғунович шивирлаб «Қумушхон, домласининг қўнғилини овламаган шогирдининг иши ҳеч қачон юришмаганини биласизми?» дейиши билан Қумушхон домласининг кўзини шамғалат қилиб, секин уйига жушаб қолди.

Қумушхон оғироеқ эди. Баҳром Москвадан ҳар ҳафта қўнғироқ қилар, хотинидан ҳол-аҳвол сўрар, ўзини уринтирмасликни, камроқ ишлашни, кўпроқ дам олишни уқтирарди.

Қумушхон институт кутубхонасида газета-журналлар кўриб ўтирарди. Темур Турғунович уни чакириб, бирга нашриётдан авторефератини олиб келишни илтимос қилди. Қумушхон бажонидил рози бўлди. Домласининг яқинда диссертация ҳимоя қилишини эшитиб хурсанд бўлди.

Улар Абдулла Тўкай кўчасидан Навоий кўчасигача пиёда боришди. Домла қўн нарсаларни гапирди. Қумушхоннинг Москвадаги эри худо биладди қанақа юрганлигини, рус қизлари қорамағиз йигитларни яхши куришти, бир таниши Ленинградга ўқишга бориб, уша ерда уйлашиб қолиб кетгани, яна бир танишининг Қумушхонга ўхшаган гўзал бир аспиранткани бор экан, домласининг ганига қулоқ тутмагани учун иши пачаша бўлгани ва яна аллақанчаларни гапирди. Қумушхон чурқ этмасди, Навоий кўчасидаги балахд ижорат ичига кириб кетган домласини кутиб турди. Қўнғилда домла олиб чиқаётган авто-

реферат 2—3 боғлам бўлса керак, деб ўйлади. Бироздан кейин Темур Турғунович бир боғлам авторефератини олиб чиқди.

— Шуми? — сўради Кумушхон хайрон бўлиб, икки киши келиши шарт эмас экан-ку деб ўйларкан ичида.

Темур Турғунович авторефератни кутариб олган, ёнида оғир оёқ Кумушхон аста юриб боришарди. Кумушхоннинг узок юришга тоқати йўқ. Қўли оғир, тезда чарчаб қолади, иложи бўлса бирор жойда дам олгиси бор. Домласига «Мен уйга кетаман, хайр, сизга» демокчи бўлиб лабини жуфтлаганда кинохона олдига бориб қолишган эди.

— Янги фильмларни кўриб турибсизми? — сўради домла, — албатта кўриш керак, кино бўйича зўр олима бўлиш учун кўп кино куриш лозим. Анчадан буён кинога тушмадим, юринг, ҳинд киноси экан, бир дам олайлик.

Кумушхон шунча жойини пиёда ўтиб чарчаганидан ушша боргиси келиб, аввалига унча рўйхуш бермади, кейин оёқлари тобора оғирлашиб бели зиркираётганидан тезроқ бирор жойга утиргиси келдими, домласининг гапини икки қилмади.

Зал тўла одам. Уларнинг билети ўрта қатордан экан. Кумушхон бир тўп авторефератни домласининг қўлидан олиб тиззасига қўйди. Кўзи экранга қалалди. Чироклар ўчиб, экран ёришгач, Кумушхоннинг чарчоғи кўзларини қошлаб, аъзою баданини ҳорғин бир мудроқ босди. Кино залидан бошқа жой бўлганда Кумушхон албатта кўзини юмганча мизғиб оларди. У иккикат бўлганидан ўриндикда бемалолроқ жойлашиш учун оёқларини бироз кериб ўтирди. Чал тиззаси Темур Турғуновичнинг ўнг тиззасига тегиб кетиши билан тезда оёқларини жуфтлаб олди.

Кумушхон экранга қараганча қилт этмай ўтирарди. Хамма нарсани унутди. Бутун фикру хаёли фильм қаҳрамонлари тақдири оқимига қўшилиб кетди. Бир маҳал Кумушхон домланинг муздек қўли унинг қўлларини аста силай бошлаганиданми, ё Темур Турғуновичдан бунақа қилик чиқишини хаёлига келтирмаганиданми, қўлларини чўчиб тортиб олди-да, хайрат ва ижирғаниш аралаш унга қараб қўйди. Бироздан кейин домланинг қўли секин Кумушхоннинг елкасига кутарилиб буйинини узига тортмоқчи бўлди.

— Темур Турғунович, бу нима қилик? — деди Кумушхон, — ёш боламисиз?!

— Кумушхон, энтикиб шивирладди домла, — бунака нарсаларни ёш болалар тушунаришди, сиз ахир эр курган аёлсиз, кейин сизни...

Кумушхон юлқиниб елкасидан Темур Турғуновичнинг кулини туширмоқчи эди. домла бор кучи билан унинг буйинини эгиб, упишга ҳаракат қилди. Кумушхон доғдираб қолди. У «бетамиз экансиз» дея олди, холос. Темур Турғунович тобора жазабаси тутиб, Кумушхонни ўзинга тортиб ўпмоқчи бўлаверган эди, Кумушхон қўлидаги бўлам автореферат билан домлани юз-кўзи аралаш туширди. Туп ечилиб кетиб, автореферат орқа, олд қаторда утирган одамларга осмондан чалпақ ётилгандай сочилди. Кий-чув кутарилди. Темур Турғунович қоронғида туртиниб-суртиниб, эмаклаб авторефератини йиғайтганда Кумушхон аллақачон залдан чиқиб кетган эди...

... Орадан бир ой ўтмасдан бўлим ҳисоботида Темур Турғунович шогирди Кумушхоннинг илмий ишга қобилиятсизлиги, диссертация ёзиш қўлидан келмаслиги ҳақида жиддий ахборот берди. Шу қундан эътиборан Кумушхон или оламга қайтиб келмади.

2002 йил.

МУҲОКАМА

Қисса

1

Фазлиддин илмий-текшириш институти аспирантура-сида ўқирди. Тошкентда эстетика бўйича мутахассислар йўқлигидан Москвага юборилди. Москва олимлари даврасида ўсиб-улғайди, ўқимаган китоби, бормаган концерт, кургазмаси, эшитмаган маърузалари қолмади. Унинг эртадан кечгача қугубхонада қолиб кетиши, тинимсиз муталаа билан банд бўлишидан хабардор домласи хатто «бунака ишласанг ҳасал бўлиб қолсан, дам олиш ҳам керак» деб қўярди.

Мактабда, университетда ўзбекча ўқиган Фазлиддин Москвада анча қийналди. Биринчи қораламаларини илмий раҳбари — Нина Александровна тўғрилади, таҳрир қилди. Лекин бирор жумла қўшиб ёзиб бермади.

— Сени кузатиб шундай ҳулосага келдимки, — деди Нина Александровна навбатдаги учрашувлардан бирида, — агар одамда фикр бўлса, бирор масала бўйича

жиддий мулоҳаза юритса, тил иккинчи даражага утиб қолиши мумкин экан. Суз захиранг камбағал бўлганидан силлиқ жумлаларда гапни олиб қочолмайсан, фақат фикрни баён этишдан парига ўтмайсан. Шунинг учун ёзганларингда сув йўқ. Бу — яхши! Қўлёзманг биров силликлайса бишойндай нарса чиқаяпти.

Домласининг мактовидан қаноти ёйилган Фазлиддин Москва журналларидан бирида Тошкентдаги институтда бирга ишлайдиган, беш-олти йил бурун номзодлик диссертациясини химоя қилиб, туркираб юрган катта илмий ходим мақоласини ўқиб, унинг қарашларини танқид қилган мақола ёзди. Мақола домлага ёқди.

— Танқидий мулоҳазаларинга қўшнламан, — деди Нина Александровна, — сен масалага анча кенг ёндашгансан. Санъатда миллийлик, сен тўғри ёзганингдай фақат кийим-кечак, урф-одат, майда-чуйда нарсалар билан белгиланмайди. У жуда чуқур масала. Миллат руҳи, маънавияти, туриш-турмушининг бадий образларда кўринишини тўғри англабсан... Лекин... иккалангиз бир институтда ишлайсиз... Сен аспирант, у таниқли олим экан...

Эртаси кўни мақолани кўтариб Фазлиддин редакцияга борган эди, у ердагилар уйланиб қолишди. Мақолани эълон қилишса, уларига қарши чиққан бўлади, қайтариб берайлик деса, Фазлиддиннинг мулоҳазаларида жон бор. «Кўнғироқ қилинг, бош муҳаррирдан сўраб курайликчи?» дейишди. Фазлиддин икки кундан кейин редакцияга кўнғирок қилиб, мақоласи журналнинг навбатдаги сонida «Мунозара» руқин остида босилажағини эшитиб, ўзини йўқотиб қўяй деди...

...Аспирантура муддати шу йил кузда тугар эди. Тошкентга кетиш олдидан Фазлиддин диссертациясини домласига берди. Домла ишни аввал бобма-боб ўқиб, камчиликларини курсатиб, таҳрир қилинадиган жойларини тузатиб борса ҳам, диссертацияни яхлит ҳолда кўздан кечирмаган. У бир ҳафтада ўқиб чиқди, булим ходимларининг кўнчилиги таътилга кетгани учун муҳокама кўзга қолдирилди.

— Сен бемалол ўйингга бориб дам олиб кел, — деди Нина Александровна, — табриклайман, муддатидан илгари химоя қилиб кетасан. Автореферат устида ишла. Уни қайтганингдан кейин кўриб бераман.

Фазлиддин Тошкентга келиб институтга борди. Институтда уни бир пайтлар ўз бўлимига ишга олган, Мос-

квага кетгунча устозлик қилиб юрган, ёни элликдан ошган, бардам-бақувват, Фазлиддин билан доимо ишанба, якшанба кунлари Хумсонда дам олиб келаётган, ёстиқдай-ёстиқдай китоблари бёр Лазарь Израйлович Монсеев қучоқ очиб кутиб олди. Урта Осиёга сургун бўлгунча Москвада яшаган Лазарь Израйловичнинг тавсияси билан Фазлиддин маиҳур олимка Нина Александровна Дмитриевага шоғирд тулган эди.

Улар узок гаплашди. Фазлиддин диссертациясини таъомлаб келганини эшитиб хурсанд бўлди.

— Лазарь Израйлович, — деди Фазлиддин, — агар ишимни бу ерда ҳам уртоқларга ўқитиб олсам нима дейсиз, битта ортиқча муҳокама зарар қилмас.

— Жуда яхши. — деди Лазарь Израйлович, — айни муддао. Ахир сен шу институт ҳисобидан ўқидиңг, муҳокама тўғриси сенинг ҳисоботиңгдай бўлади.

Муҳокама август ойининг иккинчи ярмига белгиланди. Ушғача бўлимдаги ходимлар ўқиб ўлгуради. Мабодо айрим танқидий фикрлар бўлса, Москвага бориб илмий раҳбар билан келинган ҳолда туғрилаш мумкин. Битта бош - бир бош, иккита бош — йўлдош дегандай.

Фазлиддин тўрт нусха диссертациясини бўлимга таркатди. Ўш кун утмасдан Лазарь Израйлович қўғиғрок қилиб уни табриклади, бўлим мудирини сифатида эмас, ўз номидан чиройли тақриз ёзиб қўйганини айтди. Шу билан ёз ҳам утиб кетди. Фазлиддин икки-уч марта институтга келди, диссертацияси қўлдан-қўлга утаётганини сезди.

Муҳокама Фазлиддиннинг Москвага жунашига бир ҳафта қолганда бўлди. Муҳокама бунчалик қизғин тўс олишини у етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Аввалига хурсанд бўлди. Илмий ишнинг кўпчилигига маъқул шекилли, қизикини шунчалик катта, деб ўйлади. Лазарь Израйлович институтда йиғирмата илмий ходимдан иборат учта сектордан ташкил топган энг катта бўлимини бошқарар эди. У институтда ёш иқтидорли олимлар етишиб келаётгани, жумладан, Фазлиддиннинг диссертацияси унда яхши таъсурот қолдирганини айтиб, ишнинг қисқача маъмуни, асосий ғоя, эришилган илмий натижаларини гапириб беркиш учун сузнини Фазлиддинга берди. Шундан кейин хонадаги чуқур сукунат, қимйиғдир ёш чўнтағидан тахланган қороз олиб қўздан кечирини, қим-

нингдир варақларига қоғоз кистирилган диссертацияни ушлаб хумрайиб туриши, кимнингдир олазarak утириши Фазлиддинга қалати туюла бошлади. Беш-ун минутча гапирмасдан у ер, бу ердан лукма-саволлар отила бошлангандан кейин олдидан пишиб етилган аллақандай сирли кайфиятни ҳис қилди.

Фазлиддин маърузасини тугатиши билан Лазарь Израилонич «Қимда савол бор?» деб сўради. Фазлиддин ҳайрон қолди. Утирганларнинг деярли ҳаммаси қўл қутарган эди. Фазлиддин бирма-бир саволларга жавоб берди. Лазарь Израилонич ҳатто айрим ходимларга «Бу савол берилди-ку, диссертация мавзуси, маъмунига яқин савол беринглар» деб огоҳлаштириш даражасигача борди. Савол-жавобнинг ўзи бир соатча давом этди. Кейин муҳокама бошланди. Институт раҳбарларидан бири Зоҳид Пулатовга биринчи бўлиб суз берилди.

— Фазлиддиннинг диссертациясини икки марта ўқиб чиқдим, — деди у, — тўғри, Фазлиддин кўп маълумотни кўрган, катта меҳнат қилган. Лекин меҳнати бировларнинг китобини кучиришдан нарига утмаган. Мен диссертациядаги цитаталарни санаб чиқдим. 78 та. Агар шу цитаталарни кетма-кет қўйилса диссертациянинг ярмидан кўпини ташкил этади. Унда диссертациянинг ўз фикри ҳақи? Ўзбекистон материали йўқ. Материалининг конкрет таҳлидини кўрмадим. Менинг фикримча, бу нарс ҳали диссертация эмас, ёзилажак илмий ишга ҳомаки қоратама, ҳолос. Бошқа олимларнинг китобларини кўчириб олиб, ўзиники дейиш бу — илм-фанда плагиатлик ҳисобланади. Кейин ишда шундай жойлар борки, улар қаердан олингани номалум. Бу фикрларни ёш олим ёзганига ишониш қийин. Менимча, бу нарсани тугалланган диссертация, деб бўлмайди, ҳимояга тавсия этиш мумкин эмас.

— Зоҳид ака фикрига қўшилган ҳолда шунини қўшимча қилмоқчиманки, — гап бошлади Тошхўжа Шарипов, — диссертация матни абстракт фалсафий муноҳадаларга тўла бўлса ҳам жуда раво ёзилган. Ўзбекча ёзиб ҳали бирон нарсани қўйил қилмаган аспирант қандай қилиб уч йил ишда ишон қобилиятининг ижтимоий-тарихий ва генетик илмлари ҳақида мана шундай, соф рус тилида диссертация ёзиш даражасига етса? Фазлиддин ё рус тилидаги китоблардан кўчириб, монтаж қилган, ёки илми биров ёзиб берган. Агар ўзи ёзганда ҳеч бўлмаса Ўзбе-

кистон материалидан фойдаланган буларди. Бу ерда инсон, инсоният, табиат ва жамият ҳақида умумий гаплар. Иш одамда шубҳа уйғотади

Фазлиддин ходимларнинг илга тизилгандай бир-бирга эргашиб, диссертацияни йўққа чиқаришга уришларини сезди. Айниқса, Москва журналидаги мақоласи танкидга учраган Умар Рашидов ҳар сузини қалампирга ботириб олгандай тупукларини сачратиб, дарғазаб гапирганда Фазлиддин муддаони тушунди. Муҳокама Фазлиддиннинг мақоласига жавоб тарзида уюштирилган эди.

Мана сизнинг тарбиянгиз натижаси, — деб Лазарь Израйловичга ташланиб қолди Умар Рашидов жаҳли чикканда бакириб юбарадиган одати билан, — бу бола Москвада ўйнаб юрган экан. Мен уч йил бурун унинг Москвада ўқишига қарши бўлган эдим. Аввал шу ерда илми қойил килсин эди. Нимага эришдик? Бирон қобилиятли аспирантни юборганимизда битта фан номзодига эга бўлардик. Вақт кетди, давлат пули совурилди, охири тешик тоборага, беухшов тоборага эга бўлди. Турли китоблардан кўчирилган гаплар диссертация бўлмайди...

Танкидий фикрларга мен ҳам қўшиламан. — деди Фазлиддин билан барабар аспирантурага кириб, Тошкентдаги акаларининг этагини ушлаган Турсуной Қосимова, — мен бошқа нарса ҳақида гапирмоқчиман. Фазлиддин Москвага бориб узгарди. Ўзгарганда ҳам ёмон томонга узгарди. Мен унинг Умар ака Рашидовга қарши ёзган мақоласини назарда тутаяман. Ўзидан катта одамга қарши бунақа мақола билан Иттифоқ миқёсида чиқишни бўлажак олимга номуносиб иш, деб биламан. Буни бизда катталарни беҳурмат қилиш дейилади. Москвада ўқиган бўлса ўқити-да, битта Фазлиддин ўқиганини у ерда? Нима, осмон узилиб ерга тушиштимиз? Одам камгар бўлиши, ўзидан битта ортикча кўйлак йиртганини ҳурмат қилиши керак. .

Яна беш-олти катта-кичик илмий ходимлар Фазлиддиннинг диссертацияси мавҳум эканини, у инсон истеъдоди қандай пайдо бўлиб, нима учун талантли одамлардан талантли болалар туғилмаслиги, нега оддий оилалардан буюк шахслар етишиб чиқиши, булар нимага боғлиқ эканини очиб бермаганини, ёш олим ўз буйига ўлчаб мавзу танламаганини таъкидлаб ўтишди. Аристотель, Кант, Гегель, Белинскийлардан кўчирмалар тўлиб

кетган, нега Шарқ олимларининг таланти ҳақидаги фикрларни келтирилмаган, сабаб Европа олимлари ҳақида китоблар куп, Шарқ олимлари мероси урганлмаган, шунинг учун Фазлиддини кучириб олишга манба топилмаган, деб таъна қилишди.

Муҳокама бошлангандан буён сузга чиққанларнинг ганини ёзиб утирган Фазлиддини бошини кутара олмай қолди. Умиди битта Лазарь Израйловичда эди. У нима деса шу бўлади. У ҳар қандай муҳокамани буриб юборишга, охириги ганини айтишга қодир. Кейин бу ерда утирганларнинг ҳаммаси уни ҳурмат қилишадди.

Лазарь Израйлович муҳокама олдидаги уйида ёзиб келган такризини Фазлиддинга кўрсатган эди-ю, ўқиб бермаган эди. Ҳозир домла шу такризни ўқиб беради, деб уйлади Фазлиддин. У домлага мултираб қараган эди Лазарь Израйлович кўзини қисиб қўйди. Бу «индама, оғир бўл» дегани эди. Лазарь Израйлович бир ёқадан бош чиқарган бўлим ходимларига қарши ганиргиси келмадими, ё унинг кўнглида ҳам гумон ғамирлаб қолдими, муҳокамани якунлади:

- Муҳокама юз-хотирсиз ўтди. Унда фойдали гаплар бўлди. Лекин тушунмовчилик ҳам йўқ эмас. Мен бир нарсага аниқлик киритмоқчиман. Фазлиддиннинг мавзуси маълум давр, аниқ материал таҳлилига бағишланмаган, бу назарий иш. Бунақа тадқиқотларда биринчи ўринда фикр ётади. Фикрлар карама-қаршилиги ичидан ўзига маълум томонларни топа билиш, уни исботлаш, умумлаштириш ҳам илм ҳисобланади. Иккинчи масала, бу мавзу, бу муаммо бўйича бизнинг бўлимда, умуман, институтимизда мутахассис йўқ. Бизнинг мулохазаларимиз қанчалик тўғри-нотўғри, айтиш қийин. Кейин Фазлиддиннинг раҳбари Москвада, иш у ерда мутахассислар уртасида муҳокама қилинади. Қани кўрамиз, улар нима дейди. Шунга қараб ҳулоса чиқарсак — тўғри бўлади...

.. Фазлиддин Москвага бориб, Нина Александровнага Тошкентда бўлган муҳокама тафсилотларини батафсил айтиб берди. Икки ҳафтадан кейин диссертация Москвада муҳокамадан ўтди. Агар Тошкентда бир гала одамлар қутурган шудай Фазлиддинни талаган бўлса, Москвада бунинг акси бўлди. Жаҳон миқёсида таъинланган профессор Герман Недошвин деган олим аввало Нина

Александровна табриклади, шундай шогирд тайёрлаганингиз учун раҳмат сизга, деди.

Уч йилдан буён бу йигитчани кузатиб юраман, — сузиш давом эттирди у, — очигини айтсам, мавзунг тасдиқлашда уни узок чеккадан келган ёш аспирант элай олармикан, ахир бадиий талант табиатига бағишланган биронта диссертация ҳали ёзилмаган бўлса, талант ҳақидаги минглаб карама-қарши фикрлар ичида адашиб қолмасмикан, деган ҳаёлга борганман. Бу мулоҳим йигитчанинг фикри занжирдай бақувват, руҳи, маънавияти баланд эканини билмаган эканман. Ишни ўқиб унга қўйил қолдим. Диссертацияни химояга тавсия этиш керак. Уни китоб ҳолида нашр этса арзийди...

Фазлиддиннинг болалиги тутиб, хурсанд бўлганидан муҳокама патижасини Тошкентга шу кунгёк ёзиб юборди. Ана ундан кейин яна балого қолди. Аввал домласи телеграмма олди. Сўнгра институт директори номига 20 бетлик Тошкентдаги муҳокама қарори келди. Қарорга Лазарь Израйлович эмас, институт илмий котиби Тошхўжа Шарипов имзо чеккан эди. Химоя кенгаши рансига ҳам Тошкентдан телефон қўнғироклари бўлиб турди. Ҳамма хайрон.

Эй, тавба, — деди Тошкентдан кетма-кет учирилаётган телеграммалардан чарчаган институт директори, — уз кадри учун курашинг ўрнига унга қарши курашаётганларни биринчи кўришим.

Охири Тошкентдан отилаётган уқларнинг сови кўпайган сари директор ва Нина Александровна имзолари билан «Майли, биз яна бир бор Фазлиддин Мирзаахмедовнинг диссертациясини сизларнинг иштирокингизда муҳокама қилишга розимиз, фақат эстетикадан мутахассис уртоқларни жунатишингизни илтимос қиламиз» деб хат юборганларидан кейингина қудок тинчиди. Аммо Фазлиддин авторефератини чиқармасдан бурун Тошкентдан ВАКка ўнга олим имзоси билан унинг диссертациясини қарловчи хат келиб тушган эди.

Фазлиддин диссертациясини ёқлаб, икки ой Москвада қолиб кетди. Химоя пайтида диссертацияси нашр этишга тавсия қилингани учун уни китоб ҳолига келтирди. Қўлёмаси нашриётга топширилган кунги диссертация ҳам ВАК тасдиғидан ўтган эди.

Фазлиддин Тошкентга қайтгач, ВАКдан диссертациясининг тасдиғи ҳақидаги хат ҳам етиб келди. У Лазарь Израйлович билан илмий котиб олдига киришди. Тошхужа Шарипов хатни олиб қолди, директорга курсата-жабини айтди. Кейин Фазлиддин хатни суриштирмади ҳам. У хатни илмий котиб бухгалтерияга бериб, маоши-ни кутариш ҳақида буйруқ тайёрлаётган бўлса керак, деб ўйлаб юрди. Тез орада диплом ҳам қўлга теғди, нусха қўчиртирди, яна илмий котиб олдига кирди. Диплом нусхасини узатган эди, Тошхужа Шарипов «Асл нусхаси қани, бизга асл нусхаси керак» деб қолди. Фазлиддин илмий котибга дипломини ташлаб кетди.

Кейин тасодифан бир воқеага дуч келди. Кабулхонада котиба қиз қуринмас, Фазлиддин қаёққадир телефон қилмоқчи эди, почта келди. Почтачи газета-журналларга қушиб телеграмма ташлаб кетди. Телеграмма анча катта бўлгани учун буқланмаган эди. У бепхтиёр уни ўқиди. «Сизларнинг суровингизга шуни маълум қиламизки, ҳақиқатан илмий кенгашнинг Фазлиддин Мирза-аҳмедовга номзодлик илмий даражасини бериш тўғрисидаги қарори ВАК томонидап 1966 йил 19 январда тасдиқланган».

Фазлиддин диплом олганига икки ойдан ўтиб кетса ҳам маошида ўзгариш бўлмаётганига энди тушунди. Тезда Лазарь Израйловични қўргиси, унга юрагини ёриб-ёриб ташлагиси келди. Нахотки булар ҳамон ўша мухокама пайғидаги кайфиятда бўлса? Нахотки булар кишлоқдан келиб, ўзига ўзи йўл топиб, ўз бошидаги қорин ўзи қўраб юришини, орқасида ҳеч ким, Аллоҳдан булак сўянчиғию мададқори йўқлигини билишмаса? Нима ёмонлик қилди уларга, битта мақола ёзиб шунчалик буларнинг кўзига бало-қазодай қўриниб қолса?!

Лазарь Израйлович унинг қўнғилини кутарди. Эртаси кунни Хумсонга кетишди. Угам дарёси бўйида у ёқдан бу ёққа юриб роса гаплашди. Одамлар, ҳаёт, или, ижод ҳақида гаплашди.

— Дунёда энг мураккаб масала, — деди Лазарь Израйлович, — одамлар билан чиқишиш. Одамдек улуғ, одамдек гузал, одамдек қудратли, шунингдек, одамдек мураккаб, одамдек эҳтиётли, одамдек дахшатли нарса йўқ ҳаётда. Шунинг учун, сен ёшсан, одамлар билан чиқишиш илмини ҳам урган. Одамларнинг шахсий ман-

фаатлари тўқнашуви икки чакмоқ тошни бир-бирига иш-каганда чиқадиган учкунга ўхшайди. Тошлар ишқовил-дан аланга пайдо бўлганидай одамлар манфаати тўқна-шувидан минг балолар туғилади. Тарих катта-кичик ман-фаатлар курашидан иборат. Замоилар утган сари инсон рухиятидаги яхлитлик парчаланиб, одамлар ўзалигини ўзи-дан бегоналаштириб бораёпти. Сиккиликдан оғирлик, кен-гайишдан енгиллик вужудга келади...

Лазарь Израйловичнинг маслаҳати билан Фазлиддин институтда ўзини ҳеч нарса сезмагандай олиб юраберди.

Баланг-пасти текислайдиган нарса — вақт. Вақт утган сари эски хралар битиб кетади, янгиси пайдо бўлади, ҳаётнинг бошқа ташвишлари ортиб боради. Одам ўстан сари дўсту душманлари ҳам сийраклашиб, катталашиб боради. Шунинг учун Фазлиддин билан бировнинг иши бўлмай қолди. Ҳатто унинг китоби Москвада нашр этил-са ҳам Лазарь Израйловичдан бошқа ҳеч ким табрикла-мади. Бирор ходимнинг мақоласи газетада босилиб чиқ-са, институт фойсесига осилгучи эди, Фазлиддиннинг ки-тобига институт олимлари асарлари қўйиладиган ойна-ванд жавондан эса унинг топилмади.

Бу орада институтга Зоҳид Пулатов директор қилиб тайинланди.

Хумсондаги сайрлардан бирида Фазлиддин Лазарь Израйловичга келгуси илмий ишларидан гап очди.

Домла, деди у, — ижод фалсафаси ва психоло-гияси бизда ишлашмаган мавзу. Умуман жаҳон файла-суфлари, ижод аҳли бу масала бўйича жуда кўп фикр қолдирган бўлса-да ҳамон замонавий илм-фан нуқтаи на-заридан ижодий жараёнинг сиру асрорлари яхши ўрга-нилмаган. Ижодкорнинг антика табияти, ҳулқи, тафак-кур тарзи, бадний образ яратишнинг ўта назик, чалқаш томонларини тадқиқ этгим келади. Ижод — йўқдан бор қиладиган, гумонли нарсага ишонч бағишлайдиган, қорон-ғуликни ёритадиган, одамга одамнинг ўзигаги қаройиб жиҳатларни кўз олдида гавдалантирадиган илоҳий бир нарса. Ана шу маънавият оламида содир бўладиган ҳодя-саларнинг туғилиш ва яна одамлар руҳига тарқалиб ке-тишини тадқиқ этсам, дейман. Одамларда тирикчилик-дан устун турадиган яратмоқ ва яшнатмоқ тўйғусининг илдизи қаерда эканини билгим келади...

...Илмий келгашда Фазлиддиннинг ижод фалсафаси ва психологиясига бағишланган докторлик диссертация-си мавзуси тасдиқланди. Фазлиддин енг ишмариб ишга

киришиб кетди. Лазарь Израилович билан маслаҳатлашиб, у хар йили уч-тўрт ой Москвага бориб ишлаб келадиган бўлди. Мавзу назарий бўлгани учун керакли китобларни, асосан, Москва кутубхоналаридан топиш мумкин эди. Бўлим бошлиғи Фазлиддинга руҳсат бергани учун дирекция ҳам қаринглик қилмади. Фазлиддин уз ёнидан Москвага борадиган, фақат ойлиги жўнатиб туриладиган бўлди. Шу тарика куз очиб юмгунча икки ярим йил ҳам ўтиб кетди...

...Вақт оз қолган, Фазлиддин охириги марта Москвага бориб ишни якунлаши керак эди. Бирдан Лазарь Израилович билан уни директор чақириб қолди.

— Ишлар қалай? — сўради Зоҳид Пулатов, ижод фалсафаси булаетими?

— Деярли тугалланди, дейиш мумкин, — деди Фазлиддин, — озгина қолди...

Директор бир Лазарь Израиловичга, бир Фазлиддинга қараб турди-да секин гап бошлади.

— Хабарим бор, — деди у, — ёзилган қисми бўлимда муҳокамадан ўтибди..., лекин... баъзи мулоҳазалар туғилапти. Биз қасрда яшаётганимизни, кимнинг ноиники еяётганимизни, шунга яраша кимга хизмат қилишимизни унутмаслигимиз керак. Фикрда бепоёнлик бўлиши мумкин, аммо инсон икки оёғи билан муайян маконда туради. Бу макон биз учун Ўзбекистон. Бинобарин, айрим ўртоқларнинг гапида жон бор, бизнинг барча илмий мавзуларимиз умумжаҳон миқёсидаги масалаларга эмас, ўзимизнинг муаммоларимизга қаратилиши керак. Вақтида чуқур уйламаган эканмиз. Ижод фалсафаси ва психологияси балки Москва, Париж, Лондон олимлари учун муҳимдир, биз учун эмас. Ўзимизнинг илмий муаммоларимиз тўлиб-тошиб ётсаю, бошқалар бажариши лозим бўлган масалалар билан ўралашиб юрсак бизга ҳеч ким раҳмат демайди. Менинг гапимни буйруқ дейсизларми, маслаҳат дейсизларми, ихтиёр ўзингизда, ишнинг тайёр бўлган қисмини кутубхонага тоншириб, Ўзбекистон билан боғлиқ мавзунини таллаш керак.

— Зоҳид ака, — гап бошлади Фазлиддин, — сиз фикр — бепоён дедингиз. Тўғри, фикр — бепоён, шундай экан, илм ҳам бепоён-да. Уни чегаралаш, фикрнинг бирор жойга қамаб қўйиш, деган гап. Маҳаллий мавзуларни тадқиқ этиш ҳақида гапирдингиз. Лекин фанда маҳаллийчилик уз маҳалласидан ташқарига чиқмаган одам тасаввурини эмасми? Қачонки, қайси фанда кашфийёт қилин-

са уша заҳоти ушга қанот битиб, дунё бўйлаб учиб кетади. Ижодий жараён ҳам шундай. Ушнинг миллий ушга ҳос томонлари борлигини биламан. Аммо мен ушнинг барчага ҳос қон томирларини ушлаб қургим келади.

— Сен аввал ўз юрак уришингдан хабардор бўл. — деди ўрнидан туриб директор, — кейин бошқаларнинг қон томирини ушлайсан. Духтирлар ҳам мени, сени, Лазарь Израйловичнинг қон томирини ушлаб қуриб, кейин умуман инсон ва инсоният юраги ҳақида ҳулоса чиқаради. Абстракт, мавҳум мавзулардан қочиш керак. Ҳамма парсага синфий ёндошши зарур. Акс ҳолда боши берк кучага кириб қоласан. Бепоен ҳаёлот юртида адашиб юрмаслигининг учун докторлик диссертацияниг мавзусини ўзгартириб, сени осмондан ерга туширишга тўғри келади...

Фазлиддин билан Лазарь Израйлович директор хонасидан шалвираб чиқишди. Тўртинчи каватга индамасдан қутарилиб, бўлим хонасида узоқ қолиб кетишди. Лазарь Израйлович Фазлиддинни, Фазлиддин Лазарь Израйловични юпатишга ҳаракат қилди. Ниҳоят, Лазарь Израйлович «Балки директор ҳақдир, маҳаллий мавзу олиб, шунинг тадқиқ этиш лозимдир» деди...

Фазлиддин йил охиригача янги мавзу танламади. Ёзаётган диссертациясини китоб ҳолига келтириб наприйётга топшириш устида ишлади. Китоб рус тилида бўлгани учун Лазарь Израйлович масъул муҳаррир сифатида чиройли сўзбоши ёзиб берди. Китобнинг келаси йил наприйёт режасига киритилганидан хурсанд бўлган Фазлиддин янги мавзу устида уйлай бошлади. У «Шарқ романтизми» деган тарихий мавзу танлади. Лазарь Израйлович маъқуллади. Янги йил режалари тасдиқланаётганда Фазлиддиннинг мавзусини директор мактаб кетди. У биринчи марта Фазлиддинни истеъдодли олим, деди.

Фазлиддин маҳаллий мавзу олиб, жуда тўғри иш қилди, ушга муваффақиятлар тилаймиз, деди. Яна, кимки Фазлиддинга ўхшаб докторлик диссертацияси устида астойдил ишлашни хоҳласа, нинга ҳафтада бир марта ёки ойда бир маротаба келиб кетиши мумкин, мен руҳсат бераман, истаса маошнинг уйига ҳам элтиб берамиз, деди. Институтимизда фан докторлари қанчалик кўпайса шунчалик хурсанд бўламиз, деди.

Фазлиддин докторлик диссертацияси мавзуси иккинчи бор тасдиқлангач, Москвага бориб ишлашни қанда қилмади. Уй-рузвон ташвишлари, Тошкентдаги турли-

туман жамоат ишларидан озод бўлиб, узини бутунлай илмга урди. Лазарь Израйлович билан маслахатлашиб диссертациянинг қайси боби тайёр бўлса шунини ё Москва журналларида, ё Тошкентда нашр қилиб юрди. Уч йилга мулжалланган мавзунинг деярли барча қисми кетма-кет журнал, тўпламларда босилди.

Ижодий жараёнининг сирли томонлари қўп. Игна билан қудук қалинга ухшатишган илмий изланишнинг боши ва охири йўқ. Одам йилларни йиғиб, қунларни қўйдириб, ойларни адаштириб қўйганини билмайди. Шу тариқа узун-узун кечалар, калта-калта ҳафталар, қисқа-қисқа ою йил қандай ўтиб кетгани сезилмай қолади.

Фазлиддин учун икки йил киприк қокқандай бўлди. Ишни тезлаштириб, диссертациясининг асосий қисмини бўлимда муҳокамага қўйди. Директор маъқуллаган мавзу унчалик таъқидга учрамади, аммо мактов ҳам бўлмади. У илмий кенгашда ҳисобот бериб, яна уч-тўрт ойдан кейин диссертациясини тамомлаш нияти борлигини айтганда унга қимлардир ҳавас билан қараса, қимлардир елка учуриб қўйди. Фазлиддин уч йил тўлмасдан докторлик ишнинг столга қўяр эмиш, деган гап тарқалиб кетди...

Орадан қўп вақт ўтмасдан директор Фазлиддинни йўқлади. Фазлиддин хурсанд бўлди. Яқинда директорнинг рисоласи босилган эди. Хойнахой шунга тақриз ёзган, деса керак. Доимо унга шунақа тошчириклар бериб турар, институт олимлари китобига тезда матбуотда бироқ тақриз уюштирилиши ёқтирар эди.

Директор Фазлиддинни илик кутиб олди. Диванга тақлиф қилди.

— Сени чакиртирганим, — гап бошлади Зоҳид Пулатов меҳрибонлик қилгандай ёнида утирган Фазлиддиннинг билагига қўлини ташлаб, — қани энди ҳамма сен каби ишласа, илм қилса. Сен аслида илмга турилгансан. Марказдаям, узимиздаям чиққан мақолаларингни ўқиб бораман. Яхши. Докторлик диссертациянг мазмунини деярли эълон қилиб бўлдинг. Илмий жамоатчилик танишиб чиқди. Энди унинг аҳамияти ҳам қолмади. Бу — биринчидан. Иккинчидан, ая шу мақолаларнинг туфайли кўнрадагилар эътиборига ҳам тушдинг. Сен билан кизиқиб қолишди. Сурашувди, яхшилаб мактадим. Лекин ўзим гап эшитдим. Нега шундай истеъдодли олимга тарихий мавзу бераёсиз, биз қанақа замонда яшаймиз, тарихин

урганиш ҳеч қачон кеч эмас, аммо бугун утиб кетиб қолади. Бугунги муаммоларни ким счади, ким жавоб беради, деб мени обориб обкелишди. Ҳайлаб қарасам, улар ҳақ. Сен замонга боқмасанг — замон сенга боқмайди. Сенга ҳукумат топишириги бўлди. Ҳозир замондошимиз образини яратиш, янги илсон кифасини очиб бериш илмда энг долзарб масала. Бу мавзунини сен ёзмасанг бошқаларнинг қулидан келмайди. Юқоридагилар «номимиздан айтинг, ҳали ёш, докторлик диссертацияси кочиби кетмайди, бизга «Замон ва ҳаҳрамон» деган рисола ёзиб берсин, кейин илмий ишнинг давом эттиради», дейишди. Уларнинг курсатмасига биноан сенга уч йил муҳлат берамиз, ана шу китобчани ёзиб берасан... Уёғини кейин қўрамиз..

Фазлиддин жим бўлиб қолди. Ниҳоят, бир нима дейиш учун оғиз жуфтлаган эди, директор унинг елкасига қўлини қўйди.

— Фазлиддин, нима дейишингни биламан, — деди у, — уйлаб кўр, бу қалтис масала. Қайсарлик қилиш мавриди эмас. Қўёшга тик қарасанг қўзинг камашади, бошингни қийшайтирсанг дўпписиз қоласан. «Хўп» десанг ҳўплайсан, «Йўқ» десанг йўқоласан. Ҳаёт қонуни бу!

Фазлиддин ўрнидан туриб директорга вазоҳат билан тикилди. Бир ҳаёли «Тўпурдим бунақа ҳаёт қонунига, ёзмайман сенлар буюрган мавзунини» дегиси келди, яна узини босди. У «Ҳа» ҳам. «Йўқ» ҳам демай, нндамасдан директор хонасидан чиқиб кетди.

Мармар зиналардан тўртинчи каватга қутарилар экан, ёнидан салом бериб ўтаётган ёш ходимларни ҳам пайқамасди. Хонага кириб қўлига қоғоз, ручка олди. Ариза ёзиб, шу бугуноқ ишдан бўшаб кетишни уйлади. Бу институтдан бошқа жойда иш йўқми? Дарс бериб юриб ҳам диссертациясини тамомлаб олади-қў. Унда Зоҳид Пулатов тудасидан қўриқиб, қочиби кетадими? Қурашганининг бошқа йўллари йўқми? Бор! Фақат булардан кўпроқ, яхшироқ ёниш! Уларни ўз ўти билан ўзини қўйдириш. Бошқа йўл йўқ. Бошқа йўлларнинг ҳаммасида уларнинг оти чопади.

Шу пайт наприётдан қўнғироқ бўлди. «Ижод фалсафаси» китоби босмадан чиққанини айтишди. У «Раҳмат!», деб телефон дастагини қўйди-да, бирдан ҳушини йиғди.

— Ие, — деди ўзига ўзи Фазлиддин, — буёқда мени кумишга улгуришмасдан уёқда хайкалим яратилибдику, — мана сенга ҳаёт қонуни!

У учиб бориб наشريётдан босмахона хиди уфуриб турган китобини қўлигаги тикиб, уни ҳатто ичини очиб курмай, Тошкент меҳмонхонаси тагидаги астрономдан бир шиша ароқ олиб, туғри Лазарь Израиловичнинг уйига кетди.

Лазарь Израилович Фазлиддиндан директор айтган гапларни эшитиб, ҳатто тилининг тагига валидол ташлади. Шунча йилдан буён Фазлиддин билан Хумсонга чиқиб дам олганда ҳам бир қўл тум ароқ ичмаган домла икки қадахни бушатди.

— Хафа бўлма, азизим Фазлиддин, — деди у китобни қўлига олиб, — бугун сенга кун эмас тун тўққан экан. Эртадан бошлаб ҳаётингда тунинг қисқариб, кундузнинг купаяр. Диссертация ёзувчилар кун, аммо олимлар кам. Сен тоғдан тушадиган селга ўхшайсан, азизим. Селни тўхтатиб бўлмайди. Кимки тўхтатмоқчи бўлса, ўзи сувга ғарқ бўлади.

— Ўзи ғарқ бўлса гўрга эди, бошкаларни ҳам тортиб кетади-да, деди Фазлиддин домланинг гапидан таъсирланиб, ўзича аския қилгандай.

Домланинг «Булди, булди» дейишига карамай, Фазлиддин яна битта қадах ичди. Тузланган бодринини қарсиллатиб чайнаётиб, бирдан миясига келган қўтилмаган фикрдан хаяжонланиб Лазарь Израиловичга қаради.

— Лазарь Израилович, — деди у, — майли, улар айтганча бўла қолсин. Мен ёзган нарсамни «Шарк романтизми» деган китоб қилсам нима дейсиз? Афсус, сиз махсус муҳаррир бўлолмайсиз-да, иш ўзбекча ёзилган.

— Жуда туғри, қувониб кетди домла, — мана бу ҳақиқий олимнинг иши, боя келганингда бошқача кайфиятда эдинг, курқиб кетдим.

— Шунинг учун яна битта ичайлик.

— Йўқ, йўқ, менга етарли, сенга ҳам маслаҳат бермас эдим, — деди Лазарь Израилович, — ахир биз диссертацияни қўлганимиз учун эмас, китобни ювиш учун, хурсандчилик учун ичдик-қў. Аламин ароқ билан ювмайдилар. Алам ғайрат билан, ирода билан даф этилади. Майли, иш улар айтгандай бўлсин. Улар билан уचाкишиб бўлмайди. Менда бир фикр туғилди. Эртага инсти-

тутда бамайлихотир келишиб оламиз. Бугун китобдан гаплашайлик. Яна китобнинг «мени унутиб қўйишди» деб хафа бўлмасин.

Ширакайф Фазлиддин домланинг уйдан арок таъсириданми, кунгли кутарилиб чиқди.

3

Фазлиддин билан Лазарь Израйлович уртасида эртаси кунни бўлиб ўтган гапни уч йилгача ҳеч ким билмади. Фазлиддиннинг узини парвойи фалак тутиши баъзиларнинг эъсасини қотирса, баъзиларни хайратга соларди. Айрим одамлар ҳатто номзодлик диссертацияси танқидга учраса, ё ишн юришмага довдираб қолади, Фазлиддин эса бояги-боягидай юрарди.

Фазлиддиннинг худо берган истеъдоди бўлиб, бошқалар бир йилга чўзадиган ишни бир ойда бажариб қўярди. У кундузи тирикчилик билан банд бўлиб қолса, кетган вақтини уйқу ҳисобига тулдирарди. Ҳатто кечқурун телевизор қўришга вақтини аяр, болалар ёстikka бош қўйиб, уйда паниша учолмай қолганда Фазлиддин Москвада одатланган қаҳва ичишни қанда қилмай тонг отгунча столга муккасидан қадалиб утирарди. Дўстлари бунчалик меҳнатсеварликни унинг қишлоқ боласи эканида, ёшлиқдан тоза ҳаво, тоза сув ичиб катта бўлганида, деб билишарди.

— Фазлиддин, — деди Лазарь Израйлович Хумсонда дам олиб юришганда, — бир нарсга хайронман. Икки марта диссертациянгни тўхтатиб қўйишди. Сендан кейин ёклаган ёшларнинг қўпчилиги катта илмий ходим бўлиб кутарилди. Сенга қолганда урни йўқ, диссертация мавзуларинг гуё долзарб бўлмай қолади. Бу нарсалар асабинга тегмайдими? Ё сендаги асаб темирданми?

— Йўқ, Лазарь Израйлович, — деди Фазлиддин, — менинг асабларим темирдан эмас. Мен ҳам одамман. Ҳамма катори қўяман, ёнаман, аммо тутун чиқармайман. Ҳаммаси ичимда. Қўз ёшидан, бировга ҳасрат қилгандан, ўз этингни узинг еганингдан нима фойда? Фақат душманларинг тегирмонига сув қўясан. Майли, уларнинг тегирмони ҳам айланаберсин. Уларнинг юз-қўзлари, кичрикларини тегирмон гарди қоплаб, шапқур қилиб қўйган. Уларнинг қўзига тегирмон тўйнуғидан булак жой қўринмайди. Қўлоғи иккита япалок тош гувиллашидан бошқа

товушни эшитмайди. Кейин ёнимда сиздек устоз, дуст бор-ку! Лазарь Израилович, мен елкамдаги юк қанча оғир бўлса шунча узимни енгил сезаман, шу юкни иложи борича узокрок манзилга олиб боргим келади. Фақат кам ухлаш касалига чалишиб қолдим. Ўйларим, хаёлларим ухламаса, миям қизиб, кулим кичиб турса, қандай ухлайман. Қарчилиқ шамолга кўникдим. Биров сўкиб ховуридан тушади, биров мушт туширади, биров ғийбат тарқатиб кўнглини бушатади. Мен шунақа пайтларда таранг тортилган камонга ухшаб кетаман. Биласиз, камон қалчалик таранг тортилса узокқа отилади. Кейин кечаси кўзлаб дўстларим, устозларим билан суҳбат қураман. Жавондаги китоблар менинг дустларим, устозларим. Ҳар бири билан шунақа мириқиб гаплашаманки, бунинг гапига нима етсин. Улар менга Фазлиддин, буш келма, душманларингнинг умри санокли, сен умрингни асрлар билан ўлча. Биз неча асрлардан буён каторимизга киришингни кутиб ётибмиз, сени ҳам келажакда кутаётганлар бор, дейишади. Келажакдагиларнинг сен неча марта диссертация ёзганинг билан иши йўқ, тун билан кун уртасидаги қураш азалий ва абадий эканини билишади. улар нима қолдиришингни кутишангги, дейишади. Ҳар бири уз бошидан утган, меникидан даҳшатли воқеаларни сўзлаб беришади. Биз-ку юракдаги дардни айтиб бошдан жудо бўлганмиз, сен бошингни асра, бош омон бўлса дуппи топилар, дейишади. Шунинг учун кўзим тиниб, кўлим толиб, қулорим остидаги устозлар овози кимшики эканини ажрата олмай қолганимдан кейингига ишни тўхта-таман. Бугунги ёзганларимни ўкиб чиқаман. Маъқул бўлса, чирокни учираман, кўчанинг нариги бетидаги уйда эса чирок ёнади. Қўшним бондодга турган бўлади..

Лазарь Израилович билан келишиб олинганидек Фазлиддин докторлик диссертацияси хақида оғиз очмай юрди. Уч йилга мулжалланган «Замон ва қаҳрамон» китобини уч ойга қолмай ёзиб тамомлади. Буни бўлимда иккаласидан бўлак ҳеч ким билмади. Қолган вақтда Фазлиддин Лазарь Израилович билан биргалашиб тузган режа асосида ҳозирги замон ўзбек санъатининг асосий тараққиёт тамойилларини тадқиқ этишга киришди. Домланинг фикрича ана шу ишни докторлик диссертацияси сифатида ҳимояга олиб чиқиш мумкин. Фақат бу ҳақда бирон кимсага Фазлиддин оғзидан гуллаб кўймаслиги керак...

Фазлиддиннинг «Шарқ романтизми» монографияси босилиб чиқсач, унинг обрўси Лазарь Израйлович даражасига кўтарилиб, одамлар уларнинг институти хақида гап кетса «Фазлиддин ишлайдиган институт», «Фазлиддиннинг институти» дейдиган даражага борди.

Йиллар кетидан йиллар қувиб етади, бир-бирига сиғиб кетади, аммо одам кетидан одам қувса турли наъма, хасраи орғади.

Фазлиддин ҳеч кимни қувмади ҳам, ҳеч кимдан қочмади ҳам. У купрок узини излаб, илмин қўзлаб юрди.

Умрида иккита оммабон рисола ёзган Зоҳид Пулатов эса институт директори сифатида академик бўлди. «Филдирак» деган лақаб олди. У юқори донраларга шундай маъқул эдики, қаерда, қачон, қанақа йнғин бўлса уни таклиф этишади, телевизор қўлоғи эрталабми, кенкурун буралса, у гашираётган бўлади. Янги йил байрамида табрик айтади, 8 март куни хотин-қизларга атаб шеър уқийди, 1 май куни сайр қилиб юрувчилар орасидан уни топиб, оёзига микрофон туттишади, ишқилиб, бирон йнғин, бирон мажлис йўқки, унда Зоҳид Пулатов қатнашмаган, интервью бермаган, нутқ сўзламаган бўлса. Туё ундан бошқа ақлли, доно, халқларвар йўқдай. Одамлар унинг яналоқ нусха, бия қалласини кўрган захоти «Учир телевизорни, учир, мадлохнинг овозини» дейдиган бўлишди.

Шу орада институт ташкил топганига 50 йил тулиши муносабати билан юбилей ўтказиладиган бўлди. Директор бўлим бошлиқларини чакриб маслаҳатлашди. Кимларини унвонга, кимларини орден ва медалларга тавсия этишни сурагандай бўлди. Юбилей таптаналари арафасида мукофот олганлар рўйхати эълон қилинди. Лазарь Израйлович директор олдига кирди.

— Нега Фазлиддин йўқ бу рўйхатда? — суради у директордан.

Лазарь Израйловичнинг бундай курс саволини қўтмаган директор кўлидаги газетани стол устига қўйиб домлага қаради.

— Бу савол менга бўлмаса керак, — деди у. Кимни нима билан мукофотлаш менинг ихтиёримда эмас.

— Илмий кенгаш тавсия этган барча ходимлар утибди, — сўзини давом этди Лазарь Израйлович, — лекин Фазлиддин йўқ. Ҳеч тушунолмаяман.

— Лазарь Израилович, — деди босиқ оҳангда Зоҳид Пулатов, — аввало Фазлиддин рўйхатда бор эди, аммо газетада қурнмади, нима қилиш керак, узингиз тушунасиз, бунақа вазиятда нега тушириб қолдирдинглар, деб бўладими? Балки Фазлиддин ҳали ёш, улгурадди, ҳозирча кексаларни рағбатлантирайлик, деб ўйлашгандир.

— Фазлиддиндан ҳам ёшроқлар мукофотланган, — миғирлади Лазарь Израилович, — ҳар қалай рағбатлантириш одамнинг қилган ишига қараб бўлиши керак. Наҳотки Фазлиддин тухумдан экин чиққан жужаларчалик бўлмаса?

Тўғри, Фазлиддин жужа эмас, у аллақачон хуроз бўлган. Лекин хурознинг қисмати оғир. Бир кунмас бир кун у ё тождан, ё бошидан айрилади.

— Ҳа-я, тўғри айтасиз, — деди Лазарь Израилович, — қунилча катта хуроз қурбонликка кетади...

— Қуйинг бунақа гапларни, — деди директор, — аввало узингизни табриклаб қуяй, хизмат курсатган фан арбоби бўлганингиз билан.

Раҳмат, аммо менга шарт эмас эди, — деди Лазарь Израилович, — Фазлиддинга ўхшаган олимлар ҳар йили туғилмайди. Сиз билан биз кадрига етмасак, келажак авлодлар олдида уятга қоламиз.

— Ташвиш тортманг, — жавоб қилди Зоҳид Пулатов, — Фазлиддин ҳам ушсон олиб қолар, ололмаса келажак авлодларга қушиб берилади.

Директорнинг ҳазили Лазарь Израиловичнинг эписини қотирди. Унинг олдидан чиқиб тўғри уйига кетди. Эртаси кўни институт юбилейи тантанасига қасаллигини баҳона қилиб келмади.

Юбилей қийқирик билан ўтди. Фазлиддиндан булак деярли қўнчилик мукофотланди, ҳатто институт ҳовлисида сан-ғиб юрадиган қўпак ҳам ошдан қолган бир тоғора суякка эга бўлди.

Лазарь Израилович юбилей тантаналари бироқ тинчигач, «юқори»га чиқиб келди. Фазлиддинга нидамади. Ойини этак билан ёниб бўлмаганидай тез орада шивир-шивир бошланди. «Институт директори узгарар эмиш, Фазлиддин директор этиб тайинлашар экан, у суҳбатдан ўтган эмиш» деган узунқулоқ гап тарқалди.

Зоҳид Пулатовнинг қуғли тук, сўзи ук давр эди. Вазир — тоғасининг уғли, юкорида ҳамюртлари, қариндошлари бор, институтга мутасадди — ўзининг шоғирди, гапини икки қилмайди. Бу хунук гап кимдан чиқди? Ростданам Фаалиддин суҳбатдан утгаиникан? У билан ким гаплашди? Қандай билиш мумкин? Кўкорига чиқиб сўриштирсамикан? Агар гап ёлгон бўлсачи? Фаалиддиннинг одамлари таркатган миш-миш бўлсачи? Агар миш-миш рост чикса-чи? Унда юкоридагиларнинг хунарини билади, ёв босгандай тусатдан иш битиришади. Шартта келиб, Фаалиддинни қўйиб кетишади. Ундан кейин кеч бўлади. Барибир, ғафлатда қолмаслик керак. Ётиб қолгунча отиб қол, деганлар. Телефонда гапни узоқдан олиб, ўсмоқчилаш керак. Қайфиятидан сезилади. Нима бўлгандаям шоғирди, бирор гап бўлса шилпотиб қўйиши мумкин.

Зоҳид Пулатов телефон дастагига қулини қўзиб, чуқур нафас олди. Бир пайтлар рўпарасида калтираб турадиган талаба-шоғирдининг бунчалик буй етмас жойда утиргангани энди хис қилди, тақдирини унинг қулида эканини биринчи бор тасаввур этди, секин телефон дастагини жойига қўйди. Телефонда сураб бўлмайдя, деди ўзига ўзи. Чиқиб керак, ҳеч нарса сезмагандай учрашиб келиш керак. Юбилейдан кейин институт ишларини қандай олиб бориш бўйича маслаҳатга келган одамдай қуртиниб керак. Шунда маълум бўлади.

Шу пайт бирдан ҳукумат телефони жиринглаб қолди. Зоҳид Пулатов қўчиб тушди. Ўрнидан ирғиб туриб телефон дастагини кўтарди. У томондан «Домла, хормани энди, юбилейлар билан чарчаб қолмадингизми?», деган сўзларни эшитгандан кейингина ўзига қелди, пешонасида йилтираган терини кафти билан сидирди.

— Домла, деди шоғирди телефонда, — бир ойдан кейин Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кушлари бўлади. Сизлардан битта одам катнашади. Нима дейсиз, Фаалиддин Мирзааҳмедовни рўйхатга киритсак қарши эмасми?

Зоҳид Пулатовнинг боши айланиб кетди. Пчида миш-мишлар рост экан-да, Фаалиддинни сўраб қоллиши, деб ўйлади. Кейин ўзини тутиб олди.

Бўлади, — деди у, — биз қарши эмасмиз, Фаалиддин жуда талантли олим... лекин...

— Нимаси лекин...

— Энди сизга очиёғини айтсам бўлаверади, қасални яширсанг иситмаси ошқор қилади, дейишади. Шу охириги пайтларда Фазлиддин ҳалиги нарсадан қупроқ отадиган бўлиб қолганмий...

— Шунақами? Лекин ўзи зур олим-да!

— Бу, тўғри, аммо шамол бўлмаса теракни учи қимирламас. Бунақа расмий жойларда ўзини тутолмай юзимизни ерга қаратмасмикан?

— Унда, кимни тавсия этасиз?

— Илмий котибим — Тошхужа Шарипов анча бамаъни йигит, олим сифатида ҳам етилган.

— Яхши, Тошхужа Шарипов бўлса Тошхужа Шарипов-да! Бизга барибир, план тўлса бўлди. Қелишдик, саломат бўлинг.

— Ўзингиз ҳам саломат бўлинг...

Зоҳид Пулатовнинг кўнгли жойига тушди. У билан маслаҳат қилишаяптими, демак Фазлиддин ҳақидаги гап — хом гап. Буни душманлари тарқатган бўлиши эҳтимол. Лекин Фазлиддиндан огоҳ бўлиш керак. Тўғри, Зоҳид Пулатовнинг мутахассислиги бу институтга унчалик мос келмайди. У бир пайтлар расмий рўйхатга кириб қолиб, йигирма йилдан буён раҳбар лавозимларида юради. Райкомда, обкомда ишлади, напирётни бошқарди, вазир ўринбосари бўлди, университет парткоми, газета бош муҳаррири, малака ошириш институти директори, ниҳоят, бу институтда раҳбар. Агар Фазлиддинга ухшаш олимлар қўнайса, уни бу ердан сиқиб чиқаради. Ўз мутахассислиги бўйича ишласин, деса қасққа боради? Шунча йил раҳбар бўлиб, илмдан чиқиб кетди. Ишқилиб ўрни қимирлаб қолган бўлмасин-да! Яна ун йил ишласа нафақа ёшига етади. Унда ҳеч ким бир нима демайди, ёшига яраша ўрнини бўшатди, дейишади. Ҳозир унга барибир, илмий тадқиқот институтида раҳбарми, ё бирон ҳаммомга бошлиқми? Қўлида одамлар ишлаб, кўзига қараб турса, бас! Фазлиддинга ухшаш жужахўроаларнинг патини қўлиб туриш керак. Бўлмаса, возга ўхшаб баланд ўчишга ҳаволаниб қолади...

Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманда Фазлиддин қилган маърузадан кейин уни Москвага тез-тез чақирадиган бўлишди. Москва олимлари каторида у Па-

риж, Варшава, Будапештларда бўлди. Мақолалари чет эл журналларида босилиб турди.

Фазлиддин Москвадан расмий хат олди. Уни Берлинда ўтадиган халқаро анжуманга таклиф этишган эди. У ҳужжатларни икки нусхада тайёрлаб директор олдига кирди. Ҳужжатларнинг бирини Марказий Комитетга, иккинчисини Москвага жунатиш керак эди. Зоҳид Пулатов индамай қўл қўйиб берди. «Мана бу папкани ўзингиз Марказий Комитетга олиб бориб топширинг, бунисиш биз ўзимиз Москвага жунатамиз» деди. Илмий котибни чақириб қўлига напкани узатиб «Москвага жунатиш керак» деди.

Кўнгли тук Фазлиддин бир ой ичида Берлиндаги учрашувда қиладиган маърузаси устида ишлади. Лазарь Израйловичга ўқиб берди, домла кўнглига маъқул бўлгунча тузатди, тўрилади, сафарга тайёргарлик кўрди.

Сафар вақти яқинлашиб келарди. Хатда Москвадан самолёт қачон учини, Франкфурт-Майнда уни қим қўтиб олиши, Берлинда қайси меҳмонхонага жойлашишигача ёзилган эди. Сафар барча тафсилотлари билан белгилангани учун у бамайлихотир юрди. Москвадан учини-га уч-тўрт кун қолганда бирор хабар бўлса керак, деб ўйлаган эди. Жимжитлик. Москвага билет олишни ҳам, олмаслиқни ҳам билмайди. Москвага телефон қилди. Фазлиддин «Москвами, мен Тошкентданман» деди-ю нафаси ичига тушиб кетди.

— Боринсиз, нима гап, нега Берлинга боришдан воз кечдингиз, — деди телефондаги аёл, — ҳамманинг ҳужжатлари келди. Билетларгача олинди. Сизнинг ҳужжатларингиз келмади. Марказий Комитетингиздан рухсат олинг, аммо институтдан ҳужжат келмади...

Фазлиддин қандай қилиб илмий котиб хонасига кирганини, илмий котиб нималар деганини билмайди, фақат Тошхўжа Шарипов стол устида тахланиб ётган напкалар тагидан унинг ҳужжатларини қидириб топиб, қалати тўржайиб узатаётганда қулоқ-чаққасига қарсиллатиб туширганини билади.

Тошхўжа Шарипов хонасидаги тапара-тўпурни бирон билди, бирон билмади. Эртаси кўни «Безори Фазлиддиннинг шахсий илми» институт ходимларининг умумий мажлисида муҳокама қилиниб, унга хайфсан эълон қилин-

ди. Лазарь Израиловичнинг «Илмий котиб ўз ишига масъулиятсизлик билан қарагани учун жавобгар бўлиши лозим» деган сўзларини директорнинг «Олим одам маданиятли бўлиши керак, ишн бошидан ошиб ётган парияшонхотир илмий котибга қўл кутариб, безорилик қилиш шартинди» деган сўзлари босиб кетди.

Бу воқеадан кейин Фазлиддин институтдан кетишга жазм қилди. Лазарь Израилович уни яна тўхтатди.

— Ҳаёт қурашдан иборат, деб бекорга айтмаганлар, — деди у. — қурашда енгил эмас, оғир одам ютади. Сен бир нарсадан хурсанд бўлгин. Мажлис руҳини қурдинг, институт ходимларининг деярли саксон фоизи сен томонда эди. Аммо қўл кутаришда улар раҳбарлар юзидан ўтолмади. Сенинг хатойинг қизишиб кетиб, илмий котибга қўл кутарганинг. Ахир балчикка тош отиб бўлмайди-ку, ўзингга сачрайди. Уларнинг башарасига диссертация, китоб билан уриш керак. Дарвоқе, илмий ишнинг қай аҳволда, тугаллаб қолдими?

— Хулоса қисми қолди, — деди Фазлиддин.

Лазарь Израилович Фазлиддинни ўғлини суйгандай бағрига босди, «Мана, энди буларнинг ҳаммасидан хулоса чиқарсак бўлади» деди.

Институтда бир шов-шув босилмай, орадан бир ой ўтмасдан иккинчи шов-шув чиқди. Фазлиддиннинг докторлик диссертацияси бўлимда муҳокама қилинган эди. Бироқ диссертация институт илмий кенгашида икки йилдан кейин, у директор бўлиб, Тошхўжа Шарипов бошқа ишга ўтиб кетгандан кейингина химояга тавсия этилди.

2003 йил.

ТОҒОРА

Муҳаббат бир маҳалла нарига келин бўлиб тушди. Шароф йўлнинг чап қанотидаги маҳаллада улғайган, Муҳаббат эса йўлнинг унг томонидаги гузарда буйга етган. Ҳовли-жойларининг оралиғи бир чакирим келмаса ҳам бир-бирларини танимас, мактаблари бошқа-бошқа бўлган.

Шаҳар — шаҳар-да! Кўча кесиб ўтдингми — биров-бирова билан ишн йўқ, битта маҳаллада яшаб борди-келди қилмайдиганлар қанча!..

Шарофнинг онаси отин кампирдан Мухаббатнинг таърифини эшитди-ю юраги қизиди. Аввал эгачиси билан, кейин катта қизини эргаштириб борди, охири эрини иккита оқсоқолга қўшиб жунатди. Иш битди — тўй бўлди.

Мухаббат келин бўлиб тушган хонадон узидан тинган эди. Қизлар аллақачон турмушга чикиб кетган, чолу кампир ёлғиз уғли Шарофнинг орзу-хавасида юришарди.

Шароф — шамолдай учқур йигит. Ирригация институтини тамомлагани учунми, икки гапнинг бирида «Сув килиб юбораман», «Сув бўлиб кетдим», деб турарди. Бировнинг кўнглини унчалик оғритмагани баробарида бошқанинг хожатини ҳам чиқармайди. Маҳаллада бор-йўғи билинмас, бир жойда тек турмас йигит эди.

Бир умр ўқитувчилик килиб кимга, қачон нима дейишни обдан хавосини олган отаси қанчалик қамсўқум бўлса, уғли шуңчалик баландпарвоз.

Шароф ун саккизга етар-етмас машина минди. Минди-ю ерда юришни унутди. Ота-онасига хизмат қилишдан ташқари куча-қуйда қўл кутарган бирор одамни ҳам ташлаб кетмас, машина чиқимларига келганда соппини узидан чиқарарди.

Шарофнинг отаси уғлининг қаерда ишлашини ҳам билмасди. Бир таниши орқали уни солиқ йиғадиган ишга жойлаган эди, маъқул тушмади. Солиқ идорасида ишлаш осон эмас экан. Унга бер, бунга бер, ундан ол, бундан ол, ўртада сен юзи қора бўлиб қоласан. Ўзи иш қидириб юриб, бир фирмага даллол бўлиб жойлашди. Бу ерда ҳам иш оқдинга жилмади. Топсанг — ош ейсан, топмасанг — тош ейсан, эмиш.

Бир курсанг машина юкхонасида яшнқ-яшиқ апельсин, бир курсанг урам-урам леполим, қоплаб турунч дейсизми, ниста ёни ё тузланган балык, ишқилиб, кузига нима илгиниб, қўлга нима тушса сотиб, насибасини териб юрди.

Гоҳо онаси билан пул санаса, гоҳо отасининг нафақасидан бензинга пул сўраб қолади.

Ўғлининг юриш-туришида на ҳаловат, на бирор маъно қурмаган ота бир куни уни ёнига чакириб:

— Ўғлим, ёшинг йигирма бешдан ошиб қолди, — деди. — Сен тенгилар бемалол оила тебратяпти. Ёнинг-да дипломинг, бирор муқимроқ жой тахла, ахир бекорга ўқиганмисан?

— Эҳ, отажон, — жавоб қилди Шароф, — дипломи аллақачон аямларга ёстиқ қилиб берганман. Кимни ҳозир диплом боқаяпти? Сизними?

Мен ахир нафақа оламан. Бир умр мен дипломим боккан. У сени ҳам одам қилган.

— Йўқ, папаша, ҳозир диплом одамни адо қилаяпти. Ҳозир тадбиркор бўлиш керак. Уни у ёққа урасиз, буни бу ёққа сурасиз, қарабсизки, дипломингиз топадиган бир ойлик пул икки соатда қўнтағингизда!

— Жуда сан айтганчалик эмасдиров.

...Муҳаббат тўйдан кейин бетона хонадонга тезда ўрганиб қолди. Худди бир умр шу уйда ўсиб-ўнгандай ўзини эркин ҳис қиларди. Қайнона-қайночасининг ҳурматини жойига қўйиб, эрининг тоғанидан қўнгли тўқ юрарди.

Шароф хотинига каттик гапирмас, ўзи топиб, ўзи уйланмаган бўлса ҳам хотинининг юмшоқ табиатидан ҳурсанд, борган сари унга меҳри ошиб, уйда нима иш бўлса ёнига чақириб, бозор-учарни бирга қиларди. Факат дам олиш куни бироз ғалатирок воқеа бўлиб қолди-да! Эру хотин бозорга мураббо учун қулупнайга кетишди. Бозорда қулупнай камроқ эканми, битта жойда одамлар анча тупланиб қолишган эди. Дуркунгина жувон пештахта устидаги қулупнайларни тарозида тортиб турар, ўгли бошқа тоғораларни аста-секин онасининг олдига бўшатарди. Шароф битта челақни қулупнайга тулдирди-да, хотинининг қўлига тутқазиб, «Сен машинага боравер» деб иккинчи челақни пештахта устига қўйди. Муҳаббат челақни олиб кетаётганда битта-иккита қулупнай ерга тўкила бошлади. У сумкачасидаги дока билан челақ оғзини ураб қўймоқчи бўлди. Лекин доканинг учини ҳеч бир-бирига боғлай олмай, чеккарокка утди.

Муҳаббат челақ оғзини ёпиб, энди машина томонга кетмокчи бўлганда қулупнай сотаётган жувоннинг ўғли билан Шароф бир-бирига бақириб-чақираётганини кўриб қолди. У «Нима гап бўлдийкин» деган маънода эрининг олдига қайтиб келганда йилитча «Ана, хотинингиз қўлидаги челақ, айтдим-ку иккита челаққа пул тўлайсиз, деб, сиз булсангиз битта челақ-битта челақ деб жанжал қиласиз!» деди бақириб.

Шароф ялт этиб хотинига қаради-да, «Бўлди-бўлди, кечирасан, жимдан чиқибди» деди қалтираган қўлларида пул санар экан. У орқасидан «Қайтимини олинг»

деган овозга қўдини силтаганча тез-тез одимлаб одамлар оқимига қўшилиб кетди. Муҳаббат учиб кетаётган эрининг орқасидан ҳаллослаб етиб келганда Шароф сигаретни босиб-босиб буркентиб турарди.

Муҳаббат эрини хижолатдан чиқармоқчи бўлгани, ё ўзи хижолат тортигани, жимгина машинага утирди. Уйга келгунча эру хотин чурқ этишмади...

Шароф дам олиш кўни қаёққадир бормоқчи эди, машинасининг тагида кичкина ҳалқоб — нам қуриб қолди. У мой оқибди, деб ўйлаган эди, қулоб жой унчалик йилтирамайди. Моторга ўт олдириб, машинанинг у ёқ-бу ёғига қарай бошлади. Бир маҳал радиатор олдидан антифриз томчилай бошлади.

Радиаторга антифриз қўйишдан олдин эскисини бушатиб олиш учун тоғора керак бўлди. Ҳовли супураётган хотинига қараб:

— Муҳа, — деди «Муҳаббат» исмини кичрайтириб, чиройли ҳазил қилмоқчи бўлгандай, — подвалга тушиб бирорта тоғора олиб чик.

Муҳаббат ертулага тушиб кетди. У ертулада нима, қаерда ётишини яхши билмайди. Эри «Тоғора» деди. Сирли тоғоралар увол, охори тукилгани йўқмикан? У ертула бурчагида ичига алдамбало солинган алюмин тоғорага кўзи тушди. Муҳаббат тоғорани бушатган заҳоти ғалати бўлиб кетди. Тоғора кўзига иссиқ туюлди. Бундан уч-тўрт йил бурун булган воқеани эслади.

Ушанда кеч қуш эди. Отасининг ўйида ҳовли-қучаларни супуриб, йиғиштирди. Хаммаёқни ҳазон қоплаган. Айниқса олма, гилос барглари кечроқ сарғаяр экан, кечаги совуқдан ер билан битта бўлиб ётарди. Хамма ахлат идишлар тулди. Қопларга ҳам солди. Қолгани ерда сочилиб ётмасин, деб онасининг мураббо қайнатганда тагига олмайди, деб асраб-анайлаб юрадиган катта алюмин тоғорасини ҳам ҳазонга тўлдирди. Хамма ҳазон, ахлатларини қучадаги гул экилган арик ёқасига ахлат машинага тукишга осон бўлиши учун каторлаштириб қўйди. Шу кўни аксига олиб, машина келмади. Муҳаббат кечқурун йиғилган майда-чуйда ахлатларини қучага олиб чиққанда тоғора жойида турарди. Эрталаб у ўқишга кетаётганда ҳазон тула тоғора қўришмади, ҳайрон бўлиб онасидан сураганди. Она-бола кечаси ҳазон тула тоғорани кимдир олиб кетганидан жиғибийрон бўлишган.

Муҳаббат гумонидан эсанкираб, тоғоранинг орқасини угирди. Тоғора тагидаги белгига кузи тушди. Унда мих билан ўйиб ёзилган танини «М» харфи бор эди.

Муҳаббат кўш-кўшни лозимандаларга олганда адашиб кетмасин деган ҳаёлда мих билан «М» харфини ёзиб қўйганини эслади.

Шароф хотинининг ҳадеганда ертўладан чиқавермагани учун узи югуриб кирганда Муҳаббат алюмин тоғорани қучоклаганча ертўла уртасида дав-дав титраб турарди...

1999 йил.

А Р Р А

Нусрат ака дала ҳовлисидаги теракларни кесиб ошхона, ўтинхона қурмоқчи бўлди. Кишлоғидаги Тоштемир исмли йигитдан илтимос қилган эди, у бир кунда теракларни тинчитди-қўйди, пойтеша билан теракларни чопди, йўғонларини ёриб, ўртасидан ажратди.

Нусрат ака эрталабдан кечгача Тоштемирга қарашиб, арранинг бир томонини тортди.

— Нусрат ака, — деди Тоштемир иш охирида қолганда, — шу ишингизга қойилман. Асбоб-анжомларни жуда шай қилиб қўяр экансиз. Аррани қаранг, ўзим юраман, дейди-я.

— Бу жуда қадимги арра, — мийингида қулиб жавоб берди Нусрат ака, — онам раҳматликдан қолган. Поччалар ўтин олиб келинса, онам бечора қучадан ўтган-кетгандан илтимос қилиб, ўтинини арралатиб олар экан. Яроғинг ўткир бўлса — мушкулнинг осон-да, ука.

— Биздаям бир пойтеша бўларди. Ўзи овир, дами ниҳоятда ўткир эди. Кимдир олдию қайтиб бермади, бунисини нақ Ўртасаройдан олиб келганман, — деди Тоштемир мактангандай бўлиб.

— Э, ҳозир одамларга хайронсан, — гап бошлади Нусрат ака, — кўзига илинганини қўйнига тикади, бировинкидан ийманishi йўқ. Мана шунда бовдаги оладиган даромадич — фақат ҳавоси. Биласан, фақат ёзда дам оламиз. Лекин қараб турмасанг, ҳовли-жой тукилиб кетар экан. Баҳорда бов этагига терак экиб чиқдим. Ёзда келсам, ҳаммасини синдириб, суғуриб ташлашибди. Ҳар йилди чирокларни янгилайман. Айвон, ошхонадаги чи-

роқларни ё олиб кетишади, ё сиңдириб ташлашади. Бултур ертула эшитини бузиб, кетмон-белкуракларни умаришибди...

Энди Нусрат ака, — гапга қушилди Тоштемир, — бунака майда уғрилар шаҳардан келмас, узишгдан чиққан балога, қайга бораёй давога, деб бекорга айтишмаган.

Гап ана шунда, — деди Нусрат ака. — Боя атрофига сим кура тортмасам мол кирабериб, мол юрабериб ҳовлини подаҳона қилиб юборди. Ўтган йили шаҳардан 30 та қозик опкелиб жар атрофига қокчиб чиқдим. Кейинги ҳафта сим кура олиб келсам, биттасиям йуқ. Барака топкурлар ҳаммасини суғуриб кетишибди.

— Буни эшитинг, энди, Нусрат ака, гапни илиб кетди Тоштемир, — ҳув, анови курилиб турган қиянинг тепасидаги тераклар бизга қарашли. Олдида экин экадиган озгина ери ҳам бор. Шунга бултур картошка эқдим. Картошқаям шунака бўлдики, ҳар бири нақ чакалоқнинг қалласидай. Бошқа ишлар билан уралашиб уч-тўрт кундан кейини қовлаб оламиз, деб ўйлаган эдим, қопқанорларни йиғиб далага чиқсак, уч сутих ердаги картошкадан иримига қолмапти. Қур ойдинда ҳаммасини шишириб кетишибди...

Тоштемиржон, — деди Нусрат ака, — мана шу боядаги олти туш ёнбоқдан олти қило олмаймизу сен даладаги картошкани айтасан-а! Одамлар бировининг ҳақида қурқмайдиған бўлиб кетганига хайронман. Бурун қуш-қушни бирор ёкка кетса, ҳовли-жойини шундоқ ташлаб кетаберар эди. Иннасиям йуқолмас эди. Олайган кузга чўп тушарди. Ҳозир, нима бало, одамларнинг қузи очми, йймонни сусайиб кетганим, болалари кучадан бир нима умариб келса «қасрдан олдинг» деб сураш йуқ.

Тоштемир пешонасини танғиб олган саллачапи ечиб терлаган юз-қуларини артди, йуқов терак устига утирди-да, Нусрат акага айтмоқчи бўлган муҳим гапи бор одамдай термулиб қолди. Пешонаси тиришиб, лаблари чўччайиб, қузларининг ўйнаб туриши ҳаёлини нималардир қинаётганини билдирарди. У миясига қуйилаётган фикрларни тез тўшлашга уринаётгандай эди.

— Бир гап миямдан чиқмайди, Нусрат ака, — гап бошлади Тоштемир, — бизда шунака гап бор: «Топган-тутганингга барака берсин», «Фалончи жуда тоғармон-

тутармон». Бу нима дегани? Бу сузларда меҳнат қилиб мол-мулк ортириш эмас, нима қилиб булса ҳам «топишга», «тутишга» даъват борга ухшайди. Шунақа дуо эшитсам энсам қотади. Худди бу билан «топадиган», «тутадиган», «тортиб оладиган» уғри-муттаҳамларга фатво ёзиб берилаётгандай тўқнади менга. Сиз ўқиган одамсиз, нима дейсиз, Нусрат ака?

Жуда тўғри гап, жуда тўғри мулоҳаза, — деди Нусрат ака, — яна бир парса борки, тўғри гап фақат ўқиганда эмас, ўқканда бўлади. Сен қалтис масалани жуда поэтик илғабсан, қойилман. Худди сен айтган у ёқдан, бу ёққа «топган», «тутган», «тортиб олган» одамларнинг ҳадеб маърака, худойи, ифтор қилишларини сезганмисан? Мана, кишлоқ масъитига аллақим ўнта гилам ташлаб кетибди. Шу гиламларни ҳалол меҳнат эвазига сотиб олганми? Ҳеч қачон-да! Бунақа одамлар нопоқ «топган», «тутган»ларини яшириш учун шунақа йўл билан эҳсон қилдим, деб уйлайдилар. Бу эҳсон эмас...

— Э, нимасини айтасиз, — деди Тоштемир, — шаҳарда бир одам катта масъит қурдирипти, деб эшитдим. Ҳозирги замонда бир одамнинг масъит қуришга қурби етармиди?! Ана шу «топган», «тутган»лари эвазига қурдирган-да! Ўзиям қўлга тушиб, масъит чала-ярим қолиб кетган, дейишади.

Ҳа, баракалла, Тоштемир, — деди Нусрат ака, — қанча ҳимматинг бўлса, қанчалик давлатнинг ошиб-тошиб кетган бўлса, мактабларга ёрдам бер, қанча мактаблар пураб ётибди, баъзилари ун йилдан бери бир маротаба таъмирланган эмас. Йўқ, пулни меҳнат қилиб эмас, оғопгина «топган»лар одамларнинг оғирлиги енгил қиладиган ишларга сарф қилмайди, кўприк қурмайди, йўлга асфальт ётқизмайди, водопровод суви ёки газ келтиришда ёрдам бермайди. Қўшинида сув йўқ, унинг бассейни бор. Мана шунақалар ҳужиз сўйиб ҳалим таркатади, масъитларга оқ ту누ка, гилам, ёючларни кечаси олиб келиб, ташлаб қочади.

— Нусрат ака, булар даромаднинг одамлар кўзидан яширган билан Яратгандан қочиб қутула олмайди-ку. Одамларнинг юриш-туриши хисоб-китобли. Майли, ака, ҳар ким ўз эъқанини урар экан. Энди, мен турай, уйдаям майда-чуйда ишлар дегандек...

Нусрат ака Тоштемирни дарвозагача кузатиб қўйди. Тоштемирнинг «Терак шохларини бир жойга тушлашга ёрдам қилиб юборай» дейишига карамай, Нусрат ака унга раҳмат айтиб, ўзи кечгача чопилган тусилларни бир томонга, шохларни боғ этагидаги симқурадар ёнига тахлади. Паншаха билан пайраҳаларни тушлаб, утинхонага ташиди. Болта, дастарра, тешаларни ертуладаги «жойи»га қўйди. Боғ ичини йиғиштириб, шаҳарга жўнаб кетди.

Орадан бир ой утар-утмас Нусрат ака ўғил-қизлари билан дала ҳовлига дам олишга келди. Олхона, утинхона қурилишини бошлаб юборди. Усталар келадиган кун ўғлига ертуладаги асбоб-анжомларни олиб чиқишни буюрган эди, катта арра ҳеч қасрдан тоялмади. Шунда Нусрат ака теракларни кестанда ҳовлида арра қолиб кетган бўлса уни ён қўшнлар олиб қўйгандир, деган ҳаёлда ўғлини аввал боғнинг ўнг томонидаги тоғасининг уйига чиқарди, кейин боғнинг этагидаги ҳоласининг олдига юборди.

— Бор, хола бўвингдан сура, — деди у ўғлига, — ушанда утлар орасида қолиб кетган бўлса олиб қўйгандир, ким олади, ҳовлига бегона одам кирмаса?!

Ҳовлининг этагидан хола бўвининг шанғиллаган овози эшитилди: «Худоё яшшамасин олган одам, ман бошимга урамани, қоланг ургилсин. Мана ўзимизда иккита катта арра бор. Бирини амакнинг раҳматли Ойтурондан топиб олган, утинга чиққанлар амакнинг кийқиригидан қурқиб, ташлаб қочинган экан, биттасини лўлилардан ёнроққа алмаштириб олганман. Иккатасиям ўтмас, занглаб ётипти...»

Бувисига эргшиб чиққан, қузлари олақанот қушнинг қузларидай уйноқи, ун икки, ун уч ёшлардаги Мирғиёс шумшайиб турарди.

Етмишга етиб қолган бўлсаям бир қунда уч-турт марта даладан олма, юк ташийдиган абжир камшир неварасини уйнинг ичига олиб кирди-да, эшик, деразаларни каттик ёпиб, ундан аррани қаёққа яширганини сўради.

— Ўтинхонадаги тезаклар орқасига қўйганман, — деди Мирғиёс.

— Ма, манави латтага урагин-да, тезда олиб чиқ, шапарок жойга қўйиш керак. Пуқса, шарманда буламиз.

Мирғиёс аррани олиб келишга югуриб кетдию тезда қайтавермади. Бирдан унинг вай-войлаган овози эшитил-

ди. Кампир безовта бўлиб ўтинхона томонга лаланглади. Тезаклар билан тўла коп-коронғу бостирма эшиги олдида Мирғиёс қора қонига беланиб ўтирарди. «Вой, улма-сам» деди кампир жон ҳолатда неварасига яқинлашар экан.

— Нима бўлди, нима қилиб қўйдинг?

— Қоронғи экан, чиқаётганимда йиқилиб тушдим, ар-ра оёғимга кириб кетди, — деди қонга бўялган оёғини латта билан ураб олган Мирғиёс кўзлари олазарак бўлиб.

Арранинг учта тиши Мирғиёснинг болдирига худди найзадай санчилиб, йўғон томирини узиб юборган, тухтов-сиз қон оқарди. Мирғиёснинг ранги оқариб, лаблари-нинг атрофи кукара бошлади. Утакаси ёрилган кампир неварасининг оёғини қучоқлаганча додлашга тушди.

Нусрат ака, кетидан югуриб келишган усталар қонга бўялган буви билан набирани қуришди.

Нусрат ака нима гап бўлганини суриштириб утирмас-дан Мирғиёснинг солин латта билан маҳкам боғлади-да, уёлига қараб «Тезде машинани олиб чиқ» деди. Бос-тирма пойгагида қон юки аррага куз кирини ташлаб, танисаям ўзини билмаганга солиб Мирғиёсин қутариб кетди.

2001 йил.

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Қисса

1

Абдулла ўқиб юрган кезлари анча ҳар хил расмлар ишлаган бўлса-да, элга, асосан, манзарачи расм сифати-да танилди. Кўнгли уни кўпроқ табиат қўйнига чорлар, тортинчок руҳиятига табиат манзаралари жуда мос келар, ўзидан табиатни, табиатдан ўзини тошгандай бўларди.

У тобора шаҳар ғала-ғовуридан, тенгдошларининг ўс-тахоналарга гулланиб, уззукун ўнвону мукофотларининг чинакам истеъдодлардан бегоналашиб бораётганидан, санъатдан келадиган доврў билан инсон кадри ўртаси-даги фарк узоқлашиб кетаётганидан нолиб, хониёлари-дан юраги сикилиб кетар, икки-уч кўпга етадиган еминш олиб тоққа жўнаб қоларди.

Дала ҳовлилари салқин ва жимжит. Тепадаги жар-ликдан қувурларга камаб келтирилган муздек будок суви

кечаю кундуз шаркираб оқадн. Абдулла қачон келмасин, аввало булок сувида юз-қулларини чайниб, олма тағидаги сўрида бирпас ёнбошлайди, тоғ хавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади-да, ишга киришиб кетади. Одатда дарвозадан машинасини боғ ичига олиб кирган заҳоти кўшнисининг Қоплон деган козоки ити қаёқдандир пайдо бўлиб, унга ташланади, ялаб-қалқаб бутун кийим-бошини чангта белади. «Бўлди, бўлди, Қоплонвой, соғиндингми, мен ҳам соғиндим, юр, юр, хах, қўй энди, йўл бер» дейди атрофида яргиллаётган итга қараб.

Абдулла қинилоқдан кетгунча Қоплон унинг атрофида юради. Токка чиқса эргашади, дарё бўйида расм ишласа, ёнига бориб тумшугини ерга босганича мўлтираб ётади. Бирор итми, ҳайвонми яқинлашса, дарров ҳужумга утади, итлар билан олишиб, ҳайвонларни тирқиратиб орқасига қайтиб келади. Яна тошлар орасида Абдуллага мўлтираб ётади. Кечаси Абдулла боғ ичида оқ-юлдузлар тикик қуринадиган очик сайхонда ётишни ёқтиради. Дарвоза томондан тик этган товуш келса, Қоплон югуради, машина атрофида бир-икки айланиб ҳам қўяди, ҳатто Абдулладан нарироқда сакраб-сакраб юрган қув олақанотларга ҳамла қилади. Кечаси Абдулла ётган жойдан бир қулоч нарига кетмайди. Бир кун ярим кечада сим қаравотда ётган Абдулла итнинг ёнгшиб тумшуги билан уни турткилатаётганини сезиб уйғонди. Қараса, кўрпаси сирғалиб ерга тушиб кетган, усти очилиб қолган экан. Кун совуқ пайтларда Абдулла уй ичига кириб олади. Қай маҳал ташқарига чиқса, пойгакда ғужанак ётган Қоплонни куради. У остонага қадам босиши билан Қоплон бошини кўтариб қарайди, думини тикиллатиб Абдуллага эргашиб ҳовлига тушади-да бир-икки вовуллаб яна пойгакка узанади.

Сенга малза-да, Қоплонвой, — деб қўяди Абдулла шунақа пайтларда итининг бошини силар экан, -- жунининг ушиб кетибди, дейишмайди, думининг узун ҳам дейишмайди, шалпангқулок деб камситишмайди.

Абдулла бутун манзара ишлагиси келмади. Қоплон тасвирини бошлаб, кечга яқин тамомлади-қўйди. Қоплоннинг тикилиб турган қузларида худди кекса одамларда учрайдиган сирли маъно бордай, сурат жуда чиройли чиқди. Қоплоннинг юнги ошпоқ булгани учун Абдулла матонн ўз рангида қолдириб, ортиқча бўёқ ишлатмади,

итнинг япаски юзи, узун тумшуғи, жонсарак кўзларини ишлади, холос. Қоплоннинг чиройли сурати пайдо бўлди.

Абдулла кун буйи каттик ишлаган экан, уринга барвакт кириб, осмонга узок тикилиб ётди. Онасининг деярли ҳар куни унинг сочиға осилишини, «олдириб ташла бунақа бесунақай сочиғи, калтарок қилсанг бўлмайдими, одамлар нима дейди, фалончининг ўғли савдойи бўлиб қолибди дейишмайдими» деб жаврашини эслади. Онаси канчалик сочдан кўп гап очса, унинг шунчалик юрағи безиллар, ҳатто устахонадан кечроқ — онаси ухлаганда келиб, барвакт ишга жунаб коларди. Хотини ҳам бирикки кайнанасининг тапини қиладиган бўлувди. «мана, сенларга» дели-да, кишлокка жунади-кетди. Кишлокда бир ой қолиб соч-соқолини анча қуйиб юборди. Уйга келган кун ила она-бўла қўришаётганда онасининг «Вой, болам-ей, соч-соқолиниг Қоплоннинг думиға етиб қолибди-ку», деганда хотинининг олдида узини бир замбил гуваладай хис қилди. «Одам бўлмабсанг узин, мана шунақа кишлокда юраверсанг, одамгарчиликдан ҳам чиқиб кетасан, дарвеш бўласан» деган онасининг гаплари юракка санчилган наштадай оғрик кўзгарди.

Абдулла табиат манзараларини канчалик кўп ишласа, шунчалик узин ҳам табиатга, табиий бир ҳолатга сингиб кетаётгандай бўларди. Томошабинлар унинг манзараларида гудак нигоҳига ўхшаб тиник, беғубор бир нафас борлигини, манзара асарлари ишон билан табиат уртасидаги унсиз бир мулоқот эканини хис қилишар, у ишлаган дарё-ю тоғлар одамларни юрағига, рухиятига қўлоқ қўтишга чақираётгандай туюларди.

Абдулла одамлар ҳаётда буюк мўъжизалар яратган бўлса ҳам, табиат олдида ҳамон жуда ожиз ва уни тула хис қилтолмаганига ишора этувчи асарлар яратди. Санъатдан бохабар одамлар бу расмлар орқати табиатнинг тили борлигини, бу тилини урганмоқ ҳар қимга насиб этмаслигини сеза бошладилар. Абдулла учун табиий, одатий туюлган табиат манзаралари, ер, кўш, ўтлоқ, тоғ ҳаёти бошқаларга жўмбоқ эди.

Абдулланинг шахсий кўргазмаларига келган дўстлари, қарииндош-урундаридан бирортаси унинг асарлари олдида сочлари елкасига тушиб турган йигит афғангориди ғайритабиий бир ҳолат қўришмасди. Абдулла юрнш-ту-

риши, кийим-кечаги, соч-муйлаби билан табиий бир олам-
нинг бир нури булса-да, онасининг хеч кўнгли тулмас,
«Узун сочли эркакнинг акли калта» дегани-деган эди.

Абдуллани баҳор билан куада тутиб бўлмайди. У
табиатнинг уйкудан уйғониб, шарбат йиғаетган, кум-күк
либосга бурканган, шамолларнинг мусикий оҳангларида
тебраниб рақс тушаётган қиздай товланиб, кулоқларига
камалак ранглардан исирғалар тақаётган пайтларини, куз-
да қарир румол ураб саломга чиккан келинчақдай тулиш-
ган табиатни, муқаббат наволари янграган: бору бустон-
ларни, фароғат оғушида мудраган тоғларни севарди. Худ-
ди шундай дакикалардагина табиат у билан сирлашиши,
дардлашиши, сўзлашишини хис қилар ва ойлаб қишлоқ-
да қолиб кетарди. Қишлоққа жунаш учун ҳамма нарса
деярли тайёр эди. Бунга хотини ҳам қўниқиб қолган.

— Абдулла ака, — деди у, — бу йил қишлоққа бори-
шингизни бироз кечиктирасизми, ахир ойимлар 50 ёшга
туладилар, расмларини ишламоқчи эдингиз.

— Ие, эсдан чикибди-ку, — деди Абдулла ва шу
кундан онасининг портретини бошлашни мақсад қилиб
қўйди. Тезроқ портретни тугатиб, сўнгра табиатга чиқ-
моқчи бўлди. Аввал ота-онасининг бирга утирган пайтла-
рини эскиз қилиб қурди. Қаламтасвирда бир-икки қора-
лама ишлаган эди, вазифа анча мураккаброк қуринди,
асар картинага ухшаб кетар, биринчи, иккинчи план-
лар, орқа фон, композиция ечимини топиш, эру хотин-
нинг руҳий ҳолатларидаги уйғунликни бериш анча қи-
йин. Икки хил табиатли ота-онани битта рангга, битта
нурга буркаб бўлмас эди. Асосан манзара ишлаб пор-
трет, картиналарни кам машқ қилган Абдулла ота-она-
сининг биргаликдаги образларини чқара олмаслигидан
ҳам чўчиди, ҳам бунақа асар унга бироз сулғийдек
туялди. Бир кўнгли рангли фотога олиб шундан иш-
лашни ҳам уйлади. Бу ниятидан тезда қайтди. Тирик
одам турганда фотодан ишлаш ярамайди. Дунёда ота-
онадан азиз нима бор, уларнинг жонли сиймосини фа-
кат ўзларига қараб қизил мумкин.

Абдулла, яхшиси, ота-онасининг алоҳида-алоҳида пор-
третини яратмоқчи бўлди, ишни онасининг расмидан бош-
лади. Уч табакали ойна қаршисида онасини ҳоватлас
қўйлақда ўтказиб мойбўёқга эскиз ишлади. Онаси пор-
третда гўё уч ҳолатда унга қараб турарди: туғридан

караганда онасининг чехрасида истехзо аралаш жилма-йиш, чан ойнадаги аксда онаси чимирилган, ойнанинг уш табакасида она елкаси. Буйни акс этиб, юзи кўринмайди.

Бир печа кундан кейин қўлларини тиззасига қўйиб диккайиб утирган аёл киефаси узигаям, онасигаям ёкмади. «Намунча мени баджаҳл, бировни чуқиб оладиган қилиб қўйдинг» деди онаси.

Абдулла бир ҳафта ишини йиғиштириб қўйди-да, кейин онасининг ҳовлида дарахт соясида турган ҳолатини қаламтасвирда бошлади. Қаламтасвирда ҳовли кўрилиши онасининг шим табассум билан боқили, бировга дакки бермоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳолати анча ишонарли чиқди. Эртаси кун ичкунда бошланган расм кун сайин битиш урнига мато устига буёк чапланар эдию, жонли образдан дарак йўқ эди. Буёқларни устма-уст қўйишлардан, дарахт баргларида она юзига тушаётган яшил нимрангларининг аксидан ички рухий ҳолат йўқолди. Орадан ун кун утса ҳам матода она сиймоси ёркин кўринмас эди.

Бош ва гавдани қимирлатмасдан бир ҳолатда утириб-туришининг ўзи бўлмайди. Рассом канча вақт утганини сезмаган ҳолда чарчас нималигини билмай ишласа, унинг рўпарасидаги одамнинг шунчалик тоқати тоқ бўлиб, юраги силкилиб кетади. Рассомлар утирган одамнинг ҳар дақиқа урнидан туриб портретга қарай беришини ёқтирмаганидай, одамлар ҳам рассомнинг иши қачон тугагини кута-вериб тинкаси қуриydi.

Икки ҳафта утса ҳам она портретида силжиш бўлмади. Абдулланинг балки манзара ишлайвериш, портрет яратишни унутиб қўйдими, деб гумонсираган пайтлари ҳам бўлди. Манзара эркинлигини, композицияни истаганча ўзгартириб қайта ишлагани, бориш йўқ қилиб, йўқдан бор қилишни қанчалик тақозо этса, портрет алоҳида бурун, алоҳида куз, алоҳида килрикларга, пешона ва лаб кўриниши, ранги, ҳолатларига рассомни михлаб қуярди.

Портрет яратиш аслида қийин эди. Қўзларнинг маъноси, ички руҳиятини билдириш-билдирмас эврилиш даҳзалари, нигоҳдан ўқиш ва ўқиш лозим бўлган белгилар ва чизгилар, инсон қалбнинг туб-тубидаги кайфият, ҳар бир кишининг «Мен»ини тасдиқловчи нардлар аста-

секин очилди, буларнинг барчаси яхлит бир нигоҳини нур билан тулланиб портрет-образ дунёга келарди.

Абдулла астойдил ҳаракат қилса-да манзара ишлаганда сезадиган қалбининг ҳаприқиб, қўлларининг чакқонлашиб кетилишига ўхшаш ширин титроқли ҳолатга кела олмас, уни фақат «туғатишим керак», «тезроқ туғатишим керак» деган мақсад чирмаб олган эди. У онасини қийнаб қўймаслик учун фотога туширди. Фотога қараб кечалари ҳам ишлади. Охири портрет битгандай туюлди. Портретни мольбертдан олиб деворга оркасини ўгириб қўйди. Эрталаб тишиккан кўз билан кўрмоқчи бўлди. Эртаси кўни Абдулла устахонада портретни ёруғроқ жойга қўйди-да, бир-икки қадам орқага чекиниб, қотиб қолди. Кечаси ҳам қоронғу, ҳам чарчаган чоғи расмини яхши ўқимаган экан. У портретда ўзи сезадиган, аммо бировлар тасаввур ҳам қилолмайдиган онасининг қиёфасини қуриб хангу манг бўлиб қолди. Рўпарасида жаҳли бурнининг ўчида турадиган, ўз яқинларини қанчалик сийтаб, жеркиб муомала қилса, беғоналарга шунчалик мулоҳим, табиати жазава билан муҳаббат оралиғини билмайдиган, битта гап камлик қилиб, иккитаси ортқича туюладиган, жаҳли чиқса отасини ҳам аямай, яхши кўрса жонини тикиб юборадиган аёл образи гавдаланган эди.

Абдулла ияғига қўлларини тираганча узок ўйланиб қолди. Ёшлигида расм ишлашга берилиб кетиб, онасининг гапини икки қилганда отаси олиб берган этюднинг-ни айвондан ҳовлига улоқтирган онасининг вазжохати кўз олдида келди. Этюдник чил-чил синган, Абдулла йиғлаганича кучага отилиб, отаси ишдан қайтгунча тешираб юрган эди.

Абдулла ҳаяжонланганда баъзан кузини пириллатиб қоларди. Бунинг сабаби бор. У ёшлигида шўх, эрка бўлган. Бир йили онаси уни қишлоққа олиб боради. Бола шўх эмасми, бўвиси ҳамир қораётганда югуриб келиб, тоғорага бир қисм тупроқ сеппиб юборади. Буни қуриб қолган онасининг жаҳли чиқиб, Абдуллани узича тарбияламоқчи бўлади-да, қайнонасининг хай-хайлашига қарамай, уни ҳовлининг ўртасидаги икки олма оралиғига кир ёйиш учун тортилган арқонга осилтириб «ташлаб юборайми, ташлаб юборайми, агар яна шунақа қилсанг ташлаб юбораман» деб қўрқитади. Ранги қув ўчган бола шу кундан бошини сарак-сарак қилиб гапирадиган, ҳая-

жонланганда худди оғзидаги лукма тикилиб, оғир-оғир ютинадиган бўлиб қолган эди.

У усиб-улгайиб отаси ёнида кишлокка тез-тез расм ишлагани борар, шундай кезларда ўзини аллақандай ички бир тутқунликдан озод бўлаётгандай эркин ҳис қиларди. Абдулла расмга узок қараб утирди. Уни онасига қурсатиб бўлмас, кўрсатса балога қолиши аниқ эди. Уйлаб-уйлаб портретни қайта ишлагга жазм қилди. Бунинг учун янги эскиз, бошқа композиция, узгача колорит ташлаш керак. У мойқирғич билан мато устидаги бўёқларни кириб ташлади, ўстини локли латтада тозалади. Она сиймосини ранглар жилвасига сингдиришни уйлади. Онаси атлас кўйлақда жуда чиройли кўринади. Одатда атлас кўйлақ қуёш нурларида ял-ял товланиб, аёллар чехрасини очиб юборади, одамнинг қанақалигини эмас, кимлигини кўпроқ қурсатади. Ранглар рақси, колорит жозибаси орқасида инсон қалби, табиати, феъли-атвори яшириниб ётади. Гоҳо бўёқлар ўйини тасвир йулига тушиб қолганда характер қирралари жонланиб қолиши мумкин. Ҳар қалай, бундай асарлардаги ранг товланишини инсон руҳияти ва феълини очишга эмас, ҳаспунцлашга хизмат қилиши ҳам мумкин.

Абдулланинг битган расмини кириб ташлаб, устидан қайта иш бошлаганини ҳеч ким сезмади. Янги портретнинг эскизи кўзни қувонтирадиган даражада чиройли чиқди. Дастлаб кўз, қош, бурун, лаблар нуқталар билан белгилаб олинди, бир сеанслаёқ атлас кўйлакнинг тарам-тарам гуллари, йўллари топилди. Бир неча кундан кейин расмда онанинг бежирим юпка лаблари, бурни, қалам қошлари, қорачинининг атрофлари, йилтираган йирик кўзлари бирини-кетин чиқа бошлади. Илгинг бунчалик тез битишидан Абдулла қувониб кетди. Портретда атлас кўйлақли келинган аёл захарханда чимрилиш билан боқиб турарди. Унинг бурун катаклари ёнидан ўтган чизиклар, ёноқларида уйнаган атлас рангларининг сояси, бежирим бармоқларининг ялтироқ тирноқлари табиини кўринмади. Тирноқ ранги унча чиқмапти. Сунъий рангини топиш кийин бўлар экан. Тирноқ устига пушти рангларини оҳиста қуяр экан, бирдан онасининг куллари худди кимирлаганадй туюлиб кетди.

Абдулла суратга тикилиб қолди. Унинг ҳамма жойларига бирма-бир кўз қирини ташлади. Атлас кўйлақ гул-

ларининг такрорий йуллари ичидан кип-қизил қондай сизилиб чиққан бўёқлар тирнок учларига етганда пичок тивдай уткирлашиб кетган. Куйлакнинг ёғим жойидаги сариқ ранг худди пичоқ сопидай совуқ йилтираб турарди. Абдулла беихтиёр «Нима қилиб қўйдим?» деди узига ўзи. У портретга қараган сари қулоғи остида «Нима қилиб қўйдим?», «Нима қилиб қўйдим?» деган товуш ўзлуксиз такрорланаверди. У ҳатто икки қули билан қулоқларини ёпиб, кўзини юмиб олса ҳам «Нима қилиб қўйдим?», «Нима қилиб қўйдим?», деган товуш миясини пармалар, бу товуш тобора баландроқ эшитилиб, чинкирикка айланиб борарди. Бу чинкирикни у ун йиллар илгари ҳам эшитган, онасининг дод-фарёидан юрак-бағри эзилиб кетган эди.

Айни ёз пайти. Ҳовлида овқатланиб, ҳамма биринкетин уридан туриб кетаётганда онаси ган очиб қолди.

— Абдулла, тухта, — деди у, — энди йилит булдинг. Уйланишинг керак. Бировнинг эшигига боришга уялман. Сочингни олдирасанми, йўқми?!

— Йўқ, дедимми, йўқ, ойижон, — деди-да Абдулла бир-икки қадам силжиди.

— Ҳой, менга кара, менга кара деяпман, — ушқирди онаси ва стол устида турган, ҳар бир хонадонда буладиган, ишлатавериш қилдай ингичка, устарадай уткир пичокни қандай қилиб ўғли томонга улоқтириб юборганини билмай қолди. «Менга кара, менга кара» деб дағдаға қилаётган онасига утирилган Абдулланинг кузига бир нима жиз этиб кирдию ҳаммаёқ зимистонга айланиб, икки қули билан юзини чангаллаганча чўккалаб қолди ва шунда онасининг «Нима қилиб қўйдим?» деб додлаб ҳовлини бошига кўтарганини эслади. Чан қузи оқиб тушган Абдулла касалхонадаги жарроҳлардан, милиция ходимларидан ҳовлида тарвуз нимталаётганда йиқилдим, деб зўрға қутилган эди...

...Абдулла атлас куйлакдаги кизғиш рангларнинг қунайиб нарча-нарча қон тусига айланиб кетганидан ғалати бир ҳолатга тушди. У шунча йил расм ишлаб, устахонада ухлаб қолган пайтларида ҳам бўёқ, лок ва суюлтиричларнинг ҳидидан қўнғили бунчалик беҳуш тортмаган эди. Портретга қараган сари хонатласнинг совуқ, ҳиссиз бўёқлари қотмаган мато сатҳида рангга айланмай, бири-бири билан қовуша олмай лахта-лахта қон мисоли оқиб

тушаётгандай туюлди. У аниқ-таниқ мойқирғич билан мато устини яна кириб ташлади. Бир зумда портретдан агар ҳам колмади. Чапланган матони кучоклаган Абдулланинг кўнгли бузилди. «Кечиринг онажон, мени кечиринг», деди буғилган товушда...

Абдулла устахона уртасида каккайиб турди. Портретни деворга ўтириб қўйди. Онаси «Абдулла, хой Абдулла, булди килакол, болам, овқат тайёр» деди. У бирдан, нима учундир ёшлигида онасининг доимо ўртоқлари билан уйини роса қизиган пайтда чакириб қолишини, овқат еганда тикилиб утиришини, айниқса, эрталаблари сутга қорилган хамирга тухум чақиб пиширадиган қуймокка қаймок суриб беришларини эслади. «Аяжон, ўзингиз емайсиизми?» деса, онаси «Едим-ку, мен пишираётганда тузини татиб, туйиб қоламан, кейин сен ўғил боласан, ўғил болалар полвон булиши учун кууп овқат ейиши керак, ол жоним, ол, яна битта егин, яна битта» деб кистарди.

Озодаликка келганда аясига етадиган она бўлмаса керак. Бўлмаса, Абдуллани чақалоқлигидан то отаси билан ҳаммомга борадиган бўлгунча қайнаган сувни совутиб, яна қайноқ сувга чаппиштириб чўмилтирармиди?

Хар куни Абдулланинг юз-қўллари, оёқлари икки-уч марталаб совунда ювилмаса оёқ уринга ётқизилмас эди. Ҳафта утмай Абдуллани чинқиртириб тирноқлари тиркидиланар эди. У бирон марта на боғчага, на мактабга қийини дазмолланмай борган эмас. Ҳатто мактабда ўртоқлари олдида уялиб қолишига сал қолган. Аяси папкасига атпир совун ва сочик солиб қўйиб, «Мактабда озода юргин, танаффусдан кейин ёки доскага чиқиб бур ушласанг, албатта, қулиниги совунлаб ювгин, хупми?» дер эди.

— Жуда қалатилар-да аям, — хаёлидан ўтказди Абдулла, — хар қандай ичим чиқиб қолса ҳам кечикмасдан уйга етиб келишим керак. Қўнғирок қилиб, оғохлантиришим шарт. Мабода жуда кеч қолсам, деразадан кучага куз тикиб ўтирадилар. Мени кўриш билан жойларига ётиб оладилар. Хонага кириб «Аяжон, мен келдим, яхшимисиз?» десам, уришларида худди ухлаб қолгандай жим ётадилар, секин чиқиб кетмокчи бўлсам, оркамдан «Шунақа кеч юрсанг, бир кунмас бир кун мени адою тамом қиласан» деб қўядилар.

Энди булса сочимга осилганлари-осилган. Батки...

— Абдулла, минглама, овқат совуб қолади, ахир! — онасининг овози эшитилди...

2

Абдулла кириб ташланган матога эртаси кунни узок тикилиб утирди. Мўйқирғич излари тушган, бўёқлар сийгиб кетган мато сатҳида онасининг билинар-билинмас сиймоси куринар, суюлтирғични шимган латта матони эртган сари чапланган бўёқлар тобора йилтирарди.

Одатда рассомлар аввал олоқ мато устига енгил ранг бериб чиқади. Тўйинмаган матога ранг сурилса мато бўёқларни шимиб, иш оғирлашиб, чузилиб кетади. Тўйинган мато устида мўйқалам енгил юради, рассом ияти тезроқ рўёбга чиқади. Абдулла матони тўртбурчакли эмас, узунчоқ қилиб тортганидан хурсанд бўлди. Онасининг тик турган қоматини сиздирishi мумкин. Мато шунга йўл беради.

Баъзи рассомлар янги матога аввал қалам билан чизги тортади, бошқалари писта кўмир ёки қора бўёқда композициянинг зарур нукталарини белгилаб чиқади. Шу алпозда ёкмаган чизиклар осон учириб тавиланади, янги чизги, янги йўл, янги қораламалар қўнғил тулмагунча пайдо булверади. Охири рассом тасавури билан ияти қўшилгач, тасвирга олинаётган сиймо шарпаси қатқиб чиқади. Шундан кейингина рассом мойбўёққа қўл уради, ияни ё фоннинг рангини толишдан, ё куз, қўлоқ, бурун ва лабининг ўрнини белгилашдан бошлаб, аста-секин уларга жонли ранг қўя бошлайди.

Абдулла онасини кий-кизил гилам фонда бўйи баста билан ишламоқчи бўлди. Меҳмонхонага тушалган, эскироқ бўлса-да, ҳали ранги учмаган гиламни устахонанинг кун тушадиган деворига илди. Қўёш нуридан гилам ловиллаб кетди. У шиддат билан ишга киришди. Портрет фонк алвон рангда ёна бошлади.

Абдулла охири пайтларда кизғиш, қора ранглардан чарчайдиган бўлиб қолган. Соғ қўзи ижод алавласида бу ранглардан толиқиб қолар, бир-икки соат ёзгандан кейин узини диванга ташлаб, қўзини чирт қўмаганча тинчиқиб оларди. Негадир «Она портрети»ни атлас қўйлақда ишлагиси келмади. Замонавий кийимда ҳам онаси чирой-

ли кўринарди. Қадди-қомат, кийим-бош, соч рангларини фотодан олгандан кейин портрет битишига яқин ошасининг юз, қўллари рангини узига қараб ишласа бўлади.

...Жимир-жимир гулли костюм хипча белга жуда ярашган, таранг яланғоч бўлди-лар, илондай тўлғонган билакларда уйноқи харорат сезилади. Абдулла бежирим қулоқларга йилтираган зираклар, нозик бармоқларга узукларни қўндирди. Ингичка мўйқалам учкидаги локка тўйинган оппоқ бўёқни охишта зиракка тегизиши билан қулоққа жон киргандай бўлди. Худди шундай биллур нуқталар бармоқлардаги узукларга қўнғач, узукли бармоқлар қарақатга келди. Бир-бирини тўлдираётган, бири иккинчисини ёпиб, очиб бораётган бўёқлар орасидан аста-секин танини чехра намоён бўларди.

Абдулла портретга тикилиб турди-да «Ие, нима қила-япман, аямларининг қулида никоҳ узуги-ку, бунақа ярак-юрликлар холамларда шекилли» деди узига ўзи. Холасини эслаб кетди...

Ўшанда Абдулла бир қуздан айрилиб қолганда пулдор холаси анча елиб-қўнган. Уни Москвага олиб борган, катта-катта духтирларга қўрсатган, оқиб тушган кўзнинг ҳеч қачон қўрмаслигига ишонмай, дўхтирлардан қанча пул олишса ҳам жиянига қўз солиб қўйишни илтимос қилган эди...

...Бирор рассомнинг ижод жараёнини қўзатган одам гўё у оддий иш бажараётгандай тасаввурга келади. Рассом худди миясини ишлатмаётгандай, рўпарасидаги одам, табиат ёки нарсаларга шунчаки қараб-қараб матога қўчирётгандай туюлади. Аслида ана шу тикилиб-тикилиб, тўхтаб-тўхтаб матога қизғин тортинч, бўёқ қўйиш дақиқаларида у жуда кўп, оғир рухий тўлғоқларни бошидан кечиради. Сопатлаб этюдник олдида тик турган рассомнинг нақадар ҳориб-толиб қолиши фақат Худонинг узига аён. Бундай пайтларда униш ҳаёлига нималар келмайди, нималарни қўз олдида утқалмайди, нималарни эсламайди! Рассом қули мато билан палитра ўртасида бўзчининг моқисидай бориб келса-да унинг ҳаёли дунёни кезади, хотиралар дастурхони очилади...

Абдулланинг Асно деган холаси, Абил деган тоғаси бўларди. Тоғаси Афғонистондан қайтиб келмади. Асно холаси... ҳа, Асно холаси тирик...

Асно холаси туппа-гузук ишлаб юрарди. Бирдан бозорга айланишиб қолди. Москвадан майда-чуйда олиб келиб маҳаллада тарқатарди. У қултиғига мол кистириб қўши-қўшиниларни овлайдиган, охири том тепасидаги эски коляскага молларини солиб сахарда қўшини маҳалла гузаридаги бозорчага чиқадиган, хинд чойидан тортиб, Россия калитиларигача, аёллар ички кийимидан эркаклар пайпоғигача сотиб юрди. Бир ойда икки-уч марта Москвага катнаб дастмоясини қаппайтирди. Юпун кийилиб, Тошкент—Москва поездининг плацкэрт вагонига билет олганидан унинг ёнида пули бор деб ҳеч ким ўйламас эди. Белига «Российский» ёки «қўқ»ларидан маҳкам боғлаб вагоннинг бурчагида бечораҳол утирган аёлга баъзан вагонларга чиқиб қоладиган «шилиб кетувчилар» эътибор ҳам қилмас эди.

Аснохонининг ўзига ухшаган аёллар топилди. Шерик бўлиб бегона юртларга бориш кулай экан, ишни қўришиб кетди. Олмаотага катнай бошлади. Автобуслар кўп, бориш-келиш талпини оз. Хамма нарсани хайдоначининг ўзи бажаради. Айтганини берсанг канча юкинг булсаям божхонадан олиб ўтади, муомалани ўзи қилади. Автобуслар Тошкентга қачон келсаям ҳаммани уй-ўйига олириб қўяди. Йўл харажатлари тобора ортиб бориди. Кейинчалик Бишкекка катнайдиган бўлди. Бишкекда Хитой моллари анча арзон, Тошкентда чакқон кетарди.

Бирдан Истанбул йўли очилди. Асно дўгоналарни билан энди у ёққа бориб келадиган бўлди. Йўл харажатларини камайтириш мақсадида Тошкентдан Бокуга, у ердан Одессага, Одессадан Истанбулга теплоходда ўтадиган бўлишди. Харажатлар кам булсаям, йўл азоби — гўр азоби эди. Оёқ кийимлар, аёллар либоси, чарм курткаларга лик тулган катта-катта халта қошларни судраб, орқалаб, кўтариб машинадан машинага, улдан самолётга олиб чиқишнинг ўзи бўлмас, бели букилиб, тилкаси қуриб, қолдан тойиб қоларди. Бир ҳафта утар-утмас яна йўлга отланишга тўғри келарди. Бирор шаҳарга бориб келмаса узини қуярга жой тополмай, егани ичига тушмайдиган бўлиб қолди.

Бирдан Асно холанинг ишни орқага кетди. У долларни фонзга қара олади, олиб келган молини сотувча доллар қутарилиб, чиқарган фойдаси фонзига етмайдиган, иштаҳаси очилган сари даромади пасайиб кетаётгандай

туюларди. Катта еб ўрганган одам камига қўшмайди. Аснониң эри канчалик тижирлик қилмасин, гап утмади. «Эркак бўлиб рузгор тебрата олмагандан кейин, қўйиниңда ўз ҳолимга, сизниң вазифангизни бажариб юрибман-ку» деб уни жеркиб ташларди. Илмий ходим бўлиб ишлайдиган эриниң нафаси нчига тушиб кетар, хотинига қаттиқ ганириб бу йўлдан тўхтатай деса, гапиниң тоши йўк, тўхтатмай деса уйда ҳалол оши йўк, хотини тобора бу чоҳга тушиб борарди.

Истанбулга катнаб юрган Асно тез орада «Аснохон»га айланди. Савдогарликда укуви ошди. Борди-келдини ўрганиб олди. Тошкентдан Истанбулга катнайдиған йигит унинг кўзини очди. Навбатдаги сафарлардан бирида бир гурӯҳ сайёҳ тижоратчилар Истанбулниң «Лаъли-ли» гузаридаги «Бозор» меҳмонхонасига жойлашмишди. Меҳмонхона ходимлари уларниң паспортларини олар экан, ҳар икки кишига бегтадан калит берди. Аснохон билан унинг ёнидаги баланд бўйли, келинган йигитга калит узатиб, «Марҳамат» деди юкорига кўтариладиган кичкина зинага ишора қилиб.

Улар тор зиналардан иккинчи каватга кўтарилиб, 33-хона олдиға юкларини қўйишди. Асно аввал 33-хона эшиги очилгач, ичкарида алоҳида-алоҳида ётоқ жойлар бўлса керак, деб ўйлади. Ичкарига кириб нарсаларини жойлаштиргач, кичкина хонада икки киши ётадиган каравотларга қўзи тушди ва ичида «вой» деди. Чикиб кетишини ҳам, қоляшини ҳам билолмай турганда, шериғи «Аснохон, бу ерда кимниң кимлиғи, кимниң кимга алоқадорлиғи суриштирилмайди, жой тапсик, бизни эру хотин деб ўйлади, шекилли, бемалол ечиниб, дам олишга ўтаверниң, кечаси билан уйқу бўлмаган, дўқонларни пешиндан кейин айланамиз, мен настиға тушиб кўнғирок қиладиган ишларим бор» деди-да, чикиб кетди.

Йигит ярим соатлардан кейин хонага кирганда Аснохон каравот устида ечимасдан чиройли уҳлаб ётарди. У секин-секин бориб уни ётадиган каравотга тушалган майин жуи одеялни Аснохонниң устига ёниб қўйди-да, ташкарида сигарета чекиб келди. Йигитниң кўзи тула уйқу бўлса-да, ёнгинасида ширии уҳлаб ётган аёл унинг хаёлини бузди. Алча вақт тўлқониб ётиб, кўзи илинди.

Асноҳон тургандан кейин йиғит уйвондимми, ё йиғит каравотини ёжирлатиб у ёнидан бу ёнига уғирилдимми, иккаласи барабар кўз очиб, бир-бирига термулиб қолишди. Асноҳон ийманиб, юз-кузига одеял тортди, бироздан кейин юзини очиб йиғитга уғришча қараб ётди. Йиғит Тошкентдан олиб келган қазн, тил, патир, майнэларни столга қўйди. Асноҳон юз-қўлларини ювиб келишчча қай-патигида икки стакан сув қайнатиб, чой дамлади, «Халк-обод» коньягини очди. Асноҳон стол устига қараб ўзини бироз покулай хис қилса-да, ўзга кўрт сафарларида сайёҳларнинг қалчалик тез қадрдон бўлиб кетини одатига кура хурсанд бўлса бўлдию, қовонини уймади. Нотаниш тижоратчилар тезда танишиб олишди, қорин тўйиб, бадан бироз кизигандан кейин эса қадрдонлардай дуконларини айланишга бирга чиқиб кетишди...

Асноҳоннинг бозори Истанбулда юришмади. У бир танишининг гапига учиб, атайин Бухорога бориб иккита зардўзи чопон сотиб олган, ушш камда минг долларга сотмокчи эди.

Шериги ушш икки кун Истанбулдаги барча танишларига олиб борди. Чопонга харидор топилмади. Аёлларнинг чарм сумкасини сотадиган бир ўзбек дукончи чопонларини сумкалар ёнига олиб ҳам қўйди. Харидорлар келиб кўришади-ю, талабгор чиқмайди. Асноҳон дукондор билан кечгача харидор пойлади. Чопонларнинг нархи 500 доллардан 300 га, кейин 200 га, охири 100 га туширилди. Шунда ҳам ҳеч ким талабгор бўлмади. Охири бирини Бухорода олган баҳосига дукондорнинг ўзига беришга мажбур бўлди. Иккинчисини тошкентлик шериги отамга совға қиламан, деб сотиб олди.

Қизим, хафа бўлма, — деди Асноҳонга дукончи амаки, — савдогарлик ҳам — санъат. Уни билиш керак. Каерга нима олиб бориб, нима олиб келишни олдиндан хис қилинмаса қуюб қолади, киши. Масалан, бу ерда туриб қоладиган нарсани олишмайди. Совға моли бошқа, тирикчилик моли бошқа. Мана, чопонлар жуда гузал. Қимматбаҳо, аммо бозорбон эмас. Бу ерда нарсани ўйига етиб боргунча бир-икки сум қимматига сотишни ўйлаб олишади. Шула туғмай ётадиган нарсаларга ишқибозлик йўқ. Ҳозир олдингми, бугун ё эрта сотишни керак. Сотишга, яна фойдасига сотишга кўзинг етса — оласан, пулни банд қилиб қўядиган мол — улик мол саналади.

Аснохон бозорнинг бу аччиқ ҳақиқатига меҳмонхонада яна бир бор ишонди. Ўша кезлари аёллар орасида «Гепард» нусха костюмчиқлар мода бўлиб, ўзи ҳам шундан олиб кетиш иниятида эди. У зар чопонлари осилган дукон олдида утирганда шериги ўз юмўни билан кетган эди. Меҳмонхонага қайтган Аснохоннинг оғзи очилиб қолди. Тошкентдан бирга келишган тижоратчи аёллар уларнинг хонасига ғув-ғув кириб чиқишарди. Улар ёнларидаги дуконлардан сотиб олган «Гепард»ларнинг чокидан қўнгли тўлмай, Аснохоннинг шеригидан сотиб олишаётган эди. Аснохон аввал ҳайрон бўлди. «Гепард» дуконларда 6 доллар, йигит ҳам ўз молларини 6 доллардан сотарди. Кимга нима фойдалигини билиб бўлмас эди. Кечкурун йигит Аснохонга «Бугунги фойдадан сизга атаганим» деб 500 доллар берганда эсанкираб қолди. Гап бошқа ёқда экан, йигит «Гепард»ларни тўғридан-тўғри фабрикадан 4 доллардан олиб келиб, ёнларидаги дукон баҳсида сотар экан. У бир кунда минг дона костюмдан икки минг доллар ишлаб олган эди. Истанбулнинг узида туриб бунчалик фойда кураётган йигитга Аснохоннинг ҳаваси келди ва тезда зар чопонлардан тортган азоби ҳам унутилди. Бу йигит йўловчи ҳамроҳ эмас, кадрдон дўстга айланди...

Аснохоннинг иши шунчалик юришиб кетдики, у аёллигига бориб узини йўқотиб қуяр даражада босар-тусарини билмай қолди. У аёл шерикларидан ажралиб, бир ўзи чет элга қатнайдиغان, қон кўтариш, чемодан орқалаш у ёқда турсин, пулни санамасдан тусмоллаб олиб берадиган бўлди.

Уйда телефон тинмай жириглайдиган, кимлардир кечани кеча, кундузини кундуз демай келиб кетадиган, Аснохон эса олиб келаётган молларини аэропортдан уйига еттуинча эгаларига кутарасига тарқатиб юборарди. Кейинчалик чет элга битта сумка билан жўнаб, пулларини самолётнинг трашгача олириб берадиганлар топилди, молларини «Карго» орқали жўнатиб, қушча-қурук қайтиб келадиган бўлди.

Аснохоннинг иштаҳаси тобора очилиб кетди. Қўнгли, қўйини тўлди. Охиратини уйлаб қийин-боқини ҳам узартирди. Ҳаж сафарига отланди.

Худди шу кунларда қутилмаган бир воқеа юз берди. Аснохоннинг эри ишлайдиган институтда бир аспирант

бўларди. У ишини ёзиб тамомлагач, отаси унга Чклон-зордан алоҳида уй олиб берган эди. Аспирант диссертациянинг муваффақиятли муҳокамаси ва яшги уйини «ювниш» ниятида ишхонасидан унчага одамни меҳмонга чақирди. Аснохоннинг эри таклиф этилган жойга одатда уз вақтида, ҳатто беш-ун минут эртароқ боришга урганган. Бу гал ҳам ҳаммадан олдин келди. Аспирант ён хотини билан жуда хурсанд бўлди. Уни турга утказиб, чой узатди, узр сўрагандай «Биз ҳозир» деди-да стол устига нарсаларни таший бошлади. Домла «Бемалол, бемалол, бошқалар ҳам ҳозир келиб қолшар, уйлар бир-бирига жуда ўхшаб кетар экан, мен ҳам анча айланиб-айланиб топиб келдим» деди. У жовондаги китобларни томоша қилар экан, дуч келган биринчи китобни қўлига олиб, муқовасини очаётганда аспирант хрустал идишдаги салатни кутариб кириб келди. Домланинг қўлидаги китобни кўриб, аввал бироз хижолат бўлгандай, кейин хотиним келмаяптими деган маънода оркасига ўтирилиб, домлага яқинлашди, расмларни домла кўриб улгурди, деган ҳаёлда «Оталар, тижорат билан шуғулланадилар, лекин анча шўхлар-да» деб қўйди.

Домла биринчи, иккинчи, учинчи фотоларни тез-тез, кетма-кет кўраётганда кўнгли ғалати бўлиб диванга ўтириб қолди. Хижолатгайм, мағрурланишгайм ўхшамаган ноаниқ бир илжайиш билан аспирант унга қараб турарди.

— Ҳажга жўнашларидан олдин бу ерга келган эдилар, — деди аспирант хотини эшитиб қолмасин дегандай овозини пастлатиб. — эди ўғлим, бугундан бошлаб биз ичкиликни ташлаймиз, Ҳаждан кейин гуноҳ булади, шунинг учун бугун бир тўйиб олайлик, — дедилар-да, роса кайф қилдилар. Шунда мана шу фотолар ёнларидан тушиб қолган эди, келинингиз кўриб қолмасин, деб китоб орасига яшириб қўйган эдим. Паҳан, анча шўхлар-да! Келганларида кўрсатиб, бир уялтирмоқчиман.

Эшак жиринглаб, бирин-кетин меҳмонлар киришаётганда домла расмларни кайтадан кўздан кечираётган эди. Уларда Аснохон денгиз кирюкларида, ресторан, тунги «Бар»ларда, гўзал хиббонларда нотаниш эркекнинг пинжигида кирган қолда турар, айниқса, ваннада яланғоч баданини куз-куз қилиб чарақлаб қулиб туришди домланинг эсини тескари қилиб юборди.

Домла расмларни қаттираган қўллари билан костюмининг ички чўнтагига тикиб йулакдаги меҳмонларнинг ғала-ғовур табригию мезбошларининг илтифотларини ҳам эшитмагандай ўзини ташқарига урди. Барча ҳаңгу манг бўлиб унинг орқасидан қараб қолишди. Домла шу кетганича уйда ҳам, ишхонасида ҳам, шаҳарда ҳам кўринмади...

... Абдулла онасининг портретини берилиб ичласа ҳам унинг бутун фикру зикри ҳожи ҳоласи билан бўлиб утган воқеалар ичига шўниб кетган эди.

Абдулла портретни нарироқ қўйиб куздан кечирай деса бир кузига оғирлик тушаётгандай, уни хира парда ураб олар, яқинроқдан қараса ранглар уйинидаги фарқни ажратиб ололмаётгандай бўлди. Қадду қомат, кукрак ва қўлларнинг бежирим уйғунлигига яланғоч болдирларнинг бевосита ҳолати ҳеч ёпишмаган, онасининг эғнидаги ҳожин ҳоласи Истанбулдан олиб келган «Генард» костюм ранги ғилам-фон туллари билан қовушмаган эди. Олачинор ранглар «Генард» костюмининг енжим, синик қатларида безовта уйинга тушиб, портретда тарағг вожоҳатини қўширтириб турарди. У ишн эртага давом эттириш мақсадида мўйқаламларни йўқиштириб суели идишга солди, палитра устини латтада тозалаб артиб қўйди. Охириги марта портретга қараб кетмоқчи бўлдию, такка тухтади. Портретда онасининг қадду қомати, ранги-руйидан асар йўқ эди. Портретдаги аёлниң кийим-боши, бўйинини хиёл эгиб, таманноди нозланиб, узини куз-куз қилаётгандай туришни ҳожи ҳоласининг худди узгинаси. У портретни қайта мольбретта қўйиб, мойқирғични қўлига олди.

3

Одам бир нарсага қасд қилмасин, қасд қилдими, узини қуярга жой топа олмас экан. Абдулла ҳам онасининг туғилган кўнига расм соғға қилиш ниятида тишчини йўкотди. Қундузи ҳам, кечаси ҳам ҳаёлида портрет. Бир неча марта мойқирғичда қириб ташланган мато роса тўйинди. Мато сатҳидаги қоралама чизиклар, композиция топилмалари ишн тез битишини билдирса ҳам рассом мақсади билан шаклланаётган образ уртасида уйғунлик пайдо бўлмаётгани Абдуллани тобора безовта қиларди. У ижод

деб аталадиган сирли водийнинг хилват гушаларига етганинг шунчалар жумбоқ эканини тушуниб-тушунмай, сезиб-сезмай, билиб-билолмай гарап эди.

У композицияни учинчи марта ўзгартирмоқчи бўлди. Онасини олпоқ кўйлақда, ҳажга бориб келган аёлларга ўхшатиб, бошига олпоқ рўмол тақлагиси келди. Тезда ниятидан қайтди. Унда вазифа овирлашиб кетади. Оқ кўйлақ билан оқ рўмолнинг фарқини бериш қийинлашади. Бир-бирига зид ёки тулдирувчи рангларини тақлаган маъқул. Ранглар ҳам одамларга ўхшаб ўзаро илашиб, тиллашиб кетса, ё бир-бирига яқинлашмай, ётлашиб турса, уларнинг иссиқ-совуқ ҳароратларини илғаш осон бўлади. Ундан ташқари, оқ рўмол ураб юриш онасига ҳос эмас. Онаси донмо боши очик бўлишини яхши куради. Раҳматли опа бўвиси ҳам калта сочили боши очик юришини яхши куради. У ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб паранжисини тақлаган, урис қизлар даврасида катта бўлган экан.

Абдулла мольбертдаги матони қаерига мўйкалам ураётганини билмас, ҳаёли қачонлардир эшитган воқеалар гирдобига тушиб қолган эди...

Абдулланинг Муборакхон деган опа бўвиси буларди. Раҳматли куйди-нишди, жиз-биз табиатли, катта-кичик юмушни уйлаб утирмасдан ё остидан, ё устидан қиладиган аёл эди. У ўзига ўхшаган бир етимчага кўнгил бериб турмуш куради. Икки ярим бир тан бўлиб, ўқиган кўнгиллар бинафшадай очилиб кетади. Хастимонинг орқасидаги маҳалладан дупсидай ҳовли-жой сотиб олишади. Муборакхон шу ҳовлида икки қиз, бир уғил кўради.

Абил деган кенжаси мактабга чиқадиган булгач, Муборакхон бир куни эрига:

— Мебель заводига кутубхоначи керак экан, гаплашиб келдим, эртадан ишга чиқаман, сизни толганингиз йўлингизда тушиб қолаёпти, — деди. Ўртасаройга қатнаб ишлайдиган, ҳафтада, ё ойда бир марта уйга келиб кетадиган эришинг топишидан норози булгандай.

Муборакхон бир йилча кутубхонада ишлаб юрди. Социл кирчилган, бошқа аёллардан кўра калтарок кўйлақда юрадиган, қадди-қомати диккиллаб турадиган, урис қизларга ўхшаб пошнапи туфли киядиган Муборакхон кўрар кўзга ташланувчан эди.

У кутубхонага бораётганда қорачадан келган, тикма-чок гавдали, қилдай ингичка мўйловли бир йигит уқтин-уқтин рупарасида пайдо бўлиб қолар, унга танишлардай эгилиб салом берар, гоҳо ёнидан утиб кетаётганда томонини кириб қуярди. Шу йигит бир куни кутубхонада пайдо бўлиб, кутубхонага аъзо бўлмоқчи эканини айтди. Муборақхон рўйхатга олиб қўйиш учун паспорт сураган эди, у паспортини узатар экан «Мана, паспортимиз, нури дийдам», деди оғзи қулониға етиб.

Икки кун утиб қил мўйловли йигит китобларни қултиклаб келганда Муборақхон китобларининг биронтаси уқилмаганини, йигитни китоблар эмас, ўзи қизиқти-раётганини сездиқ билдирмади.

Йигит кунора кутубхонага қатнайдиган, қултиғига ҳар нималарни қистириб келиб ташлаб кетадиган бўлди.

Кунлар кетидан кунлар ўтди. У ўзини Муборақхон-га яқиндан таништирди.

Жоним тасаддуқ, — деди у бир куни, — мен Эски Жувада паттачи бўлиб ишлайман. Янгангиз билан орамиз чаток. Ёгани олдида, емагани ортида бўлсаям тили заҳар. Унга кўнглим йўқ. Сенинг доғингда қоври-либ қолдим. Сендек жононни бошимга қутариб юрншга қурбим етади. Ҳамма нарсаси бисёр.

Муборақхон аввалига эсанкираб қолди. Нима деяри-ни билолмай икки қўлини юзига босиб стулга утирди. Бир пайт йигитнинг қўллари унинг сочларини аста силлаб елкаларига тушаётганини сезиб, жон-жаҳди билан уни силтаб юборди. Паттачи Муборақхонни шартта қучоқ-лаб китоб жовонлари орасига олиб кирди, юз-қўзлари-дан, буйинларидан уна бошлади. Муборақхон шунча юлжинмасин бақувват эркак чангалидан чиқиб кетолма-ди, қандай қилиб ўзидан ўзи жимиб қолганини билмай қолди...

...Муборақхон кутубхонага номигагина бориб келади-ган бўлди. Унинг қалта-қалта бармоқларида шохқўбба тилла узуклар, райхон баргидай қўлоқларида саватгул зирақлар, момик бидақларида илонбош билагузуклар пайдо бўлди. Атласларнинг сонидан ҳам хили кўпайди. Алфникса «кичик атлас» эғнида ловуллаб турарди. Эри-дан қўрмаганини паттачидан кўра бошлади.

Кичкина ҳовли этагига иккита йигит тўрт-беш қуй сиғадиган симқўра қуриб кетишди. Уларнинг кетидан

думбаси нақ ерга етадиган учта қўйни зурға симқўрага қамашди. Шу кундан бошлаб ховлида қассоб қўй суядиган, қимлардир шимта-нимта тахланган гўштларни олиб кетиб, кечқурун Муборакхонга пул ташлаб кетадиган бўлди. Бир ҳафтада уч-тўртта қўй сўйилиб, Муборакхоннинг соясига салом берадиганлар қупайди.

Ўқитувчи хотинининг бунчалик тadbиркор бўлиб кетишини ҳаёлига келтирмаган экан. Ўртасаройдан келганда хотини унга бир қўти пулни қўрсатувди, юраги ёрилиб кетишига сал қолди.

— Жон хотин, — деди эсанкираб, — агар ҳукумат савдогарчилик қилаётганингни билиб қолса борми, мен тамом буламан, партиядан ўчириб, ишдан олишадди. Қўй, бу юмушингни, мени уйла, болаларга раҳминг келсин, охири вой бу ишнинг...

Муборакхон қўти қошқонини шундай шарақлатиб ёпдики, важохатини қўрган эрининг утакаси ёрилиб кетай деди. Муборакхоннинг эри кечаси билан мижжа қокмади. Ховлида маъраётган қўчқор овози худди мелиса чақираётгандай, эшик тик этса юраги гупиллаб кетарди. У барвақт туриб, нонушта қилмаёк, ухлаб ётган қизларининг юзидан ўтди, ўғлининг бошини силаб-силаб қўйдиди, Ўрта Саройга жунади.

Паттачи тез-тез келиб кетарди. У ўз уйида хўжайинлик қилгандай ховлида бемалол юрар, ечиниб-қийинар, қассобларга қарашиб у ер-бу ерига қон сачраса обдастада сув қўйиб турган Муборакхоннинг елкасидаги сочикқа қўлини артар экан. лабларини чўччайтириб, суқли гамшаниб, «Жонидан, ҳа, жонингдан ақоси» деб қуярди. Муборакхон ҳам эриб кетганини сездириб қуяётган сузук қўзларини яширгандай бўлиб, «Ёмонси» дерди.

Паттачи қўлинича болалар мактабда бўлган наётларинда кириб келар, иложи борича уларнинг қўзига қўришмасликка ҳаракат қиларди. Муборакхоннинг катта қизи бегона кишининг серкатнов бўлиб қолганини аввал онасининг савдогарчилик ишида шерикликка йўйди. Кейинчалик онасининг бу одам атрофида гирдиқапалак бўлишидан ваши келадиغان бўлди.

Айни баҳор яшнаган, ҳаммаёк оппоқ гулга бурканган палла эди. Ховли ўртасидаги якка урик қийнос очилган. Муборакхон ховли туридаги каттарок ўйда учта боласи

билан ётарди. Кизларини икки ёнига олиб, уёлига алоҳида жой солиб берарди. Ўша кун катта кизи ярим кечада уйғониб кетди. Онаси ётган томонга қўлини чўзса, онаси жойида йўқ. Секин уридан туриб ўтирди. Қоронғу хонада синглиси билан укаси жим ухлаб ётарди. «Онам ташқарига чиқибдилар-да» деган ҳаёл билан эшикни очди. Ховли жимжит. Зинада бирпас турди. У секин-секин юриб хожатхонага утиб кетаётганида дарвоза ёнидаги кичкина уйча деразасидан ичкарига бир қараб қўйди. Хона ичида қимдир бордай туюлди. У хожатхонадан қайтишда юзини икки кафти орасига олиб пешонасини совуқ деразага босиб, ичкарига мўралади. Деразадан тушган ой нурида онасининг ойдай сийласини куриб, аввал «отам келган эканлар-да» деб уйлади ва уялганидан тигарилиб, ётоқхоналари эшигига стар-етмас яна орқасига қайтди. Отаси қачон келмасин кизларини эркаламасдан, ўғли билан ўйнашмасдан ётмас эди-ку. Ўти жимирлашиб кетган киз деразадан яна ичкарига мўраладию, шитраб юборди. Онасини қучоқлаб ётган эркак кил мўйловли паттачи эди.

Киз кечаси билан гулғониб чиқди. Бир пайт муздек баданли, сочлари ҳўл онасининг секин келиб қўрпа ичига кирганини сизди. Бошқа пайтларда онасига ёнишиб, момик сийнасига бошини қўйиб, ёвдай эриб ухлайдиган киз балчиқдан қочгандай секин орқасини ўгириб унсиз йиғлай бошлади...

Орадан кун вақт утмади. Якшанба кун паттачи арава олиб келди-да, эрталабдан нарсаларини тугун-туғун қилиб ўтирган Муборакхонни учта болаеси билан Сағбондаги катта бир бокка қучириб келди. Бир гектарча келадиган катта боғ жашнатдай эди. Гилос, шафтоли, нок, олма бошини егандай эгилиб қолган. Боғ уртасида яқинда бўёқдан чиққан турт хона, олди айвонли уй, сўриларда шивилғон, ҳусайини, тонфилар кузни камаштиради.

Паттачи ерда эмас, осмонда юрарди. У баъзи кунлари пешинда ҳам пайдо бўлиб қолар, сушириб-сидирибми, мева терибми, ё кир-чир билан ғимиллаб юрган Муборакхоннинг орқасидан мушук гичқоқни пойлагандай секин-секин яқинлашарди-да, белидан маҳкам қучоқлаб бағрига босарди. Қўздан, буйнидан, дуч келган жойидан унганича уй ичига кутариб олиб кириб кетарди.

Муборакхон бозор-учар, рузгор нималигини унутди. Хафтада куй суйилади, ковуи-тарвуз аравада келади. Дарвозадан ташқарига чиқиш йўқ, хайхотдай ҳовлига ҳеч ким кирмайди, ҳеч ким билан борди-келди йўқ. Факат қўшни Миша амаки билан Маша ҳолага рухсат бор. Маша ҳола кириб Муборакхоннинг қўлидан ишини олади. Миша амаки бўлса бокка қарайди. Болалар мактабга катнайди...

Орадан бир йил ўтди. Муборакхон шу ҳовлида болалари билан қишлади. Паттачи ҳовлига шамолдай тувиллаб кириб, уқдай отилиб чиқади. Бир кун у ёшгина жувонни эргаштириб келди. Муборакхон билан анча адибади бўлди. Муборакхон қўнишга мажбур, орқага қайтадиган кўприкни ўзи бузиб ташлаган, паттачининг тонган-тутгани унинг сандиқда. Шу сандиқ улғур қанчалик оғирлашган сари Муборакхон ҳам шунчалик ҳовуридан тушиб борарди.

Муборакхон болалари билан катта меҳмонхона ёнида ётарди. Меҳмонхонадаги темир қарантоллар болаларининг хонасига чиқариб ташланган. Паттачи меҳмонхонада ерга қалин тушланган ўрнида ётишни ёктиради.

Кеч куз эди. Муборакхоннинг катта қизи ташқарига чикмоқни булиб ярим кечада дахлиз чироғини ёкиб, ҳовлига тушаётганда меҳмонхона эшиги очик экан, ийманибгина ўша ёкка назар ташлади. Дахлиздан тушаётган ёруғ меҳмонхона ичининг ҳам ёритиб юборди. У аввал кузига ишонмади. Ҳовлидан қайтишда яна секин меҳмонхонага қаради. Рост эди. Унинг қурган нарсаси рост эди. Меҳмонхона уртасига солинган қалин ўрнида паттачининг чалқанча ётиб бир қўлини онасининг бўйида, иккинчи қўлини улар билан бирга янаб турган жувоннинг бўйида ўтказиб, донг қотиб ётарди.

Қиз калтираган қўллари билан эшикни шунақа қарсиллатиб ёдикки, у ҳовлига хунтраганча тушиб улғурмасдан ёнида ярым яланғоч паттачининг ички ипак куйлақда онаси пайдо бўлди.

— Яқинлашмаларинг, яқинлашма, уятсанлар, — деди у эшикнинг чўмилган босиқ ичига югуриб кетар экан...

Қизлар ана шундай утиб борарди. Муборакхоннинг болалари ўз отаси билан мактабда учрашиб турганини, чундай озиб кетган отасининг «Ойнинг яхшими, яхши

юрибсизларми?» деб кўзи тула жикка ёш, бағрига босиб хўрсинишларини онасидан яширишарди.

Паттачи эрталабми, кечкурун, овқат маҳалида болаларни тўйиб овқат ейишга кистар эди.

— Кўп-кўп овқат еларинг, хайми, — деди бир кунни лаган тула гўшти тўғрар экан, — озиб кетмаларинг, мани яна боқолмонти, деб уйлашмасун.

Муборақхон, давом этди сузида паттачи, нега бу кизларинг мани «дада» дейишмайди, тузукрок салом ҳам беришмайди, ё ман оталик қилмопманми, а, оталик қилмопманми? Абил маладес, валисипит ёқдимки ўғлим, кани бир бўйнимдан ачом қилиб «Дадажон, рахмат» деб юбор. Абил лип этиб уридан турган эди, катта онасининг ўқрайган кўзларидан попуки пасайиб, секин дастурхонни айланиб утиб паттачининг майкачан, кўкрак, елкаларини жун қоплаган, семиз бўйнига кулини қўйди. «Кани, кани, катимрок, катимрок, вай будбулингдан айланай, энди «Рахмат, дадажон» дегин, кани, кани» деди. Абил «Рахмат» деди эшитилар-эшитилмас. — У ёғи қани, у ёғи, «Дадажон» дейиш сенга кийинми, аблаҳ, — деди паттачи. — Энди манга қараларинг, хозирдан бошлаб мани «Дадажон» деб атайсизлар, хайми?! Агар «Дадажон» демагаларинг — сўяман, мана лў пичок билан сўяман, кўропсанларми?

Кўлидаги дудама пичокни яраклатиб Абилга қаратган эди, у «Дадажон» деди йиғи аралаш, паттачи кичкина Аснога тикилган эди, у ҳам оғзидаги гўштни чай-нар-чайнамас култ этиб ютинди-да, «Дада» деди ўзини онасининг бағрига отиб. Навбат Муборақхоннинг катта кизига келганда, у паттачига тикилганча кузини лўк этиб тураверди. «Айт, сенам, оғзингга талкон солонсанми, айт деёпмай» деди паттачи кизининг бўйнига пичок тираб.

Аввалига тиржайиб, аста-секин қовоғини уқиб олган Муборақхон тунғич кизининг ранги қув ўчиб, килрик қоқмай кузидан шашқатор ёшини оқизиб ўтирганини кўриб чидай олмади:

— Бўлди-да энди, хаддингиздан ошманг, — деди юлқиниб. — У уридан кўзғалиш билан шуни кутиб тургандай болалари ҳам эргашди...

Шу орада паттачи каттик касал бўлди. Уйнинг ичида у ёқдан бу ёққа ағанаб додлайди, қоринни чангаллаб итгайди. Муборақхоннинг боши қотди. Уйига хабар

берай деса хотини, бола-чакалари нима дейди, ошна-оғай-ниларига айтай деса, ҳеч кимни танимайди. Охири Миша амакини чақириб паттачини ТашМИга олиб жунади. У ерда паттачи қурчак булганини айтишди. Муборакхон паттачини жаррохлар қулига топшириб, орқасига қайтди. Уйига келиб Миша амакидан арава топиб келишни илтимос қилди.

Болалар мактабдан қайтганда Муборакхон нарсаларини туғиб, тайёр утирар эди.

Тез-тез булинглар, кетамиз, — деди у мултираб турган болаларига қараб.

— Қаёққа? — сўради қизи лоқайд қисфада.

— Қаёққа буларди, уйимизга, ўз уйимизга...

Қизлар онасини кучоклашиб йиғлай бошлашди. Миша амаки аравакаш лўли билан тутунларни ташиётганда она-болалар бир-бирларига арқондай ўралашиб турарди. Фақат Абил велосипедини аравага ортмоқчи булгандагина катта онасининг «Ташла, ташла деймак сенга» деган йиғи аралаш овози эшитилди...

...Хаёллари айқаш-уйқаш Абдулла мольберт олдида бир матога, бир палитрага, бир деворда осиглиқ она бувисининг болалари билан тушган расмига тикилиб турди. Матога ингән бўёқлар изидан гоҳ онасининг, гоҳ хожи холасининг, гоҳ она бувисининг харир либосга буркангандай билинар-билинимас сиймолари Абдулла кўз унғидан аста-секин узоқлашиб, хиралашиб, капалакдай енгил учиб, кетиб борарди...

... Айча вақт юз-қузини чангаллаб утирган Абдулла ниҳоят уридан турди. Унғ томондаги деворга осиб қўйилган расмда Қоплон унга мултираб қараб турарди.

2001 йил.

МЭЛС — ОЗОД БЎЛДИ

Мэлсининг онаси эгизак ўғил тукқанди. Хасан-Хусанлар бир-бирини ҳувиб юрадиган паллада Хусан зотил-жамга учраб ўлиб кетди. Отасининг битта орзу қаноти қирқилгач, уша қуниёк тирик қолган Хасаннинг исмини ўзгартириб, Мэлс деб атай бошлаган.

Мэлс ота ўғил бўлди. Қизил бўйнибўғли пионер бўлди. Қизил нишонли комсомол бўлди. Қизил дафтар-

чали фирка бўлди. Катта кишларга, ҳатто вазир даражасига кўтарилди. Қўйни-қўнжи пулли бўлди. Эл орасида узига яраша обрў-эътиборли бўлди. Унинг асл башарасини биров билса, биров билмас эди. Ишхонасида уни ҳурмат қилинмаса ҳам жуда қурқишарди. Жаҳли чиқканда уз кабинетида қўл остидаги ходимларни уриб-қалтаклайдиган, сукиб-ҳақоратлайдиган, жазаваси кузиганда стол устидаги телефонни ё қўлдовни отадиган одати ҳам бор эди. Унинг кабинетида ҳар ойда икки-уч марта телефон аппарати алмаштирилар эди.

Ҳар сузини «Онангни...»дан бошлаб, «Онангни...» билан тамомларди. Шунинг учун у ишлаган вазирликда кадрлар қўнимсизлиги авжида эди. Булим бошликлари ҳар йили ўзгартирилиб, ёмонотликқа чиқар, янгиси ундан-да шарманда бўлиб бўшатиладди. Биров «Ҳой, вазир, ахир, ходимларни ҳамюртларингиз ичидан ўзингиз танлайсиз, ўзингиз лавозимга қўясиз, сиз келгандан буён қанча-қанча одам ишдан четлатилди, демак, уларни танлаган сиз булсангиз, ишга олган ўзингиз булсангиз, биринчи айбдор сиз эмасмисиз, одам танлашни билмаган вазир сифатида истеъфога ўзингиз чиқсангиз бўлмайdimи, деб унга очик айта олмас эди. Ахир, у буйруққа қўл қўяди-да. Ким унга тик қарай олади? Атрофидаги лаганбардорлар фақат ҳар галги буйруққа чапак чалишдан нарига ўтмайди. Шундай қилмаса эртаси кун оғасини учқурғондан куради.

Мэлснинг хотини шифокор. Уйда ҳам, ишхонасида ҳам озодаликни, ҳаммаёқ ошпоқ бўлишини яхши куради. Уйни таъмирлашда эру хотин анча тортишиб қолди. Хотини эшик, деразаларни оқ бўёқдан чиқаришни истаса, Мэлс усталарни қизил рангни кўпроқ ишлатишга мажбур қилди. Ҳадеб мингирлаган хотинига ушқирди.

— Тушунсангчи, нодон, олий маълумотли булсанг ҳам ақлинг йўқ, тарихни ёмон ўқигансан, сиёсий оғинг паст, — деди Мэлс, — «Оқ», «Қизил» ранглар орқасида нима туришини биласанми? «Оқлар» билан «Қизиллар» урушини эшитганмисан? «Оқ»ларни «Қизил»лар етган. Бизникилар қизил байроқ билан валаба қозонган. «Оқ», «Оқ» деганның сари куз олдимга шулар келади, энди билдингми?

— Шу ҳам гапми? — деди Мэлснинг хотини лабини буриб.

Мэлсининг кистови билан курна-ёстик, курначаларга-ча кизил, пушти рангли матолардан бўлди. Уй ичига бурун конидек кий-қизил гиламлар тўшалди. Барча эркаклар расмий маросимларга, театр ва киного ёқаси таранг оқ кўйлак кийиб бorse, Мэлс кизил кўйлагини эгиндан ташламас, кизил шарфини киши бўйи бўйишдан туширмас эди. Ҳатто ишхонасидаги айрим дўстлари унга «Кизил» деган лақаб қўйганини бир қўлоғи билан эшитган бўлса ҳам хафа бўлиш ўрнига фахрланиб юрарди.

Мэлсининг хотини кўшни дугонасининг олдига чиқиб эди. Дугонасининг уғли йиғирмата ошпоқ жўжа опкелиб, сим қўра ясаб берган экан, бирам хаваси келдики. Иложи бўлса бизга ҳам олиб беринг, болаларга эрмак бўлади, деб илтимос қилди. Эри билан маслаҳатлашмагани учун анча бакирик-чакирик бўлди. Мэлс ишдан қайтганда ховли тўла ошпоқ жўжаларни кўриб жон-пони чиқиб кетди. «Йўқот буларни, йўқот бу оқ гвардиячи» деб бакирди, кейин ҳайдовчисини чакириб, жўжаларни тутишни буюрди. Ҳайдончиға қўшилиб ўзи ховлининг у ёғидан бу ёғиға чопиб жўжа қўвлади. Ҳаммасини тутиб, ҳайдовчисига бериб юборди.

— Сенга товук, туҳум керак бўлса, — ўшиқирди хотиниға Мэлс, — вагонлаб келтираман, ўзимизнинг олачипор товуклар бўлсаям майлийди...

Мэлс иктидорли сиёсий арбоб бўлмаса ҳам катталарга ёқадиған маддохий мақолалар ёзувчи, фаол жамоатчи бўлганидан, султон суягини хорламас, деганларидай, унга навбатсиз «Волга» машинаси беришган эди. «Волга» оқ рангда экан. Ҳамма оқ рангли «Волга»ға «шанка» бериб олса, унинг жаҳли чиқди. Уйдагиларнинг хурсанд бўлишиға қарамай машинани магазиндан олиб келган кунёқ кизил рангга буятди. Қизил дарвозаға ошпоқ машина ярашмайди, деди. Ҳамма ярасада мутаносиблик бўлиши керак, деди. Ахир томининг туңукасини ҳам бекорға кизил бўёкка буятмаган-ку!

Ана шундай кунларнинг бирида Мэлсининг хонадонига мустақиллик кириб келди. У уч-тўрт ой хаёл сүриб юрди. Аввал ўйини ўзгартирди, кейин тўнини ўзгартира бошлади.

— Хотин, — деди Мэлс мустақилликка бир йил тулғач, қандай ажойиб замонға етиб келдик. Ўзимиз — хон, қўланкамиз — майдон. Ўзгарини катта, юксалини

катта. Мана, мен узимдан сезаялман. Бир ағанаб янгитдан туғилганга ухшайман. Мен янги одам булдим. Янги лавозимим ҳам шунн тақозо этади. Булмаса мен раҳбар этиб тайинланармидим. Сенлар ҳам узғаришинг керак, болатаринг ҳам. Бутун ховли-жой, кийим-бош, асбоб-анжомлар узғариши керак. Хамма нарса замонга яраша булсин. Истиклолни барча узидан бошлаши керак. Мен бошладим. Хозир кўрасан.

Мэлсининг хотини яна нимани кураар эканман, деб турган эди, ташқаридан машина сигнали эшитилди.

Қара, кара, чик, хой, чик, — деди Мэлс хотинига.

Эру хотин кучага чиқишганда дараоза ёнида Мэлсин олиб юратиган хайдовчи йигит кук рангли «Волга» олинди тиркайиб турарди.

— Қалай, Мэлс ака, кунгилдагидай бугими? — сўради йигит.

Зур, зур, — деди Мэлс машинани силар экан. — Мана буни мустақиллик меваси деса бўлади. Хотини булса кук рангли машинани таний олмай хайрон эди. Бирдан машина ракамларига кузи тушиб анграйиб қолди.

— Бу нимаси? — деди эрига.

Мэлс машинани болохона тагига хайдаб кирди, ичиндаги қизил рангли ёпқичларни шилиб-шидиб олди ва ховлига улоқтирди.

Эс-хушингиз жойидами? — деди уни кузатиб турган хотини.

— Эс-хушим жойида, — хотинининг гапи утиб кетган Мэлс бақриб кетди. — Мустақилликка бир йил тулди, сенларда узғариш йук, онгларида узғариш йук. Нега машинани кукка бўятдим, биласанми? Билмайсан! Қизил ранг — бу кон ранги, қизил байроқ ранги, революция ранги. Қизил рангли партбилет туфайли қанака ишлар бўлганини ўқимадингми? Ўқисанг ҳам ўқмагансан. Мана, энди озодликка чиқдик, эркин яшамоқдамиз. Қўлимизда яшил байроқ! Йўлимизда доимо яшил чирок, ҳар қадамда миршаблар булсаям. тухтамай утиб кетаберамиз.

Таяба, — деди хотини, — бу гапларга рангнинг нима алоқаси бор? Бечора қизил рангда нима гуноҳ?

Мэлс «Қизил» сузиқи эшитиб яна тутотди. У «Мен курсатиб қўяман сенга қизил рангни» деди-да, ховли-

нинг уртасига «Волга»дан шилиб олган қизил ёпқичларни тўплаб ёқиб юборди. Югуриб ичкарига кириб кетди. Жовонлардаги қизил рангли китобларни қучоқ-қучоқ олиб чиқиб оловга ташлай бошлади. Хотинининг «Хой, хой»ига қарамай, уни итариб юбориб, яна уйга югурди. Ўзининг қизил кўйлаги, қизил галстуги, шарфи, хотини билан қизининг бир қучоқ атлас кўйлақларини гулҳанга улоқтирди. Маленинг нажохатидан кўрккан хотини дафдаф титраб юзини чангаллаганча чўккалаб қолди. Ховлини аланга қоплади. Қизил китоблар, атлас кўйлақ, қурпачалардан пайдо бўлган гулҳан ботаётган қуёшга қучгандай осмон этаги ҳам қуёдай ловуллаб ёнарди...

Бир ойдан кейин Малс хонадонида кўй сўйилиб ақиқа бўлди. қариндош-уруғ, масчитдан қариялар чақирилди, халойик олдида у исмини «Озод» деб ўзгартирганини микрофон орқали эълон қилди.

2002 йил.

П О К Л А Н И Ш

Эркаклар табиати жуда қизик-да! Кўчадан келган захоти «Онанг қани?» деймиз. Бошқа пайтларда аτροφимиздаги гирдикапалакка парвойимиз палак. Чой дамласа — аччиқ булманти, ош келтирса — ёғи кам, деб камситамиз. Қани энди бизга ҳам танбех бериб кўрсинчи? Сиркамиз сўз кутармайдн. Яна ишимиз юришмай қолса, хотиндан алам оламиз, боламиз шўхлик қилса, «Болангни тийиб қўй», мактагулик иш қилса «Отасининг ўғли-да!» деймиз. Ишқилиб, хотинлар бизга балогардон, мабодо жанжаллашиб қолсак ҳам айбни хотинга йуямиз. Бир кун утар-утмас «Аввал уйлаб гаширсам булар экан» деб афсусланиш одатимиз ҳам йук эмас. Салоҳиддин бугун эрталаб арзимаган нарсадан хотини билан санманга борди. Дам олиш куни бўлганидан болалар ҳам ўхлаб ётар, хотини ҳар кунгидай дастурхон ёзиб «Нима ейсиз?», «Нима ичасиз?» демасдан тўннини тесқари қийиб олди. Эрталабданок кнр ювинини бошлаб юборди. Бир ўзи чой ичгандай бўлмади. Иштаҳаси ниппа бўғилди. Телевизор тугмасини босган эди, ошхонанинг ичи ашула, рақс, муסיқага тулди. «Қачон қарасанг ашула, рақс, буларнинг бундан бўлак дарди йукми?» деди ўзи-

га-узи тунгиллаб. Утирган жойидан телевизор овозини настлатган эди, ташқаридан «Киргизия» кир ювиш машинасининг бир маромда вағиллаши асабига тега бошлади. Бир оғиз «Уэр, хотинжон, айб биздан утибди» деса — олам гулистон, туман таркалиб, кунгил очилиб кетарди. Тили кечирим сурашга ҳеч айланмас, аксинча, қовоғидан қор ёғиладиган хотинини аямажуздай бир чақиб олгиси келдию, узини тийди. Мабодо биринчи бўлиб гап бошдаса ялинаётгандай туюлиб, йулакда бироз серрайиб турди, кейин ётоқхонага кириб кийина бошлади. Хотини кароватдаги курия, ёстиқ жилдларини йиғиштираётганда, кизим сенга айтаянман, келиним сен эшит, қабилида нариги хонада ухлаб ётган уғли томонга қараб: «Мен кетдим, кеч келаман» деди қасққа кетаётганини айтмай.

Салоҳиддин хотиним «Бугун дам олиш кун, ишхонангиз ёпиқ, қасққа борасиз» деб сурайди, деган ҳаёлда эди, у бўлса кир-чирларини қучоклаб индамай чимирилганча ёнидан утиб кетди.

Салоҳиддин йулакда машина калитгини қўлида уйнатиб турди. Машинада қасққа борарди? Ҳеч ким билан ваъдалашган эмас. Сифдош уртокларига кунгирок қилиб курсимми? Пар ҳаммомга бориш керакмикин? Унда хотиндан сочиқ, ички кийим сурашга тўғри келади. Йук, бу хотинга яқиниш дегани. Яна бурни кутарилади. Шу сифдошлар билан учрашишдаям маъно қолмаяпти. Пар ҳаммомда чўмилиш ўрнига бошқорик гаплар. Суннат-панчмак доллар бутун бунақа бўпти, кеча унақа эди, деб қаллани котиради. Шўхрат бир яшиқ пиво тамом бўлмагунча ҳаммомдан чиқмайди. Карим пачоқ эса Шулат қоридан эшитган гапидан нарига ўтмайди... Чойхонага чиқсамикан? Маҳалладаги журналар билан бир ошхўрлик қилсамикини? Шахмат сўрниш мумкин...

Салоҳиддин ҳаёл суриб автобус бекатига келиб қолганини билмай қолди. У дуч келган автобусга миниб шаҳар томонга жўнади. Анчадан буён автобус, трамвайларда юрмас эди. Машина олганидан буён хатто маҳалла дуқонидан нон олиб келиш бўлсаям пшёда бормас, хотини бир кун «Энди хожатхонагаям машинада боришингиз қолди» деб кесатганди. Жа, тили заҳар-да! Кулиб гапирса ҳам уйиб гапирарди. Уни «Нина Захаровна» деб чақирсам булар экан — мийигида кулиб қўйди.

Ўрда буёидаги бекагда автобусдан тушгач, кунрик устидан утиб, Мустакиллик майдонига кирди. Одамларни кузатиб турди. Назарида ҳамма унга қараб-қараб кетаётгандай. «Э, сиз ҳам шу ердами, қаранг, Анхор ит-рофларига бир қаранг, қанақа чиройли бўлиб кетган-а» деяётгандай туюлди. Хотира майдонига яқинлашганда қалати бир туйғу уни чирмаб олди. Майдон ўртасида мангу олов порлаб турарди. У анвал олов томонга қараб юрди. Қадам ташлаши тобора секинлашди, секинлашган сари, вужудини илиқ бир отанг эгаллаб олди. Бирдан унинг хаёлини оташпарастлар фалсафаси... «Авесто» ҳикматлари эгаллай бошлади... Чиройли мармлар гардишидан кўкка таралаётган олов тиллари уни чорлар, хиёбондаги одамлар одамлар эмас, узоқ-яқин утмишда яшаб утган фаришталар авлодидай унга қадрдон туюлиб кетди.

Салоҳиддин Хотира хиёбонидаги қатор нақшинкор устунлар ёнига келиб «Бунчалар гузал бўлмаса!» — деди халқ усталарини санъатига қойил қилиб. Хиёбонда уни урушда ҳалок бўлган отаси, тоғаси, амакиларининг хотираси маҳкам кучоклаб олган эди.

Салоҳиддин кўм-кўк арчалар билан ихоталанган майдончада беғубор ички ғурурга бурканиб кетаётганда бир кулнини чунтагига тикиб, лабидаги сигаретини кетма-кет тортиб, оғзидан буркситиб тутун чиқариб турган усниришга кўзи тушди. Индамасдан келиб йиғитчанинг лабидан сигаретани юлиб олди-да, «Бетамиз экансан», деди унга ўқрайиб. Туркистон саройини рўпарасидаги уриндиклардан бирига утириб, узоқдан салобат тўкиб турган Хотира мажмуасини кузатди. Хотира майдонининг орқа томонки узун девор эди. Трамвай йули томондан қараганда гузал устунлар қўриқмас, узун девор хиёбон ҳуснини тўсиб қўйган. «Зан чиройли жой бўлибти-ю, меъморлар шошиб қилинипти-да. Шундай чиройли хиёбонни ёлқ деворлар билан урамаслик керак эди. Агар ичкаридаги нақшинкор устунларни айвонга гир айлантириб қўйилганда хиёбон тўрт томондан томоша қилинадиган ажойиб манзара касб этарди... Майли, ҳозирча шундоқ бўлганига ҳам шўкр!...»

Салоҳиддин Мустакиллик майдонидан кўнгли алча равишан тортиб утиб борар экан, яна бир нарсга хаёлига келди. Иморат ва одам... Одам ва иморат... Булар бир-

бирига қанчалик яқин бўлса, иморат қуришда инсоний меъёр қанчалик сақланса яхши экан. Иморат унга яқинлашган одамни ютиб юбормай, босиб қолаётгандай туюлмай, узига чорласа яхши экан. Шаҳар иморатлари қанчалик баландликка кутарилса, шунчалик уларнинг атрофига одамларнинг қуплаб келишини уйлаш керак экан. Одамлар хиёбон, майдон, шаҳарларнинг қон томири. Одам қам бўлган хиёбон, одамга тулмаган майдон совуқ, бефайз булар экан. Баланд иморатлар ёнида, ичида қанчалик одам чорлар жойлар қуп бўлса, шунчалик иморат жонли қуринар экан. Иморат ҳайкалдай қотиб эмас, одамдай «юриб» турса яхши экан. Шунинг учун «Навруз», «Мустақиллик куни», Янги йил байрамларида Мустақиллик майдонини таниб бўлмайди. Ҳаммаёқда одам, чоратроф гуза.!

Салоҳиддин Мустақиллик майдонидан ўтиб борар чоғи, маҳобатли бинодаги «Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонаси» деган ёзувни ўқиди-ю, такка тўхтади. Юраги гуп-гуп ура бошлади. Қизик, кутубхонага келмаганигаям саккиз йилдан ошибди. Номзодлик диссертациясини ёзиш палласида кутубхонага ҳар куни эрталаб келиб, кечқурун кетарди. Аъзолик билети ҳам аллақачон йўқолиб кетган. Ҳа, ҳа, шунча йил ўтиб кетибди-я. Лоақал газета-журнал варақлайман... Уйга буюна бўлиш ҳам унутилди...

У кутубхонанинг оғир эшикларига аста қулини чўзди. Хаёлида кутубхонада ҳеч қим йўқ эди. Ичкарига кириши билан анча ёшларга кузи тушиб, уларга бирам ҳаваси келди, бирам ҳаваси келди...

Салоҳиддин аввал газета-журналлар укиладиган хонага кирди. Шошиб қолди. Газеталарни ўқий деса, журналлар қаторлашиб ётипти. «Гулистон»ни варақлаб, «Авесто»га кузи тушди: «Мадҳ этаман эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амални. Жамий эзгу фикрат, эзгу калом, эзгу амалга бағишланаман, жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман...»

Ёнида муккасидан тушиб қитоб ўқиётган йилгитдан бир варақ қовоз сураб олди-да, «Авесто»дан ёкиб қолган жойларини кучира бошлади. «Э, ажабо, — уйлади у, — бундан уч минг йиллар илгари аждодларимиз шунақа фикрлаган бўлсалар-а...»

Салоҳиддин китобларни вараклаган сари тобора тулқинлана бошлади. Унисини ўқиса буниси қолиб хетаётгандай, битта китобни бошидан охиригача тугатаман деса, вақт етишмайди. Кўз олдида уйидаги жавон тула китоблар, китоблар келди. Уларни қачон ўқийди? Нима учун уларни йиғади? Нега ўқишдан бунчалик чиқиб кетди? Ахир китобсиз умр — ҳисобсиз умр-ку!

У ёнидаги ўспириндан яна қороз сўраб олди-да, китобларни кўздан кечирган сари миясига келган нарсаларни ёза бошлади...

«...Рухнинг, қалбнинг на миқдори, на ранги, на оғирлиги, на шакли ва на андозаси бор... «Рухи баланд» пасткаш одам бўлганидай, «Рухи тушган, руҳи синиқ» доно бўлиши ҳам мумкин... Инсоннинг яхши-ёмонлиги, қўшинча унинг фақат ақлига қараб эмас, руҳи, қалби, фароғати ва феълига қараб билинади. Ақли расо бемаза одамлар бўлганидай, феъли қалим айёр одамлар ҳам учраб туради...

Қалбни фармон ила бўйсундириб бўлмайди, қалбнинг ўз амрифармони мавжуд, баланд руҳни чуқртириш мумкин-у, улдириб бўлмайди...

Ақл — инсон вужудининг чироғи эрса, чироқнинг пилиги тил, мойи — қалб ёнқи руҳдир. Мойи йук чироқ ёнмаганидай, қалби чиркин инсоннинг ақли ҳам қоронғу бўлади, пиликсиз чироқ бўлмаганидай, тилсиз одам йук. Бирок пиликнинг тўйинган ё тўйинмагани мойга боғлиқ бўлганидай, тилнинг равон ва бўрролиги ақлнинг кучи, қалб покизалигига боғлиқ...

...«Хар бир одам боласининг руҳида, қалбида унинг турли нафсини қўзғаб турадиган ўз шайтони бор. Бу шайтонни фақат ақл ва тарбия кучи ила жиловлаш мумкин...»

Салоҳиддин урнидан турди. Тик оёқда охириги жумлаларни такрор ўқиди: «Хар бир одам боласининг руҳида, қалбида унинг турли нафсини қўзғаб турадиган ўз шайтони бор. Бу шайтонни фақат ақл ва тарбия кучи ила жиловлаш мумкин...» Тўғри, жиловлаш керак. Э, тавба, ёзган нарсаларим бошқаю, ўзим бошқа одамми?

Салоҳиддин ёзаётган варакнинг орқа-олди тулганига кўзи тушган ўспирин яна бир-икки варак ошшоқ қорозни суриб қуйди. Салоҳиддин индамади-ю, ичида бу йитит-

чанинг ҳушёрлигига қойил қолди: «Раҳмат!» деди унишг елкасини аста силаб қўяр экан.

Салоҳиддин бошқа китобларни ҳам кўздан кечиргиси келди, аммо миясига қўйилаётган фикрлар унишг қўлини яна қичитди.

«...Инсон дунё ва охираи уртасидаги бепоён манзилда юргувчи қарвонга ухшайди. Манзил абадий, қарвон ўткинчи бўлганидай, инсоннинг тани — фоний, руҳи — боқийдир. Руҳнинг боқийлиги инсоннинг дунё билан охираи уртасидаги йўлда топган маънавий мулкига боғлиқ. Руҳнинг сояси йўқ, аммо доимий ҳаракатда. Уни қурмайсан, аммо усиз яшай олмайсан. Уни ушлаб бўлмайди, аммо сени қўйиб юбормайди. Дилга — улим, танига тиним йўқ. Танининг тингани — улғавидир, дилнинг улгани — боқийлигининг давомидир...»

...Ҳар кимнинг умри бошқа, умиди бошқа бўлганидек, ҳар кимсанинг илми бошқа, амали бўлакча. Ана шу «бошқа»ни бошқара билниш ва тарбиялай олиш илмига илм қўшади, ақлни амалга қўчиради. Ана шунда илм инсон учун жамиятда ўрин, маънавиятда мавқе, ўзига ҳусн бағишлайди. Илми — илдам, илменг имиллагандир. Илмсизлик одам боласини ҳайвонот оламига етакласа, билм одамни ҳайвонот дунёсидан маънавият оламига олиб ўтади...

...Бесабрлик ғазабни туғади, ғазаб эса жаҳолатни вояга етказди. Ғазабни қарздай ҳис этиб, уни сукут ила узган маъқул. Акс ҳолда инсон ақлнинг турига эмас, ғазабнинг қурига ўтирган бўлади...»

Ўзлуксиз ёзишдан Салоҳиддиннинг мияси эмас, қўли чарчади. У уридан туриб ташқарига чиқди. Кенг майдонда тўйиб-тўйиб нафас олди. Кутубхона олдидаги гулзор оралаб у ёқдан-бўёққа анча юрди. 16 февраль воқеаларидан кейин чиройли таъмирланган Ҳукумат уйининг салобатли қўринишидан завқланиб, бундан бир йил аввалги воқеаларни эслаб «Аблаҳлар!» деб қўйди.

Яна кутубхонага қайтиб кирди. Дўч келган китобни варақлай бошлади: «Хотин киши қовурғадан яратилган. Агар сен қовурғани туғрилайман десанг синдирасан, муроҳа қилу у билан яша!» Бу пайғамбар Муҳаммад саллоллоху алайҳи васалламнинг Ҳадислари эди.

Салоҳиддин ҳадисларни ўқиган сари қўли беихтиёр қаламга талпинди. Ёза бошлади:

«...Эр хотинга, хотин эрга кузгудир. Бирнга караб иккинчиси ҳақида фикр юритилади.

Хотинини уз онаси, она-сингиллари ва кизларидай севган, ҳурмат қилган, эъзозлаган эркак ҳеч қачон оилада ҳор бўлмайди.

Оиланинг ягона устунни мен буламан деб ҳудайиб турадиган, оиланинг ягона учоғи мен буламан деб оғиз-бурнидан тутун чиқарадиган, оиланинг ризки-рўзи мен буламан деб едирган-ичирган ноз-неъматларини таъна қиладиган эркакдан ҳайнкиш мумкин, аммо у ҳурматга сазовор бўлолмайди... Оилани тузмок қийин, бузмок осон...

...Оида шарафни бўлинмайди. Уни эр ҳам, хотин ҳам барабар кутариб юради. Эркак гуноҳни аёлни қаритади, аёл гуноҳи эса эркакнинг обрусини туширади. Хотин — эркакнинг иззағи бўлса, эркак хотиннинг қисматидир. Уларнинг муҳаббатидан оила, оиладан эса фарзанд деган ширин мева ҳосил бўлади...»

Салоҳиддин ёзувларининг шу ерига келганда чарчади. Кироатхонада ҳеч ким қолмаган, кутубхоначи аёл ҳам Салоҳиддиннинг муккасидан кетиб, ёзиб утиришига ҳалал бермаслик учун бир бурчақда мултираб утирарди.

Салоҳиддин бошини орқага бир-икки кутариб-тушириб қотиб қолган гарданини бироз юмшати. Аста туриб, «Раҳмат, онажон!» деди, уйга кеч қолдим-ку, намунча имиллайсиз, деган маънода унга қараб турган аёлга. У ёзганларини буклаб ён чунтағига солдида, кутубхонадан қушдай енгил ўчиб чиқди. Мустақиллик майдони этагидаги шохкучада дуч келган машинани тўхтатиб «Олой бозорига, ҳайданг, гул бозорига!...» деди.

1999 йил.

«ОТАМ ДЕРМАН»

Салоҳиддин Муқимович ҳар йили ёзги дам олишга чиққанда сеvimли шогирди Аҳмадалини уз урнига булим бошлиғи этиб гайинларди. Аҳмадали ҳам бу қушни орзиниб кутарди. Устознинг столини вақтинча булса-да эгаллаб, баъзан соатлаб нималариндир ёзиб утиришини, ҳодимларининг келиб-кетишини, юриш-туришини узица тергашни ёктирарди. Айниқса, номзодлик диссертациясини

ёклаб, катта илмий ходим лавозимига кутарилиб, домланинг унг қули бўлиб олгандан кейин, унинг фақат кийим-бошигина эмас, хатти-харакатлари ҳам ўзгарди. Бунни биров сезди, биров сезмади.

Бўлимдагилар домладан кура Аҳмадалидан чучиброк туришарди. Бирор диссертация ё макола муҳокамасида ҳаммадан кура танқидий фикр Аҳмадалидан чиқарди. Домла билан унинг ўртасидаги фарқ шунда эдики, агар Салоҳиддин Муқимович ишни нима қилса қанақа бўлиши ҳақида маслаҳат берса, Аҳмадали ноўрниг ишлатилган сўз ёки маромига етмаган жумлаларни олиб олиб, байроқ қиларди. Шундан бўлса керак, айрим кичик илмий ходимлар ундан ҳадиксираб туришарди. Кейин домла билан Аҳмадалининг орасидан қил ўтмаслиги, Салоҳиддин Муқимович собиқ аспирантининг келажаги порлок деб билганиданми, ё Аҳмадалининг домлани курганда у кучоқлаб «Отам дерман», деб упкаси тулиб қувониши ходимларда ҳурмат уйғотарди.

Ҳамма биларди, бир қувмас бир кун от урнини той эгаллаши табиий эди. Бунни домла очик айтган пайтлар ҳам бўлган. Шунда Аҳмадали домланинг сапларини эшилиб эшитса-да, сир бой бермагандай, «Ундок деманг домлажон, мингга киринг, бизга бош бўлиб юринг, сизни «Отам дерман», деб энтикарди.

Домла шоғирдларини чертиб-чертиб танларди. Шундан бўлса керак, шоғирдлари ҳам кам. Ким унга шоғирдликка келса «Туғрисиини айтинг, сиз олим бўлмоқчимисиз, диплом олмақчимисиз?» деб сурарди. Қўпчилик тезроқ диплом қўлга киришини айтишарди. Домла «Олим бўлмоқчиман» деганга бошқача режа тузиб берар, тезроқ диплом қўлига тегсин, деганларга ўзгача йўл-йўрик кўрсатар, «Майли, сен ҳам ҳимоя қилиб оларсан, аммо сендан олим чикмайди, бирор жойда дарс бериб, олимларнинг илмини, ёзганини ёшларга етказиб юарсан» деб қўярди. Аҳмадали «Мен олим бўлмоқчиман» дегани учун домланинг унга меҳри товланиб қолган.

Аҳмадали номзодлик диссертациясини ёклашига уч кун қолганда йикилиб оёғи синган. Оёғи тахтакачланган Аҳмадалини икки киши залга олиб киришди. Ҳимоя учун унга сўз берилганда Салоҳиддин Муқимович билан бир шоғирди Аҳмадалини кутариб, минбарга олиб чиқади. Залда домлани таниган-танимаган одамлар бунга хайрон бўлишган.

Уша йиллари янги машина олиш анча қийин эди. Ишхонада лавбатда туриларди. Райижроқўмда алоҳида рўйхат буларди. Бир куни директор Салоҳиддин Муқимовични чақириб, институтга битта машина ажратилганини ва у домлага аталганини айтади. Шунда домла ўзини уйламай, Аҳмадалини машиналик қилиб қўйган эди.

Тез орада Аҳмадали домланинг тавсияси, керакли жойга қўнғироғи, илтимос қилиб боришлари оқибатида шаҳар марказидан квартира ҳам олди.

Аҳмадали ўсиб улғайди. Илмий жамоатчиликка танилди. Қаерда нуфузли анжуман бўлса, домла унинг номини ёздириб қўяр, маъруза матнини қўриб чиқар, мақолаларини ёзишга ёрдам берарди. Рисоласи чоп этилишида бош-қош бўлиб, муҳаррирлик ҳам қилди. Аҳмадалининг тиниб-тинчимаслиги, тезкорлиги, ҳатто шаддодлиги ҳам унга ёқарди. Фақат йиғинларда кетма-кет мунозараларга чиқишнинг биров ҳушламай «босикрок бўлинг, мавлоно, босикрок» деб қўярди.

Домла халқаро илмий уюшмаларга ҳам Аҳмадалининг номзодини тавсия этди. Авваллари хорижга бирга бориб, бирга келишди. Қўпинча домла шогирдининг маъруза матнини инглиз тилига таржима қилиб берар. Аҳмадали бўлса уни домланинг материалига қўшиб, почта орқали чет элга жўнатар эди. Париждан юборилган тушламда домланинг мақоласи тагида шогирдининг исми-шарифини қўриб тилини тишлаб қолган пайтлар ҳам бўлган. Бунга у аввалга шунчаки англашилмовчилик, деб билди. Кейин яна «англашилмовчилик» туфайли мақоласи Аҳмадали нқкаласининг номидан босилиб чиқди. Бора-бора хориж билан муносабатлар ўзгариб, халқаро анжуманларда катнашиш учун Аҳмадалининг бир ўзига таклифнома келадиган бўлиб қолди... Аҳмадалининг докторлик диссертациясини ёзмай, нашр қилинган мақолалари ва битта рисоласи бўйича химояга чиқишга ҳам домланинг хизматлари катга бўлди.

Домлажон, — деди Аҳмадали, — Сизни отам деганман, менга ёрдам беринг, соғлиғим ёмон, яримта ўпка билан узоқ яшаб бўлмайди. Касалхонадан бошим чиқмай қолди. Шу иккита рисолам асосида автореферат тайёрлаб, докторликни химоя қилиб олсам, сизни ула-ўлгушимча унутмайман. «Бизни соҳа бўйича докторлар кам,

ёшларнинг келажакдаги ҳимоялари учун докторлар жуда зарур», десангиз гапингиз утади. Чинакам олим бўлмасак ҳам ошлонент бўлиб, раҳбар бўлиб, айтганингиздай дарс бериб юрармиз, сизнинг ҳам ёшингизда ишонган одамнингиз бўлиши керак...

Аҳмадали тез орада фан доктори, кейин профессор унвонини олди. Катта-катта йиғинларда олдидан тайёрлаб қўйиладиган икки-учта сузамоллар каторидан ўрни эгаллаб, катта рўйхатга тушди. Лекин тез орада Аҳмадалининг ҳар бир чиқиши илмий салоҳиятининг маддоҳлик уруғидан усиб-унган тахир мевасидаги одамларнинг қанига тегиб, қўнғилини озирадиган бўлиб қолди.

Бир шокеа юз берди-ю, Аҳмадалининг попузи бироз насайди. Ёзда Чимёи санаториясига даволанишга борган эди. У ердан димоғи чоғ қайтди. Аммо бу кайфияти узокқа чузилмади. Чоршанба кўни Салоҳиддин Муқимович бўлим мажлиси олиб бораётганда ёш бир қиз нима-нибгина эпикни очиб, ёнди. Қизга кузи тушган Аҳмадали апил-тапил ташқарига чиқиб кетди. Шу кетганича нинга қайтмади. Бопка кўни домла ундан қиз ҳақида сўрамади, у ҳам бир нима демади. Аҳмадали кайфияти бузук юрди. Бунд сезган домла «нималар булаётганини» сўришигириб қолди. Аҳмадали «ҳеч нарса бўлмаганини, ёзда Чимёнда бироз йиғитчилик қилиб, қиз билан уйнашиб қўйганини, ҳар қалай уни тишчителиб юборганини» айтди.

Орадан бир ой ўтмасдан уша қиз яна келди. У хонага кириб, домла рўпарасидаги диванга секин ўтирди. Қизнинг қовоғи салқикан, юзлари тулншган, бўрсиллок лабларини тишлаб-тишлаб ўтирарди. Салоҳиддин Муқимович бирор гап борга ухшайди, деган андишда қизни институт ҳовлисига олиб чиқди. Чеккароқдаги скамейкада узок гаплашиб ўтиришди. Ҳамма нарсалар хабардор бўлди. Қиз Чимёндаги санаторийда ишлар экан.

— Аҳмадали акамларнинг гапига лаққа тушибман, — деди у. — Ойлам йўқ, илм кетидан қувиб уйланишни унутиб қўйибман, сизни севиб қолдим, уйланаман, десалар мен — аҳмоқ ишонибман-да. Ўтган сафар келганимда «Сен кетавер, мен яқинда совчи қўбориб, тўй қиламиз», деб эдилар. Мана, дараклари бўлмагач, яна келдим. Уйда акамлардан бўлак ҳеч ким билмайди, агар акаларим сезиб қолсалар — мени ўлдиришади.

— Аблах, ахир унинг иккита фарзанди бор-ку! деди тутокиб Салоҳиддин Муқимович, энди нима қиламан, дегандай жовдираб турган қизга қараб...

Салоҳиддин Муқимович биринчи марта Аҳмадалига қаттиқ-қаттиқ гапирди. Агар у фарзанди бўлганда кулок-чаккасига солиб юбориши аниқ эди.

Аҳмадали яввалига осмондан келди, ҳатто қизга қараб «узинг буйиниға осилиб олгансан» деб юборди. Бир ёнида ёшигина қизнинг мунгайиб утириши, иккинчи томонида ер денсиниб, охири ўроқ теккан алафдай шалвираб бораётган Аҳмадалини кўриб домланинг боши қотди. Қандай қилиб бўлса ҳам буларни шармандалиқдан қутқариш керак эди. Домла иккаласини эргаштириб ўз уйига олиб борди. Хотини билан ичкари хонада узоқ маслаҳат қилди. «Ўсиб келаётган йиғит эди, афсус жувонмарг бўладиган бўлди, мен уни бунчалик виждонсиз, деб уйламаган эдим», деб қуюнди.

— Сиз айбдорсиз, — деди домланинг хотини, талтайтириб юбордингиз, битта уғлим иккита бўлди, дедингиз, талантлисан деб ҳовликтириб юбордингиз, босартусарини билмай қолди. Э, мунақа олимнинг қораси ўчсин!

Домланинг хотини ёш қизчага, унинг қишлоқдаги онасига ачинади. Қизнинг ҳомиладор бўлиб қолганини акалари билиб қолишса не қор-хол бўлишини кўз олдига келтирди. «Шу шогирдингизни жиним ёқтирмас эди, бе-маза бола экан», — деди.

Охири уйлаб-уйлаб, Салоҳиддин Муқимович хотини билан Чимёнга совчиликка борадиган, шу бугунроқ маъитдан домла қақириб, уларни никоҳлаб қўядиган бўлди. Ҳокее босди-босди бўлгунча келин уларникида туришига келишилди.

...Қишлоқда биров билди-бирова билмади, қишлоқи қизни бир шаҳарли қатта олим сениб, олиб қочиб кетибди, деган гап тарқалди.

Ёз чилласида шарқираган ишқибозлик бўлгани келаси йил баҳорда музлади. Қизнинг умри қисқа экан, боласини бағрига босолмай туғруқхонада дунёдан куз юмди.

Қишлоқдаги қариндошлар энди пасту баланд гапларга кўникиб, болали жигари билан ярашамиз, деб турганда совуқ хабар етиб келди. Она бир йилдаг буён кўрмаган гулдай қизининг бир тутам ялпиздай сулиб қолган жасадига узини ташлаб зор-зор йиғлади. Чакалоқни са-

молётда, онасини «Тез ёрдам» машинасида Фарғонага олиб кетишди...

Кутилмаган воқеалардан кейин Аҳмадали елкасидан оғир юк тушиб кетгандай енгилланди.

Домланинг «чакуви»дан кейин хотини уни ҳар кунни уйдан ҳайдар, кўнхотинлик бошга бало бўлишидан тинчи йуқолган эди. Энди ҳамма нарса орқада қолиб кетди. Аҳмадалининг кўнгли жойига тушиб, яна қалди кўтарилди.

Салоҳиддин Муқимович сездирмаган ҳолда Аҳмадалидан ўзини четга ола бошлади. У билан бурунгидай апоқ-чапоқ эмас, кўпинча биринчи бор кўраётган одамдай тикилиб қолар, бир йил мобайнида ўз келинидай бўлиб кетган кизнинг туғруқхонага отланаётиб «Хўш қолинг, отажон, қуришгунча» деган суаларни ҳеч унутма олмас эди...

... Аҳмадали бўлим мажлисларида домланинг гапларига кўпроқ кўшимча қиладиган, аспирантларга мавзу тасдиқлашда домладан маслаҳат сўрамайдиган, илмий кенгашларда домладан юқориқроқ утирадиган, тез-тез сузга чиқиб, бўлимнинг келажакдаги илмий йўналишлари ҳақида гапирадиган, айниқса, ёшларга эътиборни қаратиш кераклигини ҳар мажлисда такрорлайдиган бўлиб қолди. Унинг қуюшқондан чиқиб бораётганини сезган домла бир кунни бўлим мажлисидан кейин ёнига чакирди.

— Аҳмадали, — деди у, — инсон ўз шаънини ёшлигидан эҳтиёт қилишни керак. Одам шаъни гулга ухшайди, бу гул бошқалар кузини қувонтириб туриши ҳам, бир бемаврид шамолда ер билан яқсон бўлиши ҳам мумкин. Сиз яхши ўсиб-ундингиз. Илмий доираларда обрўйингиз етарли, жамоат ишларида фаолсиз. Хали телевизорда курнасиз, хали матбуотда, хали радио тўлкинларида сузасиз, хали анжуманларда жавлон урасиз. Бу яхши, аммо... анов кундаги бир гапингиз мени уйлантириб қўйди. «Эътибордан четдамыз, кадримизга етувчилар йўқ» дедингиз. Сизга яна нима керак? Шошманг, ҳовлиқманг, муслмончилик аста-секин деган гап бор. Кейин бир нарсани унутманг: «Хадеб ўзини кўз-кўз қилган одам бошқаларнинг рашига тегади. Тинч юриб, тилини тийган одамнинг душмани бўлмайди. Эшитинг, бир нарса уқиб бераман:

*«Гавҳар қадрин кўр билмас,
Инсон фарқин гўр билмас...»
«Қий дала бағрига тукилган дурдай.
Беқадр, беэвол бир тош каби мен.
Самолар қуйнидан қуйилган нурдай.
Беминнат, беқабр ерга синган — мен».*

— деган экан бир камтарин зот. Шунақа гаплар. Ахмадали, ношукур булманг, хали ёшсиз, ховликманг, хаёт — олдинда.

— Э, домлажон, — гап қайтарди Ахмадали, — хаётнинг олди, орқаси буладими? Хаёт — ё бор, ё йуқ. Хар нарсанинг уз вақти-соати, даври даврини булар экан. Кутишдан ёмони йуқ. Ёшлар — келажакимиз дейиладую, уларнинг йулида тўғанок тункаларни олиб ташлайдиган билак топилмайди-я.

— Ха, энди, — деди паст товушда Салоҳиддин Муқимович вужудда галати бир оғирлик сезиб, — сабр таги — олтин...

..Салоҳиддин Муқимович навбатдаги дам олишдан қайтиб туппа-туғри уз хонасига кутарилди. Хали ҳеч ким келмаган. Қабулхонадан котиба киз қунғирок қилиб «Домла, банд бўлмасангиз, директор сизни йуқлаган эдилар», — деди.

Салоҳиддин Муқимович директор олдида узоқ қолиб кетди. Директор билан домланинг ёши деярли тенг. Ўттиз йилдан буён бирга ишлаб юришади. Бир-бирларига муносабати илиқ, самимий. Директор домланинг илмий салоҳиятини нақадар юксак кадрласа, домла ҳам директор ҳурматини жойига қуйиб юради.

Салоҳиддин Муқимович теда пайқади, директор бугун бошқача кайфиятда. Одатдагидай очилиб-сочилмайди, котиба олиб кирган чой ҳам совиб қолди. У ҳадеб стол устидаги папкаларни у ёқдан-бу ёққа олади, хаёл сўриб қолади, зигагини нижимлайди, гоҳ икки қўли билан сочларини орқага силайди, тикилиб утирган дустидан кўзини олиб қочади, ўрнидан туриб, дераза ёнида сигарета бурқситади.

— Таътил пайтингизда, — секин гап бошлади директор, — кизик гаплар бўлиб ўтди. Дустим, билмаган эканмиз, бағримизда илон асраган экапмиз, энди узимизни чакмоқчи. Айтмасам ҳам булар эдию, аммо бировлардан эшитгандан кўра узимдан эшитганингиз маъқул. Ўша

кундан буён уйлаб ўйимга етолмаялман. Академияга танловлар эълон бўлганидан хабарингиз бор. Илмий кенгашда сизнинг номзодингизни курсатмоқчи бўлдик. Эълон ёпиштирилди. Кенгашга икки кун қолганда Аҳмадали олдимга кириб ўз номзодини таклиф қилди. Ҳатто бўлим қарорини ҳам ўзи ёзиб келибди. «Домла билан маслаҳатлашдингизми?» деб сурасам, дабдурустдан «Домла невараларини ҳайвонот боғида уйнатиб юрадиган ёшда булсалар, ҳамма жойда ёшларга эътибор қатта, домла буни тўғри тушунадилар» деса бўладими? Эсанкираб қолдим, рунарамда ўтирган Аҳмадалини таний олмай қолдим.

Илмий кенгаш сизнинг номзодингизни қўллаб-қувватлади. Аммо лекин, дўстим, дунёда ғалати хангомалар ҳам булар экан-да. Эртаси куни танадан қувириқ бўлиб, мени анча қойишди. «Нега ёшларга йул бермайсиз, ёшлар — келажакимиз, ишончимиз, қачонгача ушшга туғаноқ бўласизлар, бошқатдан кенгаш чакиринг. Аҳмадали номзодини ҳам қўшиб, икки киши ҳужжатларини тайёрланг, у ёғини ўзимиз ҳал қиламиз», дейишди.

— Э, биродар, — деди Салоҳиддин Муқимович, — бекорга ташвини тортибсиз, «хун» дея қолмайсизми? Аҳмадали бўлса Аҳмадали-да! Сиз билан биз илмга ушволар олиш учун эмас, илм қилиш учун кирганимиз. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Фарғонийларда ушвол бўлганимиз? Қанча-қанча ушволдилардан нима қолди, нима қолади? Ҳаёт ўйини бу, дўстим, бу ўйинни томоша қилишда Оллоҳдан сабр талайлик. Алишер Навоий ҳазратларини «Азизим, дунёга бевақт келибмиз» деганлари бизга ҳам тегишли, шекилли. Энди Аҳмадалига келсак, гуруч ичида қурмак ҳам учрайди.

— Тўғри, Салоҳиддин, — деди директор қакраган томоғини совуқ чойда ҳўллаб. — қачонгача сув келтирган хору зор, қўза сиңдирган — азиз, илм ёшда эмас, бошда-ку! Кейини одамда устозга, дўстга, ҳамкасбга садоқат, меҳр-оқибат, ҳурмат, деган гаплар булар эди... Ё ҳамма нарса ёш билан ювилиб кетадими?..

Салоҳиддин Муқимович директор хонасидан чиқиб бир ҳаёли тўғри уйга қайтмоқчи бўлди, ходимларни анчадан буён қўрмагани учун сурашиб кетгиси ҳам келди. Аста-секин тўртинчи қаватга кўтарилди. У эшикни очган заҳоти ходимлар чапак чалиб юборишди. Аҳмадали турдаги домла утирадиган столдан турди-да, Салоҳиддин Му-

кимовични кучоқлаганча «Отам, яхши келдингизми, отам!» деди. Ахмадали кучоғида домла худди илон чаккан одамдай инграб юборди ..

... Орадан бир ой ўтмасдан ёш олим, яқинда академикликка сайланган Ахмадали тантанали равишда институт директори этиб тайинланди. Эртасига собиқ директор билан Салоҳиддин Муқимович ўз хоҳишига хўра институтдан кетиш учун арнза ёзишди.

СИДИҚНИНГ ОШИ

Гараждаги хайдовчилар Сидиқнинг ошига мазахўрак бўлиб қолишган. У ҳафтада камда икки-уч марта кўк кастрюлкани тўлдириб ош олиб келади. Хайдовчилар алкаб-алкаб ош ейишади. Сидиқнинг вазири ўз жойида узок туриб қолишини дуо қилиб қўйишади.

Сидиқ тонг саҳарда гаражга кириб келганда битта хайдовчи машинасининг мойини алмаштираётган, иккинчисининг қўлида латта — ойна артаётган, яна бирови духтирга кўринишдан аввал кеча кечкурун ичган пиво-сидан хавотирда эди.

Вазирни олиб юрадиган машина кўпинча Сидиқнинг уйида туради. Вазир ярим кечада ҳам уни чакириб қолиши мумкин. Кўпинча эрталабки ошга борадиган кун и саҳарлаб туришга тўғри келади.

Кеча хайдовчиларга Сидиқ ош ваъда қилган. Бугун кўк кастрюлка келади. Шаҳар оралаб хайдовчилар бодроқдай сочилиб кетгунча анча вақт бор. Мазза қилиб ош еса бўлади. Биров чой дамлашга ўтди, биров бўш вақтларда домино, шашка ўйналадиган стол устига газета ёзди, қопчиқ, пиёлаларни қўйди, биров памилдор билан шис тўғраб аччиқ-чучук тайёрларди. Эрталаб вазир ёнида бир лаган ош еган Сидиқдан бўлак ҳамманинг иштаҳаси қарнай.

— Бугун ҳам бир ўзимга бир лаган бўлди, — мақтанди Сидиқ.

— Қанақасига? — сўради ёнидаги хайдовчи, — ахир икки кишига бир лаган ош тортилади-ку.

— Э, ака, бир лаган ошни эплаган ейди, — жавоб қилди Сидиқ, — бунгаям калла керак, ё салла керак. Сизга ўхшаганларга тўйла ош етмай қолади, билдингизми, бизга эса алоҳида бир лаган келади.

Энди, вазир ёнида утирсангиз, ҳурмат қилиб ош таркатувчи қўйиб кетса керак-да!

Ҳеч, унақа эмас. Кўнчиликнинг ичида унақа қилиб бўлмайди. Буни олдиндан ҳисобини олиш керак.

— Қандай ҳисобини оласан? — деди ёш каттарок хайдовчи, совиб қолмасин деб енгил матога уралган кидиш-ни олдиға тортиб.

Йўли бор, — деди Сидик. Ҳамма Сидикнинг оғзи-ға қаради. У шуниям билмайсизларми, дегандай тиржа-йиб гапини лавом эттирди.

Йўли бор, десим-ку. Ошга борганда қўнчи-ча ва-зирни алоҳида ажратилган жойга таклиф қилишади, мен пастроқда утираман. Агар шу жойда одам камрок бўлса лаганларни узатиб-узатиб тураман-да, ўзимга келганда охиригисини олдимга қўяман — вассалом. Нима, ёнимга шерик топиб келишармиди? Олинг, Сидиквой, дейман-да бир лаганни лаккос тушираман. Ҳар доим шунақа бўлавермайди. Қўнчилик бўлади. Агар одамлар стол-нинг икки томонига утиришса, мен дарҳол санаб чиқа-ман, қайси томон жуфт бўлса мен шу томонга стулни суриб утираман. Қарабсизки, икки кишига биттадан лаган тортилиб, менга қолганда биттага-битта! Ана, сизга математика.

— Вой, хумпар, вой олғир, — деди кимдир, — қили-рингни вазир сезмайдими?

— Ие, қизик гапларни гапирасиз-а, ахир вазир турда бўлса, гурга қўрадимиз бир чеккада утирсам... Ҳос хона-ларга таклиф қилишганда стол устида арок, қонъяқлар-гача бўлади. Қўзни шамғалат қилиб бирортасини қўйил-га тиксам дейману, кўриб қолишади, деб қўрмаман-да. Шундоқ ҳам вазирнинг ҳурмати баланд. Буни ўзингиз биласиз. Агар шунақа бўлмаганда шунча пайтдан буён вазирга атаб бериб юборишган ошни емас эдингиз.

— Ҳа, барақа топсин вазирнинг, умри узок бўлсин, сен ҳам барақа топ, майли, энди гапни қисқа қилиб, ошни оч, сен тўқ бўлсанг, биззи қорин таталаб кетди...

Сидик вазирни олиб юрадиган бўлгандан буён ўзи ҳам, гаражда унга муносабат ҳам ўзгарди. У ишга кириб юк машинаси ҳайдаганидан буён оқ қўйлак киймаган эди, энди бадани оқ қўйлак кўрди. Йиғит бўлиб бўйнига галстук такмаган эди, энди чучварадай тугилган галстук-сиз кўчага чиқмайди. Эгинда янги костюм-шим, оёғида

кора туфли, фақат бошига шляпа кийиб олишга вазирдан уялади. Олдинги хўжайинининг куни келмасли, деб кўрқадди. Аввал бир журнал редакторини олиб кўрган. У жуда расво одам бўлган. Донио машина уриндиғининг оркасида утирарди. Мабодо Сидик ойнага қараса. «Ха, намуғча манга тикилиб қолдинг, бирон ниятнинг йўқми?» деб қоларди. Бир марта янги костюм-шим кийиб келганда балого қолган. «Шопир одам одми кийинади, бунақа лўрим юрсанг кўрганлар мен шопир, сени хўжайин деб ўйлавлари мумкин, эртадан кийинингни ўзгартир» деган эди...

Вазир яхши. Унга ишонади. Қаерга борса вазир номидан боради. Вазирнинг хотинидан яширадиган сўри ҳам унга аён. Қаерда вазирга атаб нима беришса, машина юкхонасида унинг ҳам насибаси бўлади. Кўчада йўл назоратчилари қўлини чеккасига қўйиб қўзатса, Сидик терисига сикмай кетади.

Вазирнинг нимаси қўп, атрофида эгилиб-букиладиган одамлари қўп. Вазирнинг нимаси қўп-тўй-томоша, борди-келдиси қўп. Таклифномалар Сидикда туради. У жўлатиб қўйиши керак.

Сидикнинг миясига бир ҳаёл келиб, иши янада юришиб кетди. Вазир билан ошга бормаган кўни ҳам ош ейиши йўлнинг толди.

Заи ўзбекчилик одатларимиз бор-да! Сидикка шў қўл келди. Танишми-нотанишми, яқинми-беғонами, барибир, қайси тўйхона ёнидан ўтиб кета туриб, одамларга қўшилиб ичкарига кирсангиз, ош еб кетаберасиз. Сизни ҳеч ким ҳўй, биродар, бу ерда нима қилиб юрибсан, деб кўкрагингдан итармайди. Бирор ўғлим ёки қўда, қариндошим айтган одам бўлса керак деб ҳўрматингни ўрғинга қўйиб қўтиб олаберади. Айниқса, амалдорларга бериладиган ҳўкумат машинаси тўйхона эшиги олдида тўхташи – обрў. Машина ичидан чиқиб, савлат тўкиб келаётган одам хўжайинми, ҳайдончимми – бунинг аҳамияти йўқ. Гаи маъракага келаётган одамлар сановида.

Буни яхши илғаб олган Сидик вазирнинг тўйи йўқ кўни узи йўлда учраган тўйхона эшиги олдида машинасини тўхтатиб, соллона-соллона қадам ташлаб келарди ё одамларга қўшилиб кириб кетарди. Дарвозанинг икки ёнида турган тўй эгаларига салом бериб ичкарига кириб борарди. Кўпинча уни ҳос хоналарга олиб киришар, ҳўрматини

жойига қўйишарди. У ҳам бўш келмас, чой ташиб, лаган узатиб турган йигитлардан бирини ёнига чақириб:

Ука, хужайини ошга келолмадилар, чет эллик меҳмонларни кутиб олгани аэропортда қолдилар. Кейин битта нарсани илтимос қилиб эди. Чет элликларга бизнинг катта қозонда пишган ошимиз тансиқ, кетимдан чиқсангиз, кичкина кастрюлка бераман, шунга бир-икки лаган ошни бошлаб берсангиз, меҳмонларни хужайини хурсанд қилмоқчилар, — дейди.

Дарҳол бу гандан хабардор бўлган тўй ағаларидан бирортаси ош тулдиришдан ташқари яна ёнига тўртта лоп қушиб беришарди.

Сидикнинг ошхўрлиги турди баҳоналар билан йил бўйи давом этиб келарди. Фақат шу бугун кизик бир воқеа бўлди. У машина олдида идишни кутиб турган эди, ош буюрган йигит орқасидан келиб «Кечирасиз ока, ошни сўзишаяпти, ошпаз амаким сизни бир қараб кетсин деяптилар» деб қолди. Сидик тўйхонага қайтиб киришпям, кирмасликниям билмай бироз талмовсираб турди-да, холва кетсаям обру кетмасин, деб ҳалиги йигитга эргашди. Қули қулига тегмай ханқир уйнатаётган шаҳардаги машҳур ошпаз Сидикни кўриб «Уэр, сизни безовта қилганимга, шу идиш қўзимга иссиқ туюлди, эгаси билан бир танишиб қўййлик дедим» деди.

Сидикнинг эти жимирлаб кетса ҳам сир бой бермай орқасига қайтди. Бироздан кейин бошқа бир бола оғир идишни кўтариб чиқди. Сидик идишни ураб-чирмаб машина юкхонасига жойлаб гараж томон йул олган эди...

..Хайдовчилардан ёши каттароғи «Бисмиллохир раҳмонир роҳийим» деди-да, қопқокни кўтарди.

— Ие, бу нима? — деди у бир Сидикка, бир идиш ичига қараб. Хайдовчилар кастрюлкага элгашди. Аввалига улар буни Сидикнинг ҳазили деб билишди. Ҳазилнинг таги зил чиқди.

Кимдир идишни столга ағдариб юборди. Катта-кичик суюклар столга қалашиб кетди...

2002 йил.

АЗИЗ МЕҲМОНЛАР

Аслиддин ишхонасидагиларни бир неча йилдан буён кишлоқдаги бовида мазза қилиб дам олиб келишга тақлиф этарди. Бир томонда Чирчиқ дарёси, орқада Чотқол тизмалари, тоғ ёнбағирларида ўсадиган арчаларнинг ҳиди наҳ уларнинг уйигача етиб келиши, бовида ниҳиб ётган шафтоли, узум, анжирларнинг азбаройи қўлигини мактаганда овзидан бол томарди.

— Бизни кишлоққа бормансиз, бу дунёга келмансиз, — дер эди Аслиддин, — неvara тўйини бошлаб юбордик, шанба кечқурун сабзи туғрар, якшанба эрталаб — ош. Баҳонаю сабаб чиккиглар кишлоққа, азиз меҳмоним буласиз, бир умр эсда қоладиган қилиб кутиб оламан.

Қорхона бошлиғи шанба кuni икки енгил машинада гилам кўтариб, ходимларни кишлоққа олиб борди. Эрта-роқ келишдан мақсад Аслиддин ваъда қилган асл қимиз, тоза асал, қўлбола казиларни шаркираган булоқлар ёнида ичиб, еб, чарчок чикариш, роҳатланиб қайтиш эди.

Меҳмонларни Аслиддин қучок очиб кутиб олди. Уларни қуриб бошга осмонга етганини айтди. Ховлида одам қуи. Кимдир даган кўтарган, кимдир картошка орқалаб утаётир, кимдир утин олиб келмоқда, кимдир пилдираб чойнак ташпмоқда, кимдир стол-стулларни туғрилламоқда. Ишқилиб, ховлида ит эгасини танимайди.

Аслиддин азиз меҳмонларни бов чеккасидаги темир қаравот томонга бошлади.

— Марҳамат, марҳамат, — деди Аслиддин бир кадам нарида оқиб ўтаётган арикка ишора қилиб, бизда сув бемалолчилик, ҳудого шукр, ҳали сув ўлчагич асбоби бизгача етиб келмаган, мазза қилиб юз-қўлларингизни чайиб олинглар, муздек сув танга даво, одамни енгил қилди. Кейин, айтиб қўяй, бу сув шифобахш, ичган одам минг дардига даво толади.

Баъзи ходимлар Аслиддиннинг гапига учиб арикдан тўйиб-тўйиб ичиб олишди. Дарахт шохига илинган, ўтган-кетган қўл артган шалоббо сочикка қўл ўришди. Раҳбар чўнтагидан дастурмолини олди.

Меҳмонлар қаравотга бемалол жойлашди. Қуи иссиқ. Айни пилпикчилик пайти. Эскироқ дастурхон ёзилди. Унинг қачон ювилгани устидаги доғлардан маълум.

Таниш-билишларининг туй-маъракаларини утказиб юрган, одам кўрган, улфат сурган Олимжон ака каравотдан нарироқда тутаб турган бакдан дамланган чойдан бир хўшлади-ю хўшла бўрилди. Ҳали яхши қайнамаган сувдан балчиқ хидига ўхшаш қўланса таъм келарди. Дастурхонда барқашдай-барқашдай суви қочган туртта нон, қанд-курс, тарелкаларда қовун-тарвуз, қоврилган чучвара, лаганда юпка. Нонни ҳам ушатмасдан бироз утиришди. Аслиддин у-бу нарса уюштиргани кетди, шекилли, деб ўйлади Олимжон ака. Аслиддиндан дарак бўлмагач, у нонни синдириб, ичеладаги чойда ивитиб аста-секин қавш қайтариб утирди.

Олимжон ака ҳаммадан кура кўпроқ безовта бўла бошлади. Бакка қумир ташлаётган болага «Бор, Аслиддин акангни чакириб ке» деди. Бола қўлида оташкурак, одамлар кетма-кет кириб чиқаётган айвон туридаги хонага югуриб бориб келиб, «Ҳозир келар эканлар» деди.

Бир маҳал Аслиддин икки шиша ароқ, икки шиша Тошкент маъданли суви кутариб келди.

Мазза қилиб утирибсизларми, хуш келибсизлар, азият меҳмонлар, олишиб утиринглар, Олимжон ака, сиз энди буларга бу ерда бошлиқ, камчилиги бўлса айтиб турасиз-да, — деди.

Аслиддин «Олишиб утиринглар» деди-да, яна кетди. Меҳмонлар бир-бировларига қарашди.

— Дуппини хидлаб ичамиз десак, барча бошланг экан, деди раҳбар ўз ходимлари олдида обрусни тўкилганини хазилга йўйиб. — Олимжон ака, ҳеч бўлмаса анави памилдорилардан бир-иккита териб аччиқ-чучук қилиш керакмикан?

Олимжон ака лип этиб урнидан турди-да, каравот орқасидаги полиздан бир коса памилдори, бодринг узди, ариқда чайиб каравотга узатди. Самоварчи боладан иччоқ, туз суради.

Икки шиша ароқ тамом бўлмасдан Олимжон аканинг тоқати тоқ бўлди. У ароқнинг қучи билан хотин-халаж, қари-қартанглар орасидан Аслиддинни четроққа тортиб, бир нямалар деди. Аслиддин бошқни ликиллатиб турди. Кейин айвонга қараб кетди. Олимжон ака ўз урнига қайфи чоғ келиб утирди.

Меҳмонларга ҳамирни майда тўғраб, сузма аралаштириб бериладиган, кишлоқда «шопалок оши» деб атала-

диган овкат тортилди. Кўпинча бу овкат кишлоқда улим чикканда уч кун қозон қайнатилмайдиган хонадонга қўшпилардан челақда олиб чиқилади ёки дала-даштда пичон уроғи ёки бошка иш паллаларида чарчаган хашарчиларнинг тафтини боқиш учун чапқоқбосди қилиб бериларди.

Меҳмонлар овкатга лаб ҳам тегизишмади. Косадаш айрон солинадиган турвахалта ҳиди келарди.

Қани, овкатга марҳамат, азиз меҳмонлар, — деб қистади Аслиддин, — бу овкат иссиқ кунда ниҳоятда фўйдали, кейин сизларга тансиқ. Одам ичидаги иссиқни олади, баданни яйратади.

— Раҳмат, Аслиддин, — деди раҳбар, — узимиз шундоқ ҳам яйраб утирибмиз. Қани узингиз ҳам келинг, бир отамлашайлик, туй булса утаберди, хизматчилар кун экан. Бизга ҳам хизмат бўлса — ийманманг, айтаберинг...

Э, қизикмисиз, домла, сизни хизматга қуярмидик, бугун биз сизнинг хизматингиздамиз, — деди Аслиддин. Дағтурхон четида ағанаб ётган буш шишаларни куриб «Хой, қазначи, меҳмонларга қарамайсан-ку, опке анови жаннат сувидан икки шиша» деди айвондаги новча йигитга қараб.

Олимжон ака умидвор алаңлаб турарди. Хаёлида ҳовлининг бирор жойидами, ё қушни уйдаи иссиқ овқат тайёрланаётгандай эди. У атайин боғни айланиб келди. Ҳеч қаерда алоҳида қозон осилганини кўрмади. Ошпаз кечқурун сабзи туғарга келадиган одамларни мўлжаллаб тайёргарлик кўрарди. Қассоб эрталабки ошга атаб боқилган новвосни сўйиб, нимталади. Тогора-тоғора тушит ҳовлидан ичкари уйга олиб утилаётганда Олимжон аканинг иштаҳаси баттар очилиб кетгандай бўлди. Ичида «Мана, ҳозир новвос жигари қоврилса керак», деб ширалл тамшаниб қуйди.

Жимжит. Ярим соат утди — жимжит. Бир соат ўтди — жигардан дарак йўқ. Хўжайин тобора камтап бўлиб, қаравот четига ёнбоқлади. Баъзи ёш ходимлар Олимжон акага қараб, уни Аслиддин билан бир хонада ўтирини, бошқаларга қараганда яқинлигини بازارда тутибми, ё бир балоларни ўйлабми, секин-секин қичик гап ота боқиларди. Ўзи буларни бўлиб ўтирган Олимжон ака шартта ўрнидан туриб кетди. Аслиддинни чақирди.

— Менга қаранг, эй, меҳмондуст, — деди ушга, — шу суйилган новвос жигарини беринг, мапа бу ерда ер-учок бор экан, узим бир пастда кюмалок-ёстик килиб ташлайман, — деди.

— Майли, майли, аёлдан сұрай, — деди Аслиддин айвон томонга юрар экан.

Олимжон ака Аслиддин оркасидан айвонгача бориб тухтади. Аслиддин хотини билан ичкарига кириб, анча вақт йук булиб кетди. Бир замон Олимжон ака қўлига қовоғга ўроғлик бир киле келар-келмас гўшт берди. Олимжон ака қаравот олдиға келиб қовоғни очиб қарашини билади, бир печа кун музхонада туриб у ер-бу ери қукариб, димикиб қолган гўштан бадхўй хид димокка урилди. У гўштни қовоғга қайта ўраб жаҳл билан боғнинг чеккасиға улоқтирди. Пишакка кетган рахбарини безовта қилмаслик учун ҳайдовчини имлаб ташқарига чиқиб кетди.

Бир соат ўтмасдан Олимжон ака билан ҳайдовчи Ғазалкент бозоридан қўй нимтаси, арок, ҳар турли ичимликлар олиб келди. Йигитлар ишга киришиб кетди. Қимдир шиёз туғради, қимдир напилдори олиб келди, қимдир утин майдалади, қимдир олов ёқди. Рахбар уйқудан турмасдан димлама тайёр бўлди. Икки лаган димлама сузилиб, ўртаға қўйилгач, Аслиддинни чақириди. Аслиддин димламанинг хидини гўёб ўзида йук хурсанд бўлди, қўлини қўлиға ишкалаганча қаравот чеккасиға утириб:

— Қўлингиз ҳам ширин, узингиз ҳам юиринсиз-да, Олимжон ака, — деди.

Қадахлар кўтарилиб, иштаҳа билан гўшт ейидаётганда Аслиддин яна бир мактаниб қўйди:

— Сезаянсизларми, шу бизни молларимиз тоғда шифобахш гиёҳлар егани учунми, гўшти жа мазали-да.

— Туғри айтасиз, биродар, — деди Олимжон ака, — сизларда қимиз ҳам зур, асал ундан ширин, қазн бўлса, умуман, баҳоси йўқ...

Азиз меҳмонлар қовурмани еб бўлиб, кетмиш учун Аслиддиндан рухсат сұрашди.

— Қолсаларинг буларди, — деди Аслиддин упкаланиб, — ваъдаға биноан ётиб қолмокчи эдинглар. Азиз меҳмоним буласиз. Хеч булмаса, напилдори, бодринг териб оласизларми? Дори емаган.

Аслиддин яна нималар деди, ҳеч қим эшитмади. Ширакайф ходимлар бирин-кетин чиқиб кета бошладилар...

...Ализ меҳмоним буласиз, деди Аслиддин машиналар орқасидан.

2002 йил.

Ю Л Д У З

Рустамжоннинг хотини осмон тула юлдузлар чараклаган ярим кечада кузи ёришди, қиз кўрди. Рустамжон оппоқ тошгин Тахтапуддаги туғруқхона ҳовлисида Худкар юлдузига термулиб кутиб олди. Ҳамишралар унда суюнчи олишаётганда «Онаси яхшими?», «Онаси яхшими?» деб такрорлар, уларнинг орқасидан «Айтиб қўйинг, кизимизнинг исми Юлдузхон, Юлдузхон булади» деб бақирди.

Эртаси куни у туғруқхона деразасидан қараб турган ойдай хотинининг қўлидаги йўргакни куриб юрати қилинган чикиб кетгудай ҳаприкди, қўлларини осмонга ишора қилиб «Юлдузхон, Юлдузхон» деди, хотини ҳам бошини қимирлатиб розилик аломатини берди...

Жума куни эрталаб Рустамжон бугун ишлари қўягани, қаергадир бориши, чақалоқни олиб чиқиб кетишга керакли нарсаларни пешиндан кейин албатта етказишини айтиб, хайр-хушлашиб кетди. Рустамжоннинг машинаси кўздаш қойиб бўлгунча хотини дераза орқасида ҳалатиининг узун енгини байроқдай хиллиратиб турди...

... Рустамжоннинг қайнонаси кечқурун соат олтиларда эрига қувғирок қилиб, туғруқхонада ўтирганини, қизи безовта, Рустамжондан дарак йўқлигини айтди. Рустамжоннинг қайнотаси — Комилжон ака хотинини юпатгандай бўлди, бироқ сабр қилинглари, келиб қолади, деди.

Комилжон ака ишхонасидан туғри туғруқхонага борди. Туғруқхона ҳовлисида хотини, Рустамжоннинг онаси, акаси ва поччаси бир-бирларига сир бой бермай безовта ҳолатда туришганини сездилар. Улардан Рустамжонни сураш уринишга, қизи билан неварасини суринтирдилар.

Деразадан бошини чиқариб турган кизининг ҳолатини тасаввур қилди ва «Безовта бўлма, келиб қолади, ушланиб қолгандир» деди унга.

Шу пайт Рустамжоннинг укаси келиб, «Ишхонасидан соат иккиларда чиқиб кетган экан, қайтиб бормалти» деди худди бирон аригулик хабар топиб келмагани учун хижолат булгандай ердан кўзини узмай.

Коронгу туша бошлади. Комилжон аканинг хотини пиқирлашга тушди, эркакларнинг кузи узоқдан чироғини ёкиб келаётган машиналарда булди. Рустамжондан дарак йўқ.

— Сен хавотирланма, кизим, — деди Комилжон ака дераза томонга бошини кутариб, — мана, Нодир акаси билан учрашибди, зарур иши бор экан... коронги тушди кизим, чиллалисан... эрталаб келамиз, хўми, сен безовта булма...

Комилжон аканинг юрагига гўлгула кирган, тезроқ бу ердан кетиб, Рустамжонни кидириш пайига тушган эди. «Эх, ёшлар-а, бунчалик беғам бўлишмаса, қаерда булсаям битта кўнғироқ қилиб қуйиш шунчалик оғирми, — уйларди ичида.

Қариндош-уруғ Рустамжонникига тупланишди. Ҳаш-паш дегунча соат ундан ошди. Рустамжоннинг поччаси милиция бўлимига учрашадиган, акаси Рустамжоннинг оғайчиларига борадиган булди. Комилжон ака шаҳардаги касалхоналарга қараб йўл олди. У дуч келган касалхона қабулхоналарида бугун олиб келинган беморлар, бахтсиз ҳодисага учраган одамлар руйхатини қайта-қайта кўздан кечирди. Соат кечаси учларгача Комилжон ака бормаган касалхона, тез ёрдам бўлимлари, вокзаллар қолмади. У ҳар соатда кўнғироқ қилиб Рустамжонни сўраб турди. Телефон гушагидан «Йўқ» деган сўз, лик-лик йиғи такрорланарди.

Комилжон ака не ҳаёлларга бормади. Рустамжон машинасида келаётганда бир-икки бетамиз қўл кутариб фалон жойга олиб бориб қўйинг деса, у қўнғилчанлик қилиб розилик билдирган булса, бирор овлоқ жойда унга шикаст етказишганми? Ё машинаси билан узини... Ёнида пули бўлса йиғит киши эмасми, улар билан олишаман, детанда пичоқ тикиб юборишганми?..

Комилжон ака кўз олдида оппоқ қўйлақлари қонга беланган, ариқ четнда афт-анғори пачаклаб ташланган кўвини тасаввур этган сари кўзларидан дув-дув ёш оқиб, машина бошқариши қийинлашди. Вокзал томондан келаёт-

тиб Қорасув ариғининг ичида ётган узун бир нарсани куриб тўхтади. Ариқ ичидаги қора қоронғида худди чузилиб ётган одамга ўхшарди. Комилжон ака парланган кўзойнағини артиб ариққа энгашиб қаради. У эскириб, ариққа улоктирилган уй ҳаммомларида ишлатиладиган сув иситкич эди.

— Э, Худо, — илтижо қила бошлади у, — норасида боламни бенасиб қилма, отасиз қўйма, парвардигори олам, узинг мадад бер. Рустамжонни паноҳингда асра, йулини бер, уни болаларининг олдига қайтар. Қизим, неварамга қандай қарайман, нима дейман, плойим, Рустамжоннинг ўзи боласини бағрига босиб туғруқхонадан олиб чиқсин-да...

Комилжон ака вокзалдан қунироқ қилди. Яна уша ахвол. Ака-ука, қариндош-уруғ кучада, уйда аёлларнинг ох-вохи, қий-чуви... У вокзал майдонидаги такси ҳайдовчиларнинг ҳаммасидан бирма-бир сўраб чиқди: узун буйли, чиройли, жигулиси кук рангдаги йигитни ҳеч ким қурмаган, учратмаган.

Бирдан Комилжон аканинг қуниглига охириги бир илинж келди. Шаҳарда номаълум шахслар жасадини сақлайдиган «Морг» деб аталадиган жой булиши хаёлига келди. У таксистлардан сўраган эди, бунақа жой борлигини, вокзалга яқин, рус черкови ёнида эканини айтиб беришди. Комилжон ака «Худоё у ерда бўлмасин, илоҳим у ердан топилмасин» деб қунигли така-шука ўйнаса ҳам қандай қилиб қаттақон темир дарвоза олдига келганини билмай қолди. Тун бўли куш уйқусида мудраб ётишга урганиб қолган қоровул йигит бамайлихотир дарвозани очиб Комилжон акага «Хуш, нима хизмат?» дегандай лоқайд тикилди.

Комилжон ака худди узок вақт қурмаган одами билан беҳосдан учрашиб қолгандай икки қўллаб йигитнинг енгига ёнишди. Дардини айтди. Иложсиз ахволда эканини айтди. Рози қилишгани айтди. Ўла-улгунча унутмаслигини айтди.

— Отаҳон, эрталаб соат туккизларда келасиз, ҳозир хўжайинлар йўқ, руҳсатсиз ичкарига кўёлмайман, — деди қоровул йигит.

Комилжон ака галини биров эшитиб қолаётгандай йигитни бир чеккага олиб ялиниб-ёлворди, йиги аралаш ёнидаги бир сиким пулни унинг чўнтагига тикди. Отаси

тенги одамнинг бунчалик ер билан яқсон эзиллиб кетганини кўриб қоровулнинг кўнгли юмшади.

— Қўрқмайсизми? — деди секин.

— Йўқ, йўқ, қўрқмайман, ука, қўрқмайман. — деди Комилжон ака сергакланиб.

Комилжон ака қоровул йигитга эргашди. Қоровул йигит аввал торгина йўлакка бошлади, ундан ичкарига кирадиган эшикни очиб, икки кун орасида келтирилган мурдалар рўйхат дафтарчасини очиб «Намилияси нима?» деб суради. Иккаласининг кузи қалин дафтарчага тикилди. Комилжон ака рўйхатни бошидан охиригача, охиридан бошигача бир неча марта кўрсаткич бармоғи билан ҳарфларни босиб-босиб ўқиб чиқди. «Хайрият» деди намланган пешонасини рўмолча билан артар экан. «Хайрият» сўзи Комилжон акага қанчалик юпанич беришига тундунмаган қоровул йигит «Ичкарига кирасизми, ё бўлдимми?» деган маънода қараб турарди.

Комилжон ака ёшша-ёруғ каттакон хона ичидаги одам кўкрагидан келадиган ёғоч суриларда устига оқ чойшаб ёниб қўйилган дўнгалак нарсаларга кузи тушди. Бениҳтиёр ичкарига кирди. Қоровул йигитнинг враги дов бермай ойнали эшик орқасида қотиб турарди. Комилжон ака келиб биринчи дўнгалак устидаги чойшабни кўтариб қаради. Аёл экан, сочлари юзини қоплаб шинга қараб ётарди. Иккинчи стол устидаги чойшабни очганда бир-икки пияшча ўчиб чиқди. Бадбўй хид Комилжон аканинг нафасини қайтарди. Соч-соқоли ўсиб кетган, ажини юзля, ароқни, спиртни, аллақандай ачиритир хидга бурканган ўрта ёшдаги эркак киши эди. Кейинги ўлик қип-яланғоч, қорин дўмбирадай шилшиб кетган кампир экан...

Комилжон ака қўндуздай ёруғ хонанинг ҳамма бурчагига куз қирини ташлади. Маъодо, янги олиб келингани, тахта сунага қўйилмагани йўқмикан, деган маънода атрофига алаңлади...

Қоровул йигит ойнали эшик орқасидан қўли билан «Юринг» ичорасини қилди. Ховлига чиқинди. У «Куёвингиз қачон йўқолган эди?» деб сураш урнига «Икки-уч кун бурун олиб келинганлар подвалда, музхонада сақланади» деб қолди. Икки-уч кун бурунги уликлар Комилжон ака куёвига дахлдор бўлмаса ҳам подвал эшигини очиб беришни илтимос қилди. У оқ тупукалар ус-

тида қотиб ётган яланғоч жасадларнинг кезини бирма-бир угириб қарашга юраги чидамади. Қоровул йиғит ҳам подвал эшигини очган заҳоти темир дарвоза томонга шип-шип этиб кетиб қолди.

Комилжон ака назарда подвал эшиги ёнилиб, ўзи ҳам музхонада қамалиб қоладигандай туюлди. Бирдан миясига қоровул йиғитнинг «Икки-уч қулик» деган сузлари келиб, подвалнинг ўртасига бормаёқ орқасига қайтди.

Комилжон ака ҳовлидаги водопровод сувида юз-қулин ювди. Муздек сув, муздек тонг хавосидан анча ҳушин йиғди. У темир дарвоза ташқарисеидаги машинаси ёнида бироз сигарета чекиб турди...

Ҳали тонг ёришмаган эди. Шартта машинага утириб туғруқхона томонга жўнади. Туғруқхона ҳовлисига кирганда машина чирокларини учириб қўйди. У узоқдан учинчи кават деразасига қараб борарди. Бирдан дераза орқасида кизининг ҳовли томонга мўралаб турганини кўрдию юраги дуқурлаб кетди. Демак, кечаси билан Рустамжон келмаган, кизни мижжа қокмаган. Қизни сезиб қолмасини учун машинани нарироқдаги майдончадан орқага қайтариб қатта-қатта мирза тераклар уртасидаги торғина йўлкага бурилиб кетди. Лекин у машинасини таниб, дераза орқасидан фарёд аралаш чиқариб қолган кизининг овозини эшитмади.

Комилжон ака тўққизинчи каватга қўтарилганда ҳамма жим бўлиб унга тикилди. У бориб ўзини диванга ташлаган заҳоти аёлларнинг қий-чуви бошланди, қатта неварасининг «Дадам қани?» деб йиғлаши ҳаммаси эзиб юборди.

Тонг имиллаб ёришаётганда кечаси билан мелисахоналарни айланиб чыққан Рустамжоннинг поччаси, истирохат боғларию алоҳор ёкаларигача бориб келган Рустамжоннинг акаси, Рустамжоннинг уртоқларини сураб-суриштириб қайтган укаси, ҳамма-ҳаммаси тўққизинчи каватдаги уйга тулланган эди. Ҳеч ким бир-бирига нидамас, ҳамма бир-биридан кўзини олиб қочар, тезроқ тонг ёришса-ю бирор нажотли хабар келиб қолишга умид қилгандай туришарди. Комилжон аканинг хотини билан Рустамжоннинг онасига валиқол бериб юнатишар, қадди букчайиб қолган оналарнинг бири у хонага кириб нималарнидир пичирлар, иккинчиси ўзини қўярга жой тополмай бетокат инграрди.

Рустамжоннинг қайинсинглиси деразага миҳланиб қолган. У иккала кузини кучага тикканча қилт этмай турарди...

Аста тонг ёришди. Очик деразадан кучадаги машиналарнинг кетма-кет гувиллаган товуши, лифт шахтасидан гоҳ тухтаб, гоҳ юргандаги тарақ-турук эшитила бошлади. Бирдан дераза олдида турган Рустамжоннинг қайинсинглиси елати чинқириб, гуп этиб оржасига йиқилди. Кимдир уни кутариб олди, кимдир деразадан ташқарига қаради. Комилжон аканинг лаблари титрар, бир деразага, бир уй ичидаги одамларга қулни ишора қилиб алланималар деб гулдирарди.

Рустамжоннинг поччаси деразадан ховлига қараб «Э, номард» деб кўборди. «Бўлди қилинглар, ана, Рустамжон келди» деди-да ташқарига югуриб кетди. Ҳамма деразага ёпишди. Пастда домларнинг уртасида Рустамжон машинасини шатакка олиб судраб келган такси хайдовчиси билан нималариндир бахслашиб турарди.

2002 йил.

Ў Р И К

Мирсултон ака олтмиш йил бир ёстиққа бош қўйиб яшаган хотинидан айрилгач, кўрпа-тушак ҳам, аъзою бадани ҳам совиқди-қолди, ховли-жойнинг қундузу кечаси алмашиб кетди. Ёу дунёсинг илик қуёши ҳам, хонадоннинг файзу бараҳаси ҳам, умрининг мазмуни, кўрагининг томири шу хотини бўлганини энди кўпроқ ҳис қила бошлади.

Олтмиш йил ичида қаерларда ишламади, кимларни кўрмади? Қайси раҳбарлар унинг кадрига етиб, қайсилари ўрнига ўз ҳамтовокларини қўймади? Буларнинг ҳаммасига хотини гувоҳ эди. Кўжоридагилар унга бирор жойни лозим топилса бирга қувонадиган, ишдан олишса кўнглини кутарадиган, ҳам дўст, ҳам маслаҳатчи, ҳам шоғирд, ҳам маҳбуба аёл эди.

Эрта баҳордан эру хотини дала ховлига қучиб чиқарар, ёз бўйи бонни жаннатдай кўкартириб, болалари, неваралари йўлига кўз тикиб ўтиришарди. Мирсултон ака ишлаб юрган кезларни ҳар жума кечкурун дала ховлига етиб келар, душанба саҳарлаб шаҳарга қайтарди.

Аваллари дала ховли ташвишлари кунгликинг тури-
да турарди. Қантак урик соясидаги каровот устига курна-
чалар тушаб, хонтахта ёнида эрининг шаҳардан келиши-
ни кутиб дарвозага кўз тикиб утирадиган хотинини уйлаб
Мирсултон ака идора ишларини юмалок-ёстик қиларди-
да, кишлокқа ошиқарди. Энди булса дала ховли ҳам,
дов-дарахтлар ҳам, хасу хашак, тош-кесаклардан кузи
бекилиб қоладиган булокни тозалаш ҳам, хотинига ҳаф-
талик утин ёриб, ғамлаб келиш ҳам унутилди.

Дала ховли ташвиши катта ўғлининг елкасига тушди.
Ҳар гал ўғли янги ғап топиб келар, кушникларнинг моли
боғни пайхон қилиб юборгани, булок кузи ёпилиб қолга-
ни, жар ичидаги булок қувурга қамаб келтирилган эди,
кимдир жар ичидаги ўттиз метр қувурни арралаб ўзир-
лаб кетгани ҳақида гапирса ҳам линагини бузмай эши-
тарди. Мирсултон акага дала ховлининг унчалик қизиғи
қолмагандай эди.

— Дала, деб қолди ўғли, — дала ховлидаги уйни
бошқатдан қурмокчиман. Замонавий қилиб. Сиз имкони-
ятингиз даражасида қургансиз. Ҳозир замон ўзгариб кет-
ди. Ўртоқларимникини қўрсангиз оғзингиз очилиб қола-
ди. Пишиқ ғиштдан, икки-уч каватли, бассейн, сауна,
биллиардхона дейсизми... Менинг улардан кам жойим
йўқ.

— Нима дер эдим, — деди Мирсултон ака, — бара-
ка топ, ниятигизта етгин дейман-да. Фақат унақа хай-хай
иморат бўлиши шарт эмас...

Дала ховлида иш қизғин бошланиб кетди. Шаҳардан
олиб чиқилган унта мардикор ётиб ишлашарди.

— Дала, — деди бир куни ўғли, — эртага фунда-
мент казилади. Бориб жойинг қурабсизми дедим. Ҳарқа-
лай, маслаҳатиңгиз керак.

Ота-бола эрта саҳарлаб кишлокқа жунашди. Марди-
корлар иш бошлашмасдан дала ховлига етиб келишди.
Ўғли катта темир дарвозани очиб машинани ичкарига
олаётганда Мирсултон ака иморат қурилаётган жойга
яқинлашган эди. У нонушта қилаётган мардикорларнинг
олдига бориб у ёқ-бу ёққа алаңглай бошлади. Мардикор-
лар саломига жавоб ҳам қайтармади.

— Ўрик қанш? — сўради орқасидан етиб келган ўғлига
украинб.

— Ана, ўригингиз, — деди ўғли беш-ўн қадам нарига кесиб ташланган урик шохларини курсатиб. Каллаккладик, илдири билан қўприб ташлашга улгура олмадик. Бугун йикитсак керак.

— Аклийгни еб қўйибсан, — деди Мирсултон ака ўғлига қараб, — иморат қуришга бошқа жой қуриб қолганми, келиб-келиб ўрикни кесасанми, аҳмоқ!

— Нима бупти, дада? — деди ўғли, — катта иш булаётганда битта-иккита дарахтнинг бахридан кечилади-да.

— Бу сенга дарахт эмас, — деди зарда билан Мирсултон ака, боши, қўллари узилиб тушган хайкалдай каллакланган ўрик танасини кўрсатиб, — бу онангдан хотира, мендан ёдгорлик эди. Хали умрингда биронта кўчат кукартирмай мевали дарахтни қирққани уялмайсанми? Онанг турида бир тулғаниб тушгандир.

Мирсултон ака бегона одамлар булмаганда ўғлини бошқача суккан бўларди. Балки бир шапалоқ қўйиб юборармиди? Қирқ ёшдаги соч-муйловига яккам-дуккам оқ оралаган, онасига жуда ўхшаб кетадиган ўғлини мардикорлар олдида беҳурмат қилгиси келмади. Куз олди қоронғилашди. Бориб каллак урикни кучокладими, ё боши айланиб урикка суялиб қолдими, билолмади. Унинг елкаси титраб учар, бошини урик танасига ишқалаб-ишқалаб янграй бошлади.

...Ёши элликларга бориб қолганда хотини, «Дадаси, шу дала ҳовлимизда ҳамма мевалардан бору қантак ўрик йўқ-да, буёғига ёш булмаймиз, нафақа ёшигаям хаш-папи дегунча етиб қоламиз, шу саломатлик учун, кексайганда одамни кчи вақтида юришиб туришга, юракни бақувват қилишга ўрик жуда даво бўлармиш» деб қолди.

— Бозордан олиб келасизку олтингугуртда дудланмаган, нақ шапалоқдай-шапалоқдай, деди хотини қафтини кўрсатиб, — шунака туршак бўладиган ўрик эксангиз, деган орзўйим бор эди.

Мирсултон ака бир-икки йил кўчат излади. Эски Жувада тин тагидаги туршакфурушлардан биллиб олдики, хотини истаётган ўрик камёб бўлиб, менаси ерга тўкилмай устида туршак бўлар экан. Ўратена, Қонибодомли туршакфурушлар махтаган ўрикка хаваси ортиб, нима бўлмасин ана шу кўчатни топишга аҳд қилди. Эрта баҳорда Чорсуга бир неча кун бориб кўчат суриштирди. Кўчат сотувчиларининг ҳаммасида у излаган кўчат «бор»

эди. Кимдан сўраса «Мана, сиз излаган кучат мана шу» деб кучатини мактайди.

Мирсултон ака нима киларини билмай иккиланиб турган эди, нарироқдаги узун соқолли мўйсафид уни имлаб чакирди. Мирсултон ака қария ҳам ўз молига харидор излаётгандир, деган маънода аввалига энсаси қотгандай бўлди. Кейин қариянинг оппоқ соқолини кўриб узидан ўзи унинг ёнига келиб қолганини сезмай қолди.

— Сиз балам, деди у, — кечадан буён айланиб юрибсиз. Эшитдим, устида шапалоқдай-шапалоқдай туршак бўладиган урик кучати излаётган эмишсиз-а, тўғрими шу гап?

— Тўппа-тўғри, отахон, — деди Мирсултон ака.

— Ундок бўлса, сиз у кўчатни бозордан кидирманг, тополмайсиз. Биддийлигим, ҳамманинг ўрик кучати устида шапалоқдай-шапалоқдай туршак бўладигани-а, — деди у соқолини селкилатиб кулар экан. Агар шунақа ўрикка ишқингиз тушган экан, сизга уни бераман. Фақат кутиш керак. Икки йил кутасиз. Бу йил кузда пайванд қилсам янаги йил кўкаради, ундан кейинги йил баҳорда, худо насиб қилса, кучатли бўласиз.

— Отахон, битта кўчатни икки йил кутаманин?

— Ха, энди, балам, икки йил кутасизу бир умр мевасини ейсиз-да, — деди мўйсафид. — Яна битта гап, балам. Иссиқ жон. Қачон омонатини олади — ёлғиз эгамга аён. Мен ҳар йили мана шу Чорсуда кучат сотаман. Мабодо бандаликни бажо келтириб қуйсам, урлим олиб келади. Унга тайинлаб кетаман. Сиз, балам, Очил бобо ўғли ким бўладилар, десангиз, у шу бўлади. Келишдикми, келишдик. Омин, шу кунларга етганини насиб айласун, Оллоҳу Акбар.

Мирсултон ака кучат бозоридан кўнгли тўлиб қайтди. Очил бобони хотинига гапириб берди. Хотини «Худое, Очил бобонинг умри узок бўлсин» деди.

Орадан йил ўтди. Мирсултон ака икки қўлида бозорини қўтариб машинаси томонга келаётиб, кучат сотувчилар олдидан чиқиб қолди. Шуида эсига Очил бобо тушди-да, у ёк-бу ёкка аланглади. Қараса, Очил бобо қўлида ток қайчиси билан бултурги жойида турарди. Мирсултон ака унга яқинлашиб «Ассалому алайкум, Очил бобо» деди-да, икки қўлидаги нарсаларини ерга қўйди. Қучоқлашиб кўришди. Хол-аҳвол сурашди.

Балам, худога шукур, худога шукур, юрибмиз, тупроқдан ташиқарида, ахир сизга ваъда қилганман, ваъдани бажармай кетиш йўқ, — кулиб хазиллашди у. Лекин бу йил демаганман, янаги йил худди шу кезларда тайёр бўлади.

Отажон, мен бугун кучат деб келмаган эдим, деди Мирсултон ака, — бозорга тушган эдим. узоқдан сизни куриб қолдим...

Ха, баракалло, шундок деиш, — деди Очил бобо, э, нимасини айтай, шу сизни кўчат деб Исфарага бориб келдим. Новда олиб келдим, билмадим, қари уриқдан новда олдимми, ё шу яхши нарсa уруғини кўпайтиришга қизғанчиқ буладими, ишқилиб, бир ариқ улаган кучатимдан, ишонсангиз, икки тупи олди, холос. Адашиб кетмайин деб, ураб-чирмаб қўйдим. Худо насиб этса янаги йил баҳорда қулингизга тонширсам, деган ниятим бор.

— Раҳмат, отахон, раҳмат, — деди Мирсултон ака. У Очил бобони уйига таклиф қилди. Очил бобо кунмади. «Худо қохласа, кучат экканда борамиз», — деб хазиллашди.

Кейинги йил баҳорда Мирсултон ака Очил бобони дала ҳовлига олиб чиқиб биргалашиб қантак урик кучатини экишди. Мирсултон аканинг хотини эса Очил бобога майда кавикли чиройли тун, дуппи хийдирган эди.

Қантак урик ҳосилга киргач, кимнинг оғзи тегса данигини секин чунтагига соладиган бўлди. Мирсултон аканинг хотини эса ҳар йили бир-икки қоп туршак йиғиб, киш бўйи урик шарбати билан эрининг юрагини бақувват қилиб юрдию, узининг дардига даво тона олмай кетди...

...Мирсултон ака уғлига ҳам, мардикорларга ҳам илламай машқлага қайтиб утирди. Бу «кетамиз» дегани эди.

Шу йилги иморат қуриш тўхтади. Фундамент бошқа жойдан қазиладиган бўлди. Қаллақланган урик гуркираб новда берганда Мирсултон ака йўқ эди. У янги данғиллама иморатни ҳам, шохлаб-шохлаб қайта усган қантак урикни ҳам қуролмай қазо қилди.

2002 йил.

ТАНИШ ОДАМ

Бу одамни танирдим. Бир пайтлар кутубхонада кул учратганман. Олдида китоблар, газета-журналлар уюлиб ётар, бирикни қўйиб бирикни олар, нималариндир ёзиб, кучирав эди. Ҳатто сигарета чекмаслигини ҳам биламан. Биз қаниндалар ҳар ярим, ҳар бир соатда тутатиб келмасак, кунглимиз жойига тушмас, бу одам эрталаб кутубхонага келса, кечгача жойидан жилмас эди. Ҳатто пешиниликка чикмас, столнинг бир чеккасида уйдан олиб келган бирнималарни элгашиб еб-чайнаб утирарди.

Орадан беш-олти йил утганда уни телевизорда ҳам куриб қолганман. У мухбир билан савол-жавоб қиларди. Шунда бу одамнинг уйларини, корхона ва катта-катта ташкилотлар биноларини куёш нури орқали иситиш бўйича кашфиёт қилганини эшитган эдим...

Ўзлим хотини билан чет элга илга кетишганда биз чолу кампир невараларни қараб тургани уларнинг домига вақтинча кучиб келдик. Маҳаллага ўрганган одамга домда яшаш анча қийин булар экан. Маҳаллада эшик ҳатлаб кўчага чиқдигини, ҳамма таниш, ҳамма қадрдон. Куришасан, сурашасан, у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб, бирикки сигарета чекиб, кунглини ёзасан, уйга кириб яна ишинини давом эттира берасан.

Домда, нари борса, яшашган йулакдаги қушнилари биласан, улар билан ҳам кирди-чиқди йўқ. Мабодо чирок учиб қолса, ё иссиқ сув, совуқ сув бўлмаса бири-бирингдан шунини сурашдан нарига утмайсан.

Яхшики, ўтдимнинг уйи биринчи каватда, ойлаб ишламайидиган лифт жанжалдан йирокмиз, шундоқ эшикни очаману кўчага чикаман. Ёнимиздаги олтига тўққиз қаватли иморатларни айланиб келаман. Тезда янги жойини ўзлаштириб олдим. Озиқ-овқат дукони ҳам яқин экан, кучанинг нариги бетида андижонлик йигитлар нон ёпишади, катта-коча ариқ бўйида эрталабдан то ярим кечагача ака-ука, она-бола, ёшу яланг қулидаги доқаш хиллириатиб утган-кетган машиналарга қараб бақириб чопишади.

Биз яшайдиган дом ёнига бир кампир ҳар қуни йиғма столча қўйиб, сақич, тугурт, сигарета, курт, писта сотади. Дукон бир қадам бўлса ҳам сигаретани шу кампирдан сотиб оламан. Уч-тўрт сўм қимматроқ бўлса-да, шу бечорага бўлсин, дейман.

Кўпинча уйдаман. Хафтада бир марта кафедра мажлисига, ё дарсим бўлса шунга бориб келаман. Қолган вақтларда уйда ишлайман. Болалар хонасини ижодхонага айлантириб олдим. Ўқини-ёзиншдан чарчаганда, тоза ҳаво олгим келганда ташқарига чиқиб айланиб келаман.

Домга яқинроқ жойда ахлатхона бор. У ахлатмашиналар олиб кетишга қулайроқ катта йул чеккасида. Олтита домдан чиқадиган ахлат учун бешта турт бурчакли темир ясама, яна алоҳида бочка бўлиб, унга «Нон» деб ёзиб қўйилган.

Ахлатхона ёнидан айланиб ўтаётганда кўпинча бир одамнинг ахлат қутилари олдида уймалашиб турганини кураман. У елкасигача темир идишга энгашиб, ахлат идишларини титкиларди.

Мен камширдан сигарета олиб бенхтиёр халиги одамни кузатиб турдим. У ахлат идишларидан бир оёғи синган қўғирчоқ, эски туфлидан тортиб, синик аравача, бурини учган чойшак, бузилган электр асбоблари, елим шпша, ишкилиб, қўлига нима илинса олиб, ёнидаги халтасига соларди. Қоғоз, дафтар, картонларни тахлаб-тахлаб ажратарди. Бирпасда икки-уч халта тўлиб, уларни орқалаб домлар орасига кириб кетади. Кейин яна қайтиб келади.

У ахлатдан бошlining кутариб елим-қулқопини чўнтагига солаётганда юзини қўриб қолдим. Кўзимга таңиш туюлди. Бенхтиёр унга томон бир-икки қадам юрмасимдан лип этиб парсаларини йиғиштирди-да, кўздан ғойиб бўлди. Мени хайрон қўрган сигарета сотувчи кампир гапириб қолди.

— Э, болам, дунёнинг ишларини тушуниб бўлмайди. Бечоранинг шу ерга қўчиб келганигаям уч-тўрт йил бўлиб қолди. Ёлғиз туради. Айтишларича, катта олим эмиш. Ишхонасидами, оиласидами бир нималар бўпти-да, мен қайдан билай, ишкилиб, бечора шу томонларда пайдо бўлиб қолди. Мана шу ахлатхона унинг махрига тушган. Сунуради, сидиради, папша қўндирмайди. Ахлатмашина келгунча идишларни титкилаб қўзга илинадиган нимакни бор олиб кетади.

— Онахон, ахлатдан чиққан нарса нима бўларди? Шунгаям қун қўриш мумкинми?

— Вой, болам тушмагур, билмас экансиз, ҳамма гап ахлат-да! Одамлар яп-янги нарсалариниям ташлаб кети-

шади. Ўзим хожатхона илшини ундан сотиб олдим-ку. Мана, сиз айтнинг, сиз неча сум маош оласиз? Хойнахой, 20—25 минг қўлингизга тегса керак-а? Бу одам, керак бўлса, шу пулни ҳафтада топади. Кундузи ахлатдан олган нарсаларини кечаси билан юшиб, ямаб, тозалаб, тузатиб тирикчилик ўтказди. Замон ўзгариб кетди, болам. Ҳозир ҳаракат қилиб, тадбиркор бўлмасанг, туққанинг ҳам сenga қарашмайди...

Одамлар бирма-бир, кетма-кет ахлат олиб келишарди. Мен ўзимни юк босиб қолгандай оғир ҳис қилиб, секин-секин юриб уйга кириб кетаётганимда ахлатхонани бир аёл титкилаётган эди. У идишдан бу идишга ўтар, турли рангдаги елим халтачалардан бўлак қўлга илинадиган ҳеч нарса тона олмай сўкинаётганда ҳалиги одам яна пайдо бўлиб қолди. У узоқдан аёлга ўдагайлаб келди.

Мен сени огоҳлантирган эдим-ку, — деди у қўлидаги супургини силтаб-силтаб, ўзининг ахлатхонанг етмаганидай, энди мени жойимга қўз тикасанми? Бор, йўқол бу ердан!

Идишлардан ҳеч нарса топмаганидан алам қилиб турган аёл бирдан қўлидаги халта билан рақибининг бошига туширди-да, бақириб кетди.

Нега энди ахлат битта сеники булар экан. Ҳаммамизники. Сен бир ўзининг ғамингни есанг, мен учта одамни боқибман керак, тушундингми?

Ур-йиқит бошланди. Аёл вазоҳат билан «олим»га ташланди. У ҳам бўш келмай уни итариб юбормоқчи эди, аёлнинг жазапаси тутиб кетди. Атрофда тўнланган томопағўйларнинг шундоқ қўз ўнгиде аёл эркакни бўйнидан маҳкам ушлаб, бир қўловини шартта тишлаб, узиб олди. Балати бир товуш эшитилди. Билмадим, бу товуш қўловидан айрилган кишининг жон талвасаси элими, ё оғзи тўла қон аёлнинг қўрқув чипқирини эдимми?..

... Орадан бир неча йил ўтди. Невараларни кўргани домга келган эдим. Кампир ўша жойида майда-чуйда сотиб ўтирарди. Ахлатхона ёнида бошқа одамларни кўрдим. Кампирга ўша воқеадан гап очган эдим, «Бечора, қасалхонада тулиниб, яхши бўлиб чиққан эмиш, шундан буён уни ҳеч учратмадим» деди.

Мен уни яқинда учратдим. Расмидан танидим. Инглиз тилида чиккан журналларни варақлаб ўтириб, куёш

нуридан фойдаланиш бўйича кашфиёти учун мукофот олган бир гуруҳ хорижий олимлар орасида унинг ҳам расмини кўриб қолдим. Қизик, бу таниш одам ҳозир қайси мамлакатда яшаётган экан, билолмадим.

2002 йил.

Й Ҷ Л

Уч кундан буён ёвётган ёмғирнинг тинишидан дарак йук. Кучаларга суя тулди, иморатларни зах босди, омоват бостирмалар ер билан бир бўлди. Худди шу, қариялар «Бу ёмғир бир балонинг бошини ёйди-ёв», деган кун Умржон ҳоланинг жони узилди.

Осмонни кулранг булут қоплаб олган, шариллаб ёмғир ёғарди. Жанозага келган қўни-қўшин, қариндош-уруғ ўзларини панарок жойга олар. уй ичи, айвон, ошхона, дарахтларнинг таги лик тўла одам.

Ўлик-қу ерда қолмайди, оби-ҳавога карамай уни ўз жойига олиб борилади. Аммо қарияларни безовта қилган нарса Умржон ҳола ҳовлиснинг ёнидаги кичкина йўлни тўлдириб оқаётган икки тегирмон сув бўлди. Сувни на кечиб булади, на тухтатиб. Ахир катта кучагача тобутни орқалаб, уликни оқичлаб олиб чиқиб бўлмайди-ку.

Қариялар уйлаб-уйлаб тобутни уй орқасидан Умржон ҳоланинг ўлиб кетган онаси ҳовлисида катта кучага олиб чиқишга қарор қилишди. ... Ўлим ҳамма нарсани қўниб кетар экан. Уч-тўрт ой бурун энди бу ҳовлини елкамини чуқури курсин, деб аразлаб кетган эгачилар ҳам бирин-кетин «вой, жигарим»лаб келишди.

Аслида бу ҳовли Умржон ҳоланинг укаси билан онасига тегишли. Умржон бир-икки болали бўлгунча эри билан бошқа жойда туришган. Улар қишлоқнинг юқоридаб қутарилган маҳалласида яшаган, ҳовлиснинг ёнидан катта ариқ ўтарди. Қиш кетиб, қўнлар исиди деганда уларда тинчлик бўлмас, сел ҳовлини шарал, лойқага тўлдириб кетарди. Бир қув эмас, бир қув ҳовлини қутариб кетиши ҳам турган гап эди.

Умржон қолхозда қоровул бўлиб ишлайдиган, оламни сув босса тўпинига чиқмайдиган, от устида туриб кетмон чоқувчи, «бир қол ёлғок» табиатли эрини эргаштириб онасининг олдига боради, ялиниб ёлворади. Онаси

дарёгача чузилиб тушган ховлисининг этагидан бир уй, бир айвонлик ер ажратиб берса, укаси ўкишини битиргунча, онасининг иссиқ-совуvidан хабардор бўлиб турармиди, деган ниятда келганини айтади. Кампирга бу гап маъқул туюлади-ю, аммо лекин буни ўғли билан келини ҳал қилишини, улар рози бўлсагина ер беришини айтади.

— Укамни бағри кенг, ана, онамни ёлғизлатиб қўймабсиз, жуда яхши уйлабсиз, мен розиман деб, кайтамга хурсанд булади укам, — деди Умржон.

Иккита каклик кўтариб қайнисини йўқлаган лочча шаҳардан ўзи кулоғида қайтди.

— Шу укамг билан келин, — деди лочча, — малалес ўзлари, уйлаб ҳам ўтиришмади. Жуда яхши, ер кимлардан қолиб кетмайди. Онамиз қариб қолаяптилар, биз шаҳарда, сиз ёнларнда булсангиз, бир нима бўлса биз етиб боргунча сиз югуриб чиқасиз, дейишди. Биргалашиб курамин уйни, ёнроқ тагидан дарёга қараб, деди.

Кейинги йил ёзида икки-уч кунлик ҳашар билан том кутарилиб, Умржон болалари билан укасининг ховлиси этагига кучиб ўтди. Ернинг пастки, дарёга туташ қисми Умржонга ажратиб берилди. Иккала ховлисининг ўртасида ҳеч қандай қўра, девор йўқ, аксинча, бурундан қолган йўл бўларди. Бир умр шу йўлдан юриб дарёга тушиларди, сув ташиларди, моллар суғориларди. Кампир сукмоқдан юриб бориб боғнинг лабида дарёнинг нариги қирғоғидан кетаётган одамлар, от-улов, машиналарга қараб утиргувчи эди. Ёлғи таътил тугаб, ўғли ўкишга кетаётганда ҳам шу ердан туриб қўлини силкиганча аятобусни кузатиб қоларди.

Кампир ховлисининг унг томонида бир терак буйли жар бор. Жарлик кампир билан Умржоннинг ховлилари биҳинидан асга-секин пасайиб бориб, дарёга қушилиб кетади. Жардан баҳор кези дарё бўлиб бутала оқади. Уни қўрган одамнинг кути учади.

Ёз ойлари кампир шу жар ёкалаб ариқ қазир, тенароқдаги булоқ сувини ховлисига борлаб келарди. Хар йили ариқни сел босиб, кампир қайтадан ариқ чопарди. Қуёвни тугул қизининг ҳам ариқ қазинишга қўли тегмас, сув жилдираб келиши билан қизни ёки қуёвни ўз ховлисига йўл очиб қўярди. Шунини айтганда, ариқни бир киши чошиб, ундан минг киши сув ичади, деб...

Орадан йиллар утиб кампир куз имди. Ховли-жой хувиллаб қолди. Пулатжон энди қишлоққа серкатилов бўлиб, онасининг чироғини ёкиб қорди. Ўзининг болалари ҳам катта бўлди. Бон атрофини сизм қўра билан уради, онасига қуриб берган икки уй бир айвон ёнига ошхона, кумирхона, ҳаммом қурди. Ойдин кечаларда онасининг оркароғидаги дўнгликда онаси уни эски шол румолини ҳиллиратиб кузатиб қоладиган жойда утириб, дарё шовқинига қўлоқ солар, дарё унга ҳам дунёнинг қанчалик абадийлиги-ю, ҳаётнинг бунчалик утқинчи эканлиги ҳақида ҳайқириб сўйлаётгандай туюларди.

Ёшлигида мана шу дарёга тушадиган йул ёқасига она-бола картошка, пилёз экишарди. Йул чеккасида қатор терак, олча, бодом усарди...

Баҳорда Пулатжоннинг ховлисига кириб бўлмайдди. Одамни қўмадиган ўт ўсади. Пулатжон поччасидан ўтларни қўл уроқда тозалаб олишни қўлтимос қилса, почча бел уроқда ховлининг бошидан кириб этагидан чиқади. Ховлидаги ўтлар ит аянагандай пайпасланиб қолади.

Пулатжон ҳар йили янги-янги кўчат экади. Ўзи йуқининг кузи йуқ, деганларидай, шаҳардан чиққанида ховлисида поччасининг эшаги, молларини кўриб, хафа бўларди. Почча — онасининг эри-ку, бир нима дейишга иймалади.

Биринчи иш молхона қуришдан бошланди. Пулатжон ҳар йилгидай ёзда қишлоққа келиб, ховли этагидаги бостирманни кўриб хайрон бўлди. Дарёга тушадиган йул олдига молхона қурилган эди. У секин гап очган эди, почча билан онаси «Вактинчалик, укам, вактинчалик, эшак, от, сизирни қамашга жой бўлмагани учун шунини қуриб қўйдик, истаган пайтнингда бўзиб ташлаймиз, кейин моллар ховлига кириб кетмасин, деб ўртани ёлдиқ» дейишди.

Пулатжон индамади. Ахир жигарлар бир-бирининг кўзига чўп солармиди, кейин қишлоқда турмасак, бориб-келиб юрсак, бизга юқоридаги жой ҳам етиб ортади, деб ўйлади.

Кейинги йил қишлоққа келганда яна бир ўзгаришни кўрди. Дарёга тушадиган йул атрофидаги тераклар кесилиб, йул ўрнига ертўтлар экиляпти. Пулатжоннинг онаси «Болаларнинг тез-тез шамоллаб туришади, шунини

уйлаб эктирдим, келин мураббо килиб олади, дарёга тушиб бўлса, мана, том орқасидан айланиб тушиб-чиқаберасизлар», деди.

Кўчатни албатта йўлни бузиб экин херакмиди, нарирокда чошлаган ер кун-ку, деб айтишга Пулатжоннинг тили бормади, опасининг юзидан ўтолмади.

Бир-икки йилдан кейин ертут атрофидаси олча, тераклар кесилиб, том орқасига опаси картошка, қовок экадиган бўлди. Дарё бўйига тушиб анча кийинлашди.

Умржон ҳоланинг ҳовлисига катта кучадан юк олиб кириш у ёқда турсин, қорамол зўрға юрадиган торғина йўлакдан утилади. Почча пичан ортган эпагини дарё ёқатаб айланма йўлдан олиб келарди. Шунинг учун почча даладан келтирилган пичанли ҳам, утинли ҳам Пулатжоннинг ҳовлисидан ташиб, ўз томига жойлайди.

Поччанинг улганига ҳам уч-тўрт йил бўлди. Пулатжон бов ичида нимадир килиб юрарди, ранги руи докадай опаси келиб «Болаларинг дастидан ўлар булсам ўлдим, мана, кара, шундок хом узумни юлиб ташлабди» деб бир бош ғурани укасининг оёқ остига ташлади. Пулатжон «Бола-да, ўйин юлиб, билмай узиб қўйгандир, ҳозир адабини бераман» дейишини билади, опаси шанғиллаганча орқасига қайтиб кетди. Пулатжон «Ҳой, опа, мен йўғимда жияиларим ертўла эшигини бузса, айвондаги лампочкаларини сндирса, ҳовлни тўлдириб ўртоқлари билан кошток ўйнаса, довуччаларини ер билан яқсон қилса, тандирни бузиб, тепкилаб ташласа, ўчок ичида ит бокса, кўзи тушган нарсани илиб кетса, майли-а» дегиси келди-ю, айтолмади. Нима бўлса ҳам опа-да!

Жигарчилик курсин, яхши ёмон гина-қудуратдан қўрақов қурғур иссиқ булар экан. Опа-ука яна топишиб кетди.

Кейинги йил Пулатжон қишлоққа келганда яна узгаришлар курди. Ҳовли этагидан йўл бошланадиган жойга хожатхона қурилган эди. Хожатхонанинг бир томони жарлик, иккинчи томонида молхона. Хожатхонани айланиб ўтиб, дарё бўйига тушиб анча мушкул булиб қолган эди.

Пулатжон хайрон бўлиб турганда опаси насликдан шиддираб чиқиб келди. «Укам, бу хожатхона иккала ҳовлига етади, ҳам катта, ҳам чуқур» деди.

Пулатжон «Аввало, бизда хожатхона бор, ундан кейин қок дарёга тушадиган йўлга қуриш шартми, бошқа

жой қуриб қолганми?» демоқчи бўлди-ю, яна опасининг юзидан утолмади.

Буни эшитган эгачилар тупланиб синглисини уртага олишди.

— Уялмайсанми, ёлғиз укамиз юрадиган йўлни бер-китасанми? Ахир бу йўлдан онамиз, ота-буваларимиз юрган-ку, — дейишди.

— Онамни олдига қайси юз билан борасан, нега уканг-га йўл бермадинг деса нима дейсан? — деди бошқаси.

— Бу жойни бегонага берган маъқул экан. Бегона андишалик буларди. Укагинамни розилиги билан бу ерга кучиб келувдинг. Ё пулингга сотиб олувадингми-а? Охи-ратиням уйлайсанми, узи? — деди катта опаси.

Катта-кичик эгачилар Умржоннинг оғзига қаради.

— Қурбони бошқанинг қозони бошқа, — деди у, — мен бу жойни жой қилдим, қарадим, сўғордим, боғ қил-дим. Ҳовли машики, укамни бодалари шўх, бутун экин-текинларимни пайҳонлаб ташлади.

— Ҳой, манга қара, сенга укангдан ҳам бир бош қура азиз бўлдим, уят-э, шу гапни гапиргандан қура улганинг яхши, — деди уртанча опаси.

— Укам дарёга тушадиган бўлса катта кучадан айла-ниб борсам булаверади, нимаси қўп ошна-оғайниси қўп, мани ҳовлим оёқ ости бўлиб кетади.

— Синглим, — деди яна катта опа, — узингга тега-диган гапни бил. Ҳовлининг оёқ ости қилаётган укангиз оғайнилари эмас, ювиндигини нчиб юрган узингни ша-харлик дам олувчиларинг. Эсингни йиниб ол. Ҳеч ким ерни орқалаб кетмаган. Бир қарич ер кимдан қолма-ган? Арвоҳларни чирқиратма!

— Йўқ, бир қарич ҳам йўл бермайман. Ерни орқа-лаб кетмасам ҳам орқамда қолади. Эрим неварасига ва-сият қилган.

— Шу шаддур-вуддур эрингни вағияти васияту, онанг-ни арвоҳидан қўрмайсанми? Шарманда экансан-ку!..

... Қўп йиллар қишлоққа кетма-кет сел келди, ёмғир сероб келди, қор ёғди, излар босилди. Пулатжоннинг ҳовлиси ёнидаги жар тулиб-тулиб оқди, хайқириб-хай-қириб тошди. Жардан келаётган сел Пулатжоннинг боғи этагига — опасининг орқароғига етганда янада шиддат билан ваҳимали гўлдираб-гўлдираб бориб дарёга қуши-ларди...

...Бугунги ёмғир бешбаттар бўлди. Кучалардан дарё-дарё сув оқди. Омпортовларга сув сиймай, ҳовлиларда оёқ босадиган ер қолмади. Умржон хола уйига кирадиган тор кўчага на одам синади, на тобут. Маслахатлашиб, Умржон холанинг тобутини укасининг ҳовлисида олиб ўтишга қарор қилди.

Устига елим чойшаб ёпилган тобут қулма қул бўлиб томорқа томонга олиб ўтилди. У ердан Пулатжоннинг ҳовлиси орқали катта кўчага бемалол чиқса буларди.

Пулатжоннинг ҳовлисига ўтадиган йўлни тўсиб турган хожатхона ёнида одамлар тикилиб қолди. Лойга ботиб-ботиб, хожатхонани айланиб тобутни кутариб келаётган йигитлардан бири сирпаниб мункайган эди, тобутга жон жаҳди билан ёпишган бошқа йигитлар ҳам тойиб кетиб ёпишга тобут билан баробар жарга ағанаб кетишди.

«Ушла, ушла» деган бакирик-чакирик кетидан бошқалар бирин-кетин ўзини жарга отди. Қўлдан чиқиб кетган тобут ёмғирдан билкиллаб ётган жардан худди қияликдан пастга уқдай учган ченадай шувиллаб бориб ҳайқириб-чакириб оқаётган селавага қушилиб кетди. Кимлардир жарга йиқилган йигитларни тортиб олишга уринар, кимлардир жар ёқалаб бутқадек селавала бир кўриниб, бир шўнғиб оқиб кетаётган тобут томонга чопарди. Қариялар ағрайиб қолди.

Умржон холанинг уғиллари бир ҳафта онасини қидиришди. Унинг ўлиги сувдан ҳам, ердан ҳам топилмади.

2002 йил.

С Ю Р П Р И З

Замон ўзгарди. Шунга яраша хизматчиларнинг ишга, раҳбарга, раҳбарларининг ишга, одамларга муносабати, муомаласи ўзгарди. Техника янгиликлари йил сайин қўпайди. Алмисокдан қолган машиналар ўрнини компьютерлар эгаллади. Ташкилотнинг чўнтагига, раҳбарнинг таъбига қараб компьютерлар сони ортиб борди.

Ҳайбат Рустамович бошқараётган идорага бир эмас ўнга компьютер сотиб олинди. Ҳамма қороз ёзди ишлари уларда бажариладиган бўлди.

Ҳайбат Рустамович биринчи компьютерни шу идорада узоқ йиллардан буён бирга ишлаб ака-укадай бўлиб

кетган Каримжон Сулаймоновга олиб берди. Каримжон янги компьютер рупарасида кўзларини пириратиб қолди. Шунда Хайбат Рустамович уни бир ойлик уқишга кўборди. Каримжон тезда компьютер устасига айланди. Қайси компьютерда бўёғи тамом бўладими, принтер шидан чиқадиими, «хотира» сусаядиими, қороз чайналадиими, ҳамма ҳаммасини Каримжон кўриб беради.

У лазерли принтер олишга раҳбарни кундирди. Хар йили компьютернинг янги-янги турлари пайдо бўлган сари Каримжоннинг компютери бошқа хизматчига оширилиб, унга янгиси олиб бериларди. У раҳбарнинг эски кадрдоши бўлгани учунми, ё бошқаларга қараганда компютерни кўпроқ тушуниганиданми хизматчилар орасида обрусен баланд эди.

Қўпчилик Хайбат Рустамович билан Каримжон уртасидаги дўстона муносабатга ҳеч қачон кўз тегмайди, деб ўйларди. Хайбат Рустамович ўзини Каримжонга инебатан раҳбардай тутгани келмаганидай, Каримжон ҳам Хайбат Рустамовичга ўз акасидай муомала қиларди.

Қутилмаганда уртага сонук ҳано оралади. Бир кунги Хайбат Рустамович ишда ушланиб қолди. Нариги хонадан бакирик-чакирик эшитилди. У йўлакка чиққанда Каримжоннинг хонасида кимдир тутоқиб ташларди.

Хар бетига 200 сўмдан дедингиз — бердим, қороз пули дедингиз — бердим, бўёқ пули дедингиз — бердим, тезлатиш учун бердим, қоньяк олиб кел, дедингиз — қилдим, ресторан дедингиз — бордик, яна нима қилай ахир, диссертация ёзишнинг ўзи бўлмаса, ҳали бу нусха қоладими-йўқми билмасам, яна қучиртирамани, жуда одамни қийнаб юбордингиз-ку.

— Чизаган одам диссертация ёқлайди, ука, нима сенга текинга қучириб берамани?

— Сизга текинга деяётганим йўқ...

Хайбат Рустамовичга кўзи тушган Каримжон хижолат тортиди.

— Булди, булди, эртага олиб кетасан, — деди шўшапиша.

Хайбат Рустамович ўзини ҳеч нарсага сезмаганга солди. Ичида, ҳа, майли, тирикчилик, ўзи инсофга келиб қолар деб ўйлади.

Хайбат Рустамовичнинг пайкашича Каримжон ўз вазифасини ёнидагиларга толиштириб, уззукун четдан кел-

ган буюртмалар билан банд эди. Ёнидагилар гоҳо-гоҳо Каримжон олиб келадиган бир халта гўмага сотилган эди.

Хайбат Рустамович биринчи марта Каримжонга дакки берди. Ўз вазифасини вақтида бажармаётганини айтганда Каримжоннинг ранги оқарди, кўзлари қисилиб, лаблари қаттиқ ёпишиб қолди.

Орадан анча вақт ўтди. Хайбат Рустамович билан Каримжон оралари бояги боягидай бўлиб юрган кезлар эди, бирдан нохуш бир воқеа жамоани бир хафта таъвншига солди. Ишхонага иккита милиция ходими келиб Каримжонни ва у ишлатадиган компьютерни олиб кетди. Эртаси куни милицияга чақирилган Хайбат Рустамович хафа қайтди. Каримжон компьютерда бир танишига «Уюшган жиноятга қарши кураш бўлими бошлиғи» деган гувоҳнома ёзиб берган экан. Сохта полковник кулга тушгач, гувоҳнома ёзиб берган шахс ва унинг компютери аникланади.

Хайбат Рустамовичнинг узини ҳам олиб бориб олиб келишди. Таниш-билишлар ишга тушиб товоинга таянган Каримжон омон қолди. Шунда Хайбат Рустамович Каримжонни роса қойди. Уни бир йилча компьютерга йўлатмай, у-бу ишларни букориб юрди. Охири бир тўда бола-чақаларини уйладими, ё қовоқ-тумшугидан қор ёғилиб юрган Каримжонга раҳми келдими, ё компьютер ишларида уқуви баландлигини уйладими, ишқилиб, унга яна компьютер берди.

Каримжонда ўзгариш бўлишга бўлди, аммо аввалгидай эмас. У бурун ҳар сўзида устоз Хайбат Рустамович дегучи эди, энди тилидан ҳам, дилидан ҳам «устоз» сўзи тушиб қолди.

Йиллар кетини йиллар қувди. Қорли кишлар бўлди, қорсиз чилла бўлди, ёмғирли баҳор келди, ёмғирсиз баҳор ўтди. Ёшлар улғайди, кексалар букчайди. Хайбат Рустамович бошқараётган жамоада ўзгариш унчалик сезилмади.

Хайбат Рустамович нафақа олиб-да ишлади, Каримжон эллиқни қораласа-да ўз компютеридан узилмади. Айни киш-қировли қуқда туғилган Каримжоннинг 50 ёшга тулганини Хайбат Рустамович эсламаса ҳеч кимнинг тушига ҳам қирмас эди. У ходимларини чақириб Каримжон Сулаймоновнинг 50 ёшини жамоа орасида нишонлади.

иложи бўлса, қимматбаҳо совға ташкил этишни маслаҳат қилди. Кимдир соат, кимдир гилам, кимдир телевизор таклиф этди. Ҳайбат Рустамович Каримжон ишлатиб юрган компьютер бироз эскирганига қарамай, яхши бўлгани учун шунини рўйхатдан ўчириб, унга совға қилишни айтиб қолди. Қўлчилик рози бўлди.

— Бизнинг табрик сўзимизни компьютерга ёзиб қўйишлар, — деди Ҳайбат Рустамович, — мабодо ўйинга таклиф этиб қолса, бола-чакалари олдида сюрприз қилиб ўқиб берамиз. Табрик чин юракдан, чиройли бўлсин! Эллик ёшга етганлар бор, етмаганлар бор. Дурустми?

Каримжон Сулаймонов ишхонасидан 10—15 кишинини шанба кўни уйига таклиф этди. Узок-яқиндаги қариндош-уруғлар, ошпо-ю оғайиллар ҳам шу кўнга айтилди.

Элликка яқин меҳмон айвондаги узун стол атрофида тўплана бошлади. Каримжоннинг мактабдош ўртоқлари дарвозадан кирмаёқ унинг елкасига тўн ташлаб белидан қучоқлаб ердан оёғини ўзиб қўйишар, мактабдаги лақабини эслаб хохолаб қўлишарди. Қудалари бўлса навбат келганда табриклаш учун тугунларини ўзи ўтирган стул ёнига тираб қўйишган. кимдир олиб келган кўзасига бурчакдаги гулларни солар, Каримжоннинг ишхонасидан келган меҳмонларни тўрга ўтказишар эди.

Ҳамма тўпланиб, қадахлар тўлдирилди. Даврани очиб бериш, биринчи табрик учун сўз ҳурматли Ҳайбат Рустамовичга берилди.

— Азиз биродарлар, гап бошлади Ҳайбат Рустамович, — бугун жуда гузал дастурхон атрофида жамоамиз да узок йиллардан буён ишлаб келаётган талантили мутахассис ва дўстимиз Каримжон Сулаймоновнинг қутлуғ 50 йиллигини нишонлаш учун тўпландик. Каримжон билан биз бу даргоҳга кетма-кет келиб, мана, қарийб 20 йилдан буён биргамиз. Каримжон шу даргоҳда ўсиб-ўнди, катта обрўга эришди. Энди иш бўлгандан кейин борди-келди гаплар ҳам учраб туради. Биз иложи бори-ча тил топишиб ишлашга ҳаракат қилдик. Яширмайман, орамыздан оғир-енгил шамоллар ҳам ўтган. Лекин ҳаммаси иш юзасидан, самимий бўлган. Келинг, мен гапни чўзиб ўтирмайин, биз қўнғимиздаги илиқ ниятларимизни совға қилаётган мана шу компьютерга, Каримжоннинг ўзи ишлатиб юрган компьютерга ёзиб келганмиз. Каримжоннинг шогирди Аббордан илтимос қилсак.

Қани, Абзорбек, компьютерга яқинроқ келинг. Очинг ойинап жажонлигини, дил сўзларимизни бир ўкиб беринг.

Абзор компьютерни очиб, кеча Қаримжон кетгандан кейин унга сюрприз қилиш учун ёзиб қўйилган табрикномани излай бошлади. Бири утирган жойида, бири буйинини чузиб, бири компьютерга яқинлашиб тикилиб қолган одамларнинг савлати босдими, Абзор шошганидан файлни тез топа олмадики, бири-кетин турли-туман ёзувлар, ҳисоб-китоблар чиқа бошлади. Бирдан компьютерда юкори ташкилотга йўлланган «ШИКОЯТНОМА» деган ёзув кўринди. Абзор энди бошқа файлга утмоқчи бўлганда кимдир «Шошма-шошма» деб қолди. Компьютерни ўраб турган одамлар суз қўйгандай жим бўлди. «ШИКОЯТНОМА. Мен бу даргоҳда 20 йилдан буён ишлаб келаман. Хайбат Рустамович мендан уч-тўрт йил аввал раҳбар этиб тайинланган. Шу йиллар ичида мен уни қанақа мунофиқ инсон эканлигини билиб олдим. У виждонсиз ва нопок одам. Фактларга мурожаат этайлик. Биринчидан, ишхонага ажратилган машинадан шахсан ўзи ва оила аъзолари учун фойдаланади; иккинчидан, йил якуни бўйича бериладиган буйруқларда ўзига ортиқча мукофот пул ёзади; учинчидан, айрим компьютерларни эскирди, деган баҳона билан ҳисобдан чиқариб, ўз яқинларига беради; тўртинчидан, айрим ходимларга ёзиладиган мукофот ва ёрдам пули ҳам унинг чўнтагига тушади; бешинчидан, охириги ўн йил ичида жамоамиздан бирон киши давлат мукофотларига, орден ва медалларга тавсия этилмади, ўзи бўлса «Шуҳрат» медалига эга бўлди; олтинчидан, мамлакатимиз бўйича командировкаларга бориш учун бизга келганда маблағ йўқ дейди-да, ўзи давлат ҳисобидан бир неча бор чет элларга бориб келди; еттинчидан ташкилотимизга тегишли бинонинг биринчи қаватидаги қоровулхонани таъмирлаб эркатой қизига «Дорихона» очиб берди; угли ҳеч қаерда ишламай машина бозорида даллоллик қилади, мўмай пул топади; саккизинчидан, менинг хомчўтимга қараганда ўзининг оиласи бир ойда қанча ярим миллион даромад кўради, аммо солиқ идораларидаги декларацияда бу рақам кўрсатилмайди; тўққизинчидан, ишхонага тегишли «Тефал» чойнағи, батареяли электр иситкичдан қизи ноқонуний равишда дорихонада фойдаланади.

Юкорида ёзганларим Хайбат Рустамовичнинг куракда турмайдиган жиноятларидан бир шийигил, холос. Ўз мансабини суйи истеъмол қилиб келаётган Хайбат Рустамович ҳақидаги аввалги шикоятим илобатга олинмаганидан порози эканлигимни билдираман». Каримжон Сулаймонов. Имзо».

... Эндигина кизиб келаётган дастурхон атрофи бирдан совиб қолди. Хайбат Рустамович қўлидаги қадахни секин стол устига қўйди. Ҳамма ивиган чопондай шалвираб, айвон устунига суялиб қолган Каримжонга тикилиб турарди.

2002 йил.

МАГНИТОФОН

Одатда йил охирида ҳамма корхоналарда иш қизиб кетади. Айниқса, раҳбар билан бош ҳисобчи эртадан кечгача тиним билмайди.

Ўша куни кеч соат саккизларгача қўлимиз бушамади. Қиш кунлари эмасми, соат олтилардаёқ одам одамиш тақимай қолди. Хайдовчи «Мен машинани қиздириб турай» деди-да, биздан олдинроқ ташқарига чикиб кетди. Орадан беш-ун дақиқа ўтмай унинг кетидан ташқарига отландик.

Ишхонамиз олдидаги катта йўлнинг икки чеккасига эртадан кечгача давлат машиналари, шахсий машиналар бири келиб, бири кетиб туради. Йўлнинг икки томонидаги чорраҳаларда доимо ДАН ходимлари туришади.

Бизнинг машина ишхонамиздан 20—30 қадам нарироқдаги катта дарахт тагини ўзишиқи қилиб олгани учун бошқа ташкилот машиналари бу жойни банд қилишмайди. Хайдовчилар бир-бировларини яхши танишади.

Бош ҳисобчи бугун кеч қолгани, анча узоқда тургани сабабли аввал уни элиб қўйиб, сунгра уйга кетмоқчи бўлдим. «Нексия»га яқинлашганимизда хайдовчини олазарак аллозда кўрдим. У бизга машинанинг чал олд эшигини кўрсатиб, «Бунини қараинг, келсам, эшик очик, магнитофонини умариб кетишингиз» деди.

Нима қилишни билмай қолдик. Сураб суриштирай десак, атрофда турган уч-тўртта машиналарнинг ичидан биронта хайдовчи кўринмайди. Хайдовчимиз чорраҳада

ги ДАН ходимини бошлаб келди. У ҳам хайрон бўлиб, бир нима дея олмади. Фақат таширган тани «Наҳотки, биз юз метр нарида турган булсак ҳам шу ишни қилишга журъат этишса, бу муттаҳамлар ҳаллидан охиб кетаяпти-да» деди.

Аҳволимизни тушуинган сержант бизга далда бера бошлади:

— Энди булар иш бўлибди, ҳужжатлаштириб қўямиз, — деди у, — гумонингиз борми? Машинага ҳимоя ускуналари ўрнаткиш керак эди. Аблахлар оддий кабоб сихи билан эшикни бир секунда очиб кетишарэпти. Жуда кун «Нексия»лардан магнитофонларни ўнгирлашарэпти. Охириги амнистиядан кейин уларнинг сони кунайиб қолди...

Сержант ҳайдовчидан булган воқеа тафсилотларини ёздириб олди. Охири машина юкхонасини очиб ниманидир кидирди-да:

— Жуда кизик-ку, — деди у қўлимдан ушлаб бир чеккага тортар экан, — ҳайдовчингиз анчадан буён ишлайдими? — сўради ласт овоз билан.

— Йўк, атиги бир ҳафта бўлди, аввалгисини бушатиб, шу йилгити ишга олганман.

— Ўғри узокдан келган эмас, атрофингиздан кидиринг, — деб қолди сержант.

Аввал нима гаплигига тушунаолмай қолдим, ҳайдончим ҳам бу гапдан хижолатга тушиб, жовдираб сержантга қаради. — Магнитофон колонкалари ҳам йўк, — сўзини давом эттирди сержант. — Бутунги ўғрилик олдиндан тайёрланган. Иккита колонкаларини магнитофонга қўшиб олиб кетмаган. Бунинг учун юкхонани очини керак. Иккита колонкани ечишга камида ярим соат ё кирк минут кетади. Кейини ўғри ҳам анюйи эмас. Магнитофонни олган, жуфтакни уради. Агар колонкаларни олмоқчи бўлиб юкхонани очганда у ярим соат бетони машина атрофида уймалашгаздан кўра эҳтиёт балонки олиб қочган бўларди. Демак, ўғри бемалол, шонимасдан аввал колонкаларни ечиб олган. Сиз уни бир неча кун пайкамай юрган бўлсангиз керак. Кейин магнитофонга қўз тиккан. Ҳар қалай, машина олдига яқинлашган одам узокдан келмаган.

Лоп этиб миямга бир ҳафта илгари бушатиб юборган ҳайдовчим Дилкаш келди. Қўз олдимда унинг орик чех-

раси, доимо серхаракат қўллари, уйноқи кузлари гавдаланди. У ишлаганига бир йил тулмасдан бўшатиб юборган эдим. Энди йигирма ёшга кирган сузамол йигитча аввал кўзимга чакқон, эччилгина туюлган эди. «Хали ёш, у бу камчиликлари бўлса, туғрилаб оларман», деган эдим.

Биринчи танбехим ҳовлиқиб машина бошқаришидан булди. Бирор жойга кечиқиб қолаётгандай иложи бори-ча тез юришга интилар, ёнидан утиб кетган машинага етиб бориб уни сиқиб қўйишдан ё ҳалакит беришдан завқлангандай бўларди.

Бир куни машиначанинг олд канотини пачок қилиб келди. «Нима гап?» десам, «Домла, сизни ташлаб қайтиб кетаётганда, бетонкада битта қорамолни уриб юбордим, буқача ағанаб тушди, у ёқ бу ёққа карасам, ҳеч ким йўқ, қочиб қолдим, ҳайрият эгаси кўрмади, ахир камида етмиш мингга тушар эдим-да» деди.

Шу кундан бошлаб Дилкаш кўзимга бошқача курина бошлади. Ишга олгунча сураб-суриштирмаганим, ота-онаси билан гаплашмаганим, ҳеч бўлмаса маҳалласига бориб бирор одамдан у ҳақда сурамаганимдан афсусландим. Кейин билсам, ота-онаси шўролар замонидан буён бозорга аралашган, турли идора-ташқилотларга тушқи пайт сомса, лағмон ташиб тирикчилик қилган, Дилкаш бўлса бозорларда «Қани, кен қолинг, қайноқ сомса, сомсанинг додаси, заказ сомса» деб бақириб-чақириб катта бўлган бола экан.

Ярим йил ичида тўрт марта ҳайдовчилик гувоҳномасини олдирганини тасодифан билиб қолдим. Битта жияним республика ДАН идорасида ишлайди. У билан Дилкашнинг бизнинг уйда бўлган бир йўналишда таништирган эдим. «Бу аканг билан яхшилаб танишиб ол, Дилкаш, керак бўлади» деганимда у «Домла, аллақачон танишиб, телефонларини ҳам ёзиб қўйдим» деган эди.

Бир куни жияним билан учрашиб қолганимда, у «Тоға, ҳайдовчилигини тартибга чақириб қўйинг, жуда эркатлиб кўорманг, ахир тўрт марта гувоҳномасини олиб бердим, ҳадеб юриш қондаларини бузаберадими, бир кун эмас бир кун фалокат қилиб утирмасин» деб қолди. Шундаёқ уни бўшатиб юбормокчи бўлдим, ялиниб-ёлвориб энди ҳеч қачон бунақа иш қилмаслигини, эҳтиёт бўлишини ваъда бериб ялинигани учун кечирган эдим.

Охирги икки воқеадан кейин Дилкаш ҳақидаги фикрим тамомила ўзгариб кетди. Дилкашга пул бериб, гушт, гурунч, картошка, пшэ ва бошқа майда-чуйда нарсаларни олиб келиш учун бозорга жўнатдим. Дилкаш қилган бозорни қўриб, хайрон бўлиб қолдим. Гуштининг баҳоси ҳеч сифатига мос келмас эди. Бозордаги энг арзон, уриниб, туриб қолган гушт эди. Гурунч, картошкalar ҳам шу аҳволда. Эртаси куни уни бозорга узим билан атайин бирга олиб юрдим. У уялиш уринига «Домла, қаранг, кеча гушт рожа баланд эди, бугун пастга тушиб қолди, бозор деб шунга айтади-да» деди қўзларини беҳаё уйнатиб.

Дилкашнинг охирги қилини ҳаммасидан ошиб тушди. Уч-тўрт ой олдин машинанинг балонларини алмаштирган эдик. Самарқандга хизмат сафарига боришдан бир кун бурун Дилкаш гринч бўлиб ётиб қолди. Машинани узим хайдаб кетишига тўғри келди. Самарқандга етиб бургунча икки жойда балон ямалди. Шунда янги балонлар уринга эскилари алмаштирилганини билиб қолдим. Самарқанддан қайтиб келиб балонлардан гап очган эдим, Дилкаш худди олдиндан шу саволни кутиб тургандай «Домла, ҳозир сифат қолганми, чет элларда ҳам балонларни одамлар ясайдики, ахир одамларга ишониб бўлмайди» деди патирлатиб.

Ана шулар сабаб бўлиб, уни ишдан бушатиб қўйдим. Мен лақма бўлмасам ишдан бушашига бир ҳафта қолганда шу гапни айтамакми? Эртадан бошлаб ариза ёзинг, уринингизга бошқа одам келгунча узим хайдаб юрман, деган эдим, эртаси куни эрталаб «Нексия»ни отасининг эски «Волга»сига судратиб олиб келди. Унинг гапига қараганда алмаштирганимизга бир ойча бўлмаган бензонасос ишдан чиққан эмиш. «Эсперо» бензонасосини куйган эдик. Машина устаси қўшимча бензонасосни курсатган эдим, «Аявало бу «Эсперо» эмас, «Нексия»нинг узиники, роса чарчаб, куни битган» деган эди...

... Сержавт билан хайрлашиб йўлга тушдик. Шаҳарнинг кенг ва буюғ кўчаларидан ўтиб борар эканмиз, учаланининг ҳам кўнглимиз хуфтон, ҳар биримиз биринчи бўлиб нимадан гап бошлашни билмас эдик. Ўзимизни ўзимиз чалғитишга ҳаракат қилардик, охири бу йил қили бўлмаётгани, кўрини соғиниб қолганимиз, бугун роса чарчаганимиз, яна ўн кундан кейин янги йил, янги аср

бошланиши хақида, янги асрда зора уғри, муттахамлар камайиб кетса, деган бири бондан, бири тоядан келадиган гаплар билан овуниб борардик.

Биз катта чоррахага яқинлашганда рўшарадан келаетган енгил машина қизил чироққа қарамай ўнг томонга ўқдай учиб ўтди. Яшил ёниши билан биз ҳам ўша томонга бурилдик. Биздан бироз олдинда Тўнчи маҳалласига қирадиган кўча оғзида аввал даҳшатли ғийқиллаган, кейин шарақа-шуруқ эшитилдики, бир лаҳзада иккита машина урилиб, абжағи чиқиб кетди. Бейхитёр уларнинг ёнида тўхташга мажбур бўлдик. Янги «Волга»нинг очилиб кетган иккита эшигидан отилган иккита йиғит асфальтга чилларчин бўлишган. Иккинчи машина жимжит эди. Биз югуриб бориб ҳайдовчинини чиқармоқчи эдик, эски «Волга» эшигини очилмади. Ҳайдовчи рулга қанишиб қолган, унинг оғзи-бурнидан тиркираб қон оқар, қоронғида афти башарасини таниб бўлмас эди.

Шу заҳоти ДАН ходимлари етиб келишди. Уларнинг бунчаллик тез пайдо бўлиб қолганидан «Мабодо машиналардан бирини қувиб келмадимикан» деган ҳаёлга ҳам бордим. Улар «Волга»нинг ойнасини синдириб бутун бадани палок-шулуқ синиб кетган ёшгина йиғитни суғуриб олишди. Йиғитнинг икки оёғи шалвираб қолган, умуртқа суяғи ҳам кетган бўлса керак, оёқда туролмади.

ДАН ходими унинг бурнидан оқаетган қонини тўхтатмоқчи бўлиб бошини юқорига қутаришни билан этим жимирлаб кетди. Қон қусаётган йиғит менинг аввалги ҳайдовчим Дилкаш эди. «Ий-е» дедим узимни тута олмай. ДАН ходимига қараб «Мен бу йиғитни биламан» демокчи бўлиб, оғзимни жуфтлаганимда янги ҳайдовчим енгимдан тортиб эски «Волга»нинг олдинги ўриндиғидаги «Нексия» магнитофонига қараб имлади. Кузларимга ишонмадим. Пачоқ машинага яқинроқ келиб қарадим. Ҳақиқатан ўриндикда жойидан суғуриб олинган магнитофон ётарди.

ДАН ходимлари Дилкашнинг тезда қасалхонага олиб бориш учун машина ичига олишаётганда, у кўзини очди. Кўзини очди-ю, мени кўриб бақадай қотиб қолди ва яна кўзини чирт қмди

2001 йил.

ЎР ТАЛАШУВ

Нонушта маҳали телефон жиринглаб қолди. Уюшмадан экан. «Убайдулла Султонович оламдан утибдилар» деди котиба қиз.

Телефон олдида анча уймалашдим. Тошкент телефонларининг аҳволи ҳатигидай, анча уриниб атиги икки-учта танишни тутдим, холос. Улардан бошқаларга ҳам бу хабарни етказишни илтимос қилдим. Ўзим аниқ-тапиқ кийиниб устоз уйига ошиқдим.

Убайдулла Султонович ёлғиз яшарди. Бутун умрини санъатга бағишлаган инсон эди. Ҳаракалай, устознинг жиянлари, шогирдлари келишгандир, бунақа пайтда қуниқушни ҳам қараб турмайди.

Яхшиям утган ҳафта бориб олдиларида узоқ утириб келган эканман. Устоз анча мискин кайфиятда эди.

— Ўйлаб қарасам, деган эди шунда устоз, — Алишер Навоий асарларига бағишлаб қуй басталай бошлаганимга қирк йил тўлибди. Ҳазрат Навоий бир умр менга йўлдош бўлдилар. Қизиғи шундаки, Навоий туркиликда қалчалик қўн етим-есирларининг бошини слагаи бўлсалар, улгадан кейин ҳам биз қабил санъаткорларин боқиб келаётир. Афсус, қариб қолдим. Ўзи бир ижодкор сифатида, умуман армоним йўқ, қилишим лозим бўлган ишларни бажардим, фақат битта ниятимга эриша олмадим. Хиротга бориб ҳазрат Навоий қабрини зиёрат қилол-мадим. Биз яшаган замонлар чайкалабериб-чайкалабериб ҳеч тинмади...

— Худо хоҳласа, ниятингизга етасиз, — деган эдим қўнглини кўтариб.

Устоз уйига яқинлашиб келаянман-у, ушқа қуни унинг зўрға ўрнидан туриб, пинашшола чалиб берган «Навоий навоси» қўни бутун ҳаёлимни эгаллайди. Ёшимдан утиб кетаётган машина ҳайдовчиси кўрсаткич бармоғини чаккасига тираб бирвималар деди. Бошқаси қаттиқ тормоз бериб, сигнал чалиб кетди.

Таниш ва қадрдон уйга етиб борганимда дарвоза ёнига кўрпача ташланган иккита скамейка қўйилган, устознинг жиянлари тун кийиб, белбоғ боғлаб туришарди. Одам кам эди.

Мен устознинг жиянидан қўмиш марҳуминга дахлдор баъзи нарсаларни сураган эдим, «Ҳаммаси бўлди,

гўрковга хабар килинди, Салим аканинг узлари қабристонга бориб келдилар» деди. Бу гапни эшитиб, кўнглим ёришди. Устоз билан Салим ака ораларидаги ута нозик ва чигал муносабатлардан хабардор бўлганимдан «Хайрият, Салим ака инсофга кириб, охиратини ўйлаб қилипти-да», дедим ичимда.

Одамлар мансаб талашади, шухрат талашади, мол-дунё талашади, бир-бирига ҳасад қилишади, охир-оқибатда буларнинг ҳаммаси бир пул эҳлисини тушуниб етсин ҳам нақадар яхши нарса. Хайрият!

Салим ака Москва консерваториясини тамомлаб келганда Убайдулла Султонович анча машҳур бастакор эди. Ўзбекистонда унинг олдига тушадиган санъаткор йўқ, у яратган қушиқлар деярли ҳар қуни радио орқали таралиб турарди. Йил сайин асарлари Ўзбекистондан ўчиб ўтиб, бошқа халқлар дилига ин қўя бошлаган эди. Авваллари Убайдулла Султонович шогирдимаи, деб қоралдиган Салим ака марказда ўқиб келгач, қобилиятли композитор устоз-шогирд иши таранг тортидди. Бунга асосан бир бастакор симфонияси муҳокамасидаги баҳс сабаб бўлди. Убайдулла Султонович ёш бастакорни бироз танқид қилди, симфонияда мусикий меросимизнинг нафаси сезилмаслиги, халқ мусикасига мурожаат қилиш лозимлиги, ҳар бир куй, оҳанг, ҷолалар миллий рух билан ажралиб туриши кераклигини айтди. Шунда ёш композиторга устозлик қилиб юрган Салим ака танқидини ушга отилган укдай қабул қилиб, Убайдулла Султоновичга ташлашиб қолди.

Фикрингизга қушилмайман, — деди у, — бу Европа мусикаси маданиятидан беҳабар одамнинг гапи. Симфония — бу Европада келган. Уни яратаётган композиторлар Шарққа эмас, Ғарбга қараб қуйлаш керак. Кейин мен тушуна олмайман — қандок қилиб Европада шаклланган жанрга миллий тус бериш мумкин? Унда ижод эмас, таклидчилик бўлади. Бундай фикрга ҳелишингиз, домла, профессионал мусика билан халқ мусикасини ажрата олмаслигингиз, янама десам булар экан, саводнинг... ичорлиги. Сиз — бастакорсиз, халқнинг ҳаваскорона мусикаси атрофида айланаёсиз. Биз — композиторлар юксак профессионаллик йўлидан борамиз...

— Кечирасиз, — деди Убайдулла Султонович Салим аканинг таъини бўлиб, — сизга ким айтди халқ мусиқаси булган мақом, шаймақомларда профессионаллик йук, деб. Гап бу ерда симфония бўладими, оддий бир қўшиқми, унинг миллийлиги устида бормокда.

— Таъин тушунсангизчи, ахир, — деди яна Салим ака, — сиз халқ бастакорисиз, миллий оҳангларга уралашиб қолгансиз, биз умумбашарий мусиқий маданият ҳақида қайғурмокдамиз... Мана, уртоклар, консерваторияни тамомлаган, саводли композитор билан саводи нимжон бастакорлар уртасидаги фарқ нимада? Қобилиятли ёшларга тўғаноқ бўлишни ярашмаган қилик деб биламан. Келажак — профессионалларники!

Убайдулла Султоновичга консерваторияда ўқимагани таъна қилингани оғир ботди... У Уюшмага камдан-кам борадиган, муҳокамаларда фикр билдирмайдиган бўлди. Қўтилмаганда романс, контата, симфониялар ёза бошлади, бир йилда иккита операси сахналаштирилди. Шўхрати тобора қўтарилиб кетди.

Салим ака устоз шўхратига етиб олишдан ташқари ундан утиб кетишга ҳаракат қилди, ижодда эришмаган ютуқларни амал қурсини орқали қўлга киритди. Уюшмага «Санъат арбоби» учун урин ажратилса, биринчи бўлиб ўзи олди, воибликка сайланди, халқ артисти бўлди, давлат мукофотини қўлга киритди, номин қизил рўйхатга тиркаб қўйилди...

Ҳар қандай жамиятга хос бир касаллик булар экан. У иктидор жихатдан тенг одамларнинг ўзига ҳосини эмас, ўзига мосининг бошини силар экан. Бунинг ҳеч қим ўз вақтида на инкор этади, на очик айта олади. Инкор этса — тухматчи, очик айтса — ғийбатчи саналади. Таъма уйинидан битилган рўйхатни тўғрилаб ёзишга ҳақиқат сиёҳи камлик қиларкан. Замонлар олови қўрумга айланиб, тақдирлов қовоғи варракка ҳам ярамай қолгунча буюқлар қисмати масҳарабоз мансабдорлар қўлида ўйинчок экан. Шўхнинг учун улўғлар тақдири ворислар виждонидан паноҳ тоңаркан...

Хаёл сўриб, у ёқдан бу ёққа юриб турганимда узокдан аста-секин судралиб келаётган Салим ака кўринди. У ҳам қариб қолибди. Уюшма раислигини топишгандан сўнг анча чўқди. Келиб скамейкага ўтирди. Сигарета тутатди.

— Ука, — деди у менга угирилиб, — одамзод нима бўлишини билмайди. Раҳматли уйланмади, бола-чака курмади, кучоқлагани пинанино бўлди, охири нима бўлди — дунёдан кузи очик кетди. Хатто охирги лаҳзада кузини юмалиган одам топилмади. Яхшиямки, жияни бошида экан. Мени чақириб келди. Кузини юмиб, танглайини узим боғладим...

Ичимда бир нарсга «чирт» этиб узилгандай бўлди. Нахотки бу дунё шунчалар бешафқат бўлса? Нахотки шундай буюк бир инсоннинг кузига умр бўйи чўп солиб келиб, яна сўнгги дақиқаларда унинг кузини абадий очилмас қилиб юмиб қўйиш ҳам бу одамга тўғри келган бўлса?

— Раҳматли ёмон одам эмас эди, — галини давом эттирди Салим ака ёнида утирган устоз шогирдларидан бирига қараб, — кунгли очик эди, бировга ёмонлик қилмаган. Лекин одамови эди-да. Бировга қушилмасди. Ҳамма нарсадан, ҳамма ёқдан узини олиб қочарди. Уйланмаган одамларнинг фожиаси ҳам шу! Булар на айшу ишратни билишади, на роҳат-фароғатни, на гузал аёлларни. Фақат ижод, ижод, деб утиб кетишади. Э, ҳаётда ижоддан булак ҳам роҳатлар куп. Беш кунлик дунё деб бекорга айтишмаган.

Устоз мингдан зиёд асар яратдилар, узлари «Мен бахтиёрман» дер эдилар, — дедим Салим аканинг гапларига норозиلىгини бошқача йўсинда билдириб.

Салим ака менга буриш учиди илтибиб турган кузойнаги узра буқа қараш қилди. Лаблари билинар-билинмас титради.

— Мана, оқибати, — деди қулини ёзиб атрофдаги одамларга ишора қилиб, — маҳаллада бир инсон ўлса ҳаммаёқ одамга тулиб кетади. Ўлган одамни ёмонлаш гуноҳ-ку, аммо мен ҳақиқатин айтаман. Қаранг, маҳалладан унтаям одам чикмабди. Тўйга қатнашмаса, азага чикмаса, бирон марта хайит номозга бормаса...

— Икки-учта қушин тўйга чикмаса ҳам бутун миллат туйларини утказадиган қушиқлар яратди, одамларнинг яхши қунидаям, ёмон қунидаям миш йиллар давомида кунглини оладиган қуйлар қолдириб кетдилар, — дедим Салим акага тикилиб, — устоз жасадини бугун ерга берамиз-у, аммо унинг руҳи ҳеч қачон улмайди, Салим ака, бунга биров билмаса ҳам сиз яхши биласиз!

Худди шу пайт кетма-кет енгил машиналарда ёшу кекса бастакорлар, ҳофизлар, санъат аҳли кела бошлади. Йиғилганлар орасидан кимдир «Қаерга олиб борилади?» деб сураб қолди.

— Қаерга буларди, уз хилхонасига, — жавоб қилди Салим ака, — эрталаб узим бориб келганман, опаси, укасининг ёнидан жой курсатдим.

Тупланган одамлар орасида аллақандай жонланиш юз берди.

— Уюшма раиси хабардорми? Қўнғирок қилинди-ми? — деди кимдир.

— Устозни Чигатойга дафи этиш керак эди, — деди сочлари елкасидан ошган машҳур бир эстрада хонандаси.

— Фарқи борми, одам улгандан кейин қаерга қўйишни, — деди Салим ака халиги йиғитга қараб, — ҳамма қабристонда гур бир хил.

— Харқалай, устозни Чигатойга олиб борган маъқул буларди, — дедим мен ҳам, — у ерга элга танилган кишилар қўйилган. Убайдулла Султонович миллатимиз фаҳри, санъатимиз қуёши...

— Жуда кизиксизлар-ей, — деди яна Салим ака, — ахир гур қазилган, гурковга пул берилди. Энди нима кераги бор битган ишни бузиб. Масалан, мен улсам гур танлаб қормас эдим. Менга барибир. Қаерга олиб бориб қўмсаларинг — шу ерда жим ётабераман.

Салим аканинг сузларини эшитиб сескаиб кетдим. Наҳотки бу одам гур талашаётган бўлса? Наҳотки, узини бир кун эмас, бир кун Чигатойга боришига ишонган Салим ака у дунёда ҳам устоз билан қўшни бўлиб қолишни истамаётган бўлса? Наҳотки одамлардаги ички қоралик, ҳасад қўзи тупроққа тулғунча давом этса? Э, таваба!

Соат ун иккиларга яқин Уюшма раиси шаҳар қабристонлари бўйича мутасадди йиғит билан бирга келди. У устоз Чигатой қабристонига олиб борилажагини айтди. Салим ака «Ноқулай бўлди, гур қазиб қўйилган, чакки қилибсизлар» деб эътироз бидирмоқчи эди, Уюшма раиси «Ҳечқиси йўқ, ҳаммаси жойида бўлади, биз юқоридагилар билан келишдик, рухсат олдик, Чигатойда ҳам гур тайёр бўлди» деди гапни қисқа қилиб.

Устоз дарвозаси олдида махсус автобус, иккита «Икарус» кетма-кет турди. Ховлида, кучада одам тирбанд.

Шаҳар зиёлилари ёғилиб кетди. Бир чеккада макомчилар чалаётган оғир куй, айтилаётган марсиялар бутун маҳаллани оёққа турғизган эди.

Соат ўн икки яримда тобут кутарилди. Яқин орада таъзияга келган бунчалик кўп одамни кўрмаганман. Турна қатор енгил машиналар, автобуслар Чигатой қабристони томон йўл олганда одамларга қушилиб катта йўлгача чиққан Салим ака секин уз ўйи томон бурилиб кетди.

2003 йил.

«МУАЛЛИФДАН»

Етти йил бурун аспирантурага кирган Хайриддин Мусабоев ҳануз диссертациясини ҳимоя қилмаган эди. Илмий кенгашда директор Хайриддиннинг иши аччиқ ичкадай чузилиб кетганига домласи сабабчи дегандай бир шеърда профессор шогирдига насиҳат қилиб, «Олға юргин, аммо менинг ортимдан» деган сатрларини мисол келтирган эди, Хайриддиннинг табиатан кўрсерок домласи туюкиб кетди.

— Хайриддиннинг қўлидан диссертация ёзиш келмайди, — деди дабдурустдан, марҳамат, ким раҳбарликни олса қаршилигим йўқ, лекин аминманки, у илмий ишга лаёқатсиз.

Бу гап томдан тараща тушгандай бўлди. Кимдир домла ёнини олди, кимдир Хайриддинни ҳимоя қилди. Ғалаёвур бошланиб, охири Хайриддинга бўлимда бирга ишлайдиган, бир печа китоблар нашр этган, етук билимдон олим Рустам Тожибоев раҳбар этиб тайинланди. У аввалига рози бўлмади. Бу нарса бир институтда ишлаб туриб, сен элдолмаган ишни мен эллайман, дегандай бўлишини истамади. Кейин Хайриддиннинг илмий қобилиятидан бироз бўлса-да хабари бор. Илмий кенгаш аъзолари Рустам Тожибоевни бундан кейин Хайриддиннинг илмий ишига раҳбарлик қилишини бир овоздан тасдиқлаб, кўл кўтаришганларидан кейин иложсиз қолди.

Рустам Тожибоев шунча йил Хайриддин Мусабоев билан бир бўлимда ишлаб келса ҳам уни яқиндан билмас эди. Хайриддиннинг муҳокамаларда чурк этмай ўтиришини камтарлик белгиси, талашиб-тортишмаслигини одобли тортинчоқлик деб ўйларди.

Шу кундан бошлаб Хайриддин Мусабоев билан Рустам Тожибоев ўртасидаги устоз-шогирд муносабатлари илдиз отиб, гуркираб кетди. Хайриддин тез-тез домласидан хабар оладиган, қули туртга, оёғи олтига, участка қураётган домланинг оғирини енгил қилиб юрадиган бўлди.

Рустам Тожибоев участкани кўтариб, томинини ёпишга кийинлиб турганда Хайриддин жонига оро кирди. У юзта шифер келтириб, «Домла, пулини ўйламамиз, меҳдан ёрдам, ахир сизда қолиб кетармиди?» деди.

Домланинг нимаси қўп — ҳашири қўп. Деярли ҳар шанба бирор иш топилар, шунда Хайриддин бир-иккита мардикор эргаштириб келар, домланинг қулидан ипини олиб, «Сиз дам олинг, бизга керак одамсиз, бунақа қора юмушларни бизга қўйиб беринг» деб қўнғилини овларди. Қачон домла «Катта иш нима бўлаяпти, катта иш?» деб сўраса, «Бўлаяпти, домлажон, бўлаяпти, сиз бор — ғамимиз йўқ» деб қўярди.

Рустам Тожибоев шогирдининг диссертация материалларини куздан кечирди. Йиғилган материаллар диссертация бўла олмас эди. Бирга утириб, режани қайтадан тузишди. Қайси бобга қанақа китобларни ўқишсин, ўқитганда улардан қандай фойдаланишни, тузилган янги фикр-мулоҳазаларни қандай баён этиб, қандай тартибга солишни ургатди. Хайриддин шундай ҳурсанд бўлдики, ҳатто Рустам Тожибоевнинг қучоқлаб, юзларидан ўпди.

Шанба кунини домла уйини қора сувоқдан чиқаришга Эски Жувадан бешта мардикор, битта уста ёллади. Ўзи ҳам бола-чақаси билан лойи чапгаллаб турганда Хайриддин думбаси лапанлаган қора қўчқорни машинаси юкхонасидан туширди, бирга келган қассобини домла ёнига чақирди.

— Қани, домлажон, фотиҳа беринг, — деди қулини очиб, — ҳамма ишларимиз ҳамирдан қил суғургандай бўлсин.

Рустам Тожибоев бир қўчқорга, бир Хайриддинга, бир мардикорларга қараб хижолат тортигандай бўлса ҳам, болалари олдида «Ана, қўрдиларингми, оталарингнинг обрусин қанақа» деган кайфиятда лойли қўлларини фотиҳага очди.

Хайриддин кун бўйи мардикордан кўра чакхон ишлади. Домлани лойга қўл урдирмади. «Сизни ишингиз бош-

ка, домлажон, ана, урик соясида утириб, кулѐзмаларини бир куздан кечкириб куйсангиз, шуни ўзи етади» деб куйди.

Рустам Тожибоев шогирдининг қораламаларини варақлади, ўкиди, ўкиди, кейин бир жонини жабборга бериб урилаётган Хайриддинга, бир палкага тикилиб ўтирди-да, нималарнидир ѓзабошлади. У икки-уч соат ўтиб кетганини хотини шўрвага чақиргандагина билди.

Домланинг шўрва ичаётиб ҳам хаёллари аллақаёқларда юрганини сезган Хайриддин тушликни тезлаштирди, «Кани, биродарлар, кўн еб, куп утирсак, бушашиб қоламиз, иш совмасин» деди.

Худди ҳамма ўз иши билан банд бўлиши керак, деган хаёлда домла ҳам фотиҳадан кейин урик соясидаги столига бориб ўтирди-да, ѓзнини давом эттираберди.

Кечкурун домла мардикорлар билан ҳисоб-китоб қилмоқчи бўлганда Хайриддин «Домла, бу ёни бажарилди, уйламанг» деди. Домла узини бироз унғайсиз сездию, иморат қураётганда кичкина ёрдамдан боши кукка кўтариладиган ҳамма одамлардай мамнун бўлди.

Домла-шогирд анча гаплашиб утирди. Рустам Тожибоев бугунги ѓзган нарсаларини варақлаб туриб, «Мен диссертацияни қандай ѓзиш кераклигини кўрсатаман деб, қизиқиб кетибман, қарап, деярли битта параграф тайёр бўлиб қолибди, энди бу ёгини шундай давом эттираберасиз» деди...

... Диссертация худди шундай давом эттирилди. Лекин уни Хайриддин эмас, иморат битгунча шогирди етказиб турган материаллар билан уйнинг шншига фанер қоқилиб, деворлари алебастр сувоқдан чиқиб, пол, деразалар бўялгунча оз-оздан эрмак қоқиб, ѓзиб қўйганини домланинг ўзи ҳам билмади...

Хайриддин Мусабоев муваффақиятли равишда диссертация ёқлади. Оппонентлар кўкларга кўтариб, «Талафти кеч очилган етук олим» деб макташди. Кейин Хайриддин Мусабоев диссертациянинг барча параграфларини алоҳида-алоҳида мақола тарзда босиб чиқарди. Унинг ҳар мақоласи шов-шув бўлди. Хайриддин инсон руҳиятининг мураккаб томонларини очиб берган олим сифатида танилди.

Илмий-тадқиқот институтидан кетиб, кафедра мудирин лавозимини эгаллади. Домласи билан алоқали узмай

юрди. Одатда куп шогирдлар ишн битгандан кейин домласини унутиб куяди. Учрашиб қолгандагина апок-чапоқ куришмаса, бошқа пайтларда ўзи билан ўзи овора бўлиб кетади. Хайриддин вафодор шогирд чикди. Хатто бир кунн Рустам Тожибоевнинг олдиға келиб «Домлажон, қачонгача шу илмий-тадқиқот институтида юрасиз, ахир бу ер қун-курук-ку, юридик институтига утиб кетинг, дарс бериш сизға чут эмас, бир-икки йилда бир умрлик бўлиб қолардингиз» деди. Шунда ҳам домла унга қаттиқ галирмади. «Биродар, бунақа ишлар меннинг қўлимдан келмайди, ерда юришға ўрганган одам учолмайди» деди.

Кейин Хайриддин Мусабоевнинг рус тилида кетма-кет рисоаларни босилди. Домланинг «Ўзбекча ёзиш қўлидан келмайдю, рус тилида бунақа китоблар чикариш...» деган хаёлларға борган пайтларки ҳам бўлган.

Хайриддин Мусабоевнинг кетма-кет китоб нашр этиш сабабини домла тушуинмас эди. Хайриддин уз кафедрасига истеъдодли рус олимларини ишға жалб этар, уларға лекциялар матнини ёзишни топшириб, дарсини ўзи ўтар, ёки бошқаларға бўлиб берарди. Бир-икки йилда янги матруза матин пайдо бўлиб қолар, ун ё яқин киши номидан нашр этар, ё ёзган одамни рози қилиб, бир ўзи муаллиф бўлиб қолар эди. Кафедрада бир жинсининг узюк ишламаслигига сабаб шу эди. Хайриддиннинг эшакни лойдан утиб, ишн битгач янға бошқасини қидириб қоларди. Ёунн домла хаёлиға ҳам келтирмас, узюк йиллар мобайнида ўғлидек бўлиб кетган шогирдига совуқ шамолни ҳам раво қурмас эди. Аксинча, қирагининг бир четида унга инсбатан миниатюрлик шамчироғи милтиллаб ёнарди...

Навбатдағи учрашувда Хайриддин докторлик диссертациясининг хомаки режасини домла билан пишириб кетди. Домланинг туғилган кунида, Янги йилу Наврўзда қалин-момик гиламлар, замонавий диван-кресло, янги чикқан телевизор билан устозин йўклаб турди. Кеннойи юниб, чайниб, сиқиб берадиган хир ювини машинасига, битта қўй қалла-почаси билан сиқиб кетадиган музлатгичға эға бўлганда Хайриддинни утқазиниға жой тополмай қолди.

Хайриддиннинг номзодлик диссертацияси қандай ёзилса, докторлик диссертацияси ҳам шундай тайёр бўлди.

У пала-партиш қораламаларини кутариб келар, домладан «куз югуртириб беришни» илтимос қилар, домла эса унинг кифтини келтирарди. Бу ил бора-бора домлага уйишчокдек, эрмакка айланиб, мавзуга худди узининг илмий ишидай берилиб кетиб, оддий тахрир ёки тузатиш эмас, деярли қайтадан ёзиб қуярди. Шу алоҳида, Хайриддиннинг докторлик диссертацияси ҳам тайёр булди. Химоя қилди... Профессор булди. Хизмат курсатган фан арбоби унвонини кулга киритди. Домла эса оддий профессор булиб қолаберди.

Шундан кейин Хайридин сув қуйгандай жим булди-кетди. Бир-икки бор домланинг узи Хайридинга қунёнроқ қилиб ҳол-аҳвол суради. У «иши қуядигини» айтди. Орадан беш-олти йил ўтгандан кейингина учрашди. Факат расмий ҳолатда учрашди.

Илмий-тадқиқот институтлари янгича шаклланиш арафасида Рустам Тожибоев ишлайдиган институтга комиссия келди. Комиссия институт фаолиятини урганиб, унинг истиқболини белгилаши керак экан. Комиссия раиси Хайридин Мусабоев эди. У институт ходимларини катта залга тушлаб, эхтиркс билан маъруза қилди.

— Галининг кискаси, — деди у сузининг охирида, — энди бошқача ишлашимиз керак. Илмга тасодиф кирган, йиллар давомида битта мавзунини сакичдай чайнаб юрган, ёки ёши ўтиб қолган илмий ходимларнинг уз урнини топишларига ёрдам берайлик. Илм ҳам ижод. Мана, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар ижод эвазига яшайди. Бизнинг кекса олимларимиз ҳам шулардан урнак олиб уз жойларини ёшларга бўшатиб, эркин ижод йулига утишлари керак. Ҳақиқий олим уйида ҳам уз кашфиётини қилаберади. Кашфиёт эса ҳеч қачон инобатсиз қолмайди. Чинакам кашфиётга харидорлар топилади. Бозор иқтисодиёти шуни такозо этади...

Зал чайқалди. Ўтирганлардан бири уридан туриб, бири бошини кутариб, бири орқасига угирилиб Рустам Тожибоевни излаб қолди. Одамларга Хайридин Мусабоевнинг гапи худди уч йил бурун пексияга чиққан Рустам Тожибоевга ухшаш кекса олимларга карата айтилаётгандай, уларни ҳақорат қилаётгандай туюлди.

— Хайридин Мусабоевич, — деди ўрта ёшлардаги бир олим, — менда бир мулоҳаза бор. Галингизга қараганда грант асосида ишлашда забардаст олимлар билан

илмга энди кириб келаётганлар ўртасида тафовут қолмайди. Бунақада илм ўлади. Кичик илмий ходим фан доктори билан деярли барабар маош олса, бу адолатданми?

— Энди ҳар кимнинг шахсий мавзуси, индивидуал режаси бўлмайди, — жавоб қилди Хайриддин Мусабоев, — маълум илмий йўналишда тадқиқ этувчи олимлар гуруҳи ташкил топади. Бу гуруҳнинг раҳбари бўлади. Ана шу йўналиш учун маблаг ажратилади. Маблаг эса гуруҳ аъзолари ўртасида тақсимланади.

— Қизиқ, деди ҳалиги олим Хайриддин Мусабоевнинг сўзини бўлиб, — илмий йўналиш бир, одамлар ҳар хил, аммо маош барчага барабар тақсимланади. Яна илмий йўналиш раҳбари ўзига бошқалардан уч-тўрт барабар юқори маош белгиласа, кунглига яқин одамларни танласа ва ҳоказо... Мен илмни бунақа ташкиллаштиришни ҳеч тушуна олмай қолдим. Илмда, ижодда барабарлаштириш, баланд-пастни тенглаштириш ҳеч қанақа демократия қонунларига тўғри келмайди. Маош илмий салоҳият даражасига, натижасига қараб белгиланиши керак, ошна-оғайнигарчилик ёки қуруқ савлатга қараб эмас.

— Тўғри, деди Хайриддин Мусабоев, — маош иш натижасига қараб берилади, аммо уни лойиҳа раҳбари белгилайди. Чунки маълум лойиҳани амалга ошириш ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун, деган принцип асосига қурилади.

— Нега лойиҳа бошлиғи албатта институт раҳбари бўлиши керак-да, ҳаммадан кўп маош олиб, бошқалар бажарадиган ишга бурнини тикилиши керак? — деди яқинда докторлик диссертациясини ҳимоя қилган олим, — лойиҳа бошлиғи, менимча, илмда кузга кўрнган, мактаб яратган олим бўлиши керак. Институтларнинг барча раҳбарлари шунақа олим эмас-ку! Кейин илм-фанни бундай ташкиллаштириш, лойиҳа бошлиқларига чегараланмаган ҳуқуқ бериш, яна у институт раҳбари бўлса, илмда кариндош-уруғчиликка, шахсий садоқатга асосланган барчани барабарлаштиришга олиб келади. Ҳақиқий олимларнинг шўри қурийди. Етук олим кечаги шоғирли билан барабар маош олиб юрishiга мажбур бўлади. Охири илмни ташлаб кетади.

Менга қарап, ў, профессор, — деди Хайриддин Мусабоев, — ким ҳозир маошга кун қўраётми? Бозор

иктисодиётни шароитида яшаётганингизни унутманг. Талбиркор бўлинг. Институтга ҳафтада бир-икки марта келасиз, туринг, мен буни яхши биламан, узинг ҳам бир пайтлар шу институтда ишлаганман. Қолган вақтда нима қиласиз? Ҳаракат қилиш керак. Ҳаракатда — баракат. Ҳафтада беш кун буш вақтингиз бор — ана, Отчопарга боринг. Бирор нарса уйлаб тошинг, олим одамсиз. Бир жойдан олиб, иккинчи жойда сотинг! Фойдасини чунтақка уринг! Ҳеч нарса қўлингиздан келмаса, аравачада кк ташиб, одамларнинг хожатини чиқариб юрсангиз ҳам қўнганга турт-беш минг тонасиз...

Хайриддин Мусабоев яна нималардир деди. Зал калкиб кетди. Унинг гапидан сўнг баъзи олимлар бириккетини ташқарига чиқиб кета бошлади... Рустам Тожибоев соддалик қилиб, мажлис тугагач, шогирди у билан куришиб кетади, деб ўйлаган эди. Шунда «Гапинг нотурри, илмга бунақа қараб бўлмайди» демохчи эди. Хайриддин яқинлашмади. Хайриддин Мусабоев атрофини ураган одамлар орасидан йўл очиб бораётган уч-тўртта югурдаклар қуршовида домлага салом бергандай бошини эгиб, ёнидан утиб кетди...

Домла уйга келиб иш кабинетидан узок чикмай утирди. Бошини чангаллаганча кузини юмиб ўтирди. Кўз унгида минбарда қўлларини ўйнатиб, оғзини қупиртириб, тантанавор сўзлаётган Хайриддин кетмас эди. Домла креслога суяниб, бошини кутарди. Кузини очди. Жовондаги китоблар жимир-жимир ёриша бошлади. У шогирдларининг катор териб қўйилган автореферат, китобларига кўзи тушди. Энг чеккада ўзи ёзиб берган диссертация асосида ёзиллиб чиккан Хайриддин Мусабоевнинг «Иисон камолоти» китоби турарди. У бектиёр китобини қўлига олди. Биринчи варақни очини билан Хайриддиннинг дастхатига кўзи тушди. «Азиз домлажон, бир умрга мишнатдор шогирдингиз — Муаллифдан» деб ёзилган эди.

Рустам Тожибоев «Муаллифдан» деган сузини қайта-қайта ўқиди ва «Ҳа, «Муаллиф» бўлган...» деди кейинги варақни очар экан. Китобга Алишер Навоийнинг «Кучук бирлаи хўтпкка канча килсанг тарбият, ит булур, доғи эшак, бўлмас асло одамин» деган сўзлари эпиграф қилиб олинган эди.

Биров Рустам Тожибоевнинг ишонасига кетма-кет чертиб, миясини пармалаб, елкасидан маҳкам ушлаб турткилаётгандай титрай бошлади...

2003 йил

ҒУШТ ЕМАГАН БОЛА

Хамма оталар сингари Қосим ака ҳам тўнғич фарзанди ўғил бўлишини орзу қилган эди, тилаги ушалди. Хотини Сурайё полапон ўғил туғиб берди. Отини Саидвали кўйди.

Саидвали мактабни битириб, коллежга уқишга киргунча кўпроқ отасининг ёнида юрди.

Қосим ака ўғлини ёшлигида бир марта ишонасига олиб борган. Кабинетида расм ишлабни, китоб суратларини томоша қилиб ўтирувдими, бир киши кириб келганда дадаси ўридан сапчиб туриб, худди қолтоқ телиб дераза сийдирган боладай жовдираган. Шунда «Салом бер амақингга, салом бер» деб уни кистаган. Қирган одам Саидвалига қараб «Салом, қузичок, салом» деган. Кейин дадасига нималариндир қаттиқ-қаттиқ гапириб чиқиб кетган. Дадасининг оғзига талқон солгандай жим туриб, факат «хўп-хўп», «хўп-хўп» деб бошини эгиши Саидвалига ёкмаган...

Қосим ака шамоллаб, уйда ётган кунни Саидвалининг ўқиши пешиндан кейин эди. Телефон жириглади. Дастакни Саидвали олди. Кимдир «Қосим ака?!» деди. Саидвали «Йуқ, мен ўғиллариман, дадам қасал ётиптилар» дейди. Шунда кўнғирок қилган одам «Айтиб қўй, директор кўнғирок қилди, де» дейди. Дадасининг «Ким экан?» деган саволига Саидвали «Директорингиз» дейишини биллади. Қосим ака ётган жойидан оряб туриб телефонга кул чўзади. Саидвали отасига қараб ҳайрон қолади.

— Мен бироз бетоб бўлиб қолдим, кечирасиз, ўғлим танимабди, бюллетень бор, бюллетень. албатта, албатта... айтганингиздай бўлади, дейди Қосим ака.

Саидвали дадасининг директор билан гаплашганда ўзини йўқотиб қўйгудай талвасага тушиб қолишдан ғалати булиб кетади...

Маҳаллада тўй бўлиб, катталар столда ўтиришса, Саидвалига ўхшаган ёшлар ё хизматда, ё тупланишиб

бир чеккада базм томоша килишади. Бир уғил туйида Саидвали нариги кучалик махалла миршаби билан тапаш-шишга сал қолган.

Болалардан бири Саидвалини туртиб «Қара, кара» деди. У уртадаги столда утирган дадасига миршаб зурлаб ароқ ичираётганини кўрди. Икки кулини кўксига қўйиб, шунчалик «Булди, булди» дейишига қарамай, миршаб урнидан туриб дадасининг дулписига пиёладаги ароқни «Қуяман, ҳозир қуяман» деб кисталанг килаётганини ҳам кўрди. У болалар даврасидан отилиб чиқиб, аравонга ташланмоқчи булганда уни уртоқлари ушлаб қолади. Дадаси миршаб кўлидан дулписини қолқиб олиб тўйдан чиқиб кетган эди. Миршаб дадасининг орқасидан нима-лардир деб бақирган.

Шундан буён Саидвали миршабни учратиб қолса, тишини нижирлатиб утади.

Охирги марта дадаси билан бозорга бориб қайтишаётганда ҳам бир йигит билан муштлашиб кетай деди. Яқинанба кунлари Эски Жува олдидан машинада утиш анча оғир. Одам чумолидай. Дадаси машинасини қўйган жойидан чиқараётганда Саидвали ўтаётган машиналарга қараб турди. Дадаси машина орқасидан халта кутариб келган йигитни кўрмай, сал тегиб кетди. Халта ичидаги бир-икки тухум синди, шекилли. Халиги йигит Саидвалининг дадасига «Кузингга қарамайсанми, молмисан?» деди. Саидвали аввалига бу гап кимга тегишли эканини билмади, дадаси машинадан чиқиб, «Кечирасиз ука, кечирасиз» деяётганда гап дадасига қарата айтилганини билиб, унга «Ўзинг молсан, ўзинг ҳовлиқиб, машина чиқаётганини кўрмадингми, хўкиз» деди. Маҳкам ака ўғлини кўлидан ушлаб тортди. Машинада ота-бола чурк этмай боришарди. Бирдан Саидвали «Дада, қачонгача одам ўз кадрили билмай, топталиб яшайди?» деб қолди. Қосим ака индамади. Уйга яқинлашганда «ўғлим, катта булсанг ўзинг тушуниб оласан, биз мўмин-мусулмон эканимизни унутма, сениқликни қўй кутаради, тобелик пешонамизга ёзилган қисмат...» деди.

— Э, дадажон, инсон қачонгача қўй бўлиб, топталиб яшани керак? — деди Саидвали. У яна бирнималар дегиси келди-ю, жим бўлиб қолган дадасининг кўзидан ўтолмади.

Охирги пайтларда Қосим аканинг хотиви овқат масаласида жуда кийналиб кетди. Ўғли Саидвали мижози узгаргандан бери қозони қўстандай пиширган овқатидан маза қочди. Авваллари ширин-ширин овқат тайёрлаб, эри-ю болалари иштаҳа билан ейишларини қўрганда яйраб кетарди. Энди-чи, шунча уриниб боласининг ўзига илинса-ю, унинг иштаҳаси очилмаса, бу қапақаси ахир? Бунақа чинхурликда Саидвалининг линқаси қуриб кетади-я!

Қаёқдан пайдо бўлди бу одат? Шўрва сузса сувини ичади, картошкани сўйди, гуштни олиб қўяди, мошқичиринга майдалаб тўрелган гуштни ҳам териб утиради. Ҳадеб картошкали хоним, полёом шўрва, қовоқ сомсадан со-вуви ошиб кетди боланинг. Бирор касалга чалиниб қолмасини ниқилиб, худонинг ўзи асрасин!

Сурайё шилпилдоқ қилган эди. Иккита катта лаганга сузиб келди. Битта лагани эри билан Саидвали олдига қўйди, иккинчи лаганга кичик ўғли, қизи, ўзи қўл қўзичди. Қосим ака ўғлига «Ол» деди-да, бошини лагандан кўтармай қайноқ шилпилдоқни пуфлаб ея бошлади. Лаган яримлаб қолганда ўғлининг гуштсиз хамир чайшаётганини кўриб, «Ол, гуштдан қушиб е, аянг гуштни зап сурлашга уста-да», деди.

Энди билдингизми? — деди секин Сурайё эрига чой узатар экан, — бунингиз аячадан бери ҳунар чикариб қолган. Гушт емайди. Сизга айтган эдим, эътибор қилмадингиз. Сиз тушунтириб қўйинг бунга, йигит киши буламан деса гушт есин. Гуштда витамин қўп, одам гушт емаса акли паст бўлади, айтинг, гапим туғрими, дадаси?

— Туғри, гушт емай яшаб бўладими ўғлим, бу қапақаси?

— Дадажон, вегетарианлар гуштсиз ҳам яшайди, уларни ҳеч ким акли паст дейишмайди, — деди Саидвали.

— Нима, вегетариан бўлмоқчимисан? — суради Қосим ака ҳам ҳазил, ҳам киноя аралаш илжайиб.

— Гап унда эмас, — жавоб қилди Саидвали уридан туриб, — мен товуқ ейман-ку, от гушти ейман-ку, фақат...

— Нима «фақат?», паррандачилик фермаси мудирманми, сенга ҳар куни товуқ сўйиб берадиган, ё йилкичмашми, қазни билан бокадиган, — деди Қосим ака. —

Ёш боламассан энди, тушунасан, ҳозир гушти кезон қайнатишиниң узи бўлмаяпти.

— Дада, кечирасиз, мен биларни боқолмаянсиз дея-ётганим йук, гал боппка томонда, мен мол гушти, қуй гушти, балиқ емоқчи эмасман.

Қосим ака хохолаб кулиб, хотинига қаради.

— Галини эшитдингни урдингни, мол гушти, қуй гушти, балиқ емас эмиш. Қанака гушт ейсан, чучка гуштинми?

Қосим ака яна хохолаб кулди.

Саидвали дадасига қовоғини уйғашча, уридан туриб кетди.

— Дадаси, ҳазилинғиз қурмасин, бунака гаплашмангда бола билан, — деди Сурайё, — сиз эрталаб кетиб, кечқурун келасиз. Ўғлинғиз анча катта булиб қолди. Буйи буйинғизга теги. Уни олдинғизга олиб, секин, алдаб-сулдаб гаплашинг, жингга тегадиган гапини қуйинг.

Қосим ака ўғлининг гапинга ҳам, гушт емай юришига ҳам унчалик аҳамият бермади. Баловат ёшига яқинлашган болаларнинг бири сигарета чекишга урганиб, бири арокка куз олайтирадиган, бири қизлар кетидан югуриб, бири кучада санғиб юрадиган, бири копток тепиб, бири кассета жингиси бўлишини билади. Ўғлининг гушт емаслигини худди шунака қилиқлардан бирига йўйди. Тобора приқлаб, ранг-руйларидан қони қочиб юришини болалиқдан усмирликка утишда буладиган табиий ўзгариш деб уйлади.

...Орадан анча вақт ўтди. Сурайё овқат сузганда кузига жикка ёш келса-да бора-бора Саидвалининг қосасига гушт солмайдиган бўлди. Ўзининг қосасидаги гуштни чайнашга ҳам ийманадиган, томоғига лўкма тикилиб қолаётгандай туюларди. Бир куни уйда ҳеч қим йук, болалар мактабда, Саидвали коллеждан эртароқ қайтган эди, ўғли билан гаплашиб олгиси келди. Ёнига утказиб, ёшли кўзларини унлига тикди, бошини силади, секин гал бошлади.

— Онанг ўргилсин сендан, — деди Сурайё, — мени намунча кийнамасанг, ёшлигингда укаларингга қараганда сен гуштхур эдинг. Ёдингда борми, «Илиги менга, илиги менга» деб турардинг. Духтирлар гушт емаса оқсил моддалари қамайиб кетади, касал булиб қолади, деди. Қаердан бу нарса миянга кирган — хайронман. Ўзинг

ақллисан, уҳишларинг «Беш», ҳамма сенга хавас қилади. Мен мактапиб юраман, ўғлим куй оғзидан чўп олмаган бола, деб.

— Аяжон, — деди бирдан Сандвали онасига тик қараб, — нима десагиз денг, фақат мени куйга уҳшатманг!

— Бу нима деганинг? Нега сени куйга уҳшатаман? Халқ орасидаги гапни айтдим-қўйдим-да. Мана, дадангни биласан, жуда мулойим, бировга каттик гапирмайдиган, бировни хафа қилмайдиган, катталар нима деса «хўп» деб турадиган, қўйдай юввош одам.

— Гап шунда-да, ая! — деди Сандвали урнидан туриб, — мен шунақа одам бўлиб қолишни истамайман.

— Бу нима деганинг? — Ҳамма болалар отамга уҳшасам деса-ю, сен...

Тутшунмаяпсиз, ая! — Сандвали нима дейишнни билтолмай бошқни чангаллади.

Агар очингни айтсам, ая... мен... мен... бир айёр серкага эргашиб қушхонага чопқиллаб борадиган қўйларга, бўйнига арқон солиб қаёққа етакласа шу ёққа юрадиган қорамолга, ичак-чавағини ағдариб ташласа ҳам «ринг» демайдиган баликка уҳшаб яшашни истамайман... Мен — инсонман. Инсондай яшашим керак. Чупон таёғидан титрайдиган кўрқок молга уҳшаб эмас. Мол гушти, қуй гушти, балик емай қўйганим шундан!

Сурайё ағрайиб қолди. Ўғлининг нималар дегани, нималар демоқчи булганини тушуна олмай, пихоят, «Жинни бурсан!» деди. «Отанг келса, чақаман, сен билан яхшилаб гаплашиб қўйсин, хали мол бўлиб қолишдан кўрқиб гушт емай юрибсанми, вой, тентак-ей» деди.

Кечкурун Сурайё ҳамма гапни окизмай-томизмай эрининг қудоғига қўйди. Қосим ака ўғлини эргаштириб ичкари хонага кириб кетди.

2003 йил.

ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР ЁХУД ЎТГАН АСР ҲИКОЯЛАРИ

*(Тилаб Маҳмуднинг «Оқар дарё оқмасмиди
жимғина», «Омонат дунё»
ҳикоялар тўпламларини ўқиб...)*

Йиғирманчи аср ўзбек адабиёти халқимизга бир катор ҳикоя усталарини етказиб берди. Руслар, французлар, инглиз ва немислар каби, биз ҳам новелла усталари ўзбекларда борлиги билан фахрланамиз. Абдулла Қаҳҳор бу санъатнинг устаси сифатида ном қозонган бўлса, Шукур Холмирзаев утган аср иккинчи ярмида жанрини янги поронага кутарди. Сунгги чоракда ҳикоячилик санъатига Эркин Аъзамов номи ҳам қўшилди.

Биз бугун XX аср ўзбек ҳикоячилигининг тағин бир ҳақли вакили асарлари устида тўхталмоқчимизки, бу адиб то шу йилларга қадар китобхонга маълум эмас эди. Ўзбек ҳикоячилигини раванқ топтиришда Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Ўктам Усmoniв, Учқун Назаров, Неъмат Аминов, Саъдулла Сиёев, Хурийд Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқулов, Эркин Усмонов каби ўзига хос истеъдодлар хизматини эътироф этган ҳолда, янги ҳикоянавис муаллиф Тилаб Маҳмуд асарлари устида фикр юритишга интиламиз.

Муаллиф ҳақида, унинг кўп қиррали ижтимоий, адабий фаолияти туғрисида адабиётшунос Маҳкам Маҳмуд биринчи тўпламга ёзган «Олимона шоирлик, шоирона олимлик» мақоласида муфассал маълумот берган. Олимининг қайд этишнча, адабиётшунос Умарали Норматов нозиктаб олим сифатида Тилаб Маҳмуднинг ҳикоячилигини биринчилардан бўлиб кашф этган ва адибнинг аксарият ҳикояларини чинакам санъат асарлари сирасига киритган. Академиклар Иззат Султон, Матёкуб Қўшжоновлар ўзбек адабиётига Тилаб Маҳмуд сиймосида янги, ёркин истеъдод камтарона, тинч «оқиб» кириб келганини тан олганлар. Хатто адабиётшунос

Нуъмон Раҳимжонов Тилаб Маҳмуд ҳикоялари ҳақидаги тадқиқотни «Ўзбек адабиёти тарихи»га киритиш ниятида.

Адиб устоз ва замондошлари Абдулла Қаҳҳор ҳамда Шукр Холмирзаевлар каби суз устаси сифатида эмас, балки рассомдек тасвир устаси бўлиб, воқеаларни «чизади». Айни пайтда янги адиб ёзувчиликка ҳам бегона эмас. Унинг кичик ҳикоядаги «йиги аркончик эша бошлаган аёл», «ғийбатнинг оёғи сина бошлаганда» ифодалари ижодкорнинг тилда ҳам оригинал йул оча олишига умид туғдиради.

Тилаб Маҳмуд ҳикояларини туркумларга бўлиб чиқадиган бўлсак, улар мавзу жиҳатидан автобиографик характердаги, яъни муаллифнинг ота-онаси, опа-сингиллари, ўзи туғрисидаги асарлар, иккинчи ном билан «катавон йиллари даҳшатлари ёки бир онда мингида миллат фожеаси» деб аташ мумкин. Бундай асарлар сафига «Алам», «Бодом гулли дўши», «Ўтин», «Қашқа», «Майна», «Олтин олма, дуо ол» кабиларни қўйиш мумкин. Бу ҳикояларда совет даврида ўзбек халқи ўз бошидан кечирган кулфатлар бадий ифодасини топган.

Иккинчи туркум ҳикояларда адиб авлодлараро ўзвийлик, анъанавийлик риштаси ўзилиб қолишидан хавотирланади. Ундан келиб чиқадиган салбий оқибатларга эътиборингизни қарагади. Миллатнинг яшаб, бардавом бўлиши ёки бутунлай барҳам топиб кетиши ана шу инсоний алоқага боғлиқлигини исботлайди. «Оқар дарё оқмасмиди жимгина», «Тумор», «Имтиҳон», «Келин», «Қўзой-накли дўхтир» ҳикоялари билан танинганда шу худосага келасиз. «Қасос қисматга қолмас», «Қим қилмагай – қим топмагай» ибораларни ҳақлигига имон келтирасиз. Ота-она касри, гуноҳи болага урган гуноҳи бўлиб, табиат, илоҳиёт қонунилари ҳақидаги уйларга чўмасиз.

Ўтган аср ҳикоялари тоталитар совет тузумининг деярли барча босқичлари ҳақида тасаввур беради. Бир туркум новеллаларда бу тузум даврида ҳам йилт этган нур каби ижобий воқеа, ҳодисалар намуналаридан ҳам қўз юмилмайди. Чунинчи, умуминсоний, умумбашарий муаммолар қаламга олинган «Нихол» ҳикояси халқлар, мамлакатлар дустлиги, муштарак жиҳатлари ҳақида эди.

Тилаб Маҳмуд ҳикоялари ўтган асрнинг, яна ҳам аниқроғи, совет тузумининг бадий инъикосидир. 1972

йилдан то 2000 йилгача қарийб ўттиз йил давомида ёзилган психоний бадналар узок вақтлар эълон қилинмаган. Тадқиқотчи Маҳкам Маҳмуд таъкидлаганидек, уларни нашр этиш, оммага етказишнинг имкони ҳам йук эди. Ҳеч қайси давлат уз конституцион тузумини фoш қилувчи асарларни чoл этмаслиги ҳаммага аён.

Муаллифнинг бир туркум ҳикоялари социалистик жамиятнинг ривож топган, миллатлар аста-секил йуқотилиб, янги совет халқи бунёд бўлиши кўзда тутиладиган жараён тасвирига бағишланган. Бундай асарлар сирасига «Абадий дўстлик», «Яширин овоз», «Натюрморт», «Бош чаноғи», «Портрет», «Арафа оши», «Ошшоқ куёв» сингари қатор ҳикояларни киритиш мумкин. Бу тоифа асарларда янги замон одами коммунистик ахлоқ кодекси-нинг умуминсоний, умумбашарий маданият ва тараққиётга эйд, ҳиёнатқорона фалсафаси фoш қилинади.

«Абадий дўстлик»даги иккиюзламачилик, ҳиёнат, «Яширин овоз»даги ҳам гарлик, ҳам пенгирлик, «Натюрморт», «Портрет»даги нафосат ичра бефаросатлик, «Алам»даги худосизлик, «Арафа оши»даги ижобий «қолоқ»лик 80—90-йиллар ғоявий-мафкуравий фoжеамиз илдиэларини очиб беришга хизмат қилади.

Ўқувчи сифатида мени ҳайратга солган ҳикоялар туркуми орасида санъатқорнинг ҳайвонот дунёси билан боғлиқ асарлари ва улардаги шафқатсиз реализм бўлди. Булар «Майна», «Чумчүкхур», «Ўч», «Қуймас», «Қашқа» новеллалари бўлиб, назаримда бу асарлар адабиётимизда «кичик дўст»ларимиз ҳақидаги энг ёрқин бадналардир. Хонаки ва ёввойи ҳайвонларнинг ишонарли образларини яратишда жаҳон адабиётида Жек Лондон, Сетон-Томпсон, Иван Тургенев, Лев Толстой, Чингиз Айтматов, Суннатилла Анорбoев, Тоғай Мурод номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Тилаб Маҳмуд уз маҳорати ва тасвир услуби жиҳатидан улардан кам турмайди. Хусусан адибиин мен бу жиҳатдан Жек Лондонга издош қураман.

Бу тоифа ҳикояларда Инсон ҳайвонот дунёсига ё яхшилик, ёки ёмонлиқни раво қўради. Ҳайвон ҳар икки ҳолатда ҳам инсонга содиқ бўлишга, уни ер юзининг хужайини, узининг ҳам эгаси сифатида ҳурматини бажо келтиришга интилади. «Майна»да Тағим ҳолаининг беғараз дўсти, ҳамроҳига айланиб қолган ногирон қуш оқибат

тошжорак қушин бола томонидан отиб ўлдирилади. «Чум-чукхур»да кичик ёшдан қуни-қушининг товуғини тир-киратиб, тухумини унирлаб усган Рашид айри чузма билан қушларни кийратади. Айниқса жар тешикларига аришинг уясидай ил қурган чумчукларга кирон келтира-ди. «Қуйнидаги чумчукларни битта-биттадан олиб, буйни-ни шартта-шартта узиб ташлайверди. Ўртоқларига «ана, патини қолларинг» деди қулининг қоникни эшаклининг туки-мига артаркан...». «Эшаги» ёки «унинг тукими» Рашид-нинг руҳини баҳолончи деталдай қуринади. Аммо эшак ҳам бундай ишни қилмайди.

Ўз даврида миллатдошларига зўғум ўтказиб, уларни қудоқ, болаларини етим қилиб, ватанидан жудо этган ҳекса авлод вакиллари қабр икки-уч насл янгиланса-да, зулм тухуми қуримайди. Янги замон золимлари туғила-веради. Улар вакилларининг кенжа бўғин орасида фаол-лиги зулм иддиэларининг чуқур кетганлигидан дарак беради. «Қўймас» ҳикоясида ўз қавмига қарши бориб Инсонга садоқат билдирган бўривачча, «Ўч»да ундан қасос олишга мажбур қилинади.

Ўсар овчининг тасодиқ туфайли (тасодиқмикни?) гудаклик чоғида йўлбарс тирноғида бир кўз соккаси ке-тади. У ёлғиз қузи билан юлдузни бемарҳом урадиган бургутнигоҳ мерган бўлиб етишади. Катта қор тушиб, қишлоққа йирткичлар оралаб қолганида қулранг она бўри билан душманлашиб олади. Унга қарши қурашда отаси-дан қолган бир усулни қўллайди, яъни бўри боласини уясида унирлаб уйида маҳси териси билан кетини чип-киртириб тикади. Бир-икки қун бокиб, қайта уясига таш-лайди. Бола бўри гудаклик қилиб онали эмаверади. Чи-киб кетадиган жойи булмагач, ёнигиб қийналади. Боласининг безовталигини қурган она бўри уни олич-лаб тоғма-тоғ юраверади, эмиэаверади. Бўри боласи минг азоб билан ўлмагунча онасининг елкасидан тушмайди. Бўри эса боласи шу аҳволга тушган жойга қайтиб кел-майди... Қаранг, одам зоти ҳар қандай ваҳшийликнинг пири-я!

Ҳақиқатан ҳам кейинги йиллар қишлоққа бўри ора-ламай қўяди. Ораган анча йил ўтиб тагин қалин қор тушгач, мерган қаклик онага бориб уйига қайтмайди. Қариндошлари уни қидириб Мингбулоқ яқинида жаса-дини топишади. «Ўсар овчининг бўйни чайнаб ташлан-

ган, соғ кўзи ҳам косасида йўқ эди». Биз болаларда шафкатсизлик, жаҳолат, хиёнат қаердан пайдо буларкин деб ҳайратланамиз. Мана унинг илдизи — уларга оталардан, катта авлодлардан утади!..

Тилаб Маҳмуд ҳикоялари содда, равон, ҳаётӣй, муайян бир роя, мақсадга бўйсунмаслиги билан ажралиб туради. Уларда режали адабий ният, кўзда тутилган мафкура, жилов йўқ. Уларда шакл ва мазмун, моҳият ва мундарижа, киёфа бор.

Ижодкор бир замонда яшаб, узга санъат усталари асарларига бефарқ бўлиши мумкин эмас. Тилаб Маҳмуд ҳам барча ҳикоя, новелла усталари китобларини ўқиган, завқ олган. балки янги асарига туртки, ҳамиртуруш топган бўлиши мумкин. Мен муаллифнинг «Ок илон, ошпок илон»ни ўқиганимда Абдулла Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикоясини эсладим. «Қашқа»ни мутолаа қилганда Тоғай Муроднинг Тарлони ёдимга тушди. «Ўн сўмлик кийил пул»ни ўқиб Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси ҳаёлимдан ўтди. Бир хил ёки бир-бирига ўхшаши воқеа-ҳодисани ҳар бир ижодкор ўзинча бадиий талқин қилади. Ўқувчи ҳар бир асардан ўзинга яраша таъсир ва ҳулоса олади.

Тилаб Маҳмуднинг «Новвос» асарини ўқиганингизда ўзбек ҳикоя устаси Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикояси воқеалари кўз унгингиздан утиши мумкин. Ҳар иккала асарда ҳам бош қаҳрамон — кекса, нотаваб чол. Ўғирланган ҳўкиз образи ҳам муштарак. Қаҳҳорда ўғридан ўтган қароқчилар муштипар қариянинг кулфатига айлansa, Тилаб Маҳмудда туқсон ёшли Тошпулат отани шу куйга солган етишмовчилик Виждон азобиға айланади.

«Оқар дарё окмасмиди жимгина» китоби сўзбоши-сида Маҳкам Маҳмуд «одатда қисқа ёзолмайдиганлар қисса ёзадилар» деган адабий ҳикмат келтирган. Қисқа, лунда, образли ёзиш ҳар қандай ижодкорнинг қулидан келаверадиған иш эмас. «Новвос»да сўз ўйини каби Тошпулат бува тилидан айтилган «Ҳа энди, молда, мол одаммиди, адашса уйини топиб келадиган» деган жумла айнан мунозаранинг ечимига сабаб бўлади. Шу жумла ҳикоя умуртқа поғонаси вазифасини бажаради. Фаёз бригадирнинг эски халқона усул — гумон қилинган мол қимниқилигини аяқлаш учун кишлоқнинг бир чекка-

сидан сал адаштириб қўйиб юбориш кифоя. Мол кимнинг ховлисига кириб келса, уша одамники бўлади. Хикояда мол одамдан туғрироқ, «ақллироқ» бўлиб чиқади...

Янги ёзувчининг барча хикояларида кузга қуринмас, матн остига яширинган тимсол бор. Ана шу тимсол адибга куч беради, қаҳрамонлари тақдирини ҳал қилади. Адолат тарозусини барчага тенг тутати. Шу сабаб ожизу нотавонлар адолатсизлик рунарасида қадлари дол бўлиб, бошлари эгилиб қолганда, «худога солдим» дея нафас оладилар. Парвардигор ҳам художўй бандаларини куттирмай, тезда жамол қўрсатади — золим жазосини олади...

Фалсафа фанлари доктори, профессор, эстетика-нафосат назарияси ва амалиёти ҳақидаги китоблари билан ном қозонган зиёли ўзбек адабиётида ҳам хикоячи сифатида обривга тушди. XXI аср бошида, олтимишдан нариги ёшда миллий адабиётимиз тағин бир истеъдод билан бойиди. Ҳатто ёзувчилар уюшмаси йилнинг энг яхши ёзувчиси сифатида кашф этилган адибни ўз сафига олиш тадоригини кўрди, номаълум сабабларга қўра бу эзгу ният амалга ошмай қолди. Бу орада Тилаб Маҳмудов хикоялари мохир режиссёрлар қўлида туркум кинофильмларга айланди.

Адиб руслар айтган «второе дыхание» босқичида ўзбекчасига қайта покланиб, бадиий ижод чилласига кирди. Янги ижодкорни илгаригидай таҳририятлар, илмий-ижодий идоралар, зиёфату қойхоналарда учратмай қўйдик. Ниҳоят, яқинда, 2003 йилнинг майида қўлида катта қўлёзма папка билан Тилаб Маҳмудов каминани йўқлаб ишхонамга кириб келди. У уч йиллик ижодий ҳисоботи сифатида ёстикдай қўлёзмани мента тутқазиб, айни пайтда Тошкент шаҳар ҳокимияти буюртмаси билан Ўзбек миллий академик театрига шу кўнлар муаммоларига бағишланган драматик асар ёзиб берганлигини айтиб (рафикаси Дилбар Маҳмудова билан ҳамкорликда) суюнчи олди.

Мен қўлёзмани уйга олиб кетиб, шапба-яқшанба кўнлари ҳузурланиб, табиийки, янги ҳаяжон билан мўтолаа қилдим ва дам олиш кўнларининг ижодий мулоқот — меҳнатда утганига ачишмадим. Янги китоб «Омонат дунё» деб аталган. Ундан 37 та катта-кичик хикоялар урин

олган бўлиб, мен китобхон-уқувчи сифатида уларнинг 7—8 тасини кичик қиссалар урнида қабул қилдим.

Иккинчи китоб ўз мавзу ранг-баранглиги жиҳатидан олдинги — 1-китобдан кескин фарқланади. Биринчи китобда соф бадий асар-хикоя, ўзбекона новелла жанри намуналари ҳасислик билан танланган ҳамда мазкур бадий асарларнинг ихчам ва сиқиклигига катъий амал қилинган бўлса, кейинги китобда андак ижодий эркинлик — ўқувчига таълаш, мулоҳаза-мулоқот юритиш имконияти берилади. Шу жиҳатдан янги туркумни: а) илгариги санъаткорона битилган табиат, ҳайвонлар, парранда-даррандалар сирли-синоатли ҳаётидан олиб ёзилган яхлит новеллалар («Қарға», «Бузок», «Тут», «Пилла», «Илон», «Қарқуноқ», б) инсоннинг мураккаб ҳаёт йўли, психологияси бадий таҳлилга бағишланган тулақонли хикоялар («Чуқой подвон», «Одамхур», «Лолакизғалдоқ», «Ҳазин наво», «Олма», «Тонора», «Арра») ҳамда в) биографик характерга эга бўлган очерк ва кичик қиссалар бўлимларига шартли равишда ажратиш мумкин («Амаким», «Техник хато», «Туёна», «Панаша қаерда ишлайдилар?», «Аспирант», «Гул», «Автореферат», «Мўхокама» сингари).

Янги тўпلامда мазмун-мундарижаси жиҳатдан тамоман янги бўлган «Мелс — Оқод бўлди», «Сидикнинг оши», «Таниш одам», «Магнитофон», «Муаллифдан» сингари мустакиллик замонининг «ўтиш даври» билан боғлиқ хикоялар ҳам борки, бу ижод намуналари ўз моҳият-эътибори билан кейинги икки асрни бир-бирига қўприк бўлиб бораётиди. Инсоний муаммо жамият қусури сифатида осон бартараф этилмаслигини бадий далиллаб беради.

Ёзувчи Тилаб Махмуднинг «Омонат дунё» китобига кирган хикояларининг мазмун ва моҳияти жиҳатидан қуйидаги туркумларга бўлиш мумкин

1. «Зиёлилик» асарлари. Унга биографик характердаги болалик, ўқувчи ва талабалик, аспирант, помоздорлик, докторлик ва идора ходимлиги тафсилотларига бағишланган хикоя, қисса, очерклар қиради. Рассом образининг мураккаб қирраларини акс эттирилган «Сурат ва сийрат» қиссаси ҳам шу туркумнинг яхши намунаси бўла олади.

2. Мустакиллигимиз ва унинг тарихи билан боғлиқ бўлган биографик асарлар ҳамда ўтган асрнинг 30—50-

ийлларидаги каттагон даври манзаралари тасвирига бағишланган, миллий бедодлик ҳикоя ва киссалари. Бу асарлар бугунги озод, мустакил, баркамол Ватан ва янги демократия сари илгариллаётган жамият тасодифан, ўз-ўзидан яратилиб қолмаганлигини кўрсатишда бадний исбот, солнома вазифасини ўтайди.

3. Соф ҳикоячилик-новеллачилик санъати намуналари бўлган асарлар. Улар руслардан Чехов, французлардан Мопассан, ўзбеклардан Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаевлар адабий анъаналаридан келиб чиқиб яратилган адиб Тилаб Маҳмуд қаламига хос, янгича миллий бадний ифода усулида пайдо бўлган асарлар туркуми.

4. Соф «мустакиллик» асарлари — озод турмуш — янги жамият бағрида юз кўрсатган ижобий ва айни пайтда салбий миллий фазилат ва иллатлар бадний таҳлилига бағишланган, санъаткорона битилган, шакли шайишлик адабий услуби жиҳатидан янгилик бўлган «ўтмиш даври» ҳикоялари.

5. Оилавий-маиший, кундалик турмуш ташвишлари, иқир-чикирларга бағишланган ҳикоя ва очерклар, қораламалар, кундаликлар топфасидаги ижодий изланиш намуналари. Улар орасида ҳам катта илҳом билан, санъаткорона яратилган, ҳикоя жанри талабларига тула жавоб бера оладиган мисоллар бор.

Иккинчи китобнинг илгун нимада-ю, камчилиги қасрда деган саволга мухтасар қилиб мен: илгун олдинги китоб анъаналаридан ўқилмаган ҳолда янги тилдаги ўзбек миллий ҳикоячилигини давом эттириш, изланишларни бадний маҳорат борасида янги босқичга кўтаришга интилиш, табиат ва инсон азалий ва абадий мавзусида яна янги ҳикояларнинг бутун яхлит намуналари яратилганлиги. Тилда ихчамлик, оригиналлик, халқ мақол ва ибораларидан уринли фойдаланган ҳолда шундай идинома намуналарини муаллифининг ўзи ҳам яратиб, ҳикояларда қўллаш. Камчилигига келганда иккинчи тўплам янги ёзувчининг турли жанр ва мазмун-мавзудаги ижодий изланишлари тўплами бўлиб қолганида. Унда тулақонли бадний ҳикоя новелладан тортиб, чала кисса, пишмаган, меъёрига етмаган очерк-лавҳалар, изланиш ва экспериментларнинг жамулжамлиги. Уларни ҳасиллик, каттиққўллик билан саралаш, танлаш, етилмагандарини пиштириб,

меъсрига етказиш муаллиф ва тақризчи-танқидчининг вазифаси бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, Тилаб Маҳмуднинг «Оқар дарс оқмасинди жимгина» ва «Омонат дунё» ҳикоялар тўпламлари уз мазмун-моҳияти билан узбек адабиётида янги саҳифа очди. Ҳикоячилик санъати — миллий адабиётимизнинг маҳорат мактаби эканлигини яна бир бор исботлади.

Маҳмуд САТТОРОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

МУНДАРИЖА

Истисно адиб (Файязасуф Тилаб Маҳмудовнинг бадиий ижоди ҳақида уйлар.) Ш у к у р Х о л м и р з а е в	3
Гулбаҳор	13
Қарға	18
Бузок	22
Чуқой полвон	26
«Олаиҳўр»	34
Лолақизгалдоқ (қисса)	38
Ҳазин наво	48
Тут	52
Пилла	55
Олма	60
Илон	65
Қарқупок	72
Амаким (қисса)	76
«Техник хато»	82
Тўёна	91
Папаша қаерда ишлайдилар?	98
Аспирант	104
Гул	112
Авторсферат	117
Муҳокама (қисса)	123
Товора	144
Арра	148
Сурат ва сийрат (қисса)	152
Мэлс — Озод булди	175
Покланиш	179
«Отам дерман»	185
Сидикнинг оши	193
Азиз меҳмонлар	197
Юлдуз	201
Ўрик	206
Таниш одам	211
Йул	214
Сюрприз	219
Магнитофон	224
Гўр талашув	229
«Муаллифдан»	234
Гушт емаган бола	241
Ўтмишдан эртақлар ёхуд утган аср ҳикоялари. (Тилаб Маҳмудовнинг «Ожар даре оқчагачиди жимчиш», «Омонат дунё» ҳикоят тўпламларини ўқиб..) Ма ҳ м у д С а т т о р о в	246

Ушбу китоб «Илҳом ва аср» ижодий маркази ҳомийлигида
ДА «Уйжойжамгармабанк» Қорасув булими кредити
қўмагида чоп этилди.

Тилаб Маҳмуд

ОМОНАТ ДУНЁ

Қисса ва ҳикоялар

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2004

Мухаррир *Э. Мирзодақимова*
Рассом *О. Восилонов*
Бадний муҳаррир *А. Мусахужаев*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Мусаҳҳихлар *Ю. Ёиллатова, Ш. Хуррамова*

Трипта берилди 17.10.03. Босишга руҳсат этилди 22.12.03. Бичи-
ми 84x108¹/₂. Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма
тобора 13,44. Нашриёт-ҳисоб тобора 14,88. Адади 5000 нусха. Буюртма
5468. Баҳоси келтирилган нархда.

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турок, 41.

2,500



Тилаб Махмуд — фалсафа фанлари доктори, профессор, Давлат мукофоти лауреати, санъатшунос ва маданиятшунос, эстетик олим. Унинг 1999 йили «Шарқ» нашриётида босилган «Оқар дарё оқмас-миди жимгина» ҳикоялар туплами ёзувчилар, танқидчи ва адабиётшунослар, кенг ўқувчилар оммаси диққатини ўзига жалб этган эди. Кулингиздаги «Омонат дунё»га кирган қисса ва ҳикояларида ҳам инсоннинг катта дардларию, ижтимоий ҳаёт пўрганаларини жонли қиёфаларда ўқувчи тасаввурини чирмаб олувчи ҳаётий ва бадиий ҳақиқат муштараклигида ифода-лаш хусусияти балқиб туради.

